

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

ТАФСИРИ ИРФОН

Қуръони карим маъноларининг
таржима ва тафсири

3- 4- 5- 6- ЖУЗЛАР
Оли Имрон, Нисо суралари

Таржима ва тафсир муаллифи:
Муфтий УСМОНХОН АЛИМОВ

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2013

УЎК 297

КБК 86.38

Т-27

- Ислом

Қуръони карим Аллоҳ таолонинг муборак каломи, Ислом динига оид барча ҳукмларнинг асосий ва биринчи манбаидир. Қуръони каримни яхши билмаган, тушунмаган кишиларнинг асл ҳидоят йўлидан, Ҳақ йўлдан чалғишлари, тури оқим ва ҳаракатларга алданиб қолишлари, миссионерлар ва сохта мазҳаблар таъсирига тушиб қолишлари осон кечади. Шунинг учун халқимизни иложи борича Қуръони карим билан яқиндан таништириш, унга бағищланган асарларни кўпроқ тарғиб қилиш ҳозирги пайтдаги муҳим вазифалардан саналади. Қуръони карим маъноларининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси муфтий Усмонхон Алимов таълиф қилган ушбу таржима ва тафсири шу йўлдаги камтарона уринишлардан бири. Кўлингиздаги Қуръони каримнинг Оли Имрон ва Нисо суралари маънолар таржимаси ва тафсири бошқаларидан шу билан фарқланадики, унда оятлар маъноси иложи борича замондош ўқувчиларимизга тушунарли, содда ва равон бўлишига ҳаракат қилинди.

Таҳрир ҳайъати:

Музаффар АҲМАДЖОНОВ (раис)

Ортиқбек ЮСУПОВ

Шайх Абдулазиз МАНСУР

Салоҳиддин ШАРИПОВ

Абдулҳамид ТУРСУН

Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ

Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ

Мирзо КЕНЖАБЕК

Олимхон ЮСУПОВ

Рустам ЖАМИЛОВ

N1-31755/3-6
491

Агадий муҳаррир:

Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг 185-рақамли тавсияси ила чоп этилди.

Т-27 «Тафсири Ирфон, 3—4—5—6-жузлар. Таржима ва тафсир муаллифи Муфтий Усмонхон Алимов, — Т.:«Sharq», 2013. — 352 б.


ISBN 978-9943-00-972-1

УЎК 297
КБК 86.38

ISBN 978-9943-00-972-1

© Усмонхон Алимов, 2013 йил.

© «Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2013 йил



МУАЛЛИФ СЎЗБОШИСИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ، وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ صَفْوَةِ
 خَلْقِهِ جَاءَنَا بِالْحِكْمَةِ وَفَصَلَ الْخُطَابَ فَصَلِيَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ
 وَأَصْحَابِهِ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ. أَمَّا بَعْدُ:**

Камина ходимингиз анчадан буён Ислом динининг бош манбай бўлган Қуръони каримнинг маъно таржимаси ва тафсирини тайёрлашни орзу қилиб келар эдим. Бу холис ният Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси сифатида иш бошлаганимдан сўнг янада қатъийлашди. Ниҳоят, Аллоҳ, таолодан тавфиқ ва ёрдам сўраб, бу мураккаб ва ниҳоятда масъулиятли ишга киришишга жазм этдим. Бир неча йиллик меҳнат ва изланишлар маҳсули бўлмиш тафсир катта истиҳола, андиша ва ширин умидлар или сиз, муҳтарам ўқувчиларнинг ҳукмингизга тақдим этилмоқда.

Эҳтимол, нуктадон ўқувчиларда: "Ҳозиргача Қуръони каримнинг Олтинхон тўра, шайх Алоуддин Мансур, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, шайх Абдулазиз Мансур ва бошқалар томонидан амалга оширилган маънолари таржимаси ва тафсири босилиб чиққан эди, яна янги тафсир қилишнинг ҳожати бормикин?" деган савол туғилиб қолар? Бунга жавобимиз шу: "Қуръони карим Аллоҳ таолонинг ақлларни лол қолдирувчи каломи бўлгани учун уни бошқа тилга мукаммал таржима қилишнинг имкони йўқ. Юқорида тилга олинган таржималар

кatta маҳорат билан, тил қоидаларига амал қилган ҳолда ўгирилган, буни асло инкор қилиб бўлмайди. Аммо Қуръони карим илоҳий Калом бўлгани учун Қуръон сўзларининг фасоҳати, балоғати, латофати, оҳангি қайта-қайта янгидан кашф бўлаверади.

Колаверса, Қуръони каримни яхши билмаган, тушунмаган кишиларнинг асл ҳидоят йўлидан, Ҳақ йўлдан чалғишлиари, турли оқим ва ҳаракатларга алданиб қолишлари, миссионерлар ва соҳта мазҳаблар таъсирига тушиб қолишлари осон кечади. Шунинг учун халқимизни иложи борича Қуръони карим билан яқиндан таништириш, унга бағишлиланган асарларни кўпроқ тарғиб қилиш ҳозирги пайтдаги муҳим вазифалардан саналади. Чунки Қуръони карим бошдан-оёқ инсонларни яхшилик қилишга, бошқа халқлар билан тинч-тотув яшашга, қон тўқмасликка, ҳалол ва ҳаромни ажратишга, Аллоҳдан қўрқишишга, Унга итоатда бўлишга чорлов билан тўлиб-тошган.

Яна Қуръони карим ислом динига оид барча ҳукмларнинг асосий ва биринчи манбайдир. Мусулмон фақиҳлар бирор нарсанинг шариатдаги ҳукмини билмоқчи бўлсалар, албатта энг олдин Куръонга мурожаат қиласилар. Ўзлари излаётган масала ҳақида Қуръонда бирор ҳукм бўлса, уни дарҳол қабул қиласилар. Ўша нарса Қуръонда бўлмаган тақдирдагина суннат, ижмо, қиёсга мурожаат қиласилар. Бошқа соҳаларда ҳам худди шундок. Ҳатто араб тили қоидалари ҳам Қуръондаги сўзлар ва оятлардан олингандир".

Ҳозиргача бизнинг Мовароуннаҳр диёrimиздан етишиб чиққан муфассирлар ёзган тафсирларнинг ниҳоятда кўплиги ва улар ҳозиргача қийматини йўқотмагани фикримиз далилидир. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг "Тафсирул-кабир" тафсирлари бор, "Жомиъ ус-саҳих" китобларида мингдан ортиқ ҳадис Қуръони карим оятларининг тафсири ҳисобланади. Самарқандлик Имом Абу Мансур Мотурудийнинг (таваллуди хижрий 333 йил) "Таъвийлоту аҳлис-сунна", Имом Абу

Лайс Самарқандийнинг (вафоти ҳижрий 373 йил) "Баҳрул-улум", Имом Жоруллоҳ Замахшарийнинг (Хоразм, 468– 538) "Тафсирул-кашишоф", Имом Фахруддин Розийнинг (Хоразм, таваллуди ҳижрий 543 йил) "Мафотиҳул-ғайб", Имом Абул Баракот Насафийнинг (Қарши, ҳижрий VII аср) "Мадорикут-танзил ва ҳақоиқут-таъвил" тафсиrlари Ислом оламида машҳур. Марказий Осиёдан чиққан ёки шу ерда ўқиб, бошқа шаҳарларда истиқомат қилган уламолар томонидан яратилган бундан бошқа тафсиrlар ҳам кўп. Масалан, тожик, татар, ўзбек тилларида ёзилган "Ал-итқон", "Тафсирун Нўъмоний", "Тафсиру Мавокиб", "Тафсирут-Тибён", "Тафсиру Мавлоно Яъқуби Чархий" ва бошқа мўътабар тафсиrlар мавжуд.

Қўлингиздаги Қуръони каримнинг маънолар таржимаси ва тафсири бошқаларидан шу билан фарқланадики, унда оятлар маъноси иложи борича замондош ўқувчиларимизга тушунарли, содда ва равон бўлишига ҳаракат қилинди. Бунда оятлар таржимасида қавс ичидағи изоҳлардан иложи борича воз кечилди. Оятларни тафсир қилишда ўтмишдаги ва ҳозирдаги улуг муфассирлардан Абу Мансур Мотуридийнинг "Таъвилоту аҳли-сунна", Абул Фидо ибн Касирнинг "Тафсирул Қуръанил-азийм", Ибн Жарир Табарийнинг "Тафсири Табарий", Жалолиддин Суютийнинг "Ад-Дуррул мансур фи тафсирил-маъсур", Носириддин Байзовийнинг "Анварут-танзил", Имом Абул Баракот Насафийнинг "Мадорикут-танзил ва ҳақоиқут-таъвил", Алоуддин Хозиннинг "Лубобут-таъвил фи маъонит-танзил", Жалолиддин Маҳаллий ва Жалолиддин Суютийнинг "Тафсирул-Жалолайн", доктор Ваҳба аз-Зухайлийнинг "Тафсири Мунир" тафсиrlари ҳамда рус, татар тилларидағи тафсиrlардан истифода қилиш билан бир қаторда замонавий фан-техника ютуқлари ва қашфиётлари баён этилган илмий китоблардан ҳам фойдаланилди. Ушбу тафсиrdаги оятларнинг маъноси устоз шайх Абдулазиз Мансур жанобларининг "Қуръони карим маъ-

нолари таржимаси" асосида ўгирildи. Шу ўринда қимматли фикр-мулоҳазалари ва дуолари билан лутф кўрсатган фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф хазратларига, таржима ва тафсирни адабий тил қоидаларига мослаштиришда beminnat ёрдам берган ёзувчи Аҳмад Муҳаммад Турсунга, китобни таҳrir қилиб, нашрга тайёrlашда кўп хизматлар қилган идорамиз ходимларидан шайх Абдулазиз Мансур, Абдулҳамид Турсунов, устоз Салоҳиддин Шарипов, Мирзо Кенжабек ва бошқаларга чин дилдан миннатдорлик билдиришга бурчлиман.

Ушбу катта ва сермашақкат ишни амалга ошириш чоғида барча хатокор инсонлар каби камчилик ёки нуқсонга йўл қўйган, беихтиёр ниманидир ғалат ёзган бўлишим мумкин. Шунинг учун мутолаа чоғида саҳву хатоларимни ҳиммат назари билан кечириб, ислоҳ қалами ила ўчириб қабул қилишингиздан, дуоларингизда ходимингизни ва отоналаримизни ёдга олишингиздан умидворман. Аллоҳдан бу камтарона уринишларни муваффақиятли қилишини ва ёрдам беришини, китобдан фойдаланиб баҳра олганларга икки дунё саодатини ато этишини ёлбориб сўрайман. Аллоҳ кифоядир. У жуда ҳам яхши вакил ва улуғ қудрат соҳибидир. Аллоҳ нимани хоҳласа, ўша бўлади. Аллоҳга таваккал қилдим, Ундан ёрдам сўрадим, ҳамма ишимни Унга топширдим. "Ва (бунга) ёлғиз Аллоҳнинг ёрдами билангина муваффақ бўлурман" (Ҳуд, 88).



УЧИНЧИ ЖУЗ

3. ОЛИ ИМРОН (Имрон хонадони) СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган, 200 оятдан иборат

Сура номи луғатда "Имрон хонадони" маъносини билдиради. Қуръони каримнинг ушбу учинчи сураси Мадинада нозил қилинган, 200 оятдан иборат. Сурага Бадр, Уҳуд ғазотлари воқеалари, дин асосларидан ҳисобланган ақида ва шариат қонунлари, Аҳли китобдан бўлган насронийлар ҳақида батафсил сўз боради. Сурага Марямнинг отаси Имрон ва унинг аҳли-оиласи ҳақидаги қисса зикр қилингани учун сура шундай аталган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ


Бисмиллаҳир роҳманир роҳийим

(Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман)



1. Алиф, лам, мим.

Ушбу ҳижо, кесик ҳарфлар ҳақида Бақара сурасининг тафсири бошида батафсил тўхтаб ўтилган.




2. Аллоҳдир, Ундан ўзга илоҳ йўқдир, У тирик ва қайюмдир.

Аллоҳ – бутун оламларнинг, коинот ва борлиқнинг, барча жонли-жонсиз мавжудотларнинг ягона Яратувчisi, Хожаси, Парвардигори. Унинг тенги ҳам, шериги ҳам, ўхшали ҳам йўқ, Ундан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқдир. У – туғмаган, туғилмаган, туғдирмаган. У – азалий ва абадий, ҳамма нарсага қодир Зот. У – ҳамма нарсани билувчи, кўрувчи, эшитувчи, У – макон ва замондан ташқари, барча нуқсон-камчиликлардан пок, холи. У ҳамиша тириқдир. Аллоҳ таолонинг "қайюм" сифати Унинг ҳар бир нарса устидан ҳукмрон эканини ва ҳар бир нарса Унинг сабабидангина мавжуд туришини англатади.

Ушбу сура бошланишидаги тақрибан саксон-тўқсон оят Нажрон насронийлари воқеаси хусусидадир. Нажрондан олтмиш насронийдан иборат фаразли жамоа Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳузурларига келиб, Ислом ва насронийлик ўртасидаги низоли масалалар хусусида сўзлашишади. Улардан Абдулмасих шу жамоатнинг амири, Айҳамус-Сайийд маслаҳатчи ва Абу Ҳориса барчаларининг пешвоси эди. Ушбу воқеанинг тафсилотлари тарих ва сийрат имоми Муҳаммад ибн Исҳоқ китобида келтирилган. Насронийлар Исо алайҳиссаломни Худонинг ўзи ёки Унинг ўғли ёхуд уч худонинг бири, деб зътиқод қилишарди. Суранинг илк оятларида тавҳид, яъни Аллоҳнинг ягоналиги, Унинг абадий тирик ва барча нарса устида қайюм тургани ва ҳамма нарса Унинг измида экани исботланади. Исо алайҳиссалом эса бу сифатлардан холидирлар. Сура давомида насронийлар ақидасининг нотўғри экани баён этилади.

نَزَّلَ عَلَيْكَ الْكِتَبَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقاً لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَأَنْزَلَ التَّوْرِيدَ
نَزَّلَ عَلَيْكَ الْكِتَبَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقاً لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَأَنْزَلَ التَّوْرِيدَ



3. (Эй Мұхаммад), У сизга ўзидан олдингиларини тасдиқловчи Китобни ҳақ билан нозил қилди. Таврот ва Инжилни ҳам нозил қилди;

Муфассирлар айтишади: "Нажрон әлчилари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдилариға келишди. Улар Расули акрам аср намозини ўқиётган пайтларида масжидга кириб боришли. Устларида йўл-йўл кийим, жубба ва ридолар бор эди. Ҳорис ибн Каъбдек чиройли эдилар. Баъзи асҳоблар "Улар каби әлчиларни кўрмаганмиз", дейишли. Намозлари вақти кирганида улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида машриққа қараб намоз ўқиши. У зот: "Инданглар" дедилар. Кейин эса уларнинг амир ва саййидлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиши. У зот: "Исломга киринглар", дедилар. Улар "Сендан олдин Исломга кирганимиз", дейишли. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ёлғон айтяпсизлар, "Аллоҳнинг боласи бор" дейишингиз, хочга ибодат қилингиз ва чўчқа гўштини ейишингиз сизни Исломдан тўсади", дедилар. Улар: "Агар Исо Аллоҳнинг боласи бўлмаса, унинг отаси ким?" дейишли ва ҳаммалари бирлашиб Исо алайхиссалом ҳақида Расулуллоҳ билан баҳслашиб кетиши. У зот: "Ҳар қандай бола ҳам отасига ўхшашини билмайсизларми?" дедилар. "Ҳа, шундай", дейишли. У зот: "Роббимиз ҳамиша тирик, ҳеч қачон ўлмайди, лекин Исо ўлади, шуни билмайсизларми?" дедилар. "Ҳа, шундай", дейишли. "Роббимиз ҳар бир нарсанинг устида қоим – ризқ бериб, ҳимоя қилиб туради, шуни билмайсизларми?" дедилар. Улар яна тасдиқлашди. "Исо буларнинг бирортасини қила оладими?" деб сўраган эдилар, улар: "Йўқ!" дейишли. "Роббимиз Исога онасининг қорнида Ўзи хоҳлаганидек сурат берган, Роббимиз емайди, ичмайди, (одамлар билан) гаплашмайди, шуни билмайсизларми?" дедилар. "Ҳа, шундай", дейишли улар. "Исонинг онаси худди бошқа аёллардек ҳоми-

ладор бўлиб, қорнида кўтариб юрган, сўнг аёллардек кўзи ёриган, сўнг боқсан, сўнг озиқдантирган, ичган, гапирган, шундай эмасми?" дедилар. Улар яна маъқуллашди. "Ундай бўлса, қандай қилиб сиз гумон қилгандай бўлади?" дедилар. Улар жим қолишли. Шунда Аллоҳ улар ҳақида Оли Имрон сурасининг аввалги саксон нечадир оягини нозил қилди". Аллоҳ таоло буларнинг ҳаммасини охирги нозил қилган китоби Қуръони каримда батафсил баён қилган, ундан олдин туширган Таврот ва Инжилда ҳам зикр этган.

مِنْ قَبْلِ هُدَىٰ لِلنَّاسِ وَأَنْزَلَ الْفُرْقَانَ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُواٰ يُبَايِنُتِ اللَّهُ لَهُمْ



عَذَابٌ شَدِيدٌ وَاللَّهُ عَزِيزٌ ذُو أَنْتَقامٍ

4. олдинги одамларга ҳидоят қилиб. Ва Фурқонни ҳам нозил қилди. Аллоҳнинг оятларига имон келтирмай-диганларга қаттиқ азоблар бор. Аллоҳ ғолибdir, интиқом оловчиidir.

"Фурқон" ҳақ билан ботилни ажратувчи, яъни Қуръони каримdir. Илоҳий китоб хабар беряптики, Аллоҳ таоло инсонларни ҳидоят йўлига, ҳақ йўлга чорлаш учун Ўзининг самовий китоблари Таврот ва Инжилни нозил қилган эди. Аммо саркаш, итоатсиз инсонлар ушбу китобларнинг ҳукмларига итоат этишмади, ҳатто унинг ҳукмларини ўзгартиришгача боришли, Парвардигор ваҳийларини етказишга ҳаракат қилган пайғамбарларни хорлашди, ҳатто жисман маҳв этишгача боришли. Шунда Аллоҳ азза ва жалла охирги китоби Фурқонни, яъни ҳақ ва ботил орасини ажратиб берувчи Қуръони каримни нозил этди. Агар бу гумроҳ баndlар шунда ҳам Аллоҳ таолонинг оятларига имон келтирмайдиган бўлишса, унда Аллоҳ таолонинг охират дунёсидаги қаттиқ азобларига, жаҳаннам қийноқларига гирифтор бўлишади. Аллоҳни бундан ҳеч нарса тўса олмайди, чунки У ҳамиша, ҳар ишда ғолибdir, кофир ва мушриклардан интиқом (қасос) оловчиidir!




إِنَّ اللَّهَ لَا يَخْفَى عَلَيْهِ شَئٌ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ

5. На ердаги, на осмондаги бирор нарса Аллоҳга асло яширин эмасдир.

Аллоҳ таоло шунчалик қудратли, ҳар ишга қодирки, ер устидаги, ер остидаги, борлиқ ва коинотдаги бирор нарса Унга яширин қолмайди. Дунё ва охиратда бўладиган ҳамма ишлар, воқеа-ҳодисалар Аллоҳнинг илми, хоҳиш-иродаси, қудрати ва тақдиди билан бўлади. У — ҳамма нарсадан огоҳ ва хабардор. У ҳукм-фармонларини инсониятга расул ва набийлари орқали юборган. Аллоҳ таоло бутун замину коинотни Ўзининг илоҳий низоми орқали бошқариб туради, Ўзи яратган маҳлуклари ўртасида адолат ўрнатади. У кечасию кундузи содир бўлаётган ишлар, бандаларининг барча қилмишлари, ҳатто уларнинг дилидан ўтаётган хаёллардан ҳам яхши хабардордир. Қуръони каримда бундай баён этилади: "Аллоҳ бизларга сизларнинг хабарингизни билдири. Албатта, Аллоҳ ва Расули ишларингизни кўргай. Сўнгра ва яширин ва ошкора (ишлар)ни билувчи (зот – Аллоҳ)га қайтарилурсиз. Бас, (У) сизларга қилган ишларингиз хабарини берур" (Тавба, 94).

هُوَ الَّذِي يُصَوِّرُ كُمْ فِي الْأَرْحَامِ كَيْفَ يَشَاءُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ



الْحَكِيمُ

6. У бачадонда бўлганларингизда хоҳлаган сувратига солувчиидир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У қудратли ва ҳикматлидир.

Аллоҳ таоло шунчалар қудратли, ҳар ишга қодирки, У ҳатто аёлларнинг бачадонидаги нарсаларни Ўзи истаган ҳолатта

солувчиидир. Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: "Эй инсонлар... Биз сизларга (Аллоҳнинг қудратини) баён қилиш учун сизларни (отангиз Одамни) тупроқдан, сўнгра (Одам наслини) манийдан, сўнгра лахта қондан, сўнгра (шаклланиб) битган ва битмаган парча гўштдан яратдик. Биз хоҳлаганимизча – муайян муддатгача бачадонларда қолдириб, сўнгра чақалоқ ҳолингизда (дунёга) чиқарурмиз" (Ҳажж, 5). Анас ибн Молик розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади: "Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Албатта, Аллоҳ азза ва жалла бачадонга бир фариштани вакил қилган. У (фаришта): "Эй Роббим, у нутфа (бўлди)", "Эй Роббим, у алақ (бўлди)", "Эй Роббим, у гўшт (бўлди)" дейди. Агар Аллоҳ таоло унинг яратилиши тутал бўлишини ирода қилса, фаришта "Эркакми ёки аёлми, бахтлими ёки бахтсизми, ризқи ва ажали қандай?" дейди ва булар онасининг қорнидаёқ битиб қўйилади", дедилар" (Имом Б.)

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَبَ مِنْهُ إِيمَانٌ مُّحَكَّمٌ تُهُنَّ أُمُّ الْكِتَبِ

وَآخِرُ مُتَشَبِّهَتُ فَأَمَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ زَيْغٌ فَيَتَبَعُونَ مَا تَشَبَّهَ مِنْهُ

أَبْتِغَاءَ الْفِتْنَةِ وَأَبْتِغَاءَ تَأْوِيلِهِ وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلُهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ

فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ إِنَّا بِهِمْ كُلُّ مِنْ عِنْدِ رَبِّنَا

وَمَا يَذَكَّرُ إِلَّا أُولُوا الْأَلْبَابِ

وَمَا يَذَكَّرُ إِلَّا أُولُوا الْأَلْبَابِ

7. У сизга Китоб нозил қилгандир, унда Китобнинг ўзаги саналган муҳкам оятлар ҳам бор, муташобиҳ оятлар ҳам бор. Дилларида оғиш бўлганлар фитна қилиш ва ўзларича маъно бериш учун муташобиҳларига эргашишади. Ҳолбуки буларнинг маъносини Аллоҳдан ўзгаси билмайди.

Илмда событлар: "Унга ишонганимиз, барчаси Парвардигоримиз ҳузуридандир", дейишади. Ақл әгаларигина насиҳат олишади.

Қуръони карим оятлари мұхқам ва муташобиҳга ҳам бўлинади. Бунинг ўзи алоҳида бир илм бўлиб, Қуръон илмлари фани бўйича мутахассис уламолар буни маҳсус ўрганишади. "Мұхқам" сўзи "маҳқам", "очик-оидин", "бошқа ёққа буриб бўлмайдиган" деган маъноларни англатади. Қуръони каримда келган мұхқам – оидин оятларнинг маънолари равshan, тушунилиши ҳам осон. "Улар китобнинг аслидир", яъни, ўша мұхқам оятлар Қуръоннинг аслини ташкил қиласди. "Муташобиҳ" сўзи луғатда "ўхшаш, бирини биридан ажратиш қийин" ва "шубҳали" деган маъноларни англатади. Бири-бирига ўхшаш нарсалардан мурод нималигини билиш, қайсиниси ирода қилинаётганини ажратиш қийин бўлганидан улар "муташобиҳ" деб аталган. Усулул фиқҳ уламолари таърифида: "Муташобиҳ" лафзнинг ўзидағи маҳфийликдан иборат бўлиб, уни баён қилиб берадиган сиртқи белгилари йўқ ва унинг илмини Аллоҳ таоло Ўзига хос қилган ҳамда бандаларига тафсир қилиб бермаган лафздир". "Муташобиҳ" қаломнинг энг маҳфий ва энг мубҳам тури ҳисобланади. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло ирода қилган ҳикмат учун Қуръонда муташобиҳ оятларни нозил қиласди. Лекин булар жуда ҳам оз бўлиб, кишиларнинг имонини синашга хизмат қиласди.

Қуръони каримнинг мұхқам ва муташобиҳ оятлари борасидаги мақбул йўл шуки, иккинчи қисм оятларни биринчи қисмдагиларга мувофиқ қилиб кўриш лозим. Агар унга маъно ва мақсадда тўғри келса қабул қилинади, тўғри келмаса, рад этилади. Инсон ақли-фаҳми билан уларга маъно бермай, ҳақиқатни Аллоҳ таолога ҳавола қиласди, оят зоҳирига имон келтириб, "Ҳаммаси Парвардигоримизнинг оятлари" деб эътиқод этади. Чунончи, дин

илмида комил ва собит мусулмонлар шундай қилишган. Дилларида ғарази ва бузуқлиги бўлган кимсалар эса бошқаларни йўлдан оздириш, улар орасига фитна солиш учун муташобиҳ оятлардан фойдаланишади, уларга ўз истакларига кўра, ўз билганларича маъно беришади. Оишадан (розийаллоҳу анҳо) ривоят қилинишича, "Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги оятни тиловат қилгач, бундай дедилар: "Агар маъноси равshan бўлмаган оятларга риоя этувчи кишиларни кўрсанг, билгинки, Аллоҳ таоло "Улардан ҳазар қилинглар!" деб айтган" ("Саҳиҳи Бухорий").

رَبَّنَا لَا تُزْغِ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً

إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَابُ 

8. "Эй Парвардигор! Ҳидоят қилганингдан кейин яна дилларимизни буриб қўйма ва бизларга раҳматингни ато эт! Сен албатта кўп неъматларни ато қилувчисан".

Илмда собит кишиларнинг Парвардигорларига дуолари яна ҳидоят қилганидан кейин дилларни буриб қўймаслик ҳақида бўлади. Ҳақиқатан, инсон учун Аллоҳга ва Унинг Расулига имон келтиргандан кейин шайтон васвасасига ёки дин душманларининг алдовига учиб, яна бошқа эътиқодларга ўтиб кетиши, бузук мазҳабларга эргашишдан ҳам ёмон иш йўқ. Аллоҳ таоло жуда кўп неъматларни инсонларга ато этиб қўйган. Буларнинг энг эътиборлиси, муҳими имон ва Ислом неъматидир. Ким бу неъматларга ношукрлик қилса, булардан маҳрум бўлади. Неъматларга шукр этмагани учун Парвардигор ғазабига учрайди, гуноҳга ботади.

Берилган неъматларга шукр қилиш фақат Аллоҳ таоло яхши кўрадиган нарсаларни қилиш билан камолига етади. Зоро, шукрнинг маъноси Аллоҳ неъматларини Ўзи яхши

кўрадиган ва рози бўладиган жойларга ишлатишdir. Бунинг акси куфроналик, яъни неъматларни тарқ этиш ёки Аллоҳ ёмон кўрадиган ерларда ишлатиш бўлади. Шукрнинг даражалари кўп: банданинг Аллоҳ таоло ўзига берган неъматларига шукр айтишдан ожизлигини билиши – шукр айтишdir. Аллоҳнинг буюк мағфиратини ва Унинг гуноҳларни беркитишини англаш ҳам шукр этишdir. Ўзи муносиб бўлмаса ҳам Аллоҳ неъматларни бериб қўйганини эътироф этиш ҳам шукрdir. Неъмат келганида чиройли тавозуз кўрсатиш ва Аллоҳга бўйин эгиш – шукр. Шукр этишнинг ўзи Аллоҳ таоло неъматларидан бири эканини англаш ҳам шукрdir. Восита бўлганларга раҳмат-миннатдорчилик айтиш ҳам шукрdir. Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларида келганидек: "Инсонларга раҳмат айтмаган одамдан Аллоҳ рози бўлмайди" (Абу Довуд, Термизий ва Ибн Ҳанбал ривояти). Неъмат берувчи Зотта эътиroz билдиришдан сақланиш ва чиройли одоб кўрсатиш ҳам шукрdir. Неъматни чиройли қабул қилиб олиш ва кичигини ҳам катта деб билиш ҳам шукр этишdir.

رَبَّنَا إِنَّكَ جَامِعُ النَّاسِ لِيَوْمٍ لَا رَبَّ فِيهِ

إِنَّ اللَّهَ لَا يُخْلِفُ أَمْيَكَاد



9. "Эй Парвардигор! Сен ҳеч шубҳасиз келадиган Кунда одамларни тўплайсан". Аллоҳ албатта ваъдасини бузмайди.

Аллоҳ таоло қиёмат куни инсонларни ўлганларидан кейин қайта яратади ва барчаларини ҳисоб-китоб учун Ўз ҳузурида тўплайди. Бу иш Унга асло қийин эмас. Йўқ ердан инсонни бор қилган, она бачадонига тушган бир томчи нутфадан ҳамма аъзолари мавжуд чақалоқни яратса олган Аллоҳга ўлган инсонларни қайтадан яратиш, тирилтириш ҳеч қан-

дай қийинчилик туғедирмайды. "Бирор нарсаны (яратышни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина "Бўл!" демоқликидир. Бас, у бўлур!" (Ёсин, 82). Ер юзини ўлганидан (яъни сувсизликдан экин-тикинлар қуриб, ҳеч нарса битмайдиган бўлиб қолганидан) кейин осмондан сув (қор-ёмғир) ёғдириб, ўсимликлар, дов-дараҳтлар билан қоплаттирган Аллоҳ инсонларни ўлганларидан кейин янгидан тирилтиришга ҳам куч-кудрати етадиган Зотдир. Бу ҳақда Аллоҳ азза ва жалланинг Ўзи хабар беради: "Биз ўликларни ҳам (ўз жойларидан) мана шундай чиқарумиз. Шояд, эслатма-ибрат олсанглар" (Аъроф, 57). Уларни илк бора яраттан Зот ўлдирганидан сўнг ҳам руҳларини такрор жасадларига қайтаришга қодирдир.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَنْ تُغْنِيَ عَنْهُمْ أَمْوَالُهُمْ وَلَا أَوْلَادُهُمْ مِنَ اللَّهِ

شَيْئًا وَأُولَئِكَ هُمْ وَقُدُّ أَنَارٍ



10. Кофирларнинг моллари ҳам, болалари ҳам Аллоҳнинг азобидан асло қутқара олмайди, ана шулар дўзах ёнилғисидир.

Дунё ҳаётида кофирлар кўпинча мол-дунёларининг кўплиги, бола-чақаларининг бисёrlиги билан мақтанишади. Ҳолбуки, булар дунё ҳаётидаги бир синовдир, ўткинчи саробдир. Қиёмат бўлганида кофирларни улар дунё ҳаётида ишонган мол-мулклари ҳам, бола-чақалари ҳам дўзах азобидан, охират ҳисоб-китобидан қутқариб қола олмайди. Айнан ўшаларгина дўзахни янада қиздириш, оловини ловуллатиш учун ёнилғи вазифасини ўтайди.

كَدَأْبٌ إِلَى فِرْعَوْنَ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ كَذَبُوا إِنَّا يَنْهَا فَلَآخْذَهُمُ اللَّهُ

بِذُنُوبِهِمْ وَاللَّهُ شَدِيدُ الْعِقَابِ

11

11. Фиръавн авлоди ва улардан олдингиларга ўхшаб улар ҳам оятларимизни ёлғонга чиқаришиди. Гуноҳлари туфайли Аллоҳ уларни жазолади, ахир Аллоҳнинг азоби қаттиқдир.

Инсоният тарихига назар солсангиз, Нух алайҳиссалом қавми ҳам Аллоҳ азза ва жалланинг ваҳийларини ёлғонга чиқариб, Аллоҳнинг ғазабига учраган, қаттиқ тўфон барчаларини сувга ғарқ қиласан эди. Кейин Од ва Самуд қавми ҳам худди улар каби Аллоҳ оятларини, пайғамбарлар даъватини ёлғонга чиқарди. Улар ҳам илоҳий жазога гирифтор бўлишди. Мусо алайҳиссалом даврига келиб бадбаҳт фиръавнлар ва уларнинг авлодлари ҳам олдингиларнинг қилимишини қайтарди ҳамда улар ҳам кофирилиги ва мушриклиги учун Аллоҳнинг оғир азобига учради. Энди Макка кофиirlари ва мушриклари ҳам олдинги қавмларнинг хатосини такрорламоқда. Улар охирзамон Пайғамбари Мұхаммад алайҳиссалом келтирган илоҳий ваҳийларни ёлғон санамоқда ва Пайғамбарга эргашишдан бўйин товламоқда. Олдинги исёнкор ва саркаш қавмларни Аллоҳ азза ва жалла қандай қаттиқ жазолаган бўлса, Макка мушрикларини ҳам шундай аламли азобларга рўпара қилишга қодирдир. Аллоҳнинг азоби ниҳоятда қаттиқ, ундан ҳеч бир жон қочиб қутула олмайди.

قُل لِلَّذِينَ كَفَرُوا سَتُغْلِبُونَ وَتُحَشَّرُونَ إِلَى جَهَنَّمَ

وَيَقْسَ الْمَهَادُ

12

Alisher Navoiy
nomidagi
2013/14 87/46 O'zbekiston M

12. (Эй Мұхаммад), коғирларга: "Шак-шубҳасиз мағлуб бўласизлар ва жаҳаннамда тўпланасизлар, у ниҳоятда ёмон жойдир", денг.

Ушбу ояти кариманинг нозил бўлиши ҳақида бир неча ривоятлар бор. Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо) айтади: "Аллоҳ Бадрда мушрикларни мағлуб этгач, яхудийлар: "Аллоҳга қасам, бу Мусо бизга башорат қилган умумий пайғамбардир. Биз китобимиизда унинг сифат-аломатларини топган эдик. Унинг байроби асло пасаймайди", дейишиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тасдиқлаб эргашмоқчи бўлишди. Шунда баъзилари: "Шошманглар, унинг бошқа жангини ҳам кузатайлик-чи", дейишиди. Ухудда мусулмонлар енгилгач, улар иккиланишиди ва: "Аллоҳга қасам, бу ўша эмас", дейишиди. Уларда бадбаҳтлик устун келиб, Исломни қабул қилишмади. Расулуллоҳ билан ўрталаридаги шартномани бузишди. Каъб ибн Ашраф Ҳудий олтмиш отлиқ билан Маккага, Абу Суфеннинг олдига борди ва улар билан (мусулмонлар зарарига) келишиб: "Сўзимиз бир жойдан чиқади", деди. Кейин эса Мадинага қайтиб келишди. Шунда Аллоҳ таоло улар ҳақида ушбу оятни нозил қилди".

قَدْ كَانَ لَكُمْ إِيمَانٌ فِي فِتْنَتِنَا فِتْنَةٌ تُقْتَلُ فِي سَبِيلٍ
أَلَّا وَآخَرَى كَافِرَةٌ يَرَوْنَهُمْ مُشْتَهِيَهُمْ رَأَى الْعَيْنَ وَاللهُ يُؤْتِدُ
بِنَصْرِهِ مَنْ يَشَاءُ إِنَّكَ لِعَبْرَةٌ لَا أُولَئِكَ الْأَبْصَرُ

(13)

13. (Эй яхудийлар), тўқнашган икки гурӯҳда сизларга ибрат бор: бири Аллоҳ йўлида жанг қилади, бошқаси куфр келтиради. Ва улар душман икки баробар кўплигини кўзлари билан кўриб туришар эди. Аллоҳ хоҳлаганини

ёрдами билан қувватлантиради. Бунда оқилларга албатта ибрат бор.

Ушбу воқеа Бадр жангиде содир бўлган: мусулмонлар мушрикларнинг ўзларидан икки-уч баробар кўплигини кўзлари билан кўриб туришар эди. Шунга қарамай, улар Аллоҳнинг нусрати билан ғолиб чиқишиди. Уруш тугаб, Мадинага қайтиб боришгач, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) яхудийларни тўплаб: "Эй яхудийлар, ҳақ Пайғамбар эканимни билдингиз, Аллоҳ таоло Қурайш бошига солган кулфатлар сизларга ҳам келмай туриб Исломга киринглар", дедилар. Аммо улар: "Урушмаган бир неча қурайшликтни мағлуб қилганинг билан мағурурланма, бизнинг кучимизни урушганда биласан", дейишиди. Шунда юқоридаги ояти карима тушган. Айрим муфассирлар юқоридаги икки оят Расулуллоҳ алайҳиссалом билан тузилган битимни бузган, Бадр ва Уҳуд жанглари орасида мусулмонларга қарши уруш қилган биринчи яхудий қабиласи – Бани Қайнуқоъ қабиласи ҳақида тушган, дейишиади.

زُيَّنَ لِلنَّاسِ حُبُّ الْشَّهَوَاتِ مِنَ النِّسَاءِ وَالْبَنِينَ وَالْقَنَاطِيرِ
 الْمُقْنَطَرَةِ مِنَ الْذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَالْخَيْلِ الْمُسَوَّمَةِ وَالْأَنْعَمِ
 وَالْحَرْثُ ذَلِكَ مَتَّعُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا
 وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الْمَعَابِ



14. Аёллар, болалар, олтин ва кумуш хазиналари, чопқир отлар, чорва ва экинларга муҳаббат одамларга чиройли кўрсатиб қўйилди. Булар дунё ҳаётининг ўткинчи фойдаларидир, Аллоҳ ҳузурида эса гўзал қайтиш жойи бор.

Инсон зоти фитратан мол-дунёга ишқибоз, интилувчи қилиб яратилган. Инсонга аёллар, турли бойликлар, улов воситалари, чорва молларию экин-тикинлар зийнатли қилиб қўйилган. Исломда мол-дунёга қаттиқ муҳаббат ҳам, таркидунёчлилк ҳам бирдай қораланганд. Бойлик ва фақирлик кишига неъмат ҳам, азоб сабаби ҳам бўлиши мумкин. Зоро, инсон бойлик ё фақирлик билан имтиҳон қилинади. Бойлик инсонларга вақтинча берилган бир омонат, ҳақни топишда бир васила, деб қаралса, ҳақиқатан ҳам у бир неъмат бўлади. Фақирлик эса ёмон ишларга – гуноҳларга етакловчи ишлардан қайтарса, ҳақиқатан ҳам у буюк неъмат саналади.

Дунё бир восита холос, нимага восита бўлса, шунинг ҳукмини олади. Агар у саодатга, савобга эриштиурса, дунё қийматлидир. Агар у гуноҳларга етаклаб борса, дунё энг ҳақир, паст нарсадир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломнинг бундай ҳадислари бор: "Аз-зухду фид-дуня юрихул қолба вал бадана вар-роғбату фиҳа туксирул ҳамма вал ҳазана", яъни дунёга рағбат қиласлиқ, аҳамият бермаслиқ, дунё ишларидан четланган бир обид ва зоҳид банда бўлиш қалб ва вужудга ором бағишлиди, дунёга рағбат қилиш, уни севиш эса фам ва маҳзунликни зиёда қиласди. Шайх Фариуддин Атторнинг "Мантиқут-тайр" асарида Исо алайҳиссалом ва шайтон мунозараси ҳақида ибратли бир ҳикоят бор: Бир куни Исо алайҳиссалом бошига ёстиқ ўрнига бир фиштни қўйиб ухлаб ётган эди. Кўзини очиб қараса, қаршисида лаънати Иблис турган змиш. У Исо Масиҳга: "Менинг фиштим устига бош қўйиб ухлабсан, демак менинг молимни ишлатиб, менга ўзингни бойлабсан. Чунки жумла дунё даҳлсиз менинг мулким ҳисобланади, шу синиқ фишт ҳам менинг молимдир", дебди. Исо алайҳиссалом фиштни олиб, отиб юборди ва ерга бош қўйиб уйқуга кетди...

Молга ҳирс қўйиш, уни тўплашга рағбат қўрсатиш, жоийига сарфлаш ўрнига баҳиллик билан босиб ётиш Исломда

қаттиқ қораланади. Лекин ҳадиси шарифга мувофиқ, зако-ти адо қилинган мол тўпланган ҳисобланмайди. Бойлик обрў-мартаба ёки фахр-кибраниш асоси эмас. Баъзан кўча-кўйда, тўй-маросимларда айрим нодон кишиларнинг бой-бадавлат кишиларга бошқачароқ ҳурмат-эҳтиром кўрсатишини, ол-дида ялтоқланиб, айланиб-ўргилишини, нима қилиб бўлса-да унга яхши кўринишга уринишини кўрамиз. Ҳолбуки, ўша одам илм аҳли эмас ёки яхши фазилатлар соҳиби ҳам эмас ёхуд динига, миллатига, ватанига катта хизматларни дўндириб қўйган салоҳиятли инсон ҳам эмас. Шунчаки Аллоҳнинг иродаси билан бугун мулк-бойлик эгаси бўлган. Дунёни ато қилган Аллоҳ эртага уни олиб қўйса, у яна аслига, ўша оддий одамга айланади-қолади.

Дунёга янги келганимизда яланғоч танамизни сув билан ювиб, бир парча матога ўраб қабул қилишади. Дунё билан хайрлашаётганимизда ҳам яланғоч танамизни сувда ювиб, бир парча матога ўраб кузатишади. Бу фоний дунёдан улушимиш шу бўлгач, нега унинг бойликларига бунчалик ҳарисмиз? Нега унинг матоҳларини тўплашга уринаверамиз, сира тўймай йиғаверамиз? Дунё ортда қолади, охи-рат эса қаршимизда турибди. Шундай бўлгач, ортда қола-диган нарсага қизиқиб, муҳаббат қўйиб нима қиласиз?

Оқил кишилар учун мол-дунё жуда қаттиқ офатдир, қийин имтиҳондир. Агар у мўминнинг қўлига тушса-ку, яхши... У буни Аллоҳнинг бир синови сифатида қабул қилиб, уни жойига сарфлайди, яъни оиласининг нафақа-сидан ортганини садақа ва эҳсон қиласиди, молининг зако-тини беради, муҳтоҷларга хайриялар учун ажратади, Аллоҳ буюрган бошқа савобли ишларга харжлайди. Аммо имони суст ёки имонсиз кимса дунёга муҳаббат қўйса, мол-дунё ишқига гирифтор бўлса, унинг ҳолига вой, деяверинг. У бойлик кетидан тинимсиз елиб-югурди, ҳаром мол тўплайди, баҳиллик билан уни сарфлашдан воз кечади ва тўплаб-кўпайтиришга зўр беради. Унинг кўзини ҳирс пардаси қоплаб, ҳеч нарсани кўрмай қолади.

Олтин-кумуш хазиналари, шириндандын-шакар фарзандлар ҳам, пешонаси ёки оёқларида нишони бўлган чопағон отлар ҳам, чорва ҳайвонлари сурвию экин-тиқинлар ҳам дунё ҳаётида одамларга чиройли кўрсатиб қўйилган, бу неъматларни истамайдиган одам топилмайди. Аммо буларнинг ҳаммаси вақтингчалик, ўткинчи нарсалардир. Аллоҳ таоло ҳузурида эса абадий роҳат-фароғат маскани бўлган жаннатлар бор, улар Аллоҳдан қўрқадиган имонли кишиларга аталган.

قُلْ أَوْنِسُكُمْ بِخَيْرٍ مِّنْ ذَلِكُمْ لِلَّذِينَ آتَقَوْا عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي
مِنْ تَحْتِهَا أَلَانَهَرُ خَلِيلِينَ فِيهَا وَأَزْوَاجٌ مُطْهَرَةٌ وَرَضْوَاتٌ



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ بِالْمُبَارَكَادِ

15. (Эй Мұхаммад), "Сизларга булардан ҳам яхшироғини айтайми, тақводорларга Парвардигорлари ҳузурида остидан анҳорлар оқиб турувчи, унда абадий яшаладиган жаннатлар, покиза жуфтлар ва Аллоҳ ризоси бор, Аллоҳ албатта бандаларини кўриб турувчи"dir", деңг.

Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига баён этяптики, дунёда инсонларга бериб қўйилган барча мол-дунё ва зийнатлардан яхшироқ, нарса Бизнинг ҳузуримизда тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган, остидан анҳорлар оқиб турувчи гўзал жаннат боғлариディр, уларда абадий яшалади. Уларда покиза жуфтлар ҳам бор. Булардан ҳам аълоси Аллоҳ таолонинг розилиги бор. Аллоҳ Одам ва Ҳаввонинг гуноҳи учун маълум вақтгача жаннатдан туширди ва душманлари шайтон билан бирга Ер юзида бир муддат яшашга маҳкум этди. Авратлари очилиб қолган Одам фарзандларига ерда ҳаёт кечиришлари учун либос ва зийнатларни ҳам ато қилди.

Душман, яъни шайтон алдови сизларни жаннат либосидан маҳрум қилди. Гуноҳлар сизларни яланғоч киши ҳолига туширди. Энди сизларга дунёда қандай либосда бўлишингизни ўргатяпмиз. Қандай либос кийманглар, ҳамиша тақвада бўлинглар, Аллоҳдан қўрқинглар. Шайтон фитнасидан қутулиш йўли эса фақат тақводир: "Тақво либоси ҳаммасидан яхшидир" (Аъроф, 26). Ким Аллоҳдан қўрқса, Унинг амр-фармонларига итоатда бўлса, Уни ирфон орқали таниса, ихлос ва муҳаббат ила сева олса, авратини, яъни гуноҳларини тўсувчи энг яхши либос эгаси бўлади. Бундайларнинг мукофоти эса бир замонлар Одам ва Ҳавво макон туттган ҳамда улар насли ҳамиша орзу қиласидан жаннат боғлариdir. Тақво қилмаганларнинг гуноҳларини эса Аллоҳ, таоло ҳар вақт, ҳар ерда фош қилиб қўяди.

الَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا إِنَّا هُوَ أَمَنَّا فَاغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا

وَقَنَا عَذَابَ النَّارِ

۱۶

16. Улар: "Парвардигоро, бизлар имон келтирдик, гуноҳларимизни кечир ва дўзах азобидан асра!" дейдигандардир.

Аллоҳ таолонинг розилигини топган, жаннатига мушарраф бўлган тақводор инсонлар дунё ҳаётида имон, Исломда, ҳидоят йўлларида яшаб ўтишиди. Улар ҳамма жойда, ҳамма вақтда Парвардигорларига: "Сенга имон келтирдик, қилган гуноҳ ва хатоларимизни кечир, бизларни дўзах азобидан асра!" дея илтижо қилувчилардир. Анас ибн Моликдан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади: "Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кўпинча: "Аллоҳумма атина фид-дуня ҳасанатав ва фил ахироту ҳасанатав ва қина ъазабан-нар" деб дуо қилар эдилар". Маъноси: "Аллоҳим,

дунёда ҳам, охиратда ҳам менга яхшилик бер ва дўзах азобидан асра!" (Имом Бухорий ривояти).

الصَّابِرُونَ وَالصَّادِقِينَ وَالْقَنِيتِينَ وَالْمُنْفِقِينَ



وَالْمُسْتَغْفِرِينَ بِالْأَسْحَارِ

17. Улар сабрлилар, ростгўйлар, қаноатлилар, эҳсон қилувчилар ва саҳарда истиғфор айтувчилардир.

Ушбу ояти каримада мўминларнинг бир неча сифатлари баён этилмоқда: улар бошларига тушган ҳар бир ишда чиройли сабр қилишади, ҳамиша, ҳар жойда фақат рост гапиришади, борига ҳам, йўғига ҳам қаноат этишади, бошқаларга эҳсон (яхшилик) қилишади. Уларнинг энг яхши фазилати – саҳар чоғлари Парвардигорларига истиғфор айтишади. Инсон билиб-бilmай қилган гуноҳларига сидқидидан пушаймон бўлса, тавба қилиб истиғфорлар айтса, Ҳақ таолонинг йўлига қайтса, иншаалоҳ, гуноҳлари мағфират этилади, ёмонликлари яхшиликка алмаштирилади. Шунинг учун у ҳамиша Яратганинг раҳмат-мағфиратидан умидвор бўлиши, яхши амаллар қилиши ва афсус-надоматлари билан Унга астойдил тавба қилиши лозим. Шунда унинг тоғча гуноҳи бўлса ҳам кечирилади. Аллоҳ таоло Ўз ҳабиби Ҳазрати Муҳаммадга (алайҳиссалом) амр қилиб айтади: "(Эй Муҳаммад), ўз жонларига (гуноҳ билан) зулм қилган бандаларимга айтинг: "Аллоҳнинг раҳматидан ноумиг бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг Ўзи мағфиратли ва раҳмли Зотdir" (Зумар сураси, 53-оят). Саҳар вақти, яъни туннинг охирги қисми, тонг отишидан олдинги вақт дуо ва истиғфорлар қабул қилинадиган онлар ҳисобланади. Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинган бир ҳадисда айтилишича, "Ҳар кеча туннинг охирги, учинчи қисмида Аллоҳ таоло: "Ким дуо қиласа – ижобат этаман, ким сўраса –

бераман, ким истиғфор айтса – гуноҳидан кечаман", дейди".

شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُوا الْعِلْمِ قَاتِلًا بِالْقِسْطِ



لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

18. Аллоҳ, фаришталар ва илм эгалари ҳам адолатли ҳукм юритувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига гувоҳлик беришди. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У қудратли ва ҳикматли Зотdir.

Ушбу ояти карима тавҳиднинг тамал, асос қоидалари-дандир. Бунга Аллоҳ азза ва жалла, Унинг фаришталарию илм эгалари гувоҳлик беришган. Яна Унинг барча махлуқотлар орасида адолатли ҳукм юритишига ҳам гувоҳлик беришган. Ундан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. У яратганларидан ҳеч бирига ўхшамайди. Қуръони каримда бундай баён этилган: "Бирон нарса У зотга ўхашаш эмасdir. У эшишувчи ва кўриб туруувчиidir" (Шўро, 11). Яратганлари ҳам Унга зотидаю, ишларида, исмларию сифатларида, ҳуқуқидаю бошқа жиҳатларда асло ўхшашмайди. Ҳеч нарса, у қанчалар кучли, қудратли бўлмасин, Уни ожиз қолдира олмайди. Ҳеч бир нарса Унга оғир келмайди, ҳеч бир мавжудот Уни кучда енга олмайди. Қуръони карим бундай таълим беради: "На осмонлардаги, на Ердаги бирор нарса Аллоҳдан қочиб қутулувчи эмасdir. Зотан, У билим ва қудрат эгаси бўлган Зотdir" (Фотир, 44). Оятдаги "Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир" жумласи тавҳид калимасидир. Барча пайғамбарларнинг чақириғи ҳам шу эди. Мўмин-мусулмонлар бунга имон келтиришлари шарт.

Оят хусусида Калбий айтади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва саллам Мадинада турғанларда Шом роҳиблари-дан икки нафари келди. Улар Мадинани айланиб чиқиб: "Бу шаҳар охирзамонда чиқадиган пайғамбарнинг шаҳрига жуда ўхшар экан", дейишиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўргач эса у зотнинг белги-сифатлари-дан танишди ва: "Сиз Мұхаммадмисиз?" деб сўрашди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам "Ҳа", деб жавоб қилдилар. Шунда улар: "Сиз Аҳмадмисиз?" деб сўрашди. У зот яна: "Ҳа", дедилар. Улар: "Биз сиздан гувоҳлик ҳақида сўраймиз. Агар бизга айта олсангиз, сизга имон келтириб-тасдиқлаймиз", дейишиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сўрайверинглар", деганларидан сўнг улар: "Аллоҳнинг Китобидаги энг улуг гувоҳлик ҳақида бизга хабар беринг", дейишиди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди. Улар Исломга кириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни тасдиқлашди".

إِنَّ الَّذِيْكَ عِنْدَ اللَّهِ أَإِسْلَمُ وَمَا اخْتَلَفَ الَّذِيْكَ أُوْتُوا
 الْكِتَبَ إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْعِلْمُ بَغْيًا بَيْنَهُمْ وَمَنْ يَكْفُرُ
 بِيَقِيْنِيْتَ اللَّهُ فَإِنَّ اللَّهَ سَرِيعُ الْحِسَابِ



19. Аллоҳ наздидаги мақбул дин Исломдир. Китобийлар билиб туришса ҳам ўзаро ҳасад туфайли тортишувга боришиди. Ким Аллоҳнинг оятларига куфр келтирса, Аллоҳ албатта тез ҳисобга тортувчиидир.

Аллоҳ, шунингдек, Унинг фаришталари ва тамоми илм аҳдлари Аллоҳдан ўзга ибодат қилинувчи илоҳ йўқлигига, замину коинотда фақат Унинг ҳукм юритувчи эканига гувоҳлик беришади. Ширк бутунлай ботил, заарарли ақидадир. Барча замонлардаги олим ва мутафаккирлар ягона

Илоҳга сифинишга, тавҳидга (илоҳнинг ягоналигига) даъват қилиб ўтишган. Ҳозирги замонда тавҳид шунчалар очиқ-ойдин ҳақиқатга айландики, унинг зиддига бирор сўз айтиш нодонлик, гумроҳлик ва эсипастлик бўлиб қолди. Ҳатто мушриклар ҳам Ҳақ дин келтирган хабарларга қойил қолишдан, уларни тан олишдан ўзга чора топа олмай қолиши. Тавҳид ақидасини олиб келган Ислом Аллоҳ томонидан барча замон ва маконлар учун муносиб кўрилган ҳақ диндир.

Ояти каримада "Аллоҳ наздидаги мақбул дин Исломдир" дея бежизга таъкид этилмаяпти. Чунки Ислом қиёматгача бутун инсониятга юборилган охирги мукаммал диндир. Бу дин ўз номига муносиб равишда одамларни тинчлик, адолат, яхшилик, эҳсон, раҳмдиллик, меҳр-шафқат, эзгуликка буюради. Бу дин инсонларни зулм, истибод, фитна-фасод, ёмонлик, душманлик, бузғунчилик, тажовузкорликдан қайтаради. У тенглик, аҳиллик, тотувлик, ўзаро ҳурматни тарғиб қиласи, аёллар шаънини кўтаради. Исломда бир одамнинг иккинчисидан ортиқчалиги, афзаллиги йўқ. Бир рангдагининг бошқасидан, бир миллатнинг иккинчисидан, эркакнинг аёлдан устунлиги йўқ. Ислом таълимотига кўра, Аллоҳ таоло одам наслини битта жинсдан (тупроқдан), барчаларини тароқ тишларидай баробар қилиб яратган. Устунлик, афзаллик фақат тақво биландир. Ислом гўдакни қандай эмизиш, марҳумни қандай дағн этиш, меросни қай усуlda тақсимлаш, етимни ҳаққини ҳимоялаш, жониворларни қандай овлаш, уй ҳайвонларини қандай боқиш, ота-онани ҳурматлашу бемор ҳолини сўраш, қандай еб-ичишу қандай кийинишгача, қандай олди-сотди қилишу жамият аъзолари билан қай йўсинда муносабат ўрнатишгача – ҳамма нарсани қамраб олган, барча масалаларни ислоҳ қиласи. Ислом одамни ҳаёт уммонидан охират манзилига соғ-омон олиб ўтувчи нажот кемасидир.

فَإِنْ حَاجُوكَ فَقُلْ أَسْلَمْتُ وَجْهِيَ لِلَّهِ وَمَنِ اتَّبَعَنِي وَقُلْ لِلَّذِينَ أُوتُوا
الْكِتَابَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ إِنَّ أَسْلَمَوْا فَقَدْ أَهْتَدَوْا وَإِنْ تَوَلَّوْا
فَإِنَّمَا عَلَيْكَ الْبَلَغُ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ



20. Агар сиз билан тортишишса: "Мен ҳам, менга эргашганлар ҳам тамоман Аллоҳга бўйсундик", дeng. Ва Аҳли китоблар ҳамда жоҳиллардан: "Сизлар ҳам бўйсундингизми?" деб сўранг. Улар агар Исломни қабул қилишса, албатта, ҳақ йўлни топган бўлишади, юз ўгиришса, у ҳолда вазифангиз фақат етказишдир. Аллоҳ бандалари ни кўриб турувчиидир.

Яъни, эй Пайғамбарим, Аҳли китоблар (яҳудий ва насронийлар) ҳам, китоб берилмаган саводсиз мушриклар ҳам сиз билан тавҳид дини ва охирги Пайғамбар келиши ҳақида тортишгудек бўлишса, айтингки, "Мен ҳам, менга эргашувчилар ҳам яккаю ягона Аллоҳга чин эътиқод билан бўйсундик, сизлар ҳам бизнинг ҳақ йўлимиздан юриб, Аллоҳга бўйсундингизми?" Чунки уларнинг бу тортишувлари Аллоҳнинг ҳақ динини инкор этиб, ботил шубҳага борищдан бошқаси эмас. Улар Исломга киргандарида тўғри йўлни топган бўлишарди, агар бундан юз ўгиришса, ҳадеб қайфураверманг, чунки сизнинг ишингиз фақат ваҳийларимизни етказишдир, уларни ҳидоят ёки залолатга йўллаш Парвардигорингизнинг иродасидир.

إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِيَأْيَتِ اللَّهِ وَيَقْتُلُونَ النَّبِيِّنَ بِغَيْرِ حَقٍّ
وَيَقْتُلُونَ الَّذِينَ يَأْمُرُونَ بِالْقِسْطِ مِنْ النَّاسِ



فَبَشِّرْهُم بِعَذَابٍ أَلِيمٍ

21. Аллоҳнинг оятларини инкор қиласиган, пайғамбарларини ноҳақ қатл этадиган, инсофга чақирадиганларни ўлдирадиганларга оир азобнинг хабарини беринг.

Яъни, эй суюкли Пайғамбарим, Аҳди китобларни жамлаб эслатингки, улар содир этган ишлар ва Аллоҳнинг шариатига киритган ўзгартишлар фақат уларнинг ўз зарагидир. Чунки улар Аллоҳ таолонинг оятларини ёлғонга чиқариб, инкор этишади. У зот юборган пайғамбарларга итоат этмай уларни маънан хорлашади, жисман қатл этишади, яхшиликка, инсофга, адолатга чақиравчиларни эса ўлдиришгача боришади. Бундай кимсалар жиноятларимиз жазосиз қолади, деб хомтама бўлишмасин, охиратда уларни оғир, аламли азоб-қийноқлар кутиб турибди.



لَهُم مِنْ نَصِيرٍ

22. Ана шулар дунё ва охиратда амаллари беҳуда кетадиган ва бирор мададкори бўлмайдиганлардир.

Шаккокликка бориб, Аллоҳ таолонинг оятларини ёлғонга чиқарадиган, пайғамбарларга зулм ўтказиб, уларни ҳатто ўлдиришгача борадиган, инсоф ва диёнатга даъват этувчиларни жисман йўқ қиласиган ана шундай кимсаларнинг дунё ва охиратдаги барча амаллари ҳабата (беҳуда) кетади. Қиёмат куни уларни оғир азоблар кутиб турибди. Бу жазодан қутқара оладиган, уларга ёрдам берадиган бирорта мададкорлари, ҳомийлари бўлмайди.

أَلْرَأَيُّ إِلَى الَّذِينَ أَوْتُوا نَصِيبًا مِنَ الْكِتَابِ يُدْعَوْنَ إِلَى كِتَابِ اللَّهِ



لِيَحُكُمْ بَيْنَهُمْ ثُمَّ يَوْمًا فَرِيقٌ مِنْهُمْ وَهُمْ مُعْرِضُونَ

23. Китобдан насибадор бўлганлар ўз ораларида ҳукм юритишлари учун Аллоҳнинг Китобига чақирилишса, бир гуруҳнинг юз ўгириб ортига қайтишини кўрмайсизми?

Аллоҳ таолонинг самовий китоблари билан шарафланганлар ўз ораларида ҳукм чиқариш учун Аллоҳнинг Китобига (Куръонга) чақирилишса, уларнинг бир гуруҳи юз ўгириб кетди. Уламолар ушбу оятнинг нозил бўлиши сабаблари хусусида бир неча хил фикр айтишган. Суддий айтади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яҳудийларни Исломга чақирдилар. Шунда Нўймон ибн Арфа: "Эй Мұхаммад, юр, роҳиблар олдига бориб, ҳукм сўраймиз", деди. У зот: "Йўқ, Аллоҳнинг Китобига қараймиз", дедилар. У эса: "Роҳиблар олдига борамиз", деб туриб олди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди". Икрима ва Сайд ибн Жубайр Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қиласи: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яҳудийларнинг мадрасаларига бориб, уларни Аллоҳга даъват қилдилар. Наим ибн Амр ва Ҳорис ибн Зайд айтишиди: "Эй Мұхаммад, сен қайси динласан?". У зот: "Иброҳим миллатидаман", дедилар. Улар: "Иброҳим яҳудий эди-ку!" дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Юринглар, Тавротга қараймиз, у орамизда ҳакамдир", дедилар. Улар бош тортишгач, Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди". Калбий эса бундай дейди: "Бу оят Ҳайбар яҳудийларидан зино қилганлар ва яҳудларнинг Расулуллоҳдан зинокорларнинг жазоси ҳақида сўраганлари тўғрисида нозил бўлган" (Али ибн Аҳмад Найсабурий, "Асбабун-нузул", Тошкент, 2009 йил, 78-бет).

ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا لَنْ تَمْسَكَا أَنَّسًا إِلَّا أَيَّامًا مَعْدُودَاتٍ وَغَرَّهُمْ فِي

دِينِهِمْ مَا كَانُوا يَفْتَرُونَ

24. Уларнинг: "Саноқли кунлардан ташқари бизларга ҳеч қачон дўзах ўти тегмайди", деганлари бунга сабабдир. Тўқиган ёлонлари уларни динларидан адаштириди.

Яхудийларнинг бир гурӯҳи "Бизлар дўзахда атиги қирқ ёки етти кун азобланамиз, кейин Аллоҳ бизларни жаннатига киритади", деган бузук ақидада бўлган. Улар бундай қабих ёлонни тўқибгина қолмай, унга ўзлари ҳам ишонишиди ва гуноҳларига тавба қилиш ўрнига уларни тарк этмай, янада кўпайтиришаверди. Оқибатда динларидан адашиб, залолатта кириб кетишиди. Энди уларни охиратда фақат аламли қийноқлар кутиб турибди.

فَكَيْفَ إِذَا جَمَعْنَاهُمْ لِيَوْمٍ لَا رَبَّ فِيهِ وَوَقِيتَ كُلُّ نَفْسٍ مَا

كَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ

25. Шубҳасиз келадиган Кунда уларни тўплаганимизда, ҳар бир жон эгаси зулм кўрмай қилмишига яраша жазосини тўла олганида уларнинг ҳоли нима бўларкин?

Яхудийларнинг олдин ўтган катталари: "Бизлардан ҳар ким қанча гуноҳ қилса ҳам дўзахда бир неча кундан ортиқ қолмайди", деб айтиб кетишган экан. Ана шу тўқилган ёлон бу қавмни динидан адаштириди, улар бу даъвога маҳлиё бўлиб, алданиб, кўнгилларига келган номаъқулчиликларни қилишаверди ва гуноҳкорлардан бўлишиди. Энди келишига асло шак-шубҳа бўлмайдиган Қиёмат кунида, уларнинг Аллоҳ ҳузурида тўпланганида ҳоли нима бўлишини ўзингиз билиб олаверинг.

قُلْ أَللَّهُمَّ مَالِكَ الْمُلْكِ تُؤْتِي الْمُلْكَ مَنْ شَاءَ وَتَنْزِعُ الْمُلْكَ

مِمَّنْ شَاءَ وَتُعِزُّ مَنْ شَاءَ وَتُذَلِّ مَنْ شَاءَ يُبَدِّي كَالْخَيْرَ

إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

(٣)

26. Айтинг: "Эй барча оламларнинг подшоҳи Аллоҳим! Хоҳлаганингга салтанат берасан ва хоҳлаганингдан салтанатни тортиб оласан, истаганингни азиз қиласан, истаганингни хор қиласан. Барча яхшиликлар Сендадир ва Сен албатта ҳамма нарсага қодирсан".

Аллоҳ таоло нозил қилган баъзи китобларда шундай хитоб бор экан: "Мен – Аллоҳман! Барча подшоҳларнинг қалблари ва инон-ихтиёrlари Менинг измимдадир. Агар бандалар Менга итоат этишса, подшоҳларни уларга меҳрибон қилиб қўяман" (Абул Баракот Насафий тафсири).

Иbn Аббос ва Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳумо айтишади: "Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккани фатҳ қилиб, умматларига Форс ва Рум ерларини эгаллашни ваъда қилгач, мунофиқ ва яҳудийлар: "Ҳайҳот ва ҳайҳот! Муҳаммад Рум ва Форс ерларини қанақасига фатҳ қила оларди. Улар кучли ҳимояланган, қудратли давлатлардир. Муҳаммадга Макка билан Мадина етмай қолибдими, яна Рум ва Форс ерларини ҳам истаб қолибди", дейишди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди. Қатода айтади: "Бизга зикр қилиндики, Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам Парвардигорларидан Форс ва Рум мулкларини умматлари томонидан эгалланишини сўрадилар. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди".

تُولِجُ الْيَلَدَ فِي النَّهَارِ وَتُولِجُ النَّهَارَ فِي الْيَلَدِ وَتُخْرِجُ الْحَيَّ مِنْ

الْمَيِّتِ وَتُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَتَرْزُقُ مَنْ شَاءَ بِغَيْرِ حِسْكَةٍ أَبْ

27. кечани кундузга киритасан ва кундузни кечага киритасан, ўлиқдан тирикни чиқарасан ва тириқдан ўликни чиқарасан ҳамда хоҳлаганингта туганмас ризқ берасан".

Аллоҳ таоло шунчалар қудратли, ҳар нарсага қодирки, Унга кеча ва кундузни алмаштириш, ўлиқдан тирикни, тириқдан ўликни чиқариш ҳеч қандай мاشаққат туғдирмайди. Ҳақиқатан кеча ва кундузнинг алмашуви ўзича осонгина кечармикин? Агар буни Аллоҳ бошқариб, низомга солиб турмаса, уларнинг ўрни ёки алмашув вақти бузилиб кетмайдими? Агар инсонлар ҳам бунга қодир бўлишса, қани бирор кеча ўрнига кундузни ёки аксинчасига алмаштириб кўришсин-чи! Ўлиқдан тирик, тириқдан ўлик чиқариш ҳам Аллоҳ таолонинг буюк яратувчилик қудратига ва иродасига далилдир. Бир томчи ўлик шаҳват сувидан тирик жон, яъни жонзот яратилиши, ўлик тухумдан тирик жўжа ёки тирик пилла қуртининг пилла ичидаги ўлиб, кейин яна тирик капалакка айланиши, кофирдан мўминни, мўминдан эса кофирни дунёга келтириши каби мисоллар ана шунга далил бўлади. Яна Аллоҳ таоло барчага ризқ бериши баробарида хоҳлаганига туганмас ризқ ато этади.

لَا يَتَّخِذُ الْمُؤْمِنُونَ أَلْكَفِيرِينَ أُولِيَّاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ وَمَنْ يَفْعَلْ

ذَلِكَ فَلَيَسْ مِنْ أَنَّ اللَّهَ فِي شَيْءٍ إِلَّا أَنْ تَكْتُمُوا مِنْهُ مُقْنَأً

وَيَحْدِرُكُمُ اللَّهُ نَفْسَهُ وَإِلَيْهِ أَلْوَهُ الْمَصِيرُ

28. Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутишмасин. Ким шундай қилса, унинг Аллоҳ билан алоқаси бўлмайди. Эҳтиёткорлик юзасидан қилинса, мумкин. Аллоҳ сизларни Ўзидан огоҳ қилади ва қайтиш Аллоҳгадир!

Оятдаги "дўст" дея таржима қилинган "валий" сўзи ушбу оятда кўплик шакли билан "авлиё" кўринишида келган. Валийлар нафақат дўстлар, балки ишончли одамлар, иттифоқчилар, яқин кишилар маъноларини ҳам билдиради. Мўмин киши фақат мўминларнигина дўст тутади. Ушбу оят нозил қилинган пайтда Мадинада яшовчилар Маккадаги мушрик ва кофир яқинлари ҳамда қариндошлари билан алоқаларни узмасликка интилишарди. Аллоҳ таоло огоҳдантиряптики, ким улар билан алоқани узмаса, Аллоҳ билан алоқа қила олмайди. Фақат эҳтиёт юзасидан улар билан юзаки боғланиш мумкин, аммо бу алоқалар Ислом таълимотига ва мусулмонларнинг манфаатларига мутлақо халал етказмаслиги керак.

قُلْ إِن تُخْفِيَا مَا فِي صُدُورِكُمْ أَوْ بُتُّدُوهُ يَعْلَمُهُ اللَّهُ وَيَعْلَمُ مَا فِي

السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَاللَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ



29. (Эй Мұхаммад): "Дилларингиздаги нарсани яширсангиз ҳам, ошкор қилсангиз ҳам Аллоҳ билади, чунки У осмонлару Ердаги нарсаларни билади, Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир", денг.

Эй Пайғамбарим, пинҳона равища мушриклар билан алоқа ўрнатишни ўйлаб турган мусулмонларга айтингки, Аллоҳ таоло дилларингиздаги, хаёлингиздан ўтаётган нарсаларни ҳам билиб туради. Еру осмонлар орасидаги ҳамма нарсани билиб-кўриб турувчи Зотга сизларнинг яширинча

ёки ошкора қилаётган барча қилмишларингиз кундай равшан. Чунки У ҳар ишга қодирдир. Аллоҳ таоло айтади: "Шубҳа йўқки, Аллоҳ уларнинг яширган нарсаларини ҳам, ошкор қилган нарсаларини ҳам билур" (Нахъ, 23).

يَوْمَ تَجِدُ كُلُّ نَفْسٍ مَا عَمِلَتْ مِنْ خَيْرٍ مُّخْضِرًا وَمَا عَمِلَتْ مِنْ سُوءٍ

تَوَدُّ لَوْ أَنَّ بَيْنَهَا وَبَيْنَهُ أَمْدًا بَعِيدًا وَيُحَذِّرُكُمُ اللَّهُ نَفْسَهُ،

۲۰

وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ

30. Ҳар бир жонга қилган яхши амали ҳам, ёмон амали ҳам кўрсатиб қўйиладиган Кунда у гуноҳларидан узоқда бўлишни хоҳлаб қолади. Аллоҳ сизларни Ўзидан огоҳ қилади, Аллоҳ бандаларига албатта меҳрибондир.

Бирор жон эгаси йўқки, Қиёмат куни, инсонларнинг яхши амаллари ҳам, ёмон ишлари ва гуноҳлари ҳам очиқ кўрсатиб қўйиладиган даҳшатли бир кунда ўзининг қилган гуноҳларидан узоққа қочишни истамаган бўлсин. Аллоҳ таоло Ўзининг Китобида бандаларини бундан кўп марта огоҳлантирди. У ўта меҳрибон ва раҳмли Зот бўлгани учун Ҳисоб куни бандаларининг қийин ҳолатга тушишини истамайди, шунинг учун дунё ҳаётида ёмон амаллар ва гуноҳлардан узоқда бўлиш ҳақида огоҳ этади. Аллоҳ таоло айтади: "Ҳар бир жон фақат ўзи учун тортишадиган ва ҳар бир жон қилган амалининг (мукофотини) ноҳақлик қилинмаган ҳолда тўла оладиган Кунни эсланг!" (Нахъ, 111).

قُلْ إِنْ كُنْتُرُ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّيْعُونِي يُحِبِّكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرُ لَكُمْ ذُنُوبُكُمْ وَاللَّهُ

۲۱

غَفُورٌ رَّحِيمٌ

31. (Эй Мұхаммад): "Агар Аллоҳни севсанглар, менга зргашинглар, Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни кечиради. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир", дeng.

Куръони карим Аллоҳни севишини даъво қилувчи ҳар бир банданинг даъвоси рост ёки ёлғонлигини билиш учун Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом суннатларига зргашишни буюради. Яъни, кимнинг Коинот Фахрига муҳаббати кучли бўлса, унинг Аллоҳга муҳаббати ҳам шунчалик зиёда экани маълум бўлади, кимнинг у зотга севгиси кам бўлса, у шу қадар ёлғончидир.



قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْكَفَرِينَ

32. "Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоатда бўлинглар", дeng, агар юз ўгиришса, Аллоҳ кофирларни асло яхши кўрмайди.

Яъни, эй Пайғамбарим, Аҳди китобларга айтингки, "Эй китобийлар, Аллоҳга итоат этингиз, яна китобингизда зикри келган ва сиз уни танийдиган Пайғамбарга (яъни Мұхаммад алайҳиссаломга) итоат этингиз". Агар улар бунга қўниш маса ва Исломдан юз ўгиришса, улар адашганларича қоли шади. Аллоҳ азза ва жалла йўлдан адашган, Ўзининг ҳақ динига куфр келтирган бундай кимсаларни асло яхши кўрмайди.

إِنَّ اللَّهَ أَصْطَطَفَ مَادَمَ وَنُوحًا وَآلَ إِبْرَاهِيمَ



وَآلَ عُمَرَانَ عَلَى الْعَلَمِينَ

33. Аллоҳ албатта Одамии ва Нуҳни, Иброҳим ва Имрон авлодини ҳам оламларга пайғамбарликка танлаб олди.

Ушбу ояти карима ҳижрий 9 йили Ҳижоз ва Яман оралиғида яшовчи Нажрон насронийларига қарата нозил қилинган. Улар Ислом динининг шавкатли юриши тобора кучайиб бораётганини кўриб, унга қарши қуролли кураш олиб боришдан воз кечишган, Расулуллоҳга (алайҳиссалом) элчилар юбориб, Ислом динига кириш режасини тузишган эди. Ушбу ояти каримада баён этиляптики, Нажрон насронийларининг бу хатти-ҳаракатлари ажабланарли эмас. Шариатлар турлича бўлса-да, Аллоҳнинг дини асосда бирдир, тавҳид динидир. Аллоҳ азза ва жалла инсониятнинг бутун тарихида одамларни ана шу тавҳид динига даъват этиш учун минглаб пайғамбарларни юборди, уларга китоб ва саҳифалар нозил этди. Одам, Нуҳ, Иброҳим алайҳимуссаломлар уларнинг энг улуғлариданdir.

ذُرِّيَّةٌ بَعْضُهَا مِنْ بَعْضٍ وَاللهُ سَمِيعٌ عَلَيْمٌ

۳۴

34. Баъзилари баъзиларига зурриётдир. Аллоҳ албатта эшитувчи ва билувчидир.

Пайғамбарларнинг баъзилари баъзиларига зурриётдир. Масалан, Имрон авлодларидан ҳам жуда кўп пайғамбарлар чиққан. Закариё алайҳиссаломнинг ўғли бўлган Имрон Биби Марямнинг отасидир. Марям эса Исо алайҳиссаломнинг онасидир. Иброҳим алайҳиссалом ва у кишининг ўғиллари Исҳоқ ва Исмоил (алайҳиссаломлар) ҳам бир-бирларига зурриётдир.

إِذْ قَالَتِ اُمَّرَأٌ عِمْرَانَ رَبِّ إِنِّي نَذَرْتُ لَكَ مَا فِي بَطْنِي مُحَرَّرًا فَتَقَبَّلْ

مِنِّي إِنَّكَ أَنَّكَ أَنْتَ الْسَّمِيعُ الْعَلِيمُ

۳۵

35. Имроннинг хотини: "Эй Парвардигорим, қорнимдаги нарсани халос этиб, Ўзингга назр қилдим, мендан қабул эт, Сен ахир эшитувчи, билувчисан", деганини эсланг.

Тарихда Имрон исмли икки зот ўтишган: бири Мусо алайҳиссаломнинг оталари, иккинчиси эса Марямнинг оталаридир. Муфассирлар аксариятининг сўзига қараганда, бу ўринда зикр этилаётган Имрон Марямнинг оталаридир. Чунки оятда воқеаси келтирилаётган хотин, яъни Маряннинг онаси шу Имроннинг рафиқасидир. Унинг авлодлари бўлмиш Марям ва Исо алайҳиссалом воқеалари келгуси оятларда батафсил баён этилади.

Аҳди китобларнинг Исо ҳақидаги гаплари ботил экани Қуръони каримда бир неча жойда баён қилинган. Улар Аллоҳ лаънатига учрашларининг бир неча сабаблари бордир. Жумладан, улар ҳар нарсага қодир Аллоҳнинг қудратига куфр келтиришди. Исони отасиз яратганида унинг онаси Марямга қабих бўхтон қилишди, уни зинода айблашди. Ҳолбуки, Исо алайҳиссалом туғилаётган вақтда Марямни уларнинг бўхтонидан покловчи мўъжизалар зоҳир бўлган эди. Уларнинг бўхтони улкан гуноҳ ва аламли азобларга дучор қиласиган нарса эди. Агар инсонлар Маряннинг Исони туғищдан оддин кечирган ҳаётига назар соладиган бўлишса, у ҳақда нозил бўлган оятларни тааммул қилиб кўришса, унинг поклигига имонлари зиёдалашади ва Парвардигори олам ҳузуридаги улкан мартабасига ишончлари комил бўлади.

Ҳанна Марямга ҳомиладор бўлганида Маряннинг отаси Имрон вафот этади, шунинг учун Аллоҳ таоло уни холасининг эри Закариё кафолатига қўйишни ирова этди. У Аллоҳнинг пайғамбарларидан бири ва Сулаймон ибн Довуднинг зурриётларидан эди. Ҳанна Марямни кўтариб, Байтул Мақдисга олиб борди ва роҳиблар олдига қўйди. Улар Ҳоруннинг фарзандларидан бўлиб, худди Каъбанинг ҳожибларига ўхшаб Байтул Мақдис хизматчилари ҳисобланишар эди. Улар Марямни кафолат ва тарбияга олиш учун талашиб кетишли. Закариё: мен холасининг эrimан, мен ҳақлироқман, деди. Аммо роҳиблар унга беришдан бош тортишли. Охири қуръа ташлашди. Қуръа Закариёга чиқ-

ди. У кафил бўлди ва Марямни олиб, хотинига – Яхёнинг онасига берди. Марям улғайиб балоғатга етганида, Закариё унга масжид ичидан маҳсус жой – меҳроб қилиб берди. Марям у ерда доимо Аллоҳга ибодат қиласади.

فَلَمَّا وَضَعَتْهَا قَالَتْ رَبِّي إِنِّي وَضَعُتْهَا أُنْثِي وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا وَضَعَتْ
فَلَمَّا وَضَعَتْهَا قَالَتْ رَبِّي إِنِّي وَضَعُتْهَا أُنْثِي وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا وَضَعَتْ هَـا
وَلَيْسَ الَّذِكْرُ كَالْأُنْثَى وَإِنِّي سَمِّيَتْهَا مَرِيمٍ وَإِنِّي أُعِيدُهَا إِلَكَ وَذُرِّيَّتَهَا

3



مِنَ الشَّيْطَنِ الرَّجِيمِ

туғдим-ку, деди. – Абулууки, унини нима тұқданаппини Аллоҳ яхши билади ва у ўғил бу қиздай бўлмас – "Унга Марям деб исм қўйдим ва уни ҳамда зурриётларини қувилган шайтон васвасасидан Сенинг паноҳингта топшираман".

Имроннинг хотини қиз фарзанд кўрганидан ўкиниб: "Парвардигорим, буни қиз туғибман-ку", деди. Фарзандларнинг қиз ёки ўғил бўлишини, унга қандай тақдир битилганини яхши билувчи Аллоҳ унинг қиз туққанини ҳам жуда яхши билиб турарди. Аммо бундан Аллоҳнинг қандай ҳикматни ирода қилганини Имроннинг аёли билмасди. Аллоҳ ушбу туғилган Марям исмли қизнинг келажақда Бани Исроилнинг энг саодатманд аёлларидан бўлишини, кейинчалик ундан Исо алайҳиссаломдай улуг пайғамбарнинг дунёга келишини ирода қилган эди.

Ушбу оятда Марямнинг онаси, Имроннинг хотини Ҳанна бинти Фаузо қиз туққани учун узр айтди. У ўзича ўғил туғаман, деб назр қилган эди. Бани Исроилнинг пайғамбари ва уламоларининг ўз болаларидан бирини Байтул Макдис хизматига назр қилиш одатлари бор эди. Қиз бола эса бу хизматга назр қилинмас эди. Бу билдириш эмас,

узр эди. Шунинг учун ҳам оятда: "Холбуки унинг нима түққанини Аллоҳ яхши билади", дейилмоқда. "Ва у ўғил бу қиздек эмас". Чунки ўғил бола Байтул Мақдиснинг хизматига ярайди. "Ва унга Марям деб исм қўйдим. Уни ҳамда зурриётларини қувфин қилинган шайтон васвасасидан Сенинг паноҳингга топшираман". Ҳанна ўз Парвардигорига дуо қилиб, паноҳ тилади, Унга тазаррӯъ билан фарзанди Марямни ва унинг зурриётини шайтоннинг шарридан ва васвасасидан муҳофаза қилишни сўради. Токи у ва унинг зурриёти солиҳлардан бўлишсин. Шунинг учун Ҳанна узр айтди. Аллоҳ таоло Ҳаннанинг дуосини қабул қилиб, Марямни ўғилнинг ўрнига одатдан ташқари назрга қабул этди. Марям Байтул Мақдиснинг ходимларидан бўлиб қолди.

فَلَقِبَلَهَا رَبُّهَا بِقَبُولٍ حَسَنٍ وَأَنْبَتَهَا نَبَاتًا حَسَنًا وَكَفَلَهَا زَكَرِيَا
 كُلَّمَا دَخَلَ عَلَيْهَا زَكَرِيَا الْمِحْرَابَ وَجَدَ عِنْدَهَا رِزْقًا قَالَ يَنْهَا إِنَّ
 لَكَ هَذَا قَالَتْ هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ




إِنَّ اللَّهَ يَرْزُقُ مَنْ يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ

37. Парвардигори уни яхши қабул қилди, чиройли улғайтирди ва Закариё қарамонига топширди. Закариё ҳар гал у турган меҳробга кирганида олдида егулик кўрарди. У: "Эй Марям, булар қаердан?" деди. "Бу Аллоҳ ҳузуридан, Аллоҳ ҳоҳлаганига беҳисоб ризқ беради", деди.

Закариё алайҳиссалом улут пайғамбарлардан Сулаймон алайҳиссаломнинг набиралари бўлиб, Байтул-Мақдисда (ҳозирги Қуддус) ибодат билан машғул бўлган ва Мусо алайҳиссалом шариатларидағи бир пайғамбар эди. Аллоҳ

таоло Қуръони каримнинг Марям сурасида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Закариё алайҳиссалом қиссанни умматларига айтиб беришни буюрган. Имроннинг хотини Ҳанна қиз туққач, уни дунёвий ишлардан ва никоҳ алоқасидан халос этиб, Аллоҳнинг ибодатига машғул бўлиши учун назр қилди. Аллоҳ унинг дуоларини ижобат қилди, назрини қабул этди. Қиз бўлса ҳам Марям бинти Имрон ибодатхона хизматига олинди. Марямнинг тарбиясига холаларининг эри ҳазрати Закариё мутасадди қилинди. Ҳазрати Марям кундузи ибодатхона ёнидаги бир ҳужрада турар, кечқурун холаси ёнига қайтар эди. Закариё ҳар куни унга таом ва ичимлик келтиради. Унинг олдига кирганда эса, ҳар гал ризқ-насиба турганини кўрарди. Одатдан ташқари мевалар бўлар, ёзда қишининг мевалари, қишида ёзники бўлар эди. Закариё ажабланиб, Марядан бу ризқ қаердан келганини сўрайди. Марям бу ризқ Аллоҳнинг ҳузуридан, жаннатдан ҳурматлаб берилишини айтади. Булар Аллоҳ таоло тарафидан бир мўъжиза эди.

هُنَالِكَ دَعَاءٌ كَرِيمٌ رَبِّهِ، قَالَ رَبِّ هَبْ لِي مِنْ لَدُنْكَ ذُرِيَّةً طَيِّبَةً



38. Шунда Закариё Парвардигорига дуо қилиб: "Эй Парвардигорим, менга ҳузурингдан покиза зурриёт бер, Сен албатта дуони эшитувчисан", деди.

Бу ҳолатни кўрган Закариё алайҳиссалом Парвардигорига илтижо қилиб, Парвардигор ҳузуридан ўзига бир фарзанд ато этилишини сўраб ёлборди. Қуръони каримда бундай баён этилади: "Эсланг, у (Закариё) Парвардигорига хуфёна дуо қилиб бундай деган эди: "Парвардигорим, менинг сякларим мўртлашди, кексаликдан бошим (соҷим) оқарди. Парвардигорим, мен Сенга дуо қилиб, ҳеч ноумид бўлган

эмасман. Мен ортимда қоладиган қариндош-уругларим (динимни зое қилиб юборишлари)дан хавфдаман. Хотиним эса түгмас бўлиб қолган. Энди Сен Ўз даргоҳингдан менга ва бобом Яъқуб наслига меросхўр бўладиган бир рафиқ (фарзанд) бер ва уни Ўзинг рози бўладиган солиҳ кишилардан қил!" (Марям, 3–6). Оятдаги "меросхўр" сўзи мол-дунёга меросхўрликни эмас, балки илм ва пайғамбарлиқда меросхўр бўладиган, дин ва шариат ишларини давом эттирадиган меросхўр фарзандни англатади. Чунки Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: "Биз, пайғамбарлар жамоаси мерос қолдирмаймиз, биздан қолган нарсалар садақадир", деганлар (Имом Термизий ривояти).

فَنَادَهُ الْمَلِئَكَةُ وَهُوَ قَائِمٌ يُصَلِّي فِي الْمِحَرَابِ أَنَّ اللَّهَ يُبَشِّرُكَ بِيَحْيَى
۳۶
 مُصَدِّقًا بِكَلِمَةِ مِنَ اللَّهِ وَسَيِّدًا وَحَصُورًا وَنَبِيًّا مِنَ الصَّالِحِينَ

39. У масжида намоз ўқиётганида фаришталар: "Аллоҳ сенга Аллоҳнинг Сўзини тасдиқловчи, раҳбар, шаҳвати тийилган ва солиҳ пайғамбарлардан бўлган Яҳёнинг хабарини бермоқда", дейишиди.

Закариё алайҳиссаломнинг хотини түгмас аёл бўлиб, умуман ҳайз кўрмаган эди. Бунинг устига қарилик уни ҳолдан тойдирган, ҳомиладор бўлиш унинг тушига ҳам кирмаган эди. Аммо ҳар нарсага қодир Аллоҳ таоло Закариё алайҳиссаломнинг қилган дуосини ижобат этди: у масжида намоз ўқиб турганида фаришталар унга ҳар жиҳатдан муносиб ва содик бўлган Яҳё исмли солиҳ фарзанд кўришининг хабарини етказишиди. Қуръони каримда Аллоҳнинг бундай легани зикр этилади: "Эй Закариё, Биз сенга бир фарзанд хушбарини берурмизки, унинг исми Яҳё бўлиб, олдин унга бирор кимсани отдош қилган эмасмиз" (Марям, 7).

قَالَ رَبِّ أَنِّي يَكُونُ لِي غُلْمَمْ وَقَدْ بَلَغَنِي الْكِبْرُ وَأَمْرَأَتِي عَاقِرٌ



قَالَ كَذَلِكَ اللَّهُ يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ

40. У: "Эй Парвардигор, ўзим қари бўлсам, хотиним туғмас бўлса, қандай ўғил кўрай?" деди. У зот: "Шундай, Аллоҳ ҳоҳлаганини бажаради", деди.

Закариё алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг қудратига, ёшу қари демай истаганига фарзанд ато этишига шак келтирмаса-да, бирдан бўлган хитобдан довдираб қолди ва хурсандчиликларини яшира олмай, "икки кекса кишидан қандай қилиб бола туғилсин?" деб юборди. Бу ҳолат Қуръони каримда бундай баён этилади: "Закариё деди: "Эй Парвардигорим, хотиним туғмас бўлиб қолган, ўзим эса кексаликнинг нотавон ҳолатига етиб қолган бўлсам, менга қаёқдан фарзанд бўлсин?" Аллоҳ айтди: "Шундай. Парвардигоринг айтурки, бу иш Менга осондир. (Ахир) Мен сени илгари ҳеч нарса бўлмаган пайтингда яратган эдим-ку!" (Марям, 8–9).

قَالَ رَبِّ أَجْعَلْ لِيْ إِيمَانًا قَالَ إِيمَنُكَ أَلَا تَكُلُّ النَّاسَ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ



إِلَّا رَمْزًا وَأَذْكُرْ رَبَّكَ كَثِيرًا وَسَبِّحْ بِالْعَشِيِّ وَأَلِبَكْرِ

41. У: "Парвардигорим, менга аломатини билдири", деди. У зот: "Аломати шуки, уч кун одамларга фақат ишора билан гапирасан, Парвардигорингни кўп эсла ва эртаю кеч зикрини қил", деди.

Одатда ёш аёллар ҳомиладор бўлишса, ҳайз кўришлари тўхтайди, уларда "бошқоронғилик" аломатлари пайдо бўлади.

Уларнинг руҳий ҳолатида ҳам жиiddий ўзгаришлар юзага келади. Аммо Закариё алайҳиссаломнинг аёлларида бундай аломатлар содир бўлмади. Шунинг учун у киши Аллоҳга илтижо қилиб, хотинлари ҳомиладор бўлганига бирорта ишора, белги билдиришни сўради. Шунда Аллоҳ, азза ва жалла Закариё алайҳиссаломнинг уч кунгача одамларга гапира олмай, фикрини фақат имо-ишора билан изҳор қила олишини билдириди ва шу муддат мобайнида эртаю кеч фақат Парвардигорнинг зикри билан машғул бўлишни буюрди. Аллоҳ таоло хабар беради: "Шунда (Закариё) ибодатхонадан қавмининг олдига чиқиб, уларга эртаю кеч (Аллоҳга) тасбеҳ айтишни ишора билан билдирги" (Марям, 11).

Шундай қилиб, Закариё алайҳиссалом хонадонида Яҳё исмли фарзанд туғилди. У улғайгач, Бани Исроилга (Исройил авлодларига) Мусо алайҳиссалом шариатлари бўйича даъват ва насиҳат қилишни бошлади. Аллоҳ таоло Яҳё алайҳиссаломни пайғамбарлик мақоми билан сийлади. Ибн Аббос (розийаллоҳу анхумо) айтадилар: "Яҳё алайҳиссалом билан Исо алайҳиссалом холавачча эди, аниқроғи, Маряннинг онаси Ҳанна билан Закариё алайҳиссаломнинг хотинлари опа-сингил эди. Икковлари бир-бирларини жуда ҳурмат қилишарди. Исо алайҳиссалом билан Яҳё алайҳиссалом учрашишганида Исо: "Менинг ҳақимга истиффор айтиб, дуо қилинг, сиз мендан улуғсиз", деди. Яҳё эса: "Йўқ, сиз менинг ҳақимга дуо қилинг, чунки сиз мендан улуғроқсиз", деди. Шунда Исо алайҳиссалом: "Мен ўзимга салом айтганман, сизга эса Аллоҳ салом айтган", деди".

وَإِذْ قَالَتِ الْمَلِئَكَةُ يَمْرِيْمُ إِنَّ اللَّهَ أَعْلَمُ بِأَيِّ وَطَهَرَكَ وَأَعْلَمُ بِأَيِّ

عَلَى نِسَاءِ الْعَالَمِينَ

42. Фаришталарнинг: "Эй Марям, Аллоҳ ҳақиқатан сени танлади, поклади ва оламларнинг аёлларидан афзал қилди.

Ушбу ояти каримадан бошлаб Марям бинти Имроннинг Исо алайҳиссаломга ҳомиладор бўлиши ва уни туфиши қиссасининг баёни бошланади. Закариё алайҳиссалом тарбияларида бўлган Марям улғая борган сари ибодатга берилиб, Аллоҳга яқинроқ бўла бошлади. Аллоҳ таоло Ўзининг улуғ пайғамбари Исо алайҳиссаломнинг дунёга келиши учун, у кишининг насабларини поклаш учун бокира ва художўй қиз Марямни танлади, уни турли ифлослик ва иллатлардан поклади ва олам аёлларидан афзал этди. Али ибн Абу Толиб (каррамаллоҳу важҳаҳу) айтадилар: "Мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Бани Исроил аёлларининг энг яхшиси Марям бинти Имрон, мусулмон аёлларининг энг яхшиси Хадича бинти Хувайдидир", деганларини эшитдим"(Имом Бухорий ва Муслим ривояти).



يَمْرِيمُ أَقْنُتِي لِرَبِّكِ وَأَسْجُدُهُ وَأَرْكَعُهُ مَعَ الْرَّكِعَيْنَ

43. Эй Марям, Парвардигорингга итоат эт, рукуъ қилувчилар билан рукуъ қил", деганларини эсланг.

Фаришталар Марямга Парвардигорига итоат қилиш, бунинг учун ибодат қилувчилар билан бирга кўпроқ ибодат қилиш кераклиги хабарини етказишганидан кейин у ибодатни янада кўпайтириб юборди. Марям ўз меҳробида шунчалик кўп ибодат қиласиди, узоқ тик тураверганидан оёқларига сариқ сув йифилиб, улар шишиб кетарди. Аллоҳ таоло Ўзининг инсонларни яратишдаги буюк қудратини билдириш учун Маряннинг дилидан "эрга тегиш" деган тушунчани бутунлай узоқлаштириб, уни асосан ибодат билан машғул қилиб қўйган эди. Аллоҳ таоло унга яна бошқа жуда кўп фазилатларни ҳам ато этган эди.

ذَلِكَ مِنْ أَنْبَاءِ الْغَيْبِ نُوحِدُهُ إِلَيْكَ وَمَا كُنْتَ لَدَيْهِمْ إِذْ يُلْقَوْنَ

 أَقْلَمُهُمْ أَيُّهُمْ يَكْفُلُ مَرِيمَ وَمَا كُنْتَ لَدَيْهِمْ إِذْ يَخْتَصِّمُونَ

44. (Эй Мұхаммад), бу Биз сизга билдираёттан ғайб хабарлари дандир. Марямга вакил бўлиш учун қалам ташлашаётганларида уларнинг олдида эмас эдингиз, тортишаётганларида ҳам улар олдида эмас эдингиз.

Ҳазрати Марям балоғатга етиб улғайтганларидан кейин Аллоҳ таоло фаришталар орқали у кишига ато қилинган даража ва мартабаларни билдириб, шу мақомга муносиб бандалик қилишга чақирди. Бошлиқларининг назр қилинган қизи Марямни ўз тарбиясига олиш учун ибодатхона ходимлари талашиб-тортишиб кетишиди. Охири қалам билан қуръа ташлашга қарор қилишиди. Таврот ёзадиган қаламларини ариққа ташлашган эди, ҳаммалариники оқиб кетди, фақат Закариёнинг қалами юқорига қараб оқди. Буларнинг ҳаммаси Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) маълум бўлмаган ғайб (яширин) ишлардан эди, Аллоҳ таоло ваҳий воситасида буларни у зотга маълум қилмоқда. Аллоҳ азза ва жалла айтади: "(Эй Мұхаммад), ушбу Китобда (Куръонда) Марямни ёд этинг!" (Марям, 16).

إِذْ قَالَتِ الْمَلِئَكَةُ يَمْرِيمُ إِنَّ اللَّهَ يُبَشِّرُكِ بِكَلِمَةٍ مِّنْهُ أَسْمُهُ

 ٤٥ الْمَسِيحُ عِيسَى اُبْنُ مَرِيمَ وَجِيْهًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمِنَ الْمُقْرَبِينَ

45. Фаришталарнинг: "Эй Марям, ҳақиқатан Аллоҳ сенга йўзидан бир калима хабарини берурки, унинг исми Масих Исо ибн Марямдир, дунё ва охиратда мартабали ҳамда яқин бандалари дандир;

Оятдаги "калима"дан мурод Исо алайҳиссаломдир. Ҳазрати Исонинг бир номлари "Калиматуллоҳ" эди, чунки у кишининг дунёга келишига Аллоҳ таолонинг биргина "Бўл!" деган калимаси сабаб бўлган. Оятда Исони "Ибн Марям" деб оналарига нисбат берилиши у кишининг отасиз дунёга келганлари учундир. Шу боис насронийлар Исо алайҳиссаломнинг отасиз туғилганига шубҳа билан қараб, уни Аллоҳнинг ўғли, деб ҳисоблашади, яъни Аллоҳни ота, Исони ўғил, Марямни эса она санашади. Уларнинг бу эътиқоди жаҳолатдан, ақлсизликдан бошқа нарса эмаслиги Қуръони каримнинг жуда кўп ўринларида баён этилган. Аллоҳ таолонинг Ўзи у кишини Исо ибн Марям деб атади. Қиёмат куни ҳисоб-китоб вақтида Исо алайҳиссалом ҳурматларидан барча инсонларни ота номига эмас, балки она номига нисбат бериб чақирилиши тўғрисида Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қилинган.



وَيُكَلِّمُ النَّاسَ فِي الْمَهْدِ وَكَهْلًا وَمِنَ الصَّابِرِينَ

46. у бешикдалигида ҳам, улғайганида ҳам гапиради ва солиҳлардан бўлади", деганларини эсланг.

Исо алайҳиссалом башарият болалари каби ота-онадан туғилмай, танҳо оналаридан туғилди. Бу нарса инсонларга файритабиий туюлса ҳам, Аллоҳ таолонинг ҳукми билан бўлган воқеа эди. Шу боис ҳазрати Исо улуғ мартаба соҳиби бўлган ва ҳар қандай инсоний номуносибликлардан пок эди. Бу киши туғилган пайтда атрофдагилар унинг волидасига тұхмат қилиб, уни нопокликда, фоҳи-шаликда айблашади. Ҳазрати Марям ҳақиқатни айтишни гўдакка ҳавола қилганида у она қучоғида туриб қатъий гувоҳлик беради. Ёши улғайганида ҳам одамларга панднасиҳатлар билан хитоб қиласр эди. Ана шундай қийин бир пайтда Исо онасига "хафа бўлманг" дея таскин бер-

ди. "Қандай хафа бўлмайинки, сени отасиз туғдим, қавмимга бунинг жавобини қандай айтаман?" деганида, Исо: "Сизнинг ўрнингизга мен жавоб бераман", дейди. Маряминг гапларига ишонмаган қавм "Бешикдаги гўдақдан нимани ҳам сўраймиз?" дея хуноби ошди. Марям эса гўдагини эмизиш учун кўкрак тутди. Шу пайт гўдак Исо Аллоҳ берган забон билан ўзининг кимлигинию, онаси ning поклигини сўзлай кетди: "Мен Аллоҳнинг бандасидирман. У менга китоб (Инжил) ато этди ва мени пайғамбар қилди" (Марям, 30). Исо алайхиссалом кейинчалик улғайганида қавмини ҳам дин ва хидоятга даъват этиб сўзлади.

قَالَتْ رَبِّنِي يَكُونُ لِي وَلَدٌ وَلَمْ يَسْتَهِنْ بَشَرٌ قَالَ كَذَلِكَ اللَّهُ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ إِذَا فَضَّلَ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ



47. Марям: "Эй Парвардигорим, менга инсон қўли тегмаган бўлса, қандай қилиб фарзандли бўлай?" деганида У: "Аллоҳ шу тариқа хоҳлаганини яратади, бирор ишни истаса, "Бўл!" дейиши кифоя, амалга ошаверади", деди.

Фаришталар Марямга Аллоҳ таоло бутун олам аёллари ичидан танлаб олиб, поклагани ва унга бир фарзанд ато этиши хабарини етказишганида у тамоман довдираф қолди. Парвардигорига илтижо қилиб, ўзининг ҳозиргача бирор инсон қўли тегмаган бокира қиз эканини айтди, "қанақасига фарзандли бўлишим мумкин?" деб ажабланди. Шунда Аллоҳдан шундай хабар келдики, барча маҳлукотларнинг ягона яратувчиси Аллоҳ шу тариқа хоҳлаганини яратади, бунинг учун Унинг биргина "Бўл!" дейиши кифоя қиласди.



وَيُعِلَّمُهُ الْكِتَبَ وَالْحِكَمَةَ وَالْتَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ

48. Ва унга ёзиш, илм-ҳикмат, Таврот ва Инжилни ўргатади.

Аллоҳ таоло бўлажак пайғамбари Исо алайҳиссаломга ёзиш, илму ҳикматни ўргатган, Тавротта эргашишни бујурган, кейин эса унинг ўзига алоҳида самовий китоб Инжилни нозил қилган эди. Ушбу оятга кўра эса, у ҳали туғилмасдан туриб унинг онаси Марямга бу илоҳий башорат ҳақида хабар қилинмоқда.

"Инжил" сўзи лугатда "илоҳий хабар, хайрли сўзлар, башорат, хушхабар" деган маъноларда келади. Фарб тилларида "Евангелия" дейилади. Исо алайҳиссаломга ўттиз ёшида Аллоҳ томонидан нозил қилинган самовий китоб шундай аталади. Инжил дастлаб иброний тилида бўлган, кейинчалик уни юнон, лотин, сурёний тилларига бузиб, ўзгартириб таржима қилишган. Унинг ҳаддан ортиқ бузиб юборилганини кўрган император Константин насроний динини қабул қилгач, ўша пайтда бир-бирига ўхшамаган олтмишта "сохта" Инжилни ёқтириб юборди ва тўрттаси – фаластинлик Матто, антокиялик Луқо, Маркус ва Юҳаннолар ёзига қолдирган Инжилларни қабул қилди. Инжил инсонлар томонидан бузиб-ўзгартириб юборилгани учун унинг ҳукмлари мансух (бекор) бўлиб, Аллоҳ таоло инсоният учун охирги илоҳий китоб, ҳукми ва бирор ҳарфи қиёматгача ўзгармайдиган Қуръони каримни сўнгги пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилди. Исломда насроний черкови тан олмайдиган, оммадан яширилган ҳаворий Барнабо инжили асл Инжил сифатида эътироф этилади.

وَرَسُولًا إِلَىٰ بَنَىٰ إِسْرَائِيلَ أَنِّي قَدْ جِئْتُكُمْ بِنَاءً قَوْمٍ مِّنْ رَّبِّكُمْ أَنِّي أَخْلُقُ
كُمْ مِّنَ الظِّيَّنِ كَهْنَةَ الْطَّيْرِ فَأَنْفُخُ فِيهِ فَيَكُونُ طَيْرًا يَأْذِنُ
اللَّهُ وَأَبْرِئُ أَلَا تَمَهَّدُ وَالْأَبْرَصُ وَأَخْيَ الْمَوْقَىٰ يَأْذِنُ اللَّهُ
وَأُنْبِئُكُمْ بِمَا تَأْكُلُونَ وَمَا تَدْخُلُونَ فِي يُوْتِي كُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً

﴿١٤﴾
لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ

49. Ва Бани Исроилга пайғамбар қилади. У айтади: "Сизларга ҳақиқатан Парвардигорингиздан далил олиб келдим. Сизларга лойдан қуш сувратидаги нарса ясаб унга пуфласам, у Аллоҳнинг изни билан учар қуш бўлади ва кўр, песларни тузатаман, Аллоҳнинг изни билан ўликни тирилтираман, еяётган ва уйингизда сақлаётган нарсаларингизнинг хабарини бераман. Агар мўмин бўлсанглар, буларда албатта сизларга далил бордир;

Ушбу ояти каримада Исо алайҳиссаломнинг Бани Исроил қавмига пайғамбар этиб юборилиши зикри келяпти. Сўнгра Исо алайҳиссаломга Аллоҳ тарафидан мўъжиза қилиб берилган нарсалар баёни келтирилади: Парвардигори унга ёзишни, илму ҳикматни, Таврот ва Инжилни таълим беради; лойдан қуш шаклини ясаб, унга пуфласа, Аллоҳнинг изни билан тирик қушга айланиб учади; Парвардигор изни билан кўр ва песларни тузатади, ўликларни тирилтиради, қавми еяётган ва захирада ушлаб турган нарсаларни айтиб беради. Фақат мўминларгина бундаги ҳикмат ва далилларни англай олишади.

وَمُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْ مِنَ التَّوْرَةِ وَلَا حُجَّ لَكُمْ بَعْضَ

الَّذِي حُرِمَ عَلَيْكُمْ وَجَتَّبُكُمْ بِغَايَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ



فَانْقُوا إِلَهَهُ وَأَطِيعُونَ

50. мендан олдин келган Тавротни тасдиқловчи, сизларга ҳаром қилингандарнинг бир қисмини ҳалол қилувчи бўлиб келдим ва сизларга Парвардигорингиздан далиллар келтирдим. Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоатда бўлинглар;

Ушбу ояти каримадан аён бўляптики, Исо алайҳиссалом одамларга ҳақиқий насронийликни кўрсатяпти: ўзидан олдин нозил қилинган Тавротни тасдиқлаяпти, Парвардигоридан фақат енгилликларни олиб келяпти. Аллоҳ, таоло Бани Исроилнинг қилган гуноҳлари учун ёғ, туя гўшти, балиқ каби нарсаларни ейишни уларга ҳаром қилган эди, Исо алайҳиссалом ўша ҳаром қилинган нарсаларнинг айримларини ҳалол қилиб келган. Демак, Исо алайҳиссалом Аллоҳ азза ва жалла меҳрибонлигининг бир тимсоли сифатида ҳам юборилган.



إِنَّ اللَّهَ رَبِّ وَرَبُّكُمْ فَاعْبُدُوهُ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ

51. Аллоҳ албатта менинг ҳам, сизларнинг ҳам Парвардигорингиздир. Унга бандалик қилинглар: тўғри йўл шудир!".

Исо алайҳиссалом адашган Бани Исроилга айтяптики, менинг ҳам, сизларнинг ҳам Парвардигорингиз ёлғиз Аллоҳдир. Унгагина бандалик қилинглар, Унга итоатда

бўлинглар, ваҳийларига имон келтиринглар. Чунки энг тўғри йўл, ҳидоят ва ҳақ йўли фақат шудир! Ушбу ояти карима Аллоҳ таоло хусусида Бани Исроил айтаётган нарсадан Аллоҳни поклашда уларга қарши энг ишончли ҳужжатдир!

فَلَمَّا أَحَسَّ عِيسَى مِنْهُمُ الْكُفَّارَ قَالَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ فَأَكَ

الْحَوَارِيُونَ نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ إِنَّمَا يَأْتِي



وَأَشْهَدُ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ

52. Исо улардаги куфрни сезганида: "Ким Аллоҳ йўлида менга ёрдамчи бўлади?" деди. Ҳаворийлар: "Биз Аллоҳ, динига ёрдамчилармиз, Аллоҳга имон келтирдик ва мусулмонлигимизга гувоҳ бўл";

Исо алайҳиссалом нодон қавмни ҳидоятга бошлаш қийинлигини сезиб, уларда куфр устунлигини кўргач, бу мashaққатли ишда ўзига ёрдамчилар зарурлигини англади. Эргашувчиларидан: "Аллоҳ йўлида ким менга кўмак бера олади?" деб сўради. Шунда оз сонли ҳаворийларгина пайғамбарга ёрдам беришга рози бўлишиди. Ҳаворийлар ўн икки нафар кир юувучи киши эди. Кир ювиш билан шуғулланишгани учун, баъзи муфас-сиirlар қавлига кўра, қалби тоза, ахлоқан пок бўлишган ва шундай ном олишган эди. Исо алайҳиссалом уларнинг бошлиқлари олдига бориб: "Сизлар нима учун кийим ювиб юрибсизлар, келинглар, қалбни тозалаш ҳунарини ўргатай", деганида улар дарҳол у кишига қўшилишиди. Шундан кейин Исо алайҳиссаломга эргашган барча кишилар "ҳаворий" деб аталадиган бўлди.

رَبَّنَا إِمَانًا بِمَا أَنْزَلْتَ وَاتَّبَعْنَا الرَّسُولَ فَأَنْتَ مَعَ

٥٣
الشَّهِيدِينَ

53. эй Парвардигоро, Сен туширган нарсага имон келтирилди, пайғамбарга эргашдик. Энди бизни гувоҳлар қаторига ёз!", дейишиди.

Яна ҳаворийлар айтишяптики, эй Парвардигоро, Сен туширган самовий китобга имон келтирилди, юборган пайғамбаринг Исо алайҳиссаломга эргашдик. Энди бизларни ҳам Сендан ўзга илоҳ йўқлигига имон келтирган гувоҳлар қаторига қўшиб ёз!

٥٤
وَمَكَرُوا وَمَكَرَ اللَّهُ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمَنْكِرِينَ

54. Макр қилишди ва Аллоҳ макр қилди, Аллоҳнинг макри зўрроқдир!

Араб тилидаги "макр" сўзи "махфий суратда нозик бир тадбирни кўриш" маъносини англатиб, ҳам салбий, ҳам ижобий ўринларда ишлатилади. Исо алайҳиссалом замонида яҳудийларнинг улуғларидан Матосир деган подшоҳ у кишини тутиб, ҳибсга олиш ва дорга осишга буйруқ берди. Унинг бу ишига жавобан Аллоҳ таоло ҳазрати Исони шу қадар муҳофазасига олдики, подшоҳ унинг бир дона мўйига ҳам зарар етказа олмади. Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломни осмонга кўтариб, фаришталарга қўшиб қўйди. Бутун Ислом уммати Исо алайҳиссалом тирик, самода, бир куни Аллоҳ таоло изни билан ерга тушади, деб эътиқод қиласди.

إِذْ قَالَ اللَّهُ يَعِيسَى إِنِّي مُتَوَقِّيْكَ وَرَافِعُكَ إِلَيَّ وَمُطْهِرُكَ مِنْ
 الَّذِينَ كَفَرُوا وَجَاعِلُ الَّذِينَ أَتَبَعُوكَ فَوْقَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِلَى يَوْمٍ
 الْقِيَمَةُ شَرَّ إِلَيَّ مَرْجِعُكُمْ فَاحْكُمْ بَيْنَكُمْ فِيمَا كُنْتُمْ



فِيهِ تَخْلِيفُونَ

55. Аллоҳ айтди: "Эй Исо, Мен сени олувчиман ва Ўз ҳузуримга кўтарувчиман, сени кофирлардан покловчиман ва сенга эргашганларни қиёматгача кофирлардан устун қилувчиман. Кейин ҳаммаларингиз ҳузуримга қайтасизлар ва ўзаро тортишган нарсаларингиз хусусида Ўзим ҳукм чиқараман;

Кофирлар Исо алайҳиссаломни ўлдиришга қасд қилишганида Аллоҳ азза ва жалла Ўзининг ҳақ пайғамбарини уларнинг қатлидан асраб қолди ва Ўз даргоҳи олиясига кўтарди. Аллоҳ таоло яхудийларнинг уни хочга михлаганларини рад этиб, пайғамбарни уларнинг тухмат-гумонларидан поклади ва Ўз ҳузурига кўтариб олганининг хабарини бериб, юқоридаги оятда келганидай хитоб қилди. Қиёмат яқинлашганида Дажжол Ер юзини фитна-фасодга тўлдириб турган бир пайтда Исо алайҳиссалом осмондан тушадилар ва уни ўлдирадилар. Исо алайҳиссалом осмондан тушганларидан сўнг Ислом шариати билан ҳукм қиласилар. Унут бўлган ҳукмларни қайта тикладилар. Ер юзида Аллоҳ таоло хоҳлаганча муддат яшаб, вафот этадилар. Мусулмонлар у зотга жаноза ўқиб, дафн қилишади.

Қуръони каримда Исо алайҳиссалом ҳақида нозил бўлган оятлардан бирининг мазмуни бундай: "Холбуки, улар уни

ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам ўйқ. Фақат улар учун (бошқа бирор Исога) ўхшатиб қўйилди, холос. Албатта Исо ҳақига талашиб-тортишган кимсалар унинг (ўлдирилган-ўлдирилмагани) ҳақига шубҳада қолганилар. У ҳақда фақат гумонларга бериладилар, холос. Уни ўлдирилмаганлари аниқдир, балки Аллоҳ, уни осмонга кўтаргандир" (Нисо, 157–158). Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: "Аллоҳ, таолога қасамки, яқинда орангизга Исо ибн Марям одил ҳакам бўлиб тушади. Хочни синдиради, тўнфизларни ўлдиради, жизяни бекор қиласди. Мол-дунё кўпаяди, ҳатто ҳеч ким садақа олмай қўяди. Бир марта сажда қилиш дунё ва ундаги бор нарсалардан яхшироқ бўлиб қолади" (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

فَإِنَّمَا الَّذِينَ كَفَرُوا فَأَعْذَبْهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ وَمَا

لَهُم مِّن نَّصِيرٍ

56

56. кофирларни бу дунёда ҳам, охиратда ҳам қаттиқ азоб билан жазолайман, уларга мададкор бўлмайди".

Аллоҳ, таоло Ўз пайғамбарига таскин бериб айтятники, улар ҳозирча Исони хочга михладик, Аллоҳниң пайғамбарини жисман маҳв этдик, дея қувониб туришсин, аммо уларни дунёда ҳам, охиратда ҳам шундай қаттиқ жазолайманки, бирор кимса уларнинг ёнини олмайди, бирор жонзот уларга ёрдамга келмайди.

وَإِنَّمَا الَّذِينَ إِيمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَيُؤْتَهُمْ أُجُورَهُمْ

وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ

57

57. Аллоҳ имон келтирган ва яхши амаллар қилганлар-нинг мукофотини тўлиқ беради. У золимларни севмайди.

Аллоҳ таоло Ўзига ва барча пайғамбарларига имон келтирган, уларнинг барчасини Аллоҳнинг элчилари деб тан олган, дунёдаги ҳаётларини фақат солиҳ амаллар, эзгу ишлар, тоат-ибодат билан ўтказган саодатманд кишиларнинг дунё ва охиратдаги мукофотларини асло камитмай, тўлиқ қилиб беради. Аммо Парвардигорига итоатсизлик кўрсатиб, Унинг пайғамбарларини хорлаган золимларга аламли азоблар тайёрлаб қўйган, чунки Аллоҳ азза ва жалла маҳлуқотларига зулм қилувчиларни нихоятда ёмон кўради.



ذَلِكَ نَتْلُوهُ عَلَيْكَ مِنَ الْآيَاتِ وَالَّذِي كَرِهَ الْحَكِيمُ

58. (Эй Мұхаммад), Биз сизга тиловат қилаётган нарса оятларимиз ва ҳикматли насиҳатлардир.

Яъни, эй суюкли Пайғамбарим, сизга тиловат қилиб берилаётган Қуръони карим оятлари илоҳий дастурдир. Исо ҳақида яхудийлар ихтилоф қилаётган нарсалар ҳақидаги хабарларнинг ботили билан ҳақиқатини ажратиб берувчи башоратлардир. Сиз ва сизга эргашаётганлар бундан бошқа хабарни қабул қилишмасин.



كُنْ فَيَكُونُ

59. Исонинг Аллоҳ ҳузуридаги мисоли худди Оdamники кабидир: уни тупроқдан яратиб, сўнгра: "Бул!" деди ва у бўлди.

Исо алайҳиссалом ва унинг онаси Биби Марям ҳақлари-

да насроний тоифаларнинг эътиқоди мутлақо хато бўлиб, соғлом ақл ва тафаккурга мос келмайди. Бу эътиқод Куръони каримдаги Аллоҳ таоло томонидан туширилган очикойдин ояtlар маъносига тамоман зиддир. Ушбу ояти каримада айтиляптики, Исонинг дунёга келиши ҳам худди Одам алайҳиссаломники каби бўлган, Аллоҳ таоло "Кун!" (Бўл!) дейиши билан бўлган. Эй инсонлар, бу Парвардигорингиз томонидан келган сўз бўлгани учун унга асло шубҳа қилманг.

Барча муфассир ва тарихчилар ушбу ояtlар Нажрондан келган ҳайъат мунозараси ҳақида нозил бўлганини бир овоздан тасдиқлашган. Саҳобий муфассирлардан Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анхумо) айтадилар: "Расууллоҳ алайҳиссаломнинг ҳузурларига Нажрон аҳлидан бир гуруҳ келди ва: "Сен бизнинг соҳибимизни зикр қилас экансан", дейишли. У зот "У кимдир?", деб сўрадилар. Улар: "Исо" деб жавоб беришли. Расууллоҳ алайҳиссалом: "Ҳа, у Аллоҳнинг бандасидир", дедилар. Улар: "Унга ўхшаш зотни кўрганмисан ва ёки бундан хабар топганмисан?", дея у зотнинг ҳузуридан чиқдилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом келиб пайғамбаримизга: "Агар улар қайтиб келишса: "Албатта Аллоҳнинг ҳузурида Исонинг мисоли Одамга ўхшайди. Уни тупроқдан яратиб, сўнга "Бўл!" деди ва у бўлди", дегин", дея, мазкур ояtlарни ўқиб бердилар.

Баъзи тафсирчилар эса бундай дейишади: "Пайғамбар алайҳиссалом уларга Исо Аллоҳнинг бандаси ва расули ҳамда покиза, бокира Марямга илқо қилган калимасидир", деганлар. Улар эса ғазабланиб: "Эй Мұҳаммад! Сен ҳеч қачон отасиз одамни кўрганмисан?" дейишган. Шунда Аллоҳ таоло "Албатта Исонинг мисоли..." деб бошланувчи ояtlарни тушириб, унинг отасиз дунёга келиши Одам Атонинг яратилишига ўхшашлигини, Аллоҳ таоло Одам Атони ҳам отасиз ва онасиз тупроқдан яратганини баён қилган. Аллоҳ таоло Одам Атони қуруқ тупроқдан яратганига иқрор бўлган инсон ҳар нарсага қодир Аллоҳнинг Исо ибн

Марямни отасиз яратганига нега иқрор бўлмайди? Аслида Одам Атонинг яратилиши ажойиброк ва ғаройиброк эмасми? Уни Аллоҳ таоло отасиз ва онасиз яратган-ку!



الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ فَلَا تَكُنْ مِنَ الْمُمْتَرِينَ

60. Бу Парвардигорингиздан келган ҳақдир, асло шубҳа қилувчилардан бўлманг.

Оятнинг баёнидан сўнг ҳеч қандай саволга ёки шакшубҳага ўрин қолмайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло: "Бу Парвардигорингиздан келган ҳақдир, асло шубҳа қилувчилардан бўлманг," деган. Бу хитоб мазкур ўхшатишни ва воқеъий далилни тинглаган ҳар бир шахсга қаратилгандир. Бу эса ўз ўрнида инсоний ҳаяжонни ва идрокни қўзғатишининг бир усулидир. Бу Исо алайҳиссалом ҳақидаги ҳақ сўзни, яъни ақидани яна ҳам саботли ва кучли қилиш учун қилинган.

Бу ҳақда яна бир бор тафаккур қилиб кўрадиган бўлсак, Аллоҳ таоло инсонни турли сувратда, турли йўл билан яратиш қудратига эга эканини кўрамиз. Одам алайҳиссаломни эркаксиз, аёлсиз қуруқ тупроқдан яратди. Момо Ҳавво онамизни эса эркақдан аёлсиз яратди. Исо алайҳиссаломни аёлдан эркаксиз яратди. Бошқа инсонларни эса эркак ва аёлдан яратди. Демак, осмонлару Ерни йўқдан бор қилган Аллоҳнинг Исони отасиз дунёга келтиришида ҳеч қандай шубҳа, гумон ёки ғайритабиийлик йўқдир. Исонинг отасиз яратилишида ҳеч қандай ғаройиблик йўқки, уни батъзилар Аллоҳнинг ўғли деса ҳам, бу қудратли ва улуғ, бир нарсани ирода қилиб "Бўл!" деса, бўлаверадиган Аллоҳнинг ишидан бошқа нарса эмас.

فَمَنْ حَاجَكَ فِيهِ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ فَقُلْ تَعَالَوْا نَدْعُ أَبْنَاءَنَا

وَأَبْنَاءَكُمْ وَنِسَاءَنَا وَنِسَاءَكُمْ وَأَنفُسَنَا وَأَنفُسَكُمْ ثُمَّ نَبْتَهِلْ



فَنَجْعَلُ لَعْنَتَ اللَّهِ عَلَى الْكَافِرِينَ

61. Сизга ҳужжат келганидан кейин ҳам сиз билан торишишадиганларга: "Келинглар, биз ўғилларимизни ва сизлар ҳам ўғилларингизни, хотинларимизни ва сизлар ҳам хотинларингизни, биз ўзимизни, сизлар ўзларингизни йигайлик-да, "Ёлғончиларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!" деб илтижо қиласайлик", дeng.

Улар Исо алайҳиссалом ҳақида: "Агар Худонинг ўғли бўлмаса, унда кимнинг ўғли?" деб сўрашди. Уларнинг бу эътиrozли саволларига жавобан юқоридаги ояти карима тушди. Яъни, бир фарзанднинг вужудга келиши учун ҳамиша ҳам ота ва онанинг иштироки лозим эмас, Аллоҳ таоло хоҳласа, Исо Масих каби болани отасиз ҳам пайдо қила олади. Бу худди Унинг Одам алайҳиссаломни отаонасиз вужудга келтиргани кабидир. Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга буюрятки, қанча тушунтирангиз ҳам Нажрон насронийлари барибир тушунишмайди. Шунинг учун улар билан баҳс қилганда: "Келинглар, сизлар ҳам, бизлар ҳам фарзандларимизни ва аҳли-аёлларимизни баробар йиғиб, "Ким Исо алайҳиссалом ҳақида ёлғон гапирган бўлса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!" деб Аллоҳга илтижо қиласайлик", дeng. Насронийлар бу гапни эшитгач, ўзаро маслаҳатлашиб олиш учун бир кунга ижозат олишди. Шунда ораларидаги улуғлардан бири сўз олиб: "Эй насронийлар, яхши биласизки, Мухаммад (алайҳиссалом) ҳақ Пайғамбаридир, қайси бир қавм ҳақ пайғамбар билан тортишса,

ҳалок бўлмай қолмайди. Биз бу зот билан баҳслашаверсак, ер юзида бирорта насроний қолмайди. Шунинг учун вақт борида жонимизни олиб қочайлик. Аллоҳ Исмоил алай-ҳиссалом авлодларидан бир пайғамбар юбормоқчи эди, балки ўша пайғамбар шу зотдирлар", деди. Улар бу масла-ҳатга кўниб, баҳсни тўхтатишиди. Лекин жаноби Фахри коинот ҳазрати Фотима, ҳазрати Али ва икки имомни ҳамроҳ қилиб, улар олдига чиқиб турадилар. Кейинчалик улар сулҳга келишиб, Ислом давлатига жизя (солиқ) тўлашга рози бўлишиди ва ватанларига қайтишиди.

إِنَّ هَذَا لَهُ الْقَصْصُ الْحَقُّ وَمَا مِنْ إِلَهٍ إِلَّا اللَّهُ وَإِنَّ اللَّهَ
لَهُ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

۱۲

62. Албатта бу рост қиссадир ва Аллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқ, албатта Аллоҳнинг Ўзи қудратли ва ҳикматлидир.

Исо алайҳиссаломнинг яҳудийлар ўйлаганидай хочга михланмагани, балки Парвардигор уни Ўз ҳузурига кўтариб олгани, Қиёматта яқин у кишининг қайтиб тушиб, Ер юзида Дажжолни ўлдиргач, адолат ва Ислом шариатини жорий этишлари қиссаларининг бари ростдир, чунки булар ҳақида Аллоҳ таоло Ўз китобида баён этиб беряпти. Борлиқ ва коинотдаги ҳамма нарсани бошқариб, қатъий низомга солиб турувчи Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, У ўта қудратли, ҳар нарсага қодир, олдинги ва кейинги барча воқеа-ходисаларнинг, бўладиган ишларнинг ҳикматини билувчи Зотdir.

فَإِنْ تَوَلَّا فَإِنَّ اللَّهَ عَلَيْمٌ بِالْمُفْسِدِينَ

63. Шунда ҳам юз ўгиришса, Аллоҳ бузғунчиларни билувчиидир.

Мана шу ҳақиқатни кўра-била туриб ҳам, Парвардиго-рингизнинг ваҳийлари пайдар-пай тушиб, инсонларга ҳидоят йўллари кўрсатиб қўйилса ҳам Аллоҳнинг динидан юз ўгирувчилар, Унинг Пайғамбарини инкор қилувчилар асл бузғунчилардир. Аллоҳ бундай бузғунчиларнинг кирдикорларини жуда яхши билади ва уларни қаттиқ жазолайди.

قُلْ يَأَهْلَ الْكِتَبِ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٌ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَا
نَعْبُدُ إِلَّا اللَّهُ وَلَا شَرِيكَ لَهُ، شَيْئًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا بَيْانًا
مَنْ دُونَ اللَّهِ فَإِنْ تَوْلُوا فَقُولُوا أَشْهُدُوا إِنَّا مُسْلِمُونَ



64. (Эй Мухаммад): "Эй китобийлар, бизга ҳам, сизга ҳам баробар бир сўзга келинг – Аллоҳдан ўзгасига ибодат этмайлик, Унга ҳеч кимни шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз баъзимизни парвардигор қилиб олмайлик", деб айтинг. (Эй мўминлар), шунда ҳам юз ўгиришса: "Гувоҳ бўлингларки, бизлар албатта мусулмонлармиз", денглар.

Ушбу ояти карима Расулulloҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг Рум ҳукмдори Ҳирақлга ёзган мактубларида насронийларни Аллоҳнинг ягона динига даъват қилиш мақсадида келтирилган эди. Куръони карим мусулмонларни китобийларга (яъни илоҳий китоб берилган яҳудий ва насроларга) юқоридаги чақириқни етказишни буоради. Шунинг учун биз, мусулмонлар Қуръони карим даъватига амал қилиб, насронийларни ўртамиизда умумий бўлган икки нарса – Аллоҳни яхши кўриш ва атрофдагиларни яхши кўриш ҳақида амрга итоат қилиб, биргалиқда битта йўлдан боришга даъват этишга бурчлимиз. Бунинг маъноси шуки, бутун таъзимни, севгини, тавозеъни ва улуҳиётни Аллоҳ

таолонинг Ўзигагина йўналтириш лозим. Бунинг учун инсон Аллоҳдан бошқа бирон нарсани ўз Раббиси сифатида тан олмаслиги; Аллоҳдан ўзгани Аллоҳни севганчалик севмаслиги ва дўст тутмаслиги; Аллоҳдан бошқани ҳакам сифатида қабул қилмаслиги; ҳар бир ишда, ҳар бир ҳолатда Аллоҳга таваккул қилиши талаб этилади. Аллоҳ таоло Куръони каримнинг бир неча оятларида Ўзининг самовий китобларидан бирини Исо алайҳиссаломга нозил қилганини, бу китобнинг номи Инжил бўлганини, аслида Аллоҳ томонидан юборилган барча динлар асосда бир экани, яъни тавҳидга чорлашини баён этган. Китобийлар бундан яхши хабардор бўлишса-да, кибр ва ҳасадлари туфайли ушбу ҳақиқатни тан олишдан ожиздирлар. Эй Пайғамбарим, уларга айтинг: барчага баробар бир сўзга, яъни Аллоҳдан ўзгасига ибодат қилмасликка, Унга ҳеч кимни шерик қилмасликка, Аллоҳни қўйиб, баъзилари баъзиларини парвардигор қилиб олмасликка сўз беришсин.

يَأَهْلَ الْكِتَبِ لِمَ تُحَاجُّونَ فِي إِبْرَاهِيمَ وَمَا أَنْزَلْتَ أَلَّوَّنَةً



وَإِنْجِيلٌ إِلَّا مِنْ بَعْدِهِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ

65. Эй Аҳли китоблар, Иброҳим хусусида нега жанжаллашасизлар? Ҳолбуки, Таврот ҳам, Инжил ҳам ундан кейин тушган-ку! Ақл ишлатмайсизларми?

Китоб берилганлардан яҳудийлар Иброҳим алайҳиссаломни яҳудий деб исботламоқчи бўлишса, насронийлар уни насронийлардан деб тортишишади. Ахир улар ақлларини ишлатиб, озгина фикр юритишганида, ўзларининг бу даъволари фирт асоссиз эканини аниқ билган бўлишар эди. Ахир, Таврот ҳам, Инжил ҳам Иброҳим алайҳиссалом яшаб ўтганидан анча кейин нозил қилинган-ку, қанақасига у яҳудий ёки насроний бўлсин?!

هَتَأْنُتُمْ هَؤُلَاءِ حَجَجْتُمْ فِيمَا لَكُمْ بِهِ عِلْمٌ فَلِمَ تَحاجُونَ فِيمَا

لَيْسَ لَكُمْ بِهِ عِلْمٌ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ

٦٦

66. Биладиган нарсаларингиз ҳақида-ку тортишган эдинглар, энди билмаган нарсаларингиз ҳақида нега тортишасизлар? Аллоҳ биладиганини албатта сизлар билмайсизлар!

Олдинлари билган нарсаларингиз ҳақида ҳам ҳамиша тортишган, ҳақиқатни инкор этишга уринган эдинглар. Энди билмаган нарсаларинг ҳақида ҳам баҳслашиб юрибсизларми? Ахир Аллоҳ Ўз пайғамбарларининг кимлигини сизлардан кўра яхшироқ билади-ку! Овора бўлиб, тортишиб юрманглар, Парвардигорингиз биладиганини сизлар асло била олмайсизлар! Аллоҳ таоло айтади: "Иброҳимнинг динидан фақат енгилтаклар юз ўгиради. Ҳақиқатан, Биз дунёда уни танлаб олдик ва охиратда у шубҳасиз солиҳлардандир" (Бақара, 130).

مَا كَانَ إِبْرَاهِيمُ يَهُودِيًّا وَلَا نَصَارَىًّا وَلَكِنْ كَانَ حَنِيفًا مُسْلِمًا وَمَا

كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ

٦٧

67. Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам эмас, балки ҳаниф мусулмон эди ва у мушрик ҳам бўлмаган.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни Ўзининг амр-фармонларини бу дунёда одамларга етказиши, уларни Ҳақ йўлга ҳидоят қилиши учун танлаб олган. Шубҳасиз, у охиратда тўғри йўлда мустақим борувчи солиҳлардан (ҳанифлардан) ва Аллоҳнинг ризоси, Унинг ажр-савоби ва жаннати насиб этадиган зотлардандир. Аллоҳ таолонинг Ўзи

хабар беряптики, Иброҳим алайҳиссалом яҳудий ҳам, насроний ҳам эмас, балки ҳаниф мусулмон эди, у асло мушрик бўлмаган. Сийрат китобларида келишича, Пайғамбар алайҳиссалом Макка фатҳи куни Каъбага кирганларида фаришталарнинг суратлари билан бирга Иброҳим алайҳиссаломнинг қўлларида чўплар билан фол очиб турган суратларини кўриб: "Аллоҳ мушрикларни ҳалок қилсин, улар улуғ бобомизни чўплар билан фол очадиган қилиб тасвирлашибди. Иброҳим қаёқдаю, фол очиш қаёқда!" дедилар ва юқоридаги оятни ўқидилар.

إِنَّ أُولَئِنَاسٍ يَأْتِيَهُم مَّا لَدُنَّ اللَّهِ وَهُنَّا أَلَّا نَرِيْدُ وَالَّذِينَ إِيمَنُوا

وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ



68. Унга эргашганлар, ушбу Пайғамбар ҳамда мўминлар Иброҳимнинг дўстлариdir, Аллоҳ эса мўминларнинг дўстиdir.

Яҳудийлар Иброҳим алайҳиссаломни "яҳудий" деб, насронийлар эса насронийлардан ҳисоблашгани билан ҳар икки жамоанинг иддаолари ёлғондир. Ҳазрати Иброҳим қандай қилиб яҳудий ёки насроний бўлсин, ахир Таврот ҳам, Инжил ҳам у кишидан бир неча аср кейин тушганини, Мусо ва Исо алайҳимассалом ҳазрати Иброҳимдан анча кейин ўтишганини ҳамма билади-ку! Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳнинг ҳақ йўлидан чиқмаган, ҳамиша Унга итоатда бўлганлардан (ҳанифлардан) эди. Иброҳим алайҳиссаломга энг яқинлар бўлганлар унинг ўша даврдаги умматлари, сўнгра Муҳаммад алайҳиссалом ва бу зотнинг умматлариidir. Абу Солих Ибн Аббосдан қўйидагича ривоят қиласанки, биз Иброҳимнинг динига сендан ва бошқалардан кўра ҳақлироқмиз. У яҳудий бўлган эди. Сен фақат ҳасад

қиляпсан, холос", дейишди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди".

وَدَّتْ طَالِفَةٌ مِنْ أَهْلِ الْكِتَبِ لَوْ يُضْلُّنَّكُمْ وَمَا يُضْلُّونَ إِلَّا



أَنفُسُهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ

69. Аҳли китоблардан бир тоифалари сизларни адаштиришни исташади. Улар ўзларини адаштира-ётганларини билишмайди.

Бу оят яхудийларнинг сахобалардан Муоз ибн Жабал ва Аммор ибн Ёсирларни ўз динларига чақиргандаридан нозил бўлган. Яхудийлар Исломга қарши ҳар хил чоратадбирлар излашар эди. Бу тадбирлардан биттаси шу эдик, улардан бир нечаси эрталаб ўзини мусулмон деб эълон қилас, кун бўйи мусулмонлар билан бирга намоз ўқирди. Шом вақтида Исломдан чиқиб, халқа бундай дейишар эди: "Самовий китобларда башорат берилган пайғамбар бу киши эмас экан. Биз илм орқали бунинг ҳақиқатини топдик ва ўзимиз ҳам кўрдикки, охирзамон пайғамбари-нинг нишоналари бу кишида йўқ экан". Уларнинг бу сўзларини эшитган баъзи содда ва лақма мусулмонлар имонлари заифлигидан ташвишга тушишар ва: "Агар Ислом ҳақ бўлганида булар ундан чиқишармиди?" дейишар эди. Яхудийларнинг бу шайтоний ишлари ўзлари каби адашганларга ҳам таъсир қиласарди. Аллоҳ ҳидоят қилган банда эса бу каби иғволар билан йўлидан озмайди, ҳақ йўлдан чекинмайди.



يَأَهْلَ الْكِتَبِ لَمْ تَكُفُّوْنَ كِتَابَ اللَّهِ وَأَنْتُمْ شَهَدُونَ

70. Эй Аҳли китоблар, ўзингиз гувоҳ бўлатуриб нега Аллоҳнинг ояларига ишонмайсизлар?

Аллоҳ "Эй китобийлар" (аҳли китоблар) деб мурожаат қилаётганлар яҳудий ва насроний динидагилардир. Улар ўзлари ўқийдиган Инжилда охирзамон Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг келишлари, ҳатто у зотнинг исмлари бу китобда Аҳмад шаклида зикр қилинганига гувоҳ бўлатуриб ҳам Қуръон ояларини инкор қилишди, унга бўйсунишдан бош тортишди. Бу уларнинг қаттиқ катоси, адашуви эди. Бу адашув ҳозиргача давом этиб келмоқда.

يَأَهْلَ الْكِتَبِ لَمْ تَلِسُونَ الْحَقَّ بِالْبَطِيلِ وَتَكُنُمُونَ الْحَقَّ

وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ

۶۱

71. Эй Аҳли китоблар, билиб туриб нега ростни ёлғонга аралаштирасизлар ва ҳақиқатни яширасизлар?

Аҳли китобларнинг Ислом дини бутун инсониятга қиёматгача ҳақ дин бўлиб келганидан кейин ҳам ўз манфаатлари йўлида, кибр ва ҳасадлари туфайли эски динларини ушлаб қолиш, нима қилиб бўлса ҳам одамларни тобора ёйилиб бораётган Исломдан чалғитиш йўлида олиб бораётган ишлари таажҷуб туғдиради, холос. Улар билиб туришса ҳам ҳақиқатни яширишяпти, бирор холис, инсофли диндошлари буни очмоқчи бўлса, дарров унга ташланишяпти. Мавқеларини ушлаб қолиш учун битта рост гапга ўнта ёлғонни қўшиб, "чин ҳақиқат шу!" дея таклиф этишяпти.

وَقَالَتْ طَائِفَةٌ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَبِ إِمْنَاعًا بِالَّذِي أُنزِلَ عَلَى الَّذِينَ



إِمْنَاعًا وَجْهَ النَّهَارِ وَأَكْفُرُوا أَخْرَهُ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ

72. Аҳли китоблардан бир тоифаси: "Мўминларга туширилган нарсага эрталаб имон келтиринглар, кечқурун инкор қилинглар, шояд улар ҳам қайтишса;

Ҳасан ва Суддий айтишади: "Ҳайбар яхудларидан ўн икки роҳиб тил бириктириб, бир-бирига: "Куннинг аввалида Муҳаммаднинг динига кирамиз. Тил билан, эътиқод билан эмас. Охирида эса инкор этамиз ва: "Биз китобларимизга қараб, уламоларимиз билан маслаҳатлашиб, Муҳаммадни охирзамон пайғамбари эмас, деб топдик. Унинг ёлғони фош бўлди. Дини ботил экан", деймиз. Агар шундай қилсак, унинг саҳобалари ўз динлари тўғрисида шубҳага боришади ва: "Аҳли китоблар биздан кўра илмлироқ", дейишиади ва динларидан чиқиб, бизнинг динимизга киришади", дейишиди. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилиб, Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломни ва мўминларни огоҳлантириди".

وَلَا تُؤْمِنُوا إِلَّا لِمَنْ تَبْيَغُ دِينَكُمْ قُلْ إِنَّ الْهُدَىٰ هُدَىٰ اللَّهُ أَنْ يُوقَنَ

أَحَدٌ مِثْلَ مَا أُوتِيْتُمْ أَوْ بُعْجَوْكُمْ عِنْدَ رَبِّكُمْ قُلْ إِنَّ الْفَضْلَ يَنِدِ اللَّهُ



يُوتِيهِ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلَيْهِ

73. ва динингиздагидан бошқага ишонманглар, токи бирортага сизларга берилганига ўхшаш нарса берилмасин ёки Парвардигорингиз ҳузурида сизлар билан ҳужжат

талашмасин", дейишиди. (Эй Мұхаммад): "Асл ҳидоят Аллоҳнинг ҳидоятидир, ҳақиқатан фазлу карам Аллоҳнинг ҳузурида, уни хоҳлаганига беради. Аллоҳ кенг қамровли ва билувчиdir;

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нажронлик насронийларни Исломга даъват қилиб турғанларида Абу Рофеъ ал-Қуразий: "Эй Мұхаммад, насроролар Исо ибн Марямга ибодат қилганидек, сенга ҳам ибодат қилишимизни хоҳлайсанми?" деди. Нажронлик насроний ар-Рубаййис (баъзи ривоятларда ар-Раййис, ар-Роис) ҳам: "Сен биздан шуни хоҳлайсанми ва шунга даъват қиласанми, эй Мұхаммад?" деди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳдан ўзгага ибодат қилишдан ва Аллоҳдан бошқага ибодат қилишга чақиришдан Аллоҳ паноҳ берсин. Аллоҳ мени бунга юбормаган ва бунга буюрмаган ҳам" деб ёки шунга ўхшаш сўз билан жавоб қайтардилар. Аллоҳ таоло бу ҳақда юқоридаги ояти каримани нозил қилди.



يَخْصُّ بِرَحْمَتِهِ مَن يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ

74. раҳматини истаган кишисига хослаб беради, Аллоҳ буюк фазл эгасидир", дeng.

Аллоҳ таоло: "Раҳматим – меҳрибонлигим эса ҳамма нарсадан кенгdir" (Аъроф, 156) дейди. Ана шундай ҳамма нарсадан кенг раҳматини У зот истаган кишисига хослаб беради. Анас розийаллоҳу анху ривоят қилади: "Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: "Аллоҳ таоло айтди: "Эй Одам фарзанди, раҳматимдан умидвор бўлар экансан, сен тарафингдан содир бўлган нарсаларни кечираман ва ҳеч парво қилмайман. Эй Одам фарзанди, агар гуноҳларинг осмонча бўлса-да, сўнг мендан мағфират сўрасанг, сени мағфират қиласман ва ҳеч парво қилмайман..." (Имом Термизий ва

Ибн Можа). Аллоҳниң құдратини, кибриёсина инкор қиладиган коғир, мушрик кимсаларгина Аллоҳниң раҳматидан ноумид бўлишади.

وَمِنْ أَهْلِ الْكِتَبِ مَنْ إِنْ تَأْمِنُهُ بِقِنْطَارٍ يُؤَدِّهِ إِلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَنْ إِنْ تَأْمِنُهُ بِدِينَارٍ لَا يُؤَدِّهِ إِلَيْكَ إِلَّا مَا دُمْتَ عَلَيْهِ قَائِمًا ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا لَيْسَ عَلَيْنَا فِي الْأُمَّةِنَ سَبِيلٌ وَيَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ قَالُوا لَيْسَ عَلَيْنَا فِي الْأُمَّةِنَ سَبِيلٌ وَيَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ



وَهُمْ يَعْلَمُونَ

75. Аҳли китоблар орасида қинторни омонатта қўйсангиз – қайтарадиганлари, бир динорни омонат топширсангиз, устида туриб олмагунингизча бермайдиганлари ҳам бор. Бу уларнинг: "Нодонларнинг моли бизларга ҳалол", дейишгани туфайлидир. Улар билиб туриб ҳам Аллоҳ ҳақида ёлғон сўзлашади.

Китобийларнинг баъзилари: "Исломга кирган саводсиз, нодон арабларнинг ҳақларини есак бўлаверади", дейишади. Улар нафақат араблар, яҳудий бўлмаган бошқа барча миллатларга ҳам шундай муносабатда бўлишади. Аммо улар ичида шундай омонатдорлари ҳам борки, қинтор (минг динорли) хазинани топшириб қўйсангиз ҳам бир тийинига хиёнат қилишмайди. Ана шу гуруҳлар ҳақни таниган, Аллоҳ таолодан қўрқсан ва ўз китобларига амал қилганларидир. Саҳобийлардан Абдуллоҳ ибн Салом каби зотлар шу тоифадан эдилар.



بَلَى مَنْ أَوْفَى بِعَهْدِهِ وَأَتَقَنَ فَإِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَّقِينَ

76. Йўқ! Аҳдига вафо қилувчигина Аллоҳдан қўрқади, Аллоҳ албатта тақвадорларни яхши кўради.

Инсон қадри, эъзозини асровчи омиллардан бири ваъдага вафо қилишдир. Ушбу ояти каримада ҳам ваъдага вафо қилиш тақвадорликнинг (Аллоҳдан қўрқишининг) асосий шартларидан бири сифатида зикр этилмоқда. Ҳукмлари инсон қадрини асрараш ва юксалтиришга қаратилган Ислом динида ваъдага вафо қилиш вожиб амаллардан саналади. Аллоҳ таоло мўминларни ҳамиша ваъдага вафо қилишга, ваъдани бузмасликка чақириб, бундай огоҳлантирган: "Ваъдасини бузувчилар, қариндошчиликни унугланлар Ер юзида бузғунчилик қилувчилар қаторигадир" (Бақара, 72). Ҳадиси шарифда: "Ваъдага вафосизлик мунофиқлик аломатларидан биридир", дейилган (Имом Бухорий). Ҳазрати Али (каррамаллоҳу важҳаҳу) Аштар Нахаъий Молик ибн Хорисга ёзган мактубларида, жумладан, шундай насиҳат қилганлар: "Агар душманингиз билан ҳам битим тузган ё унга ваъда берган бўлсангиз, ваъдага вафо қилинг, сўзингиз устидан чиқинг, ваъдангиз учун жонингизни фидо қилинг. Зоро, инсонлар ақидада бир-бирларидан фарқ қилишса-да, Аллоҳ таоло фарзларидан сўнг ваъдага вафо қилишнинг буюклиги борасида яқдилдирлар. Тузган битим ва берган ваъдангизга асло хиёнат қилманг".

إِنَّ الَّذِينَ يَشْرُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَأَيْمَانِهِمْ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَئِكَ لَا خَلَقَ
 لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ وَلَا يُكَلِّمُهُمْ اللَّهُ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ
 وَلَا يُرَى كَيْفَيَتُ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ



77. Аллоҳ билан аҳдларини бузадиган ва қасамларини арzonга сотадиганларга охиратда асло насиба йўқ. Қиёмат

куни Аллоҳ уларга бир сўз демайди ва назар солмайди, уларни покламайди ҳам. Уларга оғир азоблар бордир.

Аллоҳ таолога берган ваъдаларига вафо қилмайдиган, қасамларини осонгина буза оладиган кимсаларга қиёматда ҳеч қандай насиба бўлмайди. Аллоҳ қиёматда бундайларга қарамайди ҳам, сўз демайди ҳам, гуноҳларидан покламайди ҳам, балки уларга оғир азобларни тайёрлаб қўйган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Улкан гуноҳларнинг каттароқлари Аллоҳ таолога ширк келтириш (Унинг шериги бор дейиш), ота-онани ранжитиши ва ёлғон қасам ичишдир. Бир киши қози ҳузурида ёлғон қасам ичиб, бирор одамнинг ҳаққи тортиб олинишига сабаб бўлса ёки шу қасами эвазига чивин қанотича бирор нарсага эга бўлса, Аллоҳ таоло унинг кўнглига қиёмат кунига қадар кетмайдиган бир қора тугун солиб қўяди", деганлар (Аҳмад ибн Ҳанбал, "Муснад", З-жуз, 495-бет). Ёлғон қасам гуноҳга ботирувчи қасамдир. Ёлғон қасам ичган одам астойдил тавба қилсагина қалбидаги ўша қора тугун йўқолиши мумкин. Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ривоят қилади: "Бозорда бир одам бир матони ўлчатиб олиб, "Матонинг пули берилиди" дея қасам ичиб туриб олди. Ҳолбуки у матонинг пулини бермаган эди. Бу билан у бир мусулмонничув туширмоқчи бўлди. Шунда "... қасамларини арzonга сотадиганларга охиратда насиба йўқ..." ояти каримаси нозил бўлди"

وَإِنْ مِنْهُمْ لَفَرِيقًا يَلَوْنَ أَلْسِنَتَهُمْ بِالْكِتَبِ لِتَحْسِبُوهُ مِنَ

الْكِتَبِ وَمَا هُوَ مِنَ الْكِتَبِ وَيَقُولُونَ هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ

وَمَا هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَيَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبُ وَهُمْ يَعْلَمُونَ

78. Уларнинг бир гуруҳи борки, Китобдан бўлмаган нарсани ундан деб ўйлашларингиз учун Китобни тилларини бураб ўқишида. Ҳолбуки бу Китобдан эмас. Улар: "Бу Аллоҳдан", дейишади, ваҳоланки Аллоҳ ҳузуридан эмас. Улар билиб туриб Аллоҳ ҳақида ёлғон тўқишида.

Яна шундай тоифалар борки, Китобни ўқиши чоғида атайлаб тилларини бураб ўқишида ва бу билан унда бўлмаган нарсаларни Аллоҳ ҳузуридан, деб ишонтиришга уринишида. Улар қанчалик алдов ва ҳийлаларга боришимасин, ниятларига етишолмайди, мусулмонларни йўлдан чалғита олишмайди. Улар кўра-била туриб Аллоҳ ва Унинг ваҳийлари ҳақида ёлғон тўқишида, ҳолбуки Парвардигорнинг ваъдасига кўра, ёлғончи ва инкорчиларнинг жойи дўзахдадир.

مَا كَانَ لِبَشَرٍ أَنْ يُؤْتِيهِ اللَّهُ الْكِتَابَ وَالْحُكْمَ وَالنِّسْبَةَ ثُمَّ
يَقُولَ لِلنَّاسِ كُوْنُوا عِبَادًا إِلَيْ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلَكِنْ كُوْنُوا رَبَّاً نَّعِيشَنَّ
بِمَا كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ الْكِتَابَ وَبِمَا كُنْتُمْ تَدْرُسُونَ

٧٦

79. Ҳеч бир башар зотига Аллоҳ Китоб, ҳукм юритиш ва пайғамбарлик берганидан кейин унинг одамларга: "Аллоҳни қўйиб, менга қуллик қилинглар", дейиши тўғри эмас, балки одамларга: "Китобни ўргатиб ва ўзингиз ҳам ўрганиб, Аллоҳга раббонийлардан бўлинглар", десин.

Ушбу ояти карима баъзи насронийларнинг "Исо алайҳиссалом бизларни ўзига сажда қилишга буюрган", деган ботил даъволарига раддия тарзида тушган. Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг маҳлуқи ва бандаси экан, У тангри бўла олмайди. Чунки Аллоҳнинг бандаларидан бирор-тасининг тангри бўлиши ақлга тўғри келмайди. Аллоҳга

нисбатан пайғамбарларнинг ҳаммалари тенгдирлар. Исо нинг отасиз яратилиши у ҳақдаги гап-сўзга сабаб бўлгани учун Аллоҳ таоло шундай буюрди: "Аллоҳ – Масиҳ ибн Марямдир" деган кимсаларнинг коғир бўлганлари аниқдир. (Эй Муҳаммад), айтинг: "Агар Аллоҳ Масиҳ ибн Марямини, унинг онасини ва ергаги барча кишиларни ҳалок этишини истаса, ким Аллоҳ тарафидан бўлган нарсани (балони) қайтаришга эга бўла олади?!" Осмонлар, Ер ва уларнинг орасидаги бор нарсалар Аллоҳнинг мулкидир. Фақат Унинг Ўзига қайтилур" (Моида, 17). Ушбу оят соғлом ақл ва мантиққа мувофиқдир.

وَلَا يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَنْجُذُوا الْمُلْكَةَ وَالنِّبِيِّنَ أَرْبَابًاً أَيْمَرُكُمْ بِإِلَكُفْرٍ بَعْدَ

إِذْ أَنْتُمْ مُسْلِمُونَ



80. У сизларни фаришталар ва пайғамбарларни парвардигор қилиб олишга буюрмайди. Мусулмон бўлганларингдан кейин У сизларни куфрга буюрармиди?

Насронийлардан баъзилари Исо одамларни ҳал қиласди (яратади), тирилтиради ва ўлдиради, деб эътироф қилганлари учун ҳам "Исо ибн Марям – Аллоҳдир", дейишади. Уларнинг бу эътиқоди хато ақидадир. Чунки Исо алайҳиссалом томонидан содир бўлган ҳал қилиш, тирилтириш ва ўлдириш фақат Аллоҳнинг изни билан бўлгандир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган: "Эсланг (эй Муҳаммад), Аллоҳ айтган эди: "Эй Исо ибн Марям, сенга ва волидангга берган неъматимни – сени Рухул-Қудс (Жаброил) билан қувватлантирганимда одамларга бешикда (гўдаклигида) ҳам балофатга етган ҳолингдаги каби сўзлаганингни, сенга китоб – хат ва ҳикмат – илмни, Таврот ва Инжилни билдирганимни ва Менинг изн-ихтиёrim билан лойдан қуш тимсолини яса-

ганингни, сўнгра унга пуфлаганингда Менинг изн-ихтиёрим билан ростакам қушга айланганини, Менинг изн-ихтиёрим билан кўр ва песларни тузатганингни ва Менинг изн-ихтиёрим билан ўликларни (тирилтириб, қабрларидан) чиқарганингни эсла! Яъни, Бани Исроилга бу мўъжизаларни келтирган пайтингда улар сени (ҳалок қилишидан) тўсганимни эсла! Ўшанда уларнинг ораларидаги кофир бўлган кимсалар: "Бу очиқдан-очиқ сеҳрдан ўзга нарса эмас", дейишган эди" (Моида, 110)

Ҳа, бу бошқа пайғамбарларга берилганидек, Исо пайғамбарга берилган мўъжиза эди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло бузук ақидаларнинг ботиллигини мантиқий ва ҳикматли усул билан эслатиб ўтади. Исо Аллоҳ эмас, балки Аллоҳнинг бандаларидан бири ва Унинг пайғамбари эканлигини тушунтиради: "Масих ибн Марямни тангри деювчилар кофир бўлдилар". Агар Аллоҳ таоло Масих ибн Марям ва ердаги бошқа кишиларни ҳалок этишни хоҳласа, ким Унга (унинг қудрати ва иродасини ман қилишда) бирон нарса, дея олар эди. Чунки Масих ҳам, унинг онаси ҳам бошқалар каби Аллоҳнинг махлуқ ва бандасидир. Улар билан ер юзидағи бошқа бандалар орасида ҳеч қандай тафовут йўқ. Уларни ҳал қилишни ирова қилганида ҳал қилганидек, ҳалок қилишни ирова қилганида ҳалок ҳам қила олади. Яъни, Масих ибн Марям – Аллоҳдир, деган гап ботил бўлиб, ҳақиқатга ва воқеъликка мутлақо тўғри келмайди. Чунки, Масих ибн Марямнинг ўзи ҳам Бани Исроилга пайғамбар қилиб юборилганида: "Эй Бани Исроил, менинг Роббим ва сизнинг Роббингиз бўлган Аллоҳга ибодат қилинг", деб ўз пайғамбарлигини адо этган эди. Бу билан у ёлғиз Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилишга даъват этди ва Исони худо дейишдан қайтарди. Аллоҳга бандалигида ва Ундан тарбия олишда ўзи билан Бани Исроил орасида фарқ йўқлигини билдириди. Балки, Аллоҳ унинг ҳам, Бани

Исроилнинг ҳам Роббиси эканини таъкидлади. Сўнгра Аллоҳ таоло Ўзи қайтарган нарсани қилганлари учун, яъни Исони тангри қилиб, Унга шерик қўшганлари учун Бани Исроилга таҳдид қилди ва: "Албатта кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилувчилар учун бирор ёрдамчи бўлмас", деди (Моида, 72).

Аллоҳ таоло насронийлардан бўлган ўша қавмни ишонарли йўл, мантиқий услуг билан қаноатлантириш учун "Масих ибн Марям Аллоҳнинг пайғамбари холос, ундан олдин ҳам пайғамбарлар ўтган", деб таъкидламоқда. Яъни, Масих тангри эмас, у ўтган пайғамбарлар каби бир пайғамбардир. Масихнинг қуш яратиши, туғма кўрни ва песни тузатиши, ўликни тирилтириши – буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг изни билан, ўтган пайғамбарларга мўъжиза берилганидек, унга ҳам берилган мўъжиза орқали рўй берди. Масихнинг мазкур нарсаларни амалга ошириши унинг тангрилигига эмас, пайғамбарлигига далилдир. Шундан сўнг Аллоҳ таоло насронийларни Исо ҳақидаги ботил сўз ва ақидаларидан батамом қайтаришни ирова қилди ва пайғамбари Мұхаммад алайҳиссаломга: "Айтинг: "Эй аҳли китоб, динингизда нотўғри томонга тажовуз қилманг ва (Ислом келишидан) илгари йўлдан озган ва кўпларни йўлдан оздирган ҳамда тўғри йўлдан чиқиб кетган қавмнинг нафси ҳавосига эргашманг!" дея марҳамат қилди (Моида, 77). Яъни, Масихни тангри қилиб олиб, уни Аллоҳга шерик қилманг, динда ҳаддан ошманг ва ноҳақ гапларни айтманг. Исо Масих Аллоҳнинг махлуқи, бандаси ва расулидир. У қиладиган одатдан ташқари ишлар Аллоҳнинг изни ва имкон бериши билан, унинг пайғамбарлигини исбот қилиш учунгина содир бўлган. Бошқа пайғамбарларга ҳам шундай хусусиятлар берилган эди.

وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيشَقَ النَّبِيِّنَ لِمَا أَتَيْتُكُمْ مِنْ كِتَابٍ وَحِكْمَةٍ
شَدَّ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَكُمْ لِتُؤْمِنُنَّ بِهِ وَلَتَنْصُرُنَّهُ قَالَ
أَفَرَرْتُمْ وَأَخَذْتُمْ عَلَى ذَلِكُمْ إِصْرِي قَالُوا أَفَرَرْنَا قَالَ فَأَشْهَدُوا وَأَنَا



مَعْكُمْ مِنْ الْسَّاهِدِينَ

81. Аллоҳ пайғамбарлардан: "Сизларга Китоб ва ҳукмлар берганимдан кейин ўзингиздаги нарсани тасдиқловчи Пайғамбар келганида албатта унга имон келтирасиз ва ёрдамлашасиз", деб аҳд-паймон олатуриб: "Иқрор бўлдингларми ва шу шарт билан сизларга юклаганимни қабул қилдингларми?" деганини эсланг. Улар: "Иқрор бўлдик", дейишди. У: "Мана, гувоҳ бўлдинглар, Мен ҳам сизлар билан бирга гувоҳларданман", деди.

Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо) айтадилар: "Аллоҳ таоло қайси пайғамбарни юборган бўлса, унга "агар унинг ҳаётлик пайтида Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юборилсалар, ўша пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиши ва имон келтириши, дин ишида ёрдам бериши" аҳд қилдирилди. Шунинг учун Имом Аҳмад "Муснад"да ривоят этиб, бундай дейдилар: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: "Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар Мусо ҳаёт бўлганида менинг ҳузуримда хизмат қилишдан бошқа нарса унга дуруст бўлмас эди". Пайғамбаримиз Муҳаммад sollаллоҳу алайҳи ва саллам охирзамон пайғамбариidlар, барча пайғамбарларнинг имомидирлар. Ҳатто Бани Исроил

пайғамбарларининг охиргиси, "улул азм" пайғамбарлардан бўлмиш Исо алайҳиссалом ҳам замон охирлаганида Ерга тушиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шариатларини юритадилар.

Ибн Исҳоқ айтади: "Муҳаммад алайҳиссалом қирқ ёшга кирганларида Аллоҳ у зотни барча оламларга раҳмат ва жамики инсонларга пайғамбар қилди. Аллоҳ у зотгача ўтган барча пайғамбарлардан у зотга имон келтиришлари, уни тасдиқ этишлари ва ёрдам беришлари ҳамда бу аҳдни ўз умматларига ҳам етказишлари лозимлиги тўғрисида аҳд олган ва улар умматларига бу омонатни етказишган. Аллоҳ бу ҳақда Расули Муҳаммад алайҳиссаломга юқоридаги оятларни нозил қилган".

٨٢ فَمَنْ تَوَلَّ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَسِيْقُونَ

82. Ким бундан кейин ҳам юз ўгирса, ўша фосиқлардандир.

Аллоҳ таоло барча пайғамбарлардан, уларнинг ҳаммаси эса ўз умматларидан Сайиди олам пайғамбарамиз Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) имон келтиришлари ва бу зотга ёрдам беришлари ҳақида аҳд-паймон олган. Шунинг учун Пайғамбарамиз Муҳаммад алайҳиссалом умматларига ўзларидан аввалги барча пайғамбарларга имон келтиришни буюрганлар. Аммо Аллоҳ таолога берган ваъдаларига вафо қилмай, Муҳаммад алайҳиссалом келтирган дин ва шариатни тан олмаётган, булардан юз ўгираётганлар чинакам фосиқ кимсалардир.

أَفَغَيْرَ دِينَ اللَّهِ يَبْغُونَ وَلَهُ أَسْلَمَ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ

٨٣ وَالْأَرْضَ طَوْعًا وَكَرْهًا وَإِلَيْهِ يُرْجَعُونَ

83. Аллоҳнинг динидан бошқасини истайдиларми? Ҳолбуки, осмонларда ва Ерда нимаики бўлса, хоҳлайдими-хоҳламайдими, Унга бўйсуниб турибди ва ҳаммалари йўзига қайтишади-ку!

Бир донишмандан "Менга Аллоҳнинг мўъжизасини кўрсатинг!" дея илтимос қилишибди. Шунда бояги донишманд: "Менга Аллоҳнинг мўъжиза бўлмаган нарсасини кўрсат-чи!" деб жавоб қайтарган экан. Дарҳа-қиқат, Аллоҳнинг мўъжизаси тўлиб-тошиб ётибди. Лекин бу мўъжизалар ичидаги энг ҳайратланарлиси, энг улуғи – инсондир. Аллоҳ таоло айтади: ("Эй инсонлар), Ерга (ундаги тоғ-тошлар, водий-дарапарда, генгизлар-дарёларда, ҳайвонот ва наботот оламида) ҳамда ўзларингизда (ушбу ҳаётга келиб-кетишингиздан тортиб, вужудларингиздаги ҳар бир аъзойингизда, балки ҳар бир ҳужайрангизнинг нақадар нозик тартиб-интизом билан яратилиб, ўз ўрнига жойлаштирилганида ва ўз зиммасидаги Яратган буюрган вазифани қулоқ қоқмасдан ато этиб боришида) ишонувчи зотлар учун (Аллоҳнинг қудратига далолат қиласиган) алломатлар бордир. Ахир кўрмайсизларми?!" (Ваз-Зориёт, 20). Атрофимизни ўраб турган борлиқ, коинот ҳадсиз-худудсиз, чегара-маконсиз даражада бепоён ва чексиздир. Коинотнинг бу қадар ниҳоясиз экани ҳақида китобларда шундай ривоят келтирилган: "Жаброил алайҳиссалом Аллоҳ таолодан Аршни бир айланиб чиқишига изн сўради. Изн берилгач, у бир неча йил учиб, Аршни кезди. Чарчаб, дам олди. Яна учди ва дам олди. Охири қанотлари куйиб кетадиган даражага етганда: "Эй Роббим, Аршингнинг ярмини айланиб чиқай дедимми?" деб сўради. Аллоҳ таолодан шундай жавоб бўлди: "Ҳали Аршимнинг тариқдек жойини айланганинг йўқ". Ана шу улкан борлиқ Аллоҳга бўйсунади ҳамда У зот олдин белгилаб қўйган қатъий илоҳий низомга кўра ҳаракатланади ва яшайди. Мана шундай улкан коинот ва еру осмонларнинг яратувчиси ва

этаси Аллоҳ таолога имон келтирмаслик мумкинми? Унинг динидан бошқа динни исташ соғлом ақлга түғри келадими?

قُلْ إِيمَنَّا بِاللَّهِ وَمَا أُنْزِلَ عَلَيْنَا وَمَا أُنْزِلَ عَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ

وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ وَمَا أُوتِيَ مُوسَىٰ

وَعِيسَىٰ وَالنَّبِيُّونَ مِنْ رَبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْهُمْ



وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ

84. (Эи муҳаммад): Аллоҳга ва узимизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлодларига туширилган нарсага ҳамда Мусо ва Исога, барча пайғамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарсага имон келтирдик. Улар орасидан бирортасини ажратмаймиз ва бизлар Унинг Ўзигагина итоаткормиз", денг.

Яъни, эй Пайғамбарим, Аллоҳга имон келтирдик, денг. Шундан сўнг ўзимизга туширилган нарсага (Қуръони каримга), пайғамбарлардан Иброҳим, Исмоил, Яъқуб ва унинг авлодларига туширилган нарсага (китоб ва саҳифаларга) ҳамда Мусо ва Исога, барча пайғамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарсага имон келтирдик, денг. Барча пайғамбарларга ҳам имон келтирдик ва ёлғиз Аллоҳнинг Ўзигагина бўйсунамиз, Унгагина итоатдамиз, денг. Ояти каримадаги "авлодлари" деб таржима қилинган "асботлар" сўзи Яъқуб алайҳиссаломнинг набираларини, яъни унинг авлодларини англатади. Улар ўн икки қабиланинг отаси эдилар, булардан Бани Исроил келиб чиқкан.

وَمَن يَتَّبِعَ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَن يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ



من الخَسِيرِينَ

85. Ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, унинг дини ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиёнкорлардан бўлади.

Барча пайғамбарлар Ислом билан келишган, тавҳидга чақиришган. Бунга Қуръони каримнинг кўпгина оятлари далолат қилади. Ислом моҳиятига кўра, Нуҳ алайҳиссалом замонларидан то пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломгача келган барча пайғамбарларнинг рисолатидир. Шу боис Қуръонда зикри келган барча пайғамбарларга ҳамда уларга юборилган китоб ва саҳифаларга имон келтириш Аҳли суннат вал жамоа ақидасининг муҳим шартларидандир. Аммо айримлар ўйлаганидай, "яҳудийлик ва насронийлик динлари ягона асосга эга бўлгач, пайғамбарлар бир динни олиб келган бўлгач, уччала дин ўртасидаги ихтилофларга барҳам бериш учун уларни бирлаштириб ягона динга эътиқод қилса бўлмайдими?" қабилидаги саволлар хатодир ва Аллоҳнинг охирги китоби Қуръони карим таълимотига зиддир. Агар юқоридаги фикрларда асос бўлса, унда Аллоҳ таоло нега бутун инсониятга охирги ҳақ дин деб Исломни танлаган? Унда нега Аллоҳ бутун кишилик жамиятига охирги пайғамбар қилиб Муҳаммад алайҳиссаломни юборган? Унда нега Қуръон нозил этилгач, бошқа самовий китобларнинг ҳукми мансух бўлган? Ана шу саволларга аниқ жавобни эса Қуръони карим оятларидан топамиз: "Албатта Аллоҳ наздиғаги (мақбул бўладиган) дин Ислом динидир. Аҳли китоблар (яҳудийлар ва насронийлар) уларга (Ислом ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ Пайғамбарлиги ҳақида) аниқ билим-ҳужжат келганидан кейин фақат ўзаро ҳасад-

а доват қылғанлари сабаблигина талашиб-тортишиши" (Оли Имрон, 19); "Мен сизларга неъматимни тўқис қилиб бердим ва сизлар учун Исломни дин қилиб танладим" (Моида, 3). Демак, ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, унинг дини (қылған амаллари) қабул қилинмайди ва у фақат зиёндан бошқа нарсани кўрмайди.

۸۶

كَيْفَ يَهْدِي اللَّهُ قَوْمًا كَفَرُوا بَعْدَ إِيمَانِهِمْ وَشَهَدُوا أَنَّ الرَّسُولَ حَقٌّ وَجَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ

86. Имон келтирганидан, Пайғамбарининг ҳақлигига гувоҳлик берганидан ва ўзларига очиқ далиллар келганидан кейин ҳам куфрга борган қавмни Аллоҳ қандай ҳидоят қилсин?! Аллоҳ золим қавмни ҳидоятга йўлламайди.

Ушбу ояти карима Аҳли китобларга қаратилгандир. Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломга нубувват келганида Арабистон ярим оролида яшовчи яҳудий ва насроний олимларининг инсофилари Инжилда бу зотнинг келишлари ҳақида хабар берилганини билишар ва охирзамон пайғамбари келишини бошқалардан кўра кўпроқ интизор кутишар эди. Аммо Аллоҳ таоло Мұхаммад алайҳиссаломни бутун инсониятга пайғамбар этиб юборганини кўрган Аҳли китоблар у зотга имон келтириш ўрнига ҳасад ва кибрлари туфайли Инжилнинг Мұхаммад алайҳиссалом келишлари ҳақидаги жойини ўзгартириб юборишиди, бутун имкониятларни ишга солиб, у зотга қаршилик кўрсатишиди. Очиқ-оидин далиллар қаршисида туриб ҳам ҳақни тан олмай куфрга борган бундай қавмларни Аллоҳ қандай ҳам ҳидоятга бошласин? Чунки Аллоҳ азза ва жалла кофиirlарни асло ҳидоятга йўлламайди.

أُولَئِكَ جَرَآؤُهُمْ أَنَّ عَلَيْهِمْ لَعْنَةَ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ



وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ

87. Уларнинг жазоси Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънат ёғдиришидир.

Аллоҳнинг ваҳийларини тан олмаган ва ёлғонга чиқарган, охирзамон Пайғамбарини инкор қилган бундай куфр эгаларининг жазоси қаттиқ; уларга Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам, ер юзидағи барча инсонлар ҳам лаънат устига лаънат ёғдиришади. Улар абадий қийноқ ва азоблар жойи бўлмиш дўзахда мангу қолишади.



مُخَلَّدِينَ فِيهَا لَا يُخْفَفُ عَنْهُمُ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنَظَّرُونَ

88. Бунда абадий қолишади, азоблари енгиллатилмайди ҳам, муҳлат берилмайди ҳам.

Жаҳаннамда куфр ва ширк эгаларига бериладиган жазони эшитибоқ қанча инсонлар даҳшатта тушишади, йиги бошлишади, ваҳима ичра ўзларини ҳар ёнга уришади. Бу ерда вақт ҳисоби йўқолган, уларга бериладиган қийноқ-азобларнинг муҳлати йўқ, абадий давом этади. Уларнинг азоби асло енгиллатилмайди. Ҳадисда келганидай, ҳатто уларнинг териси куйиб битгач, ўрнига янги тери пайдо бўлади ва қийноқлар янгидан бошланади. Пайғамбар алайҳиссалом дўзах оловини шундай таърифлайдилар: "Аллоҳ таоло дўзахга минг йил ёнишни буюрди, охири олов қизарив кетди. Кейин яна минг йил ёнишга буюрди, ниҳоят олов оқарди. Сўнг яна минг ёнишга буюрди, олов қорайди. Дўзах қоп-қора, зимстондир" (Имом Термизий ривояти).

 إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ وَأَصْلَحُوا فَإِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ رَّحِيمٌ

89. Шундан кейин тавба қилиб, ўзларини ўнглаганлар мустасно, Аллоҳ албатта кечиравчи, раҳмлидир.

Аммо гуноҳга йўл қўйиб, адашганлар Аллоҳнинг мағфиратидан, кечиришидан, раҳматидан ноумид бўлишмасин. Ҳар қанча гуноҳ содир этган киши (агар у куфр ва ширкка бормаган бўлса) астойдил тавба қилиш, энди бу гуноҳларни қайтармасликка азму қарор бериш орқали ўзини ўнглаган бўлса, Аллоҳ таоло бундайларни албатта афв қиласи. Чунки Аллоҳ азза ва жалла ўта раҳмли ва кечиравчи Зотdir.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بَعْدَ إِيمَانِهِمْ ثُمَّ أَزْدَادُوا كُفْرًا لَّنْ تُقْبَلَ تَوْبَتُهُمْ

 وَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالَمُونَ

90. Имон келтирганларидан кейин яна куфрга бориб, зиёда куфрда қолиб кетганларнинг тавбалари асло қабул қилинмайди, улар адашганлардир.

Аммо Аллоҳнинг мағфирати ва раҳматига муссар бўлишдан бир тоифа мустасно! Булар олдин имон келтириб, кейин дин душманларининг алдовига учиб ёки улардан манфаат кутиб куфрга борган ва кофирилигича қолиб кетганлардир. Улар ҳар қанча ялинса ҳам, фарёд чекса ҳам тавбаси қабул қилинмайди. Ҳасан, Қатода ва Ато Хуресоний айтишади: "Бу оят яхудлар ҳақида нозил бўлган. Улар Исо ва Инжилга кофир бўлишди, кейин Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, Қуръонга кофир бўлишиб, куфрлари зиёда бўлди".

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَمَا تُؤْمِنُو وَهُمْ كُفَّارٌ فَلَنْ يُقْسَمَ مَنْ أَحَدَهُمْ مَا مَأْتَ
إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَمَا تُؤْمِنُو وَهُمْ كُفَّارٌ فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْ أَحَدِهِمْ مِلْءٌ

الْأَرْضِ ذَهَبًا وَلَوْ أَفْتَدَيْ بِهِ أُولَئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

وَمَا لَهُمْ مِنْ نَصْرٍ

۶۱

Эт. куфр келтириш, қоғирлап таңдаудан бирортаси ҳатто ер юзи тұла олтин беріб үзини қутқармоқчи бўлса ҳам қабул қилинмайди. Уларга оғир азоб бор ва мададкор ҳам бўлмайди.

Имон-эътиқодни пулга сотиб олиб бўлмаганидай, куфр келтириб, шу ҳолида ўлиб кетганлар ер юзини тўлдирадиган миқдорда олтин таклиф қилиб, ўзларини Аллоҳнинг жазосидан қутқармоқчи бўлишса ҳам бу бадалларини ҳеч ким қабул қила олмайди. Чунки имон иши пул билан ўлчанмайди, қиёматда дунё бойликларининг тариқча қиймати ва аҳамияти бўлмайди. Дунёдаги кўплаб юмуш ва муаммоларини пул-бойлик ёрдамида ҳал этишга ўрганган кофир ва мушрикларнинг қиёматдаги ҳоли ўта аянчли бўлади: уларни дўзахдаги мангуворловчи азоблар кутиб турибди. Уни бу даҳшатли қийноқлардан қутқара оладиган на бола-чақа, на бир яқин дўст ёки ёрдам берувчи бўлади. Унинг дунё ҳаётида қилган яхши ишлари ҳам, тўплаган бойликлири қурган шоҳона уйлари ҳам, орттирган қадрдан дўстлари ва яқинлари, ҳеч бир нарса жонига оро киролмайди, дўзах азобидан халос эта олмайди.

ТҮРТИНЧИ ЖУЗ

لَنْ شَانُوا الْبَرَّ حَتَّىٰ تَنْفِقُوا مِمَّا تَحْبُّونَ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ شَيْءٍ



فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ

92. (Эи муминлар), үзингиз суйган нарсалардан эҳсон қилмагунингизча ҳаргиз яхшиликка етолмайсиз. Нимани эҳсон қилганингизни Аллоҳ яхши билувчиdir.

Абул Баракот Насафийнинг "Тафсир"ида ушбу ояти карима тафсирида Ҳасан Басрий, Абу Бакр Варроқ Термизийлар фикрлари келтирилиб, қуидагича хулоса қилинади: "Фақат суйган нарсаларни берибгина мақсадга етилади". Насафий ўз тафсирида яна ушбу ривоятни ҳам келтиради: "Аббосийлардан Умар ибн Абдулазиз шакар сотиб олар, сўнг уни садақа қиласр эди. Ундан: "Нима учун шакарнинг пулинни садақа қилиб қўя қолмайсиз?" деб сўрашди. Шунда у: "Шакар менга суюмлироқ, шу сабаб суйган нарсамдан эҳсон қилишни хоҳладим", деб жавоб берди".

Ўзгаларга эҳсон, хайру саховат қилиш туфайли инсон бу ўткинчи дунёда туриб охиратига захира йифиши, жаннатда тайёрлаб қўйилган беҳисоб неъматлардан насибадор бўлиши мумкин. Саховат бандадан бало ва ёмонликларни қайтаради, унинг қадрини оширади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ушбу ояти карима орқали бандаларини

эҳсон қилишга, эҳсон қилгандаям ўзлари суйган нарсалардан қилишга чорламоқда. Чунки буюк Парвардигор кимнинг нима эҳсон қилаёттанини жуда яхши кўриб-билиб туради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ким хайру саховат қилиб, кийимга муҳтоҷ бир кишини кийинтириб – хурсанд қилса, Аллоҳ саховатли инсонни жаннат кийимлари билан кийинтиради. Ким егуликка муҳтоҷ, оч кишини тўйдирса, таомлантирса, уни жаннатдаги таомлардан сероб қиласди", деганлар. Икки дунёси обод бўлишини орзу қилган ҳар бир мусулмон Куръони каримнинг юқоридаги оятини ҳамиша ёдда тутиши ва унга доимо амал қилиши лозим бўлади.

كُلُّ الْطَّعَامِ كَانَ حَلَالًا لِّيَنِسْرَئِيلَ إِلَّا مَا حَرَمَ إِسْرَئِيلُ عَلَى
 نَفْسِهِ مِنْ قَبْلِ أَنْ تُنَزَّلَ الْتَّوْرَةُ فُلْ فَأَتُوا بِالْتَّوْرَةِ
۹۳
 فَاتَّلُوهَا إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ

93. Таврот туширилишидан олдин Бани Исроил ўзига ҳаром қилиб олганидан бошқа барча таомлар ҳалол эди. (Эй Муҳаммад): "Агар ростгўй бўлсанглар, Тавротни келтириб ўқинглар", денг.

Бани Исроил қавми Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбар қилиб юборилганларининг асл моҳиятини яшириш, одамларни чалғитиш ва йўлдан тойдириш учун турли ҳийла-найрангларга борар эди. Улар айтишадики, "Агар Қуръонда унинг Тавротни тасдиқлаши ҳақида ёзилган экан, унда нима учун Қуръон Бани Исроилга ҳаром қилинган таомларни ҳалол деган? Ривоятларда келишича, Аллоҳ тужути ва гўштини Бани Исроилга ҳаром қилган эди, унда нега булар мусулмонларга ҳалол қилинди?"

Худди шу ўринда Қуръони карим тарихий ҳақиқатни ойдинлаштиради. Ҳақиқатда Бани Исроилга бошда барча таомлар ҳалол қилинган эди. Аммо пайғамбар Яъқуб алайҳиссалом қаттиқ касалланиб, агар тузалиб кетсам, суюб ейдиган түя сути ва гўштини емайман, деб ўзига назр қилган эди. Аллоҳ унинг назрини қабул қилиб, шифо берди. Бани Исроил эса унга эргашиб, бу таомларни ўzlари ҳам емасликка қарор қилишди. Бундан ташқари, уларнинг итоатсизликларини жазолаш учун Аллоҳ таоло айрим таомлар истеъмолини уларга тақиқлади. Ваҳоланки, аввалда уларга булар ман этилмаган эди, улар ўzlарининг қилмишлари туфайли тақиққа учрашди. Агар улар ростгўйликни даъво қилишаётган бўлса, Тавротни келтириб ўқишин.

۶۴ فَمَنْ أَفْرَى عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ

94. Шундан кейин ҳам ким Аллоҳ хусусида ёлғон тўқиса, ўшалар золимлардир.

Бани Исроил фақат таом масаласида эмас, ҳатто мусулмонларнинг қибласи ўзгартирилиши ҳақида ҳам ёлғон тўқиб, мусулмонларни маломат қилишади. Мусулмонлар Исломнинг илк даврида ўн олти ёки ўн етти ой Байтул-Мақдисга қараб намоз ўқишиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса Каъбанинг ўз қиблалари бўлишини истардилар. Шунда Аллоҳ таоло ваҳий юбориб, мусулмонлар қибласини Байтул-Мақдисдан Маккадаги Байтуллоҳга қараб ўзгартирди. Бу ваҳий Бани Исроилга ёқмай, улар буни инкор қила бошлишган. Шу боис, Аллоҳ азза ва жалла огоҳлантиряптики, ким аниқ оятлардан кейин ҳам Аллоҳ хусусида ёлғон тарқатадиган бўлса, у ўз жонига зулм қиласи ва албатта жазосини олади.

۱۰ قُلْ صَدَقَ اللَّهُ فَاتَّبِعُوا مِلَةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ

95. "Аллоҳ рост айтади, Иброҳимнинг ҳаниф динига эргашинглар, у мушриклардан эмасди", денг.

Аллоҳ таоло Иброҳимнинг ҳаниф динига эргашинглар, у мушриклардан эмас эди, деб буюрмоқда. "Ҳаниф" луғатда "чин эътиқоддаги, тақвадор" маъноларини англатади. Исломгача бўлган даврда турли қабилаларнинг бутлари ва санамларига сифинишни рад этган, тавҳидга астойдил имон келтирган, зоҳид ва тақвадор, аммо яҳудийлик ёки насронийликка қўшилмаган, Иброҳим алайҳиссалом динида бўлган кишилар "ҳанифлар" деб аталган. Қуръони каримда Иброҳим алайҳиссаломнинг ўзлари "ҳаниф" деб номланган. Милодий саккизинчи-тўққизинчи асрлардан бошлаб ҳаниф атамаси қўпинча "мусулмон", ҳанифлик дини эса "Ислом" маъносида қўллана бошлаган. Сўфийлар ҳам ўзларини ҳаниф деб аташади.

Яҳудийлар Пайғамбаримизга ва мусулмонларга: "Сизлар Иброҳим алайҳиссалом динига кирганмиз дейсизлар, унда нега тuya гўштини еб, сутини ичасизлар, ахир бу икки нарса Иброҳим хонадонига ҳаром қилинган эди-ку!" дейишиади. Уларнинг бу эътирозига Аллоҳ таоло юқоридаги ояти билан жавоб берадики, ҳозир тановул қилиниб турган таомларнинг ҳаммаси аввал Бани Исроилга ҳалол эди. Фақат Яъқуб алайҳиссалом уни емасликка қасам ичган эди. У кишига тақлид қилиб, авлодлари ҳам емай қўйишиди. Бундай қасам Исломда дуруст эмас, ким шундай қасам ичса, каффорат (товон) бериши лозим.

إِنَّ أَوَّلَ بَيْتٍ وُضَعَ لِلنَّاسِ لَلَّذِي يَبَرَّكَ مُبَارَّكًا وَهُدًى لِلْعَالَمِينَ

96. Ҳақиқатан Бакгадаги биринчи Уй одамларга баракот ва бутун жаҳон аҳлига ҳидоят уйидир.

"Бакгадаги биринчи уй"дан мурод, Байтуллоҳдир. "Байтуллоҳ" луғатда "Аллоҳнинг уйи" дегани. Байтуллоҳ

дайилганда асосан Маккаи мұкаррамадаги Масжидул-Харом ва ундағи Каъба назарда тутилади. Айримлар бу номни бутун шаҳарға ҳам нисбат беришади. Умуман Ер юзидағи барча масжидлар Байтуллоҳ, яғни Аллоҳинг үйлариدير.

Маккани Бакка ҳам дейишиади. "Бакка" сүзи лугатда "бузиш, ажратиш, бекор қилиш, ифтихорни рад этиш, пасайтириш, бўйсундириш" деганидир. Шаҳарнинг Бакка деб номланишига сабаб у ерда одамларнинг издиҳом қилиб тўпланиши ёки Макка зўравонларининг бўйин эгишлариدير. Зеро, Аллоҳ таоло зўравоннинг фурурини синдирганидан кейингина у Маккани қасд қиласи. Ё бўлмаса Макка мутакаббирларининг фурурини пасайтиришдир. Бакка деганда ирода қилинадиган жой ҳақида тўртта қавл бор: Каъба жойлашган ўриннинг исми, Байтуллоҳнинг атрофи, Макка ва унинг ортидагилар, масжид ва Байтуллоҳнинг номи. Макка ҳарамнинг ҳаммаси учун қўйилган исм, албатта Бакка бу Макка деганидир ("Қомусул-Муҳит").

فِيهِءَايَتٌ^{١٧} بَيْنَتُ مَقَامٍ إِبْرَاهِيمَ وَمَنْ دَخَلَهُ، كَانَءَاِمِنًا وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ

جِعْجُ الْبَيْتِ مِنْ أَسْطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ



غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ

97. Унда аниқ далиллар – Иброҳим мақоми бор. Ким унга кирса, омонда бўлади. Аллоҳ ҳаж йўлига қодир кишиларни Уйини ҳаж қилишга буюрган. Ким буни инкор қиласа, Аллоҳ албатта олам аҳлидан беҳожатдир.

"Иброҳим мақоми" деганда "Иброҳим алайҳиссалом турган жой" маъноси тушунилади. Иброҳим алайҳиссалом бир тош устида туриб Каъбани қураётгандарнда унга оёқ

излари тушиб қолган. Шу тош ва унинг атрофи "Мақоми Иброҳим" деб аталади. У Масжидул-Ҳаром ичида, Каъба яқинида, алоҳида белги билан кўрсатилган. Иброҳим алайҳиссалом Байтуллоҳни қуриб бўлгач, шу ерда намоз ўқиганлар. Қуръони каримда: "Мақоми Иброҳимни намозгоҳ тутинг", деб буюрилгани учун тавофдан кейин ушбу мақомда икки ракат намоз ўқилади. Ояти каримада яна айтиляптики, ҳаж йўлига қодир кишиларни Аллоҳ Ўз Уйини ҳаж қилишга буюради.

Фиқхий китобларда баён этилишича, банданинг зиммасига ҳаж ибодати фарз бўлиши учун унда бир неча шартлар топилиши лозим: ҳажни ният қилган киши мусулмон бўлиши, балоғатта етган, ақлли, тани-жони соғ, бориб-келишга ва йўқлигида аҳли-оиласининг таъминотига етарли маблағта эга бўлиши керак. Шунингдек, йўлнинг очиқ ва хавфсиз бўлиши ҳам ҳажнинг фарз бўлиши шартларидандир. Аёл кишига эса, юқоридаги шартлардан ташқари эрининг ёки бирорта маҳрамининг ҳамроҳ бўлиши ҳам шарт қилинади. Агар кишида мазкур шартлардан бирортаси топилмаса, у ҳолда унга ҳаж ибодатини адо этиш фарз бўлмайди, балки зиммасидан соқит бўлади. Агар кимdir Аллоҳ таолонинг ушбу кўрсатмаларини инкор қиласиган бўлса, У нафақат ўша банда, балки бутун олам аҳлидан ҳам беҳожатдир.

قُلْ يَأَهْلَ الْكِتَابِ لَمْ تَكُفُرُوْنَ بِعِيَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ شَهِيدٌ

عليَّ مَا تَعْمَلُونَ



98. "Эй Аҳли китоблар, нега Аллоҳнинг оятларини инкор қиласиз, Аллоҳ қилмишларингизга гувоҳ-ку?!" денг;

Аҳли китоблар ҳақиқатни яширишга қанчалик уринишмасин, Аллоҳнинг сўнгги Пайғамбари ва охирги ҳақ китоби – Қуръони карим ҳақида қанчалик бўхтон ва

ёлғонлар тұқишимасин, Аллоҳ таолонинг ҳамма ерда ҳозири нозирлигини, Еру осмонлардаги ҳамма нарсани кузатиб, билиб, қўриб турувчи, ҳатто инсонларнинг хаёлидан ўтган нарсалардан ҳам хабардор Зот эканини яшира олишмайди. Уларнинг бу уринишлари фирт фойдасизdir. Инсон сифатида ер юзида муносиб ҳаёт кечириш учун Аллоҳ таолонинг оятларини инкор қилиш ўрнига, Унга бандалик қилиш ва итоатда бўлишга ўтмайсизларми?

قُلْ يَأَهْلَ الْكِتَبِ لَمْ تَصُدُّونَ عَنْ سَيِّئِ الْلَّهُ مَنْ ءَامَنَ تَبْغُونَهَا

٩٩ ﴿ ٤٦ ﴾ **عِوْجَاجَ وَأَنْتُمْ شُهَدَاءُ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ**

99. "Эй Аҳли китоблар, нима учун мўминларни Аллоҳ ўйлидан тўсасизлар, ўзингиз гувоҳ бўлатуриб, ундан қийик ахтарасизлар. Аллоҳ кирдикорларингдан бехабар эмас-ку", денг.

Яъни, эй яҳудийлар ва насронийлар, нега сизларга юборилган Инжилдаги охирзамон Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг келишларига оид хабарларга ўзларингиз гувоҳ бўлатуриб, мўминларни бу ҳақиқатга ишонишдан тўсмоқчи, шубҳа-гумонлар тарқатиб, уларнинг имонига рахна солмоқчи бўласизлар? У зот олиб келган диний таълимотларни инкор қилмоқчи бўлиб, бундан қийик, хато ахтарасизлар? Аллоҳ барча кирдикорларингизни жуда яхши қўриб-билиб турибди. Унинг қиёматдаги иқобидан, жазосидан қўрқмайсизларми?

يَتَأْيِهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنْ تُطِيعُوا فِرَبَقًا مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَبَ

١٠٠ ﴿ ٤٧ ﴾ **يَرُدُوكُمْ بَعْدَ إِيمَنِكُمْ كُفَّارِينَ**

100. Эй имон келтирганлар, агар Аҳли китоблардан бирор тоифасига итоат қилсанглар, имонингиздан кейин яна куфрга қайтаришади.

Инсоният яратилганидан буён Аллоҳ Ўз пайғамбарлари орқали нозил қилаётган муқаддас ваҳийи билан кишилик жамиятини тартибга солиб, бошқариб келяпти. Инсонлардан айримлари ана шу даъватга қўшилишди. Баъзилари эса уни инкор қилишди. Мушрикларнинг бутун бир жамияти ичидан фақат озгина киши элчиларга эргашган. Муқаддас даъват етиб борган халқларнинг асосий кўпчилиги ваҳийлардан юз ўғирди. Бунинг устига бу халқлар Аллоҳ таолога осийлик билангина кифояланиб қолмай, ўзларига юборилган пайғамбарларни, уларга имон келтирган сафдошларини қаттиқ хўрлашди, улар устидан кулишди. Аллоҳнинг элчиларини ҳар гал ёлғончиликда, жоҳилликда, жодугарлиқда, ақлсизликда, манфаатпарастлик ва худбинликда, қўйингки, барча гуноҳ-хатоларда айблашди.

Худди шу каби китобийлар (яҳудийлар ва насронийлар) ҳам ўз манфаатларидан келиб чиқиб, мўминларни ҳақ йўлларидан, асл динларидан қайтариб, яна куфрга бошлаш пайдан бўлишяпти. Бу ҳолатни ҳозирги пайтда жуда кўп мусулмон ўлкаларда миссионерлик ҳаракатининг кучайиб бораётганидан ҳам кўрса бўлади. Ҳозирги глобаллашув шароитида жаҳон мафкура майдонидаги кураш қизғин паллага кирди. Кишиларимиз онгидаги маънавий бўшлиқни тўлдириш, улар онгини эгаллаш учун четдан руҳиятга ёт, бегона ғоя ва мафкуралар ҳужум бошлади. Улар орасида халқимизга ўзини дўст кўрсатиб, аслида ғаразли мақсадларни кўзлаган миссионерларнинг фаоллашгани ҳам сир эмас. Насроний бўлмаган мамлакатлар аҳолисини ўз динларига киритишни мақсад қилиб олган миссионерлар миллий истиқлол ғормизнинг асосий тамойилларидан бири толерантлик, яъни диний бағрикенглик эканидан усталик билан фойдаланиб,

аксарияти мусулмон бўлган халқимизни йўлдан уришга ҳаракат қилишяпти.

Бугунги кунда ана шу хатарли тоифалар ёшларимиз онги ва қалбини эгаллаш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этяпти. Насронийлик тарғиботчилари дунёнинг бошқа жойлари каби юртимизда ҳам ўзларининг фаразли мақсадларини амалга ошириш учун уринишмоқда. Улар айрим ёшларнинг дунёқарashi етарли шаклланмагани, соддадиллиги, эътиқоди сустлигидан фойдаланиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, "ҳақиқат"ни англатиш каби баҳоналар билан улардан айримларини ўз қармоқларига илинтиришга ҳам эришишяпти.

Миссионерларнинг мақсадлари аниқ; нима қилиб бўлса ҳам мустақиллик йўлига ўтиб, порлоқ келажагини барпо этаётган юртимиздаги аҳилликка, сиёсий барқарорликка, миллий ва диний қадриятларимизга путур етказишидир. Тажрибадан маълумки, миссионерлар худди шу йўл билан жуда кўп ўлкаларда ижтимоий-сиёсий ҳаётни издан чиқаришган, яхлит халқларни бир қанча гуруҳ ва табақаларга бўлиб юборишган.

وَكَيْفَ تَكُفُّرُونَ وَأَنْتُمْ تُتَلَّى عَلَيْكُمْ إِنَّمَا أَيَّتُ اللَّهُ وَفِي كُمْ رَسُولُهُ



وَمَنْ يَعْنِصِمْ بِاللَّهِ فَقَدْ هُدِيَ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

101. Сизларга Аллоҳнинг оятлари тиловат қилинаётгани, орангизда Унинг Пайғамбари тургани ҳолда нега куфрга борасизлар? Ким Аллоҳга маҳкам боғланса, у албатта тўғри йўлга йўлланган бўлади.

Ислом таълимотига кўра, Одам алайҳиссаломдан тортиб охирги пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломгача бўлган барча пайғамбарлар Исломга – ёлғиз Аллоҳга имон кел-

тиришга даъват қилишган, қиёмат кунига ва унда ҳар ким бу дунёдаги амалига яраша мукофот ёки жазо олишига ишонишга чақиришган, инсонларнинг икки дунё саодатига эришишига сабаб бўладиган шариат аҳкомларини баён қилишган. Чунки Ислом келажак, истиқбол рисолати бўлгани каби олис мозий рисолати ҳамдир. У ўз жавҳарида, эътиқодий ва ахлоқий моҳиятида ўтган барча пайғамбарлар ва нозил қилинган китоблар рисолатидир. Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо) айтади: "Авс ва Ҳазраж қабилалари ўзаро гаплашиб ўтиришган эди. Бирдан жанжаллашиб кетишиди ва бир-бирларига қурол ўқталишгача боришиди. Шунда ушбу оятлар нозил бўлди".

يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِذَا مَأْمَنُوا أَنَّقُوا اللَّهَ حَقًّا تَقَائِهِ، وَلَا تَمُونُنَّ

۱۰۲
إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ

102. Эй имон келтирганлар, Аллоҳдан ҳақиқий тақво билан қўрқинглар ва фақат мусулмон ҳолингизда дунёдан ўтинглар.

Чин мўминлик Аллоҳга ҳақиқий тақво қилишда, инсонлардан эмас, фақат Ундан қаттиқ қўрқишдадир! Тақво мўминнинг либоси, имонининг гўзаллиги. Асл тақводорларгина фақат буюк Парвардигорларидан қўрқишади. Ҳар ишда, ҳар сонияда, ҳар қадамда фақат Аллоҳнинг розилигини исташади. Ундан қўрқсанлари учун гуноҳ ишлардан тийилишади, ёмонлик қилишмайди. Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоатда бўлиб, ҳаётларини солиҳ амаллар билан безашади. Бундайлар мусулмон ҳолларида Парвардигорларига йўлиқиши орзузи билан яшашади.

وَأَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا وَإِذْ كُرُوا نَعْمَتَ اللَّهُ
 عَلَيْكُمْ إِذْ كُنْتُمْ أَعْدَاءً فَالَّفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَأَصْبَحْتُمْ بِنِعْمَتِهِ إِخْوَانًا
 وَكُنْتُمْ عَلَى شَفَا حُفْرَةٍ مِّنَ النَّارِ فَأَنْقَذَكُمْ مِّنْهَا كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ
 هُوَ

لَكُمْ ءَايَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ (١٣)
 لَكُمْ ءَايَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ (١٣)

103. Барчаларингиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам ушланглар, айрилманглар. Ўзаро душман бўлганингизда Аллоҳ дилларингизни улфат қилганини, Унинг фазли туфайли биродарлашганингизни эсланглар. Олов жари ёқасида турганингизда сизларни ундан қутқарди. Ҳидоят топишингиз учун Аллоҳ оятларини шу тарзда баён этади.

"Аллоҳ арқони"дан мурод, Қуръони каримдир. Пайғамбарамиз Мухаммад алайҳиссалом Мадинага ҳижрат қилган вақтларида Мадинада ҳам, бутун Арабистонда ҳам ўзаро жангу жадаллар авжида эди. Фахри коинотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳидоят ва иршодлари баракотидан аввалги фитна-урушлар тамоман барҳам топиб, мусулмонлар шундай иттифоқ ва ижтиҳода бўлишдики, бу бутун дунё аҳлини ҳайратга солди.

Ислом дини барча мусулмонларни teng, бир-бирига биродар, дўст деб эълон қилди. Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари кўрсатмаларига бўйсунган ҳар бир мусулмон бошқа диндошларини дўст тутади, уларга ҳамиша ёрдамга ошиқади, ҳурмат-эҳтиром кўрсатади, шариат талабларига кўра муносабатда бўлади. Ислом туфайли кеча ғаним бўлганлар бугун биродарга айланади, Ислом туфайли инсонлар бир-бирига меҳрибон, кўмакчи ва саховатли бўлади. Абу

Хұрайрадан (розийаллоқу анхұ) ривоят этилишича, Пайғамбар алайҳиссалом: "Мусулмон мусулмоннинг биродаридир: унга хиёнат қилмайди, ёлғон сўзламайди ва ёрдамсиз қўймайди", деганлар (Имом Термизий ривояти). Яна бир ҳадисда: "Мусулмон киши биродарини ҳақир сана-моги унинг ёмонлигига кифоя қилади. Ҳар бир мусулмонга бошқа бир мусулмоннинг қони, моли ва обрўига тажовуз қилиши ҳаромдир", дейилган (Имом Муслим ривояти). Шу боис динимиз "янги дўстлар ортиринг, мўминлар билан биродарлашинг, зиёфатга чорланг, ҳадя ва эҳсонлар беринг, касаллигида зиёрат қилинг, муҳтожлигида ёрдам кўрсатинг", деб даъват қилади.

Ислом динининг талаби шу экан, унда нега бизлар бу исломий анъаналярдан узоклашиб кетганмиз? Бир-биримиз билан дўстлашиш, ака-ука тутиниш, қон-қардошлиқ ришталарини боғлаш ўрнига ғаним фитнасига учеб ёки арзимас манфаатлар учун ёвлашамиз, ўқрайишамиз, энг даҳшатлиси, бир-биримизни жисман ёки руҳан маҳв этишгача борамиз. Ваҳоланки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: "Мўмин бўлмагунингизча жаннатга киролмайсизлар бир-бирларингиз билан дўстлашмагунча мўмин бўла олмайсизлар" дея марҳамат этганлар (Имом Муслим ривояти).

وَلَتَكُن مِّنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَاوْنَ عَنِ
الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ



104. Сизлардан яхшиликка чақирадиган, амри маъруф ва наҳий мункар қиладиган бир уммат бўлсинки, ана ўшалар нажот топувчилардир.

Мусулмонлар орасидан илм ва тадбир соҳиблари чиқиб, улар бутун халқни амри маъруф (яхши ишларга чақириш)

ва наҳий мункар (ёмон ишлардан қайтариш) билан машғул бўлишса, сўзда ва амалда баробар йўл тутишса, шундагина Қуръон ва Суннатга амал қилиш жорий бўлади. Шундагина Ислом биродарлиги тикланади, Ислом уммати сарват ва улуғ саодатга эришади. Ана шу йўлдагилар најот топувчи баҳтли инсонлардир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом умматларининг ҳар бири ана шундай масъулият юкланган саодатманд кишилардир. Қуръони каримда бундай зикр этилади: "Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдиrlар: (одамларни) яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар..." (Тавба, 71). Ҳадиси шарифда келганки, жоҳил одамлар ношаръий ишларга берилиб кетишиша, уларни бу йўлдан қайтарувчи бир киши бўлмаса, илоҳий азоб уларнинг ҳаммасига баробар келади.

وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ تَفَرَّقُوا وَأَخْتَلَفُوا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ

وَأُولَئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ

105

105. Аниқ ҳукмлар келганидан кейин бўлинниб кетиб, ихтилофга борганларга ўхшаманглар, уларга оғир азоб бордир.

Аллоҳ таоло Ўзининг ҳақ пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом ва у зотга нозил қилган ваҳийи Қуръони карим орқали инсониятга қиёматгача ҳақ йўлда бўлиш дастурини кўрсатиб берган. Аммо инсоният аниқ ҳукмлар келганидан кейин ҳам ихтилофга борди, турли фирмә ва оқимларга бўлинниб кетди. Тор манфаатлар ва шайтон фитнасига учиб қилинган бу ҳаракатларнинг кўплари Исломнинг асл моҳиятидан, хидоят йўлидан чекиниб, адашув йўлига оғиб кетди, ҳатто баъзилари куфргача боришли. Аллоҳ таоло огоҳлантиряптики, эй мўминлар, сизлар ихтилофга бориб, ана шу адашган ва бўлинниб кетганларга

үшшаманлар, чунки бундайларга қиёматда оғир азоб-қий-
ноқлар бордир.

يَوْمَ تُبَيِّضُ وُجُوهٌ وَسُودٌ وُجُوهٌ فَمَا الَّذِينَ أَسْوَدَتْ وُجُوهُهُمْ

١٦ أَكْفَرُهُمْ بَعْدَ إِيمَانِكُمْ فَذُوقُوا الْعَذَابَ بِمَا كُنْتُمْ تَكْفُرُونَ

106. Баъзи юзлар оқ ва баъзиси қора бўладиган Кунда юзи қораларга: "Имонга келгандан кейин ҳам куфрга борганимидинглар, энди кофирилигингиз азобини тотинглар", дейилади.

Инсоннинг юзи (важҳи) унинг ботини, яъни ички дунёси, маънавий оламининг кўзгусидир. Агар инсоннинг юзи нурли бўлса, бу унинг имонидан, ички дунёсининг гўзаллигидан, чиройли хулқ, эгаси эканидан дарак беради. Чунки бундай мўминларнинг юзида Аллоҳнинг илохий нури тажалли этиб туради. Бордию инсоннинг юзи қора, нурсиз, "кул босган" бўлса, бу унинг қалби қоралиги, имони йўқлиги, ҳар қандай ёвузлик ва гуноҳдан тап тортмаслигига далолат қиласи. Қиёмат кунида эса инсонлар шу жиҳатдан батамом фарқланиб туришади. Бу белгилар банданинг жаннатий ёки дўзахий эканини билдириб туради. Аллоҳ таолонинг адолати ҳақ: У зот ҳеч кимни сабабсиз мукофотламайди ёки жазоламайди. Ҳар бир инсон дунё ҳаётидаги имони ёки куфри учун ҳисобга тортилади. Юзлар ана шундай оқ ёки қора бўлган қиёмат кунида олдин имонга келиб, кейинчалик дин душманларининг алдовига учеби куфрга кетганларга аламли азоб ва қийноқлар борлиги хабари берилмоқда.

١٧ وَمَا الَّذِينَ أَبْيَضُتْ وُجُوهُهُمْ فَفِي رَحْمَةِ اللَّهِ هُمْ فِيهَا خَلِدُونَ

107. Юзи оқлар эса Аллоҳнинг жаннатидадирлар ва унда абадий қолишади.

Киёмат куни қалбидаги имон ва тақво туфайли юзини Аллоҳ, таолонинг нури порлок, қилган саодатманд бандалар учун Аллоҳ азза ва жалла улкан мукофотларни, остидан дарёлар оқиб турувчи соя-салқин, неъматларга тўла жаннат боғларини тайёрлаб қўйгандир. Улар бу жаннатларда абадий роҳат-фарофатда яшашади.

٤٩
تِلْكَءَايَتُ اللَّهِ تَنْلُوْهَا عَلَيْكَ بِالْحَقِّ وَمَا اللَّهُ يُرِيدُ
وَمَا اللَّهُ يُرِيدُ

١٠٨
ظُلْمًا لِّلْعَالَمِينَ

108. (Эй Мұхаммад), булар Аллоҳ оятлариdir, уларни сизга ҳаққи-рост тиловат қиляпмиз. Аллоҳ оламларга асло зулм истамайди.

Эй суюкли Ҳабибим, Биз сизга оятларимизни ҳаққи-рост тиловат қилиб беряпмизки, бандаларим уларга имон келтиришсин, ҳаётларини улар асосида қуришсин, амр-фармонларимга бўйсунишсин. Аллоҳ одамларга зулмнираво кўрмайди, аммо улар осийликлари, итоатсизликлари билан ўз жонларига зулм қилишади. Ояти каримадан аён бўляптики, мўминлар бир жону бир тан бўлиб, Аллоҳнинг вахийларини дастуриламал қилиб олишсин. Зулмнинг ёмонлиги ва зулм қилувчи золимларни Парвардигор ёмон қўришини англаб олишсин. Ислом таълимотига кўра, ўзгаларга зулм қилиш, уларни хорлаш, жонларига қасд қилиш энг мудҳиш жиноятлардандир, оғир гуноҳлардандир. Буларнинг жазоси ниҳоятда оғирдир.

١١٠
وَلَلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ

109. Осмонлару Ердаги ҳамма нарса Аллоҳницидир ва ишлар Аллоҳга қайтарилади.

Яъни, осмонлардаги ва Ер юзидағи жамики мавжудот ва маҳлуқот Аллоҳ таоло томонидан яратилған. Уларнинг бари фақат Унинг Ўзига бўйсунади ва қиёмат куни яна Унинг ҳузурига қайтади. Коинотнинг қатъий ва мустаҳкам тартибида, табиатнинг бузилмас қонунларида, олам яралишининг гўзаллигида, бизни ўраб турган мухитдаги ва теварагимиздаги ҳамма нарсада Аллоҳнинг қудрат-иродаси ва чексиз ҳикмати яққол кўриниб турибди. Ҳаёт лаззатларида ва жозибаларида, дараҳтларнинг япроқларию қушлар патининг рангин товланишида, камалакнинг рангин товланишию гулларнинг хушбўй ҳидида, булбуллар хонишию чақмоқнинг чақнашида, шамоллар шовқинию қишиларнинг фикр-амалларида, коинот дея аталмиш бу уйғун хилқатдаги юлдузлар ҳамда сайёralарнинг ўзаро боғлиқлигида Аллоҳ таолонинг буюк Холиқлиги, Мусаввирлиги, Ҳикмати яққол кўриниб турибди.

Атрофимизга қалб кўзи, теран фикр билан назар соладиган бўлсак, бутун олам бир моддадан ва ягона режа асосида яратилганига гувоҳ бўламиз. Аллоҳ наботот ва ҳайвонот оламини шундай ҳикмат, дақиқ бир қонуният, аниқ ҳисоб-китоб билан яратиб қўйганки, Унинг ҳар бир ҳикматидан ҳайратга тушмай, қойил қолмай, тасанно айтмай иложимиз йўқ! Аллоҳ таоло бундай марҳамат этади: "*Ғайб очқичлари Унинг ҳузуригадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур. У қуруқлик ва ғенгиздаги бор нарсаларни билур. Бирон барг (шоҳидан узилиб) тушмас, магар У билур. Ер тубларидаги ҳар бир дон, бор ҳўлу қуруқ нарса, албатта Очик Китобда (яъни, Лавҳул Маҳфузда) мавжуддир*" (Анъом, 59-оят).

كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أَخْرَجْتَ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَايَتُونَ
 عَنِ الْمُنْكَرِ وَتَوَمَّنُونَ بِاللَّهِ وَلَوْلَا إِيمَانَ أَهْلِ الْكِتَابِ
 لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ مِنْهُمُ الْمُؤْمِنُونَ وَأَكْثَرُهُمُ الْفَسِيقُونَ

110. (Эй мусулмонлар), одамларга рўбарў қилинган умматнинг энг яхиси бўлдинглар: яхшиликка буюрасизлар, ёмонлиқдан қайтарасизлар ва Аллоҳга имон келтирасизлар. Агар Аҳли китоблар ҳам имон келтиришганида эди, ўзларига яхшироқ бўларди. Улардан имонлилари ҳам бор, аммо кўплари фосиқлардир.

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) бундай дейдилар: "Юқоридаги оятнинг мазмуни шуки, мусулмонлар бошқаларни ҳидоятта етаклаб, уларни бўйинларидағи куфр кишанларидан халос этиб, Исломга киритишади" (Имом Бухорий). Умматларнинг энг мўътабари, сараси ва олийи Ислом умматидир. Умматларнинг йўлбошчиси, бутун инсониятта ибрат бўладигани, бошқа инсонларни зргаштирадигани ҳам Ислом умматидир. Умматларнинг энг пешқадами, афзали ва событқадами ҳам Ислом умматидир. Чунки Аллоҳ таоло Ўз Китобида уларни: "Сиз одамларга рўбарў қилинган энг яхши уммат бўлдингиз" деб сифатлаган. Бу умматнинг яхшилиги шундаки, у барча инсонларни яхшиликка буюриб, ёмонликлардан қайтаради. Бундан ҳам муҳимроғи, бу уммат Аллоҳга бўлган мустаҳкам имони билан ажралиб туради.


Бу умматнинг Китоби ҳам Аллоҳ таолонинг мўъжиза каломидир, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом орқали бутун инсониятга индирилган илоҳий дастурдир, ҳукми қиёматгача амалда бўладиган ва ақлларни лол қолдирадиган Куръони каримдир. Аввалги самовий китоблар инсонлар

томонидан ўзгартирилиб, қўшимчалар қилиниб аслиятидан узоқлаштириб юборилгани ҳолда, Қуръони каримни қиёматгача бирор ҳарфини ўзгартирмасдан муҳофаза қилишни Аллоҳ таоло зиммасига олган.

Бу умматнинг Пайғамбари Мұхаммад алайхиссалом ҳозиргача тарих кўрган барча пайғамбарларнинг энг аълосидирлар. Бу зот бутун инсониятга йўлбошли ўлароқ юборилган Коинот сарвари ва фахри, инсонларнинг энг афзали ва комили, мусулмонларнинг қиёматдаги шафоатчиси, Аллоҳ таоло юборган пайғамбарларнинг энг сўнгисидирлар. Бу умматнинг ҳатто қибласини ҳам Аллоҳ таоло дунёдаги энг афзал қибла қилиб қўйган. Қибламиз саналган Каъба Ер куррасининг қоқ киндигида, қуруқликнинг айни марказида, заминнинг энг табарук ва муқаддас бир ерида жойлашганини ҳатто ғайримуслим олимлар ҳам тан олиб ёзишган.

Бу ояти карима гувоҳлик берадики, бутун дунё аҳлини ҳидоят ва иршодга бошлаш учун юборилган жамоаларнинг энг яхиси Ислом умматидир. Чунки мўмин-мусулмонларда амри маъруф (яхшиликка чақириш) ва наҳий мункар (ёмонликдан қайтариш) сифатлари мавжуд, уларнинг Аллоҳга бўлган имонлари кучли. Улар бу сифатлари билан бошқа жамоалардан тамоман фарқланишади.

لَن يَضْرُوكُمْ إِلَّا أَذْيَ وَإِن يُقْتَلُوكُمْ يُوْلُوكُمْ أَلَّادَبَارَ



111. Улар сизларга озордан бошқа ҳеч қандай зарар бера олишмайди ва агар сизлар билан урушишса, ортларига қочишади, кейин уларга ёрдам ҳам ийқ.

Яъни, эй мўминлар, сизлар дин душманларининг, мушрик ва кофирларнинг фитна ва зуғумларидан қўрқманг. Улар

сизга бирор озор етказишдан, кайфиятингизни бузишдан нарига ўта олишмайди. Бордию улар агар сизларга уруш очгудай бўлишса ҳам, устингиздан фалаба қозонишга ишонмай, ортларига қарамай қочишади. Чунки улар адашувда эканларини, Аллоҳ ҳеч қачон кофир ва мушрикларни қўлламаслигини, уларга ёрдам бермаслигини, аксинча буюк Парвардигор ҳамиша ҳақ томонга кўмаклашишини яхши билишади.

ضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الْدَّلَةُ أَيْنَ مَا ظَفَفُوا إِلَّا بِحَبْلٍ مِّنَ اللَّهِ وَحْبَلٍ مِّنَ النَّاسِ
 وَبَاءُو بِغَضَبٍ مِّنَ اللَّهِ وَضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الْسَّكَنَةُ ذَلِكَ يَأْنَهُمْ
 كَانُوا يَكْفُرُونَ بِرَبِّنَاتِ اللَّهِ وَيَقْتُلُونَ الْأَنْبِيَاءَ بِغَيْرِ حَقٍّ ذَلِكَ بِمَا

(۱۱۵)

عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ

112. Агар Аллоҳдан ҳамда мусулмонлардан паноҳ сўрашмаса, улар қаерда бўлишса ҳам хорликка дуч келишади. Улар Аллоҳнинг ғазабига учрашган, бечораликка мубтало бўлишган. Бу уларнинг Аллоҳ оятларига куфр келтиришгани, пайғамбарларини ноҳақ ўлдиришгани сабабидандир. Бу уларнинг исёnlари ва ҳаддан ошганлари сабаблидир.

Ояти каримадаги "зурибат" сўзи чодир тикиш маъносини англаатади. Одатда имонли киши ўз чодирида фарофат ва осойишталик топади. Ёвуз ва кофир кимса чодирида ҳам сакинатга эриша олмайди, қалби нопоклиги учун уни ҳамиша хорлик, қўрқув ва уят таъқиб этади. Айрим муфассирлар чодирдан мурод, Аллоҳга имон келтириш, ҳамиша Унинг ҳузуридан паноҳ излаш, барча ишларини

ёлғиз Унинг Ўзига ҳавола этишдир, деб ҳам тафсир қилишади. Куфр ва ширк эгалари эса имонсизликлари туфайли ҳамиша хорликка учрашади, бунинг устига улар Аллоҳнинг ғазабига ҳам гирифтор бўлишган, дунё ҳаётида ҳар қадамда чорасизликка учрашади. Бунга сабаб, улар Аллоҳ нозил қилган ваҳийларга куфр келтиришган, уларни ёлронга чиқаришган, ҳатто У зот юборган пайғамбарларни ўлдиришгача ҳам боришган. Улар исёнлари ва Аллоҳ белгилаган чегараларни бузганлари учун ана шундай бало ва хўрликларга мубталодирлар. Ваҳоланки, улар Аллоҳга имон келтириб, У Зотдан ва мусулмонлардан паноҳ сўрашмас экан, булардан асло қутула олишмайди.

لَيْسُوا سَوَاءٌ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَبِ أُمَّةٌ قَائِمَةٌ يَتَلَوَّنَ إِذَا نَذَرَ اللَّهُ وَإِنَّهَا

الْأَيَّلِ وَهُمْ يَسْجُدُونَ

۱۳۲

113. Улар баробар эмас: Аҳли китобларнинг бир тоифаси тўғри йўлдадир, кечалари сажда этган ҳолларида Аллоҳ оятларини тиловат қилишади.

Аммо китобийларнинг (яҳудийлар ва насронийларнинг) ҳаммаси ҳам баравар адашувда, залолатда эмас. Уларнинг бир тоифаси тўғри йўлда, Аллоҳнинг ҳақ йўлида, ҳидоят йўлидадир. Улар кечалари сажда қилишади, яъни намоз ўқишидаи, Аллоҳнинг оятларини, яъни Қуръони каримни тиловат қилишади. Сийрат китобларида келтирилишича, Исломдан аввал Ҳусайн ибн Салом исмли бу киши Ясирида номи чиққан яҳудий олимни эди. Уни фақат диндошларигина эмас, қавми, насаби ва динидан қатъи назар ҳамма баравар ҳурматлар эди. У ўзининг адолатлилиги, тўғрисўзлиги ва тақвадорлиги билан машҳур эди. У яқин орада янги пайғамбар чиқиши ҳақидаги хабарни Тавротдан билгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

ва саллам ҳузурларига келиб, Исломини эълон қилди. Расули акрам унга Абдуллоҳ деб исм қўйдилар. Пайғамбар алайҳиссалом шундан кейин Абдуллоҳнинг қавмини имтиҳон қилиб кўрдилар. Олдинига Абдуллоҳга уларнинг муносабатини аниқладилар. Яҳудийларнинг бари бир овоздан унинг йирик олим, қавмнинг шарафли ва баобру кишиси эканини таъкидлашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг Исломга кирганини айтишлари билан қавмнинг олдинги фикри ўзгарди, улар бир овоздан Абдуллоҳни йўқ ердаги айбу нуқсонлар билан қоралай бошлишди. Абдуллоҳ ибн Салом (розийаллоҳу анҳу) шутариқа Пайғамбар алайҳиссаломнинг таниқли саҳобаларидан бирига айланди. Бу мисол орқали Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига ва мусулмонларнинг кейинги барча авлодларига имонсизлар ва имонга чорланганида қайса́рлик кўрсатадиганлар Ислом ҳақиқатини тан олмаслик учун ҳар қандай ёлғон, алдов, макр ва иккюзламачиликка тайёр эканларини кўрсатиб қўйди.

يُؤْمِنُونَ بِإِلَهٍ وَآلِيَّوْمٍ الْآخِرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ

وَيَنْهَاوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُسَرِّعُونَ فِي الْخَيْرَاتِ



وَأُولَئِكَ مِنَ الصَّابِرِينَ

114. Улар Аллоҳга, Қиёмат кунига имон келтиришади, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришади, яхшиликда бир-бирларидан ўзишади. Ана шулар солиҳларданdir.

Китобийлар орасидаги айрим тоифалар худди мусулмонлар каби Аллоҳ таолога, қиёмат кунининг келишига, ўлгандан кейин қайта тирилишга имон

келтиришади. Улар ҳам худди мусулмонлар каби одамларни яхши, солиҳ ишларга буюриб, гуноҳ ва ёмон ишлардан қайтаришади. Яхшилик қилишда бир-бирлари билан мусобақалашишади. Ана шулар китобийларнинг солиҳ кишиларидир, уларнинг ҳам мўмин-мусулмонлар каби икки дунё саодатига мушарраф бўлишлари аниқ.

وَمَا يَفْعُلُوا مِنْ خَيْرٍ فَلَنْ يُكَفِّرُوهُ



وَاللَّهُ عَلِيهِ بِالْمُتَّقِينَ

115. Қандай яхши иш қилишса, асло унутилмайди, Аллоҳ тақводорларни яхши билади.

Юқорида баён қилинган сифатлар китобийларнинг аксариятида учратилмаса-да, аммо улар орасида ҳам баъзилари ҳақни танишади, инсоф қилишади. Шунинг учун Аллоҳ таолонинг фазли билан улар Ислом дини билан шарафланишади. Улар кечалари намозларида Қуръони каримни тиловат қилишар, Аллоҳ таолога имон келтиришар, одамларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришар эди. Солиҳ амаллар қилишда бошқалардан ортда қолмаслик учун мусобақалашишар эди.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَنْ تُفْنِيَ عَنْهُمْ أَمْوَالُهُمْ وَلَا أَوْلَادُهُمْ مِنَ اللَّهِ



شَيْئًا وَأَوْلَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَلِدُونَ

116. Коғирларнинг моллари ҳам, болалари ҳам Аллоҳнинг азобидан асло қутқара олмайди. Ана шулар дўзахийлардир ва улар унда абадий қолишади.

Қиёмат куни кофир ва мушрик кимсаларни ҳеч нарса Аллоҳ азза ва жалланинг аламли азобларидан қутқариб қололмайди. Улар дунё ҳаётида мол-дунёларининг беҳисоблиги, бола-чақаларининг кўплиги билан фахрланишар, бошларига бирор иш тушса, дарров пул сарфлаш билан ҳал этишга урганишган эди. Қиёматда эса уларнинг тўплаган бойликлари дунёда қолиб кетгани боис фойда бермайди, бола-чақаларининг ҳашрга тўпланиш чоғидаги аҳволи ўзиникидан яхши ёки умидли эмас. Аллоҳ таоло айтади: "Ким Аллоҳга ширк келтирса, у гўё осмондан қулаётгану уни (бирон ваҳший) қуш (ўлжа сифатига) олиб кетган ёки (қаттиқ) шамол йироқ жойларга учириб кетган (жонсиз нарса) кабидир" (Ҳаж, 31).

مَثُلُّ مَا يُنِفِّقُونَ فِي هَذِهِ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا كَمَّ رَيَحَ فِيهَا صُرُّ
 أَصَابَتْ حَرَثَ قَوْمٍ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ فَأَهْلَكَتْهُ وَمَا ظَلَمُوهُمُ اللَّهُ
 وَلَكِنْ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ



117. Уларнинг дунёда қилган эҳсонлари мисоли худди ўзига зулм қилган қавмнинг экинини урган изғиринга ўхшайди. Аллоҳ ҳақиқатан уларга зулм қилмади, улар ўзларига зулм қилишди.

Имондан маҳрум жамоаларнинг моллари ҳам, бола-чақалари ҳам азобдан қутқара олмайди. Уларнинг дунё ҳаётида қилган эҳсон-садақалари ҳам куфрлари сабабидан ҳисобга ўтмайди. Экинни совуқ уриб кетганида ҳеч қандай ҳосилдан умид қилиб бўлмагани каби куфрда туриб қилинган энг яхши ишлар ҳам самарасиз, натижасизdir.

يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمَّا مَنْتُوا لَا تَنْخُذُوا بِطَانَةً مِّنْ دُونِكُمْ لَا يَأْتُونَكُمْ
جَبَالًا وَدُوَّا مَا عَنْتُمْ قَدْ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي
١٨٩ صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ قَدْ بَيَّنَ لَكُمُ الْآيَاتِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ

118. Эй имон келтирганлар, ўзингиздан бўлмаганларни дуст тутманглар, улар сизга зарар етказиш пайдан бўлишади, мashaққатда қолишингизни исташади. Тилларидан душманликлари маълум булса-да, дилларидағи пинҳона адоватлари янада каттароқ. Агар оқил бўлсанглар, сизларга оятларни очиқ баён қилдик.

Ояти каримада баён этилишича, мусулмонлар ўз миллат ва мазҳабларида бўлмаган ғайридинлардан сирларини яширишлари керак. Бу эса, уларга ғайридинлар томонидан зарар етказилиши эҳтимоли борлиги учундир. Аллоҳ азза ва жалла оқил инсонларга Ўз оятларини мана шу йўсинда очиқ баён этади.

هَاتَّمْ أُولَئِكَ مُحْبُّو نَحْنُمْ وَلَا يُحِبُّونَنَا وَتُؤْمِنُونَ بِالْكِتَابِ كُلِّهِ وَإِذَا
لَقُوكُمْ قَاتُلُوا إِيمَنًا وَإِذَا أَخْلَوُا عَصْنِيَّا عَلَيْكُمُ الْأَنَاءِ مِنَ الْعَيْظِ فَلْ
١٩٠ مُؤْمِنُوا بِعَيْظِكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ بِذَاتِ الْأَصْدُورِ

119. Ҳой сизлар, уларни яхши кўрасизу улар сизни севишмайди. Сизлар барча китобларга имон келтирасизу улар сизларни учратишганида: "Имон келтиридик" дейишади, холи қолишганида эса сизларга қаттиқ

аламларидан бармоқларини тишлишади. (Эй Мұхаммад): "Аччиқларингдан ўлиб кетинглар, Аллоҳ албатта диллардагини билиб туради", денг.

Ушбу ояти карима орқали Аллоҳ таоло мўминларни дўст танлашда жуда фаросатли, эҳтиёт бўлишга чорламоқда. Ислом дини барча дин вакилларига бағрикенглик билан муносабатда бўлишга, мусулмонларни ўзга динларнинг китоблари ва пайғамбарларига имон келтиришга чақиришига қарамай, Аҳли китобларнинг кўплари мусулмонлар билан дўстлашишни, улар билан муносабатлар ўрнатишни асло исташмайди. Аксинча, ҳар қадамда, ҳар соатда мусулмонларга бирор зарар етказишга, уларни динларидан ҷалғитишига уринишади. Улар шунчалик айёр ва доғулики, мусулмонларни кўрганда "Бизлар ҳам сизлар биланмиз, китобингизга имон келтирганмиз" дейишади. Аммо ўzlари қолишганда Ислом динининг дунё бўйлаб ғолибона юришини тўхтатиб қолиш, мусулмонларни қандай қилиб ўзларининг бузук ақидаларига тортиш режасини тузишдан тўхташмайди.

إِنَّ مَسْتَكْمُونَ حَسَنَةٌ تَسْوُهُمْ وَإِنْ تُصِبَّكُمْ سَيِّئَةٌ يَقْرَحُوْهَا وَإِنْ

تَصْبِرُوا وَتَتَقَوَّلُوا لَا يَضُرُّكُمْ كَيْدُهُمْ شَيْئًا إِنَّ اللَّهَ بِمَا

يَعْمَلُونَ مُحِيطٌ

120

120. Сизларга яхшилиқ келса, бу уларни хафа қиласи, кулфат етса, севинишади. Агар сабр ва тақво қилсанглар, уларнинг найрангларидан сизларга ҳеч бир зарар етмайди. Аллоҳ албатта уларнинг қилмишларини иҳоталаб туради.

Яъни, эй мусулмонлар, кўзларингни очинглар, сизларга тилёғламалик қилиб ўзини дўст ва ҳамкор кўрсата-ётганларнинг кўплари аслида ўзларининг ғаразли мақсадларини, дунёни бўлиб олиш режаларини амалга ошириш учунгина сизларга тишининг оқини кўрсатади. Ҳолбуки, улар озгина ютуғингиздан кўкариб қолади, бошингизга бирор мусибат тушса, ўзларида йўқ хурсанд бўлишади. Чунки уларнинг дилидаги сизларга бўлган нафрат ва ҳасад ҳеч қачон сизлар билан яқинлашишга имкон бермайди. Агар сизлар сабр йўлини тутсангиз, тақвони (Аллоҳдан қўрқиши) кучайтирсангиз, уларнинг фитна-найрангларидан сизларга асло заар етмайди. Чунки Аллоҳ азза ва жалла уларнинг макрларини, сизларга қарши ўйлаб турган ҳийлаларини тўсиб, иҳоталаб туради

وَإِذْ عَدَوَتْ مِنْ أَهْلِكَ تُبُوئِ الْمُؤْمِنِينَ مَقْعِدَ لِلْقِتَالِ

وَاللهُ سَمِيعُ عَلِيهِ
121

121. (Эй Муҳаммад), эрталаб хонадонингиздан чиқиб, мўминларни уруш жойига сафлаганингизни эсланг. Аллоҳ эшитувчи, билувчидир.

Мана шу оятдан бошлаб Ислом тарихидаги машҳур муҳорабалардан яна бири, аҳамияти жиҳатидан Бадрдан кам бўлмаган Уҳуд жанги ҳақида сўз боради. Ушбу оятдаги воқеа Уҳуд жангига содир бўлган эди. Аллоҳ таоло марҳамат этяптики, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), тонг пайтида уйингиздан чиқиб, уруш қилиш учун йўлга чиққанингизни, жангчиларни олишув майдонидаги ўзларига муносиб жойларга тайин қилганингизни эсланг. Аллоҳ ҳамма нарсанинг ҳикматини, бандаларининг ният ва амалларини яхши эшитиб, билиб туради.

إِذْ هَمَّتْ طَآيِفَتَانِ مِنْكُمْ أَنْ تَفْسَلَا وَاللَّهُ وَلِيَهُمَا وَعَلَى اللَّهِ

١٢٢

فَلَيَسْوَكُلُ الْمُؤْمِنُونَ

122. Шунда сизлардан икки гуруҳ умидсизликка туша бошлаганини эсланг. Аллоҳ уларнинг мададкоридир, мўминлар фақат Аллоҳга суюнишсин.

Бадр жангида қаттиқ мағлубиятта учраган Макка мушриклари бунинг аламини Уҳуд жангида олмоқчи бўлишди. Абу Суфён етакчилигидаги уч мингдан ортиқ мушрик Мадинадан уч мил нарироқдаги Уҳуд тоги этакларида мусулмонларнинг етти юзлик (баъзи манбаларда минг кишилик) қўшинининг таъзирини бериш учун отланди. Улар бу жангдаги ғалабаларига шунчалик ишонишган эди, Уҳудга ҳатто хотинларини ҳам жалб қилишган эди. Олдинига мусулмонларнинг қўли баланд келаётган эди. Аммо Пайғамбар алайҳиссаломнинг қаттиқ тайинлаганларига қарамай, бир гуруҳ камончилар душман қочиб кетди деган хаёlda ундан қолган ўлжага тезроқ эгалик қилиш учун турган жойларини тарк этишади. Бунинг устига Абдуллоҳ ибн Убай бошлиқ уч юзга яқин мунофиқлар мусулмонларга хиёнат қиласи. Яна худди шу пайтда Бани Салама ва Бани Хориса қавмлари душман кўплигини, мусулмонлар эса озчилигини кўриб, дилларига қўрқув тушди ва жанг майдонини ташлаб кетишни ўйлай бошлашади. Аллоҳ таоло ўша дамда уларни қўллаб-қувватлади ва кучли душман устидан ғолиб қиласи. Улар дарҳол ўзларига келиб, дилларидаги васавасадан халос бўлишди.

١٢٣

وَلَقَدْ نَصَرَكُمْ اللَّهُ بِيَدِِرِ وَأَنْتُمْ أَذْلَةٌ فَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ

123. Ҳақиқатан Бадрда начор бўлсанглар ҳам Аллоҳ сизларни ғолиб қилди-ку! Аллоҳдан қўрқинглар, шояд шукур қилсанглар.

Бадр луғатда "тўлин ой" деган маънода. Макка ва Мадина оралиғидаги кимсасиз саҳро Бадр деб аталади. Ҳижрий иккинчи йили ўн еттинчи Рамазон кунидаги (милодий 624 йил 13 март) энг биринчи ғазот, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларининг маккалик мушрикларга қарши олиб борган илк уруши шу ном билан машҳурдир. Уни "Катта Бадр ғазоти" ҳам дейишади. Муҳорабада уч юз ўн уч мусулмон жангчиси душманнинг минг нафар аскарини мағлуб этган. Етмиш мушрик, шу жумладан, уларнинг йўлбошчиларидан Абу Жаҳл ўлдирилиб, яна шунча киши асир олинган. Мусулмонлардан ўн тўрт киши шаҳид бўлган. Аллоҳ таоло бу кунни "Фурқон куни", яъни ҳақ ва ботил фарқланадиган кун, деб номлаган. Бадр ғазотида асир тушган мушриклар тўрт минг дирҳам микдоридаги қутулиш бадали эвазига, агар пули бўлмаса, мадиналик ўн болага ўқиш-ёзишни ўргатганидан кейин озод қилинди. Бадр ғазотида қўлга киритилган ўлжалар баб-баравар тақсимлаб берилди. Бадр ғазоти Ислом лашкарининг илк муҳим ва шонли зафари бўлди. Бу билан Ислом дини қувватланди, Мадина аҳли қурайшликларнинг илк ҳужумларидан қутулди.

Тарихдаги илк ғазот – Бадр жангидаги кучлар ҳақиқатан тенг эмас эди: маккалик мушрикларнинг яхши қуролланган, отлиқ ва чиниқдан мингга яқин аскарига мусулмонларнинг уч юз ўн уч кишилик, асосан, пиёда ва қуроллари шунга яраша бўлган қўшини қарши чиққан эди. Бунинг устига уларни ҳамма томондан душман ўраб турган эди. Шуларга қарамай, Аллоҳ уларнинг ихлослари, имон ва садоқатлари туфайли кўпсонли мушриклар устидан ғолиб қилди.

إِذْ تَقُولُ لِلْمُؤْمِنِينَ أَلَّا يَكْفِيَكُمْ أَنْ يُعَدَّكُمْ رَبِّكُمْ بِشَكْلَةٍ إِلَّا لَفِي مَنْ

١٤٣

الْمَلَائِكَةُ مُنْزَلُونَ

124. Мўминларга: "Парвардигорингизнинг туширилган уч минг фаришта билан берган ёрдами сизларга кифоя эмасми?" деганингизни эсланг.

Кучлар умуман тенг бўлмаган Бадр жангидаги оз сонли мусулмон жангчиларга Аллоҳ таоло Ўзининг фаришталари билан ёрдам берган эди. Чунки мусулмонлар Бадрда ҳақиқат учун, дин учун, имон учун жанг қилган эдилар. Маккалик мушриклар эса асосан мусулмонларни маҳв этиш, Аллоҳ динининг зафарли юришини тўхтатиш, карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш нияти билан жанг қилган эди. Шунинг учун Аллоҳ таоло ҳақ йўлдаги мусулмонларга ҳар жиҳатдан ёрдам берди: мушриклар булоқларни эгаллаб олиб, мусулмонларни ташналиқда қолдирмоқчи бўлган эди, Парвардигор кечаси ёмғир ёғдирди, улар сув ғамлаб олишди. Мушриклар қўшини мусулмонларнидан деярли уч баравар қўп эди, жанг чоғида Аллоҳ уч мингта фариштасини мўминларга ёрдамга юборди.

بَلَى إِنْ تَصِيرُوا وَتَتَقُوَا وَيَأْتُوكُمْ مِنْ فَوْرِهِمْ هَذَا يُمَدِّذُكُمْ رَبِّكُمْ

١٤٤

بِخَمْسَةِ الْكَفِ مِنَ الْمَلَائِكَةِ مُسَوِّمِينَ

125. Ҳа, агар сабр ва тақво қилсанглар, улар бехос устингизга келса ҳам Парвардигорингиз беш минг белгили фаришта билан ёрдам беради.

Агар мусулмонлар қачон ва қаерда бўлмасин, Аллоҳнинг синов ва мاشаққатларига сабр қилишса, фақат Унинг Ўзидан кўрқишига, Аллоҳ таоло уларни ҳеч қачон ёлғиз ва ҳимоясиз қолдирмайди. Ушбу ояти каримада ҳам ана шундай сифатларга эга мўминларга Парвардигорнинг беш минг белгили фаришта билан ёрдам бериши зикр этилади. Абул Баракот Насафий тафсирида айтилишича, ўша фаришталарнинг белгиси бундай эди: отларининг ёли ва думи оқ, ўзларининг саллалари сариқ рангда бўлган.

وَمَا جَعَلَهُ اللَّهُ إِلَّا بُشَرًا لَكُمْ وَلِنَطَمِئِنَّ قُلُوبُكُمْ بِهِ وَمَا النَّصْرُ إِلَّا

منْ عِنْدِ اللَّهِ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

١٢٦

126. Аллоҳ буни фақат хурсанд бўлишингиз ва қалбларингиз ором топиши учун қилди. Аслида ғалаба фақат қудратли ва ҳикматли Аллоҳ ҳузуридандир.

Яъни, эй мўминлар, аслида Аллоҳ таоло Бадр жангидагиз сизларни мағлубиятга учратиб, мушрикларга зафар бериши ҳам мумкин эди. Чунки ғалаба ҳам, нусрат ҳам Парвардигорнинг ҳузуридадир. Аммо У Зот сизларни хурсанд қилиш ва қалбларингиз таскин топиши учунгина сизларга ғалаба ато этди. Лекин бу нарса сизларни фахрлантирмасин, сизлар куч-қувватимиз ва кўрган тадбирларимиз билантина Бадрдаги зафарни ўз фойдамизга ҳал қилдик, деган хаёлга борманг. Барча ишларнинг, воқеаларнинг ечими ва ҳикмати фақат Парвардигорнингизга боғлиқ. Унинг иродасидан ташқари ҳеч нарса содир бўлмайди, ҳеч бир иш амалга ошмайди. Ким ҳақ йўлда бўлса, Аллоҳ учун қатъият, фидойилик, жасорат кўрсатса, Аллоҳ азза ва жалла уни қўллайди, ёрдам беради. Ким калтабинликка бориб, Аллоҳ динининг музafferона юришини тўсаман, мусулмонларга зарар етказаман, деб

ўйласа, Аллоҳ бундай кимсаларни албатта мағлуб этади, охиратда аламли қийноқлар билан жазолайди.

١٢٧

لِيَقْطَعَ طَرَفًا مِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَوْ يَكْتُبُهُمْ فَيَنْقَلِبُوا خَâسِينَ

127. Кофирларнинг баъзиларини ҳалок қилиши ёки хорлаши уларнинг ортларига ноумид қайтишлари учундир.

Аллоҳ таолонинг Бадрда Макка мушрикларининг баъзиларини шармандаларча ўлим топтиргани ёки жасадларини эски қудукқа ташлаттириб хорлаши уларнинг мағлубиятга учраб, тумтарақай қочишлари учунгина экани баён этилмоқда. Ояти каримадаги "ҳалок қилиши" деб ўтирилган "Лияқтоа торафан" калимаси аслида мушриклар танасининг устки ва остки қисмини қирқиб ташлаш маъносини билдиради. Макка мушрикларининг етакчилари Абу Суфён ва Абу Жаҳл каби кимсалар Бадрга мусулмонларни ёппасига қириб ташлаш, уларнинг танасини қийма-қийма қилиб хорлаш ниятида келишган эди. Абу Суфённинг хотини Ҳинднинг мусулмонлар лашкарбошиси Амир Ҳамзанинг жасадини қиймалаб, жигарини суғуриб олиши ва чайнаб ташлаши уларнинг нақадар ваҳший ва қонхўрлиги, куфри нақадар катталигидан дарак эди. Аммо Аллоҳ таоло уларнинг ниятини йўққа чиқаришни ирода этган эди. Бу ҳолатни кўрган Холид ибн Валид каби жуда кўп мушриклар Исломнинг ҳақ дин эканини англаб, мусулмон бўлишди. Кейинчалик Холид ибн Валид машҳур Ислом саркардаси бўлиб етишди, Макка фатҳи, Шом ва Ироқ юришлари қаҳрамонига айланди.

لَيْسَ لَكُ مِنَ الْأَمْرِ شَيْءٌ أَوْ يَتُوبَ عَلَيْهِمْ أَوْ يُعَذِّبُهُمْ

١٢٨

فَإِنَّهُمْ ظَالِمُونَ

128. Уларнинг тавбасини қабул қилиш ёки азоблаш сизнинг ишингиз эмас, улар ҳақиқатан золимлардир.

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) огоҳлантирадики, бандада ҳеч бир ихтиёр йўқ, унинг илми ҳам яширин эмас. Аллоҳ таоло нимани хоҳласа, шуни қилади. Агар коғир сизга душманлик қилса ҳам, зулм кўрсатса ҳам, Аллоҳ таоло хоҳласагина унга азоб беради. Сиз уларни дуоибад қилманг, балки бу хусусда Аллоҳ таолога ҳавола қилинг ва У зотнинг нима қилишини кўринг. Пайғамбар алайҳиссалом бу оятга амал қилиб, таҳликали дамларда ҳам сабр қилдилар. Масалан, ўзларига кўп озор ва алам етказган, Аллоҳнинг динига даъват қилмоқчи бўлиб борганларида у зотни калтаклаб-хўрлаган ва жароҳатлар етказган Тоиф ҳалқини ҳам дуоибад қилмадилар, қасос олмадилар, аксинча, уларга Аллоҳдан ҳидоят сўрадилар. Дарҳақиқат, кейинчалик ҳатто золим ва маккор душманларнинг кўплари Аллоҳнинг ҳидояти илиа Ислом учун жон фидо қилувчи ва Фахри Коинотни жондан севувчи мусулмонлардан бўлишди.

وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ يَغْفِرُ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَعْذِبُ مَنْ

يَشَاءُ وَاللَّهُ عَفُورٌ رَّحِيمٌ

129

129. Осмонлару Ердаги нарсаларнинг бари Аллоҳникидир. Хоҳлаганини мағфират қилади, хоҳлаганини азблайди. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир.

Ушбу сурада олдин ҳам таъкидланганидек, осмонлару Ердаги ҳамма нарса Аллоҳникидир. У хоҳлаганини мағфират қилади, хоҳлаганини азблайди. Аллоҳнинг хоҳиш-иродасига ҳеч бир махлуқ қарши бора олмайди, ҳеч бир инсон Унинг ҳикматини англашга қодир бўла

олмайди. У Исломнинг ашаддий душмани бўлмиш Холид ибн Валид каби кишиларни Ислом ҳидоятига бошлаб, Пайғамбарининг содик саҳобаларидан қилди. Ҳабашлардан Ваҳший ибн Ҳарб Уҳуд жангида мусулмонларнинг саркардаси Амир Ҳамзанинг жонига қасд қилиб, ҳалок этган бўлса, кейинчалик мусулмон бўлиб, Исломнинг ашаддий душмани, сохта "пайғамбар" Мусайламатул Каззобни ўз қўли билан ўлдирди. Бундай мисоллар шонли Ислом тарихида жуда кўп. Аллоҳ ана шундай кечирувчи ва раҳмли Зотдир.

يَكَيْنَهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَرْبَوًا أَضْعَافًا مُضْعَفَةً

وَأَنْقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

١٣٠

130. Эй имон келтирганлар, рибони бир неча баробар қилиб еманглар, Аллоҳдан қўрқинглар, шундагина нажот топасизлар.

Бу ўринда пулнинг фойдасини ейишдан (рибоҳўрликдан) қайтарилишининг ҳикмати нимада? Уламолар фикрича, пул фойдаси муомаласига берилган кимсалар ниҳоятда молпараст, бир тийин учун жонини ҳам беришга тайёр баҳил кимсалар бўлишади. Уларда ҳамдардлик, инсоний раҳм-шафқат бўлмайди. Бундайлар Аллоҳ йўлида жонини ҳам, молини ҳам тика олмайди. Жиҳод чоғида ҳиммат ва сахийликларига ҳалал етмаслиги, вужудлари рибоҳўрлик каби разил бир иллатдан пок туриши учун Аллоҳ таоло мусулмонларни пул фойдасини ейишдан қайтаради. Рибода қарздор учун машаққат, қийинчилик бор, чунки рибо туфайли қарз миқдори муттасил равишда ўсиб-кўпайиб боради. Рибонинг оқибати ёмон: биринчидан, рибо билан шуғулланган кимсанинг ризқини Аллоҳ баракасиз қиласи, иккинчидан, судхўр бошқа бир кишига зулм қилган бўлади,

учинчидан, рибо одамлар орасидаги дўстликни йўққа чиқаради. Рибо ҳаром қилинишининг сабаби ҳам шудир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Рибо гарчи кўпайса ҳам, оқибати албатта озайишга қайтади", деганлар (Имом Аҳмад). У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам рибони одамнинг дўзахга тушишига сабаб бўлувчи етти ҳалокатли гуноҳ қаторида санаганлар.

١٣١

وَأَنْقُوا النَّارَ الَّتِي أُعَدَتْ لِلْكَافِرِينَ

131. Кофирларга тайёrlаб қўйилган ўтдан сақланинглар.

Ҳар бир инсонда яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам қобилият, имконият бор. Шунга қўра, бирорни тамоман яхши, бошқани бутунлай ёмон деб баҳолаб бўлмайди. Бироқ бу – банда солиҳ амалларсиз ҳам жаннатий бўла олади, хато-гуноҳлари бўлмаса ҳам дўзахга ташланади, дегани эмас. Бундай ишонч исломий асосларга хилофдир. Чунки Аллоҳ таоло жаннатни имон аҳли ва солиҳ амалли бандаларига ваъда қилган бўлса, жаҳаннам оловини, ундаги қийноқ-азобларни қуфр, ширк ва исён аҳлига ваъда қилгандир. Шунинг учун эй мўминлар, кофир кимсаларга тайёrlаб қўйилган дўзах ўтидан сақланинглар, дунё ҳаётини солиҳ амаллар, яхшиликлар билан яшаб ўтинглар, охират дунёсига тайёргарлик кўринглар. Аллоҳдан қўрқинглар!

١٣٢

وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ لَا كُمْ تُرْحَمُونَ

132. Аллоҳга ҳамда Унинг Расулига итоат этинглар, шоядки сизларга раҳм қилинса!

Ҳикматнинг боши Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат этишдадир. Чунки Аллоҳ таоло бандаларининг дунё ҳаётида баҳтли ҳаёт кечиришлари, гуноҳларига тавба қилишлари,

икки дунё саодатини қўлга киритишлари учун нима қилиши-ни Ўз бандаларига муфассал баён этади. Бунинг учун пай-ғамбарлари орқали ваҳийларини нозил қиласди. Унинг ам-ридан чекинганлар, Пайғамбариға итоатсизлик қиласланлар эса оғир мусибат ва азобларга йўлиқишиди. Бунинг мисолини Уҳуд жангидаги кўриш мумкин: Пайғамбар алайҳиссалом Уҳуд тепалигига Абдуллоҳ ибн Жубайр бошлиқ эллик нафар мерганни қўйиб, уларга жойларини асло тарқ этмасликни таъкидладилар. Жанг бошида мерганлар душман устига тинимсиз камондан ўқ отиб, ғанимларни кўз очирмай туришди. Охири душман бор-будини ташлаб, жанг майдонидан қоча бошлади. "Душман сафи бузилди, енгилди шекили-ли, ерда сочилиб ётган ўлжалардан қуруқ қолмайлик" – деб ўйлаган мерганлар Пайғамбарамиз (алайҳиссалом) буйруқ-ларини унутишди, тепаликни тарқ этиб, жанг майдонига тушишди ва ўлжа йифишга киришишди. Шуни кутиб турган душман жангчилари қаттиқ ҳужумга ўтди. Аллоҳнинг Расу-лига итоатсизлик жуда қимматта тушди: қуршовда қолган мусулмонлардан етмиш нафари ҳалок бўлди, Пайғамбарамиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак тишлари синди, Ислом лашкарларининг машҳур қўмондони амир Ҳамза ўлдирилди. Зафарни қўлга киритиб турган мусулмонлар мағлубият аламини чекишиди.

وَسَارِعُوا إِلَى مَغْفِرَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَوَاتُ
وَالْأَرْضُ أُعِدَتْ لِلْمُتَّقِينَ



133. Парвардигорингиз томонидан бўлғуси мағфиратга, кенглиги осмонлару Ер баробарида бўлган жаннатга шошилинглар. У тақводор зотлар учун тайёрлаб қўйилган.

Динимизда шошқалоқлик қораланган, Пайғамбарамиз (алайҳиссалом) умматни вазмин-босик, виқорли бўлишга

чақирғанлар. Аммо айрим ўринларда, масалан, гуноҳдан тавба қилишга, қарзларни узишга, марҳумларни дағн этишга шошилиш эса рағбатлантирилган. Сабаби, Ислом дини дунё ишларида шошқалоқликни қоралагани ҳолда тавба ва мағфиратга, солих амаллар ва эзгу ишларга шошилишга чақиради. Қуръони каримнинг олти мингдан зиёд ояти ичида фақат биргина юқоридаги ояти карима бандаларни шошилишга даъват этади.

Аллоҳ таоло бандаларини "Парвардигорингиз томонидан бўлғуси мағфиратга ва кенглиги осмонлару Ер баробарида бўлган жаннатга шошилинглар" деб буюрмоқда. Солих амаллар билан ўтган тақвадор мўминлар учун Аллоҳ таоло ваъда қилган жаннат шунчалик улкан ва чегарасизки, унинг эни осмонлару Ерга тенгdir. Унга муносиб кўрилган саодатли инсонларни у ерда абадий роҳат-фароғат, тасаввурлар ожизлик қиласиган мангу шавқ ва лаззатлар кутади. Абу Ҳомид Фаззолий ёзганларидаи: "Жаннат аҳли оқ дурдан тикилган чодирлар ичра, қизил ёқутдан бўлган минбарларда, яшил болишлар ва гиламлар устида, май ва асал оқаётган дарёлар бўйига қурилган сўриларда ястаниб ўтирурлар. Уларнинг атрофида хизматга ҳозиру нозир фуломлар, асло қаримайдиган фуломлар бўлур. Жаннат оху кўзли, хушхулқ ва гўзал аёллар билан зийнатланган... Бу хурлар жаннат аҳдининг дунё ҳаётида қилиб ўтган солих амалларининг мукофотидир".

Ана шундай неъматлар ва омонлик, фароғат ва мангу саодат гўшасини, энг асосийси, Аллоҳ таолонинг жамолини кўришни истаган, орзу қилган инсон охират диёрини дунё ҳаётидан устун қўйиб, Аллоҳ таолонинг буюрганларини бажариши, Унинг мукофотига – бепоён жаннатидаги абадий ҳаётга мушарраф бўлиш учун шошилиши зарур. Оят давомида: "У тақвадор зотлар учун тайёрлаб қўйилгандир", – деб марҳамат қилинади. Қилган амаллари эвазига жаннат тайёрлаб қўйилган тақвадор зотлар кимлар? Бунинг жавобини Мўминун сурасининг дастлабки оята-

ридан топамиз: "Дарҳақиқат, мұмынлар нажот тондилар. Улар намозларида (құрқұв ва умид билан) бүйин әгувшылар-дир. Улар беҳуда, фойдасыз (сүз ва амалдардан) юз үгирувчи кишилардир... Улар үзларига (ишонилған) омонатларга ва берган ахду паймонарларига риоя этувчи кишилардир. Улар намозларни сақлагувчи кишилардир. Ана үшалар Фирдавс жаннатига меросхұр бўлувчи ворислардир. Улар үша жойда мангу қолурлар".

الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَاءِ وَالْكَوْثُرِ ظَمِينَ الْغَيْظَ

وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

134. Улар шодликда ҳам, кулфатда ҳам эҳсон қилувчи, ғазабларини ютувчи ва одамларни кечирудилардир. Аллоҳ албатта яхшилиларни севади.

Иbn Касир тафсирида бу илоҳий васф шархида кўплаб ривоятлар зикр этилган. Ҳориса ibn Қудома Саъдий Расулуллоҳга: "Эй Аллоҳнинг Расули, менга фойда берадиган бир сўз айтинг, бажаришга қийналмаслигим учун озгина бўлсин", деди. Набий алайҳиссалом: "Ғазабланма!" дедилар. Ibн Қудома кейин яна келиб, насиҳат қилишларини сўраганида тагин "Ғазабланма!" дедилар. Бу ҳолат бир неча марта такрорланди. Бошқа ривоятда сўровчининг: "Расулуллоҳнинг сўzlари хусусида фикр қилиб кўрсам, барча ёмонликлар ғазабдан келиб чиқар экан", дегани келтирилган (Имом Аҳмад ривояти). Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Кучли деб ҳаммани енгадиган кишига айтилмайди. Ғазабланган пайтда ўзини қўлга ололган одам кучлидир", деганлар" (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Хурсандчилигига ҳам, хафалигига ҳам Аллоҳ йўлида эҳсон-садақа қиласиган, ғазаби келганида ичига ютадиган, бошқаларнинг зулм ва тажовузлари учун қасос олишга қодир бўлатуриб кечириб юборадиган ва аксинча, жазога лойик кишиларга яхшилик қиласиганлар тақводорлардир. Улар ана шу яхши амаллари эвазига Аллоҳ таоло мағфиратига сазовор бўлишади, иншааллоҳ. Пайғамбар алайҳиссалом ўз ҳадиси шарифларида саодатнинг аломатини тўртта дейдилар: "Ўзига топширилган омонатни адо этади, берган аҳдига вафо қиласи, сўзида тўғри бўлади, бирор билан тўқнашганда ҳақорат қилмайди".

Тақволи кишининг энг яхши фазилатларидан бири, ўзига бирор ёмонлик қилган дин биродарини афв қилишидир. Афв, кечиримлийк ахлоқий иш-феълларнинг энг улуғидир. Ёмон кимсалар ўзгаларнинг хатосини кечира олмайди. Зоро, Аллоҳ азза ва жалла Ўз Пайғамбарига: "(Эй Муҳаммад), марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўтиринг" (Аъроф, 199) деб буюрган. Мазкур ояти карима фақат у зотта тааллуқли эмас, балки барчага умумий амр маъносини беради.

وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ
فَأَتَتَغْفِرُوا لِذُنُوبِهِمْ وَمَن يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا اللَّهُ وَلَمْ يُصْرِفُوا
عَلَىٰ مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ

۱۳۵

135. Улар бирор фаҳш иш ёки ўзларига зулм қилишса, Аллоҳни ёдга олиб гуноҳларини кечиришини сўрайдиган, гуноҳларини Аллоҳдан ўзга кечиравчи бўлмаслигини билиб, уларни давом эттирмайдиганлардир.

Исломий ахлоқ тақво аҳлига ҳар қандай айдан пок, ҳар қандай гуноҳдан маъсум, гүёки қанотли фаришталардек

бўлишни фарз этгани йўқ. Балки инсоннинг лой ва руҳдан таркиб топганини ҳисобга олди. Баъзида руҳ уни олийликларга кўтарган бўлса, баъзида лой бир қадар тубанликка туширишини эътироф этди. Муттақийларнинг фарқи Аллоҳ таоло тавсифлагандек тавба ва Яратганга қайтишда бўлади. Банда гуноҳ ёки бир хато иш қилсаю, истиғфор айтса, меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ азза ва жалла унинг гуноҳларини албатта кечиради. Истиғфор айтилса, яхшилиқдан умид қилинади. Аммо банда кибр ё фууруга бориб, истиғфор айтишни канда қилса, ўзига зулм қилган, ўз зарарига ишлаган бўлади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): "Ким истиғфор айтишни ўзига лозим тутса, Аллоҳ унинг мушкулини ечади, оғирини енгил қиласи ва ўзи ўйламаган томондан ризқ беради", деганлар.

Аллома Ибн Касир тафсирларида бундай дейилган: "Абдураззоқ Анас ибн Моликдан шундай ривоят қиласилар: "Эшитишимча, "Улар бирор фахш иш..." (Оли Имрон сурасининг 135-ояти) нозил бўлганида Иблис алайҳилаъна ийғлаган экан". Абу Сайддан ривоят қилинади: "Набий алайҳиссалом айтдилар: "Иблис: "Эй Раббим, иззатингга қасамки, Одам болаларининг руҳи жасадларида экан, уларни йўлдан ураман". Аллоҳ таоло айтди: "Иззатим ва улуғлигимга қасамки, Менга истиғфор айтишар экан, уларнинг гуноҳини кечираверман" (Имом Аҳмад ривояти).

Ҳар бир имонли киши қилган яхшилиги Аллоҳ таолонинг инояти билан, ёмонлиги эса ўз нафсининг қабиҳ орзулари туфайли содир бўлганини яхши англаши лозим. У шундай қиласагина Аллоҳ таолонинг юқоридаги ояти каримасида тавсифланган тақводор бандалари сафида бўлади. Банда ёмонликнинг манбай ўлароқ ўз нафсини таниса, фойда кўради, залолатдан қутулади. Абдулқодир Жийлоний ҳазратлари "Сиррул-асрор" китобларида баён этганларидай: "Инсон бу дунё уйида экан, куфр, нифок, фисқ ва шу каби (ёмон) ишлар Аллоҳ жалла жалалуҳу қудратининг изҳори учун қилинишини ва улар илоҳий ҳикматта биноан юзага

чиқишини билмоғи зарур. Бу ишларнинг улуғ сири бўлгани учун Аллоҳ таоло Ўз құдратини изҳор этмоқда"; "Ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам, яъни саодату шақоват ҳар кимнинг борлиғида яширин бўлиб, ҳар бир одам бу икки васфга соҳибdir". Демак, инсон саодату шақоват оралиғида яшашга маҳкум экан, булар Аллоҳнинг қадарида ёзиғлик экан, инсонлар тақводор бўлишлари учун бирор гуноҳ ёки фаҳш иш билан ўз жонларига зулм қилгудай бўлишса, дарров ёлғиз кечиравчи Аллоҳ таолони эсга олишлари, Ундан ана шу ёмон ишларига мағфират сўрашлари, зинҳор шақоватларини давом эттиրмасликлари зарур бўлади. Қолаверса, Буюк Парвардигор Ўз Пайғамбарига таълим берганки: "Ким бирон яхшилик қилса, ўзи учун (яъни, ўз фойдасига қилган) бўлур, ким ёмонлик қилса, бас, ўз зиёнига бўлур" (Жосия, 15).

أَوْلَئِكَ جَرَاؤُهُمْ مَغْفِرَةٌ مِنْ رَبِّهِمْ وَجَنَّتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا
الْأَنْهَرُ خَلِيلِينَ فِيهَا وَنَعْمَ أَجْرُ الْعَمِيلِينَ



136. Ана шуларнинг мукофоти Парвардигорлари мағфирати ва остидан анҳорлар оқиб турувчи жаннатдирки, улар унда абадий қолишади. Бундайларнинг мукофоти қанчалар яхши!

Кишидан бошқага бирор зарар етса, бу очик-ойдин гуноҳ саналади. Бордию у ўзигагина зарар берадиган иш қилса, ўзига зулм қилган бўлади. Ҳар икки ҳолатда ҳам гуноҳкор киши шу заҳоти Аллоҳ таолонинг азаматини, Унинг савоб ва азобини, ваъдаси ва ғазабини эсга олиб, дили ва тили билан тавба қилишга шошилса, қилмишларига пушаймонлик билан уни иккинчи марта қайтармасликка аҳд-паймон қилса, бу банданинг мағфирати Аллоҳга ҳавола бўлади ва унинг мукофоти остидан анҳорлар оқиб турувчи жаннатдир.

قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِكُمْ سُنٌَّ فَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانْظُرُوا كَيْفَ كَانَ



عَقْبَةُ الْمُكَذِّبِينَ

137. (Эй мўминлар), сизлардан олдин кўп ибратлар ўтган. Ер юзида кезиб, ёлғончиларнинг оқибати қандай бўлганини кўринглар.

Эй мўминлар, бу кўхна замин узра сизлардан олдин ҳам ибрат олишга арзигулик жуда кўп воқеа-ходисотлар бўлиб ўтган. Ер юзини айланиб, ёлғончи қавмларнинг оқибати нима билан тугаганига ўзинглар бир гувоҳ бўлинглар. "Оқибат" сўзи яхши-ёмон натижа, жазо ё мукофот маъноларини билдиради. Қуръонда бу сўз асосан ўтмишдаги шахслар ва миллатларнинг қисматидан ибрат олиш маъносида келган. Ушбу ояти каримада Аллоҳ таолонинг оятларини ёлғонга чиқарувчилар, кazzобларнинг оқибатлари аянчли бўлишига эътибор қаратилмоқда. Уларнинг нафақат охиратлари фожиали бўлади, дунё ҳаётидаги оқибатлари ҳам бундан-да қўрқинчлидир. Ибрат олиш учун бу нарсалардан хабардор бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди, улар гирифтор бўлган фалокат ва балоларнинг моддий натижаларини кўриш учун Ер юзида сафарлар қилиш ва улар ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш лозимлиги уқтирилмоқда.



هَذَا بَيَانٌ لِلنَّاسِ وَهُدًىٰ وَمَوْعِظَةٌ لِلْمُتَّقِينَ

138. Бу одамларга тушунтириш, тақводорларга ҳидоят ва насиҳатdir.

Куръони каримдаги жуда кўп сураларда инсонлар тарихида олдин ўтган қавмларнинг қиссалари ҳақида сўз

юритилиши бежизга эмас. Аллоҳ таоло бу қиссалар орқали мушрик ва кофир қавмларнинг Ўзининг амр-фармонларига итоат этмагани учун қандай жазолагани, аксинча, Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига имон келтириб, Парвардигорига итоатда, ҳидоят йўлида юрган мўминлар учун икки дунё саодатини ато этганини тушунтиради. Бу қиссалар тақволи кишиларга ҳидоят йўлини кўрсатувчи маёқдир, ақл ва фикр эгалари учун насиҳатdir.



وَلَا تَهْنُوا وَلَا تَحْزَنُوا وَأَنْتُمُ الْأَعْلَوْنَ إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ

139. Бўшашманглар ва ғамга ботманглар, агар имонда бўлсанглар, устунсизлар.

Мўминлар қийинчилик ёки мусибатлар, душманнинг ғолиб келиши ёки залолат қархисида тушкунликка тушмасликлари, бўшашмасликлари, Аллоҳнинг синовлари олдида саросимага тушиб, ғамга ботмасликлари лозим. Чунки инсон учун бу бало-мусибатларни енгишда имон энг катта ёрдамчиdir. Ақида ўлароқ Исломни ихтиёр этсагу, мусулмонлик, мўминлик даъвосида бўлсагу аммо динимизга, эътиқодимизга ёт нарсалардан халос бўла олмасак, бу катта фожиадир. Ана шундай эътиқодсизлик, имон сустлиги кўринишларидан бири айrim одамларнинг ғайбни билиш даъвосидаги фолбинлар (инсонлар тақдирини билиш даъвосида фол очувчилар), раммоллар (юлдуз ва буржаларга қараб фол очувчилар), коҳинларга (жин хабарини етказувчиларга) ишонишлариdir. Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анхумо) ривоят қилинган ҳадисда: "Коҳинликдан сақланинг, зеро, коҳинлик ширкка чақиради, ширк ва унинг аҳли дўзахдадир", дейилган ("Тафсироти Аҳмадийя"). "Инсон ғайбни билишни даъво қилса, коҳинга бориб уни тасдиқ этса, кофир бўлади" ("Баззозия"). Ёмон ният қилиш, шумланиш, бадбинлик ҳаромдир, бунинг акси некбинлик (яхши нарсани умид қилиш) эса мустаҳабдир.

Бу ўринда некбинлик деганда бирор ҳолни яхшиликка йўйиш, ниятга мувофиқ айтилган сўз ва шу кабилар тушунилади. Зеро, бунда ғайбга дахл бўлмай, фақат яхшилик истаги мужассамдир" ("Тариқаи Муҳаммадия" мухтасари).

إِن يَمْسَكُمْ قَرْحٌ فَقَدْ مَسَ الْقَوْمَ قَرْحٌ مِثْلُهُ وَتَلَقَّ الْأَيَّامُ
إِن يَمْسَكُمْ قَرْحٌ فَقَدْ مَسَ الْقَوْمَ قَرْحٌ مِثْلُهُ وَتَلَقَّ الْأَيَّامُ
نُذَاوْلُهَا بَيْنَ النَّاسِ وَلِيَعْلَمَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَيَتَخَذَ مِنْكُمْ

14

١٤.

شُهَدَاءَ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ

ҳам шундай заҳмат етганинг ишондаги оғизиҳи ғуломларни оилиши ва ораларингдан шаҳидларни ажратиб олиши учун бундай кунларни Биз одамлар орасида алмаштириб турамиз. Аллоҳ золимларни ёмон кўради.

Ушбу ояти карима ҳам Уҳуд жангига воқеаларига бағишенланган. Жангда нусрат-ғалаба ёки мағлубиятта учраш ҳам, унда бир гуруҳнинг қўли баланд келишию иккинчисининг ютқазиши – бари Аллоҳ таолонинг иродасига боғлиқ. Аллоҳ таоло мўминларнинг асл ниятларини аниқлаш, улар орасида чин шаҳидларни ажратиб олиш учун воқеаларни мана шундай алмаштириб туради. Рашид ибн Саъд айтади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуддан ғамгин, хафа бўлиб қайтаётганларида эри ва ўғли жангда ўлган бир аёл шовқин-сурон кўтариб, юзига ура бошлади. Буни кўрган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Пайғамбарингта ҳам шундай қиласанми?" дедилар. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди".

١٥.

وَلِيُّخْصَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَيَمْحَقَ الْكُفَّارِ

141. Бу Аллоҳ мўминларни поклаши ҳамда кофирларни барбод қилиши учундир.

Аллоҳ таоло мўминларни гуноҳ ва ёмон хулқлардан поклаб, уларни яхши амаллари ва имон-эътиқодлари эвазига жаннат билан мукофотлагани ҳолда кофирларни ҳалок этиш билан ёмон оқибатларга рўпара қилади. Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига имон келтирмаган, Парвардигор оятларини ёлғонга чиқарган нодонлар бошига ёмон оқибатлар келиши муқаррар! Бу Аллоҳ азза ва жалланинг иродаси, Унинг ўзгармас илоҳий қонунидир. Инсоният тарихига назар ташласангиз, Аллоҳ таоло имонга келмаган, ширкка ботган, Ўзига осийлик қилган қанча-қанча қавмларни бутунлай ҳалок қилиб юборди, қанча-қанча гуллаб-яшнаган шаҳар-қишлоқларни бир лаҳзада Ер юзидан йўқ қилиб ташлади. Ер юзини айланиб сафар қилаётганлар Юнонистон, Миср, Италия, Ўрдун, Туркия каби кўпгина ўлкаларда буларнинг хароба ва қолдиқларини кўришлари мумкин.

أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَعْلَمَ اللَّهُ الَّذِينَ جَاهَدُوا مِنْكُمْ

وَيَعْلَمَ الظَّالِمِينَ

141

142. Ёки Аллоҳ сизлардан жиҳод қилганларни аниқламай, сабр қилувчиларни билмай туриб жanniатга киришни ўйлаяпсизларми?

Уҳуд жангига мусулмонлар катта мусибат ва талафотларга учрашди. Исломнинг буюк-буюк баҳодирлари ҳалок бўлишди, мушриклар баъзиларини қийнаб, аъзоларини қиймалаб хўрлашди. Ҳатто Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак тишлари синиб, юзлари жароҳатланди. Бу ҳолатни кўрган мусулмонлар

таҳликаға тушиб, умидлари сўна бошлади. Худди шу пайтда Аллоҳ таоло ҳузуридан хабар келди: "Эй мусулмонлар, сизлар ҳаргиз бўшашманглар ва ғамга ботманглар, агар эътиқодда маҳкам турсанглар, имонингизни сусайтирмасанглар, албатта душман устидан ғолиб келасизлар". Буни эшитиб руҳланган мажруҳ ва ғамга ботган мусулмонлар душманга ҳамлаларини кучайтириб юбориши. Улар ҳужумига дош беролмаган мушриклар жанг майдонини ташлаб қочиши. Парвардигор ушбу жангда тушкунликка тушган саҳобаларга тасалли бериб айтаптики: "Нега ранжияпсизлар, бугун сизларга заҳмат ва мусибат етган бўлса, аввалги Бадр жангидага уларга ҳам худди шундай кулфатлар етган эди-ку, улар ботил динлари учун азият чекишган эди, сизлар Ҳақ учун бир оз ранж тортиб, хафа бўляпсизларми? Ҳолбуки, бу жангда бир қанчаларингиз шаҳидлик мақомига эришдингиз, холис мусулмонлар билан мунофиқлар иккига ажралиши. Жаннат эгалари маълум бўлди.

وَلَقَدْ كُنْتُ تَمَنَّوْنَ الْمَوْتَ مِنْ قَبْلٍ أَنْ تَلَقَّوْهُ فَقَدْ رَأَيْتُمُوهُ

وَأَنْتُمْ نَنْظُرُونَ



143. Ўлим келмасидан олдин уни орзу қиласардиглар, мана, кўриб турибсизлар.

Муфассирлар айтишича, ушбу оятдаги "ўлим" сўзи жанг, уруш маъносида келган. Пайғамбар алайҳиссалом Мадина ташқарисида душманга қарши урушишини талаб қилмаганлар, аммо Бадрда иштирок этмаган бир гурӯҳ саҳобалар ана шу йўлни маъқул кўриб, очик жангга чиқишга чақиришган. Қуръони карим уларни ўз тутган йўлларининг ва ортиқча интилишларининг натижасига қарашга чақирмоқда. Ушбу ояти карима огоҳлантиряптики,

мусулмонларнинг кучи ва зафари ўзларини қурбон қилиш истагига эмас, уларнинг Аллоҳга бўлган имонининг кучига боғлиқ экан.

وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ أَرْسَلُوا إِلَيْهِ مَا تَأْتِي
فَتِلْكَمُ أَنْقَلَبْتُمْ عَلَىٰ أَعْقَبِكُمْ وَمَنْ يَنْقِلِبْ عَلَىٰ عَقْبَيْهِ فَلَنْ يَضْرَرَ اللَّهُ
شَيْئًا وَسَيَجْزِي اللَّهُ أَلْشَكِيرِينَ



144. Муҳаммад пайғамбар, холос, унгача ҳам пайғамбарлар ўтишган. Агар у ўлса ёки ўлдирилса, ортингизга қайтасизми? Ким ортига қайтса ҳам ҳаргиз Аллоҳга зарар етказа олмайди ва Аллоҳ шукр қилувчиларни албатта мукофотлайди.

Уҳуд жангидаги олдинига қўли баланд келаётган мусулмонлардан айримлари ўлжага чалғиб, ғалабани қўлдан бой беришди. Бундан фойдаланган душман такрор ҳужумга ўтди. Бу орада Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ҳалок бўлганлари ҳақидаги хабар тарқалди. Бундан мусулмонлар эсанкираб қолишди ва умидсизликка тушишди. Юқоридаги ояти карима айнан шуларга хитоб қиляпти.

Ибн Исҳоқ айтади: "Аз-Зухрий деди: "Менга Саид ибн Мусаййаб Абу Ҳурайрадан сўзлаб бундай деди: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу) ўрнидан туриб: "Мунофиқлардан бир нечаси Расулуллоҳ вафот этди, дейишибди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганлари йўқ. Мусо алайҳиссалом Аллоҳ ҳузурига кетиб, қирқ кун фойиб бўлиб, одамлар уни "ўлди" дейишганида яна қайтиб келганидек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам Аллоҳнинг ҳузурига кетдилар ва яна қайтиб келадилар. Ким

Расулуллоҳни ўлди, деса, қўл-оёғи кесилади", деди. Абу Бакр Сиддиққа (розийаллоҳу анҳу) хабар етиши билан масжид эшигига келди. Бу пайтда Умар (розийаллоҳу анҳу) одамларга гапириб турарди. Абу Бакр ҳеч нарсага эътибор бермай, Оишанинг (розийаллоҳу анҳо) ҳужраларига кирди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйнинг бир чеккасига ётқизилган, устларига чакмон ёпиб қўйилган эди. Абу Бакр (розийаллоҳу анҳу) юриб келиб, чакмонни кўтарди ва Расулуллоҳнинг юзларидан ўпди. Кейин: "Ота-онам сизга фидо бўлсин, Аллоҳ сизга битиб қўйган ўлимни тотибсиз, энди сизга ҳеч қачон бундай ўлим келмайди" деб чакмон билан яна юзларини ёпиб қўйди. Сўнг масжидга чиқди. Умар (розийаллоҳу анҳу) ҳамон одамларга гапираверди. Абу Бакр (розийаллоҳу анҳу) унга: "Ўзингни бос, эй Умар, тинчлан!" деди. Умарнинг жим бўлгиси келмай гапираверди. Абу Бакр Умарнинг тўхтамаётганини кўргач, одамларга юзланди. Одамлар Абу Бакрнинг (розийаллоҳу анҳу) гапини эшиштгач, Умарни ташлаб, Абу Бакр томонга келишди. Шунда Абу Бакр (розийаллоҳу анҳу) Аллоҳга ҳамду сано айтди-да, "Эй одамлар, ким Мұҳаммадга ибодат қилиб келган бўлса, у энди оламдан ўтди. Ким Аллоҳга ибодат қилиб келган бўлса, Аллоҳ тирик, У ўлмайди", деб юқоридаги оятни тиловат қилди" (Ибн Ҳишом, "Ас-Сийра ан-набавийя", 2-жилд, 470—471-бетлар).

وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَنْ تَمُوتَ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ كَتَبَ لَهَا مُؤْجَلاً وَمَنْ
يُرِدُ ثَوَابَ الدُّنْيَا نُؤْتِهِ مِنْهَا وَمَنْ يُرِدُ ثَوَابَ الْآخِرَةِ نُؤْتِهِ مِنْهَا



وَسَنَجْرِي الشَّكِيرِينَ

145. Ҳеч бир жон Аллоҳ изнисиз, белгилаган муҳлатисиз ўлмайди. Ким дунё савобини хоҳласа, унга истаганини

берамиз, ким охират савобини хоҳласа, унга ҳам истаганини охиратда топширамиз ва шукр қилувчиларни албатта тақдирлаймиз.

Ҳар бир тирик жоннинг қачон туғилиб, қачон ўлиши Аллоҳ таолонинг изнида, У белгилаган муҳлатга боғлиқ. Аллоҳ таоло дунё савобини излаганга буни шу дунёда беради, охират савобини излаганга ҳам истаганини охиратда беради. Аллоҳ бандаларига дунёда бериб қўйган неъматлари эвазига бир нарсани – Ўзига итоат қилишни, берган неъматларига шукр айтишни буюради. Ҳасан Басрий айтадилар: "Одам боласи бир куни ўтса, бу ҳақда фикр қилсин: агар бугунги куни яхшилик келтирган бўлса, бунга муваффақ этгани учун Парвардигорига шукр қилсин, агар бунинг акси бўлса, тавба қилсин, кундузги нуқсон ва камчиликларини тунда бартараф этишга азму қарор қилсин. Зоро, яхшиликлар ёмонликларни ювиб кетказади. У соғ-саломат бўлгани учун Аллоҳ таолога шукроналар айтсин! Қолган умрида камчиликларини тўлдириши мумкин бўлади". Аллоҳ таоло неъматларга шукр қилувчиларни эса охиратда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мукофотлар билан тақдирлайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳ таолонинг неъматлари ҳақида сўзлаш шукрдир, неъмат шукрини гапирмаслик куфрдир", деганлар (Имом Аҳмад ривояти).

وَكَانَ مِنْ نَّبِيٍّ قَتَلَ مَعْدُرِيَّوْنَ كَثِيرٌ فَمَا وَهَنُوا لِمَا أَصَابَهُمْ فِي

سَيِّلِ اللَّهِ وَمَا ضَعُفُوا وَمَا أَسْتَكَانُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ الصَّابِرِينَ

146. Қанча пайғамбарлар билан бирга жанг қилган кўплаб жамоалар Аллоҳ йўлида етган кулфатлардан на бўшашиб-сустлашишган ва на таслим бўлишган. Аллоҳ сабрлиларни севади.

Қай бир пайғамбар ўтган бўлса, у билан кўплаб жамоалар бирга жанг қилишган. Лекин улар ўзлари учраган синов ва балолар қаршисида довдираб қолишмаган, сустлик ва заифлик кўрсатишимаган, ёвга таслим ҳам бўлишмаган. Яъни, улар пайғамбарларидан ажраб қолишганида ҳам бўшашиб, таслим бўлишмаган. Улар бошларига келган синовларга сабр қилишган. Аллоҳ эса сабрлиларни яхши қўради.


وَمَا كَانَ قَوْلَهُمْ إِلَّا أَنْ قَالُوا رَبَّنَا أَغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَإِسْرَافَنَا فِي

 أَمْرَنَا وَثَبَّتْ أَقْدَامَنَا وَأَنْصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ

147. Улар фақат: "Парвардигоро, гуноҳларимизни ва ишларимизда ҳаддан ошишларимизни кечир, событқадам эт ва кофир қавмлар устидан ғолиб қил!", деган гапнигина айтишарди.

Пайғамбарлар билан бирга жанг қилган жамоалар Парвардигорларидан гуноҳларига мағфират, ишларида ҳаддан ошишларига афв тилашар, ўзларини событқадам этиб, кофир қавмлар устидан ғалаба қозонишларига имкон беришини сўраб, дуо қилишар эди. Ҳақиқатан мўмин киши ҳар бир ишда, ҳар бир синовда фақат Парвардигорига юкунади, Ундан ёрдам ва ҳимоя сўрайди, ўзини Унинг паноҳига топширади. Аллоҳ таоло мўминларга бундай дуо таълимини берган: "Эй Парвардигор, унутсан ёки хато қилсан, бизни койима! Эй Парвардигор, биздан олдингиларга юклаганингни бизга юклама! Эй Парвардигор, тоқатимиз етмайдиган нарсага мажбуrlама! Бизларни афв эт, мағфират қил ва раҳм айла! Сен бизнинг Хожамизсан, бас, бизларни кофирлар устидан ғолиб қил!" (Бақара, 286).

فَإِنَّهُمْ أَلَّا هُنَّ شَوَّابٌ إِلَّا خَرَقَةٌ



148. Кейин Аллоҳ уларга дунё савобини ва охиратнинг гўзал мукофотини берди. Аллоҳ яхши амал қилувчиларни севади.

Уҳуд жангига Пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссаломнинг ўzlари жанг режасини туздилар. Қўшинни жангга сафлаганларидан сўнг тоғ тарафидаги очиқ жойдан душман келмаслиги учун у ерга эллик нафар камончи аскарни жойладилар. Уларнинг бошлиқлари Абдуллоҳ ибн Жубайр эди. Пайғамбаримиз уларга ўша жойда қаттиқ туриб ҳимоя қилишса, мусулмонлар албатта ғолиб бўлишларини таъкидладилар. Кейин уруш бошланиб кетди, мужоҳидлар душман устига шердай ташланиб, жонжаждлари билан жанг қилишди. Бу ҳолни кўрган мушриклар жанг майдонини ташлаб қочишни ўйлай бошлади. Улар кета бошлаши билан мусулмонлар биз ғалаба қилдик, деган хотиржамлик билан ўлжаларни тақсимлай бошлашди. Тоғ йўлига қўйилган камончилар ҳам ўлжадан қуруқ қолмаслик учун бошлиқларининг қайтаришига қарамай турган жойларини тарк этишди. Бошлиқлари оз одам билан қолганида душман худди шу тарафдан бостириб келди. Бундан мусулмонлар кўп талафот кўришди. Қанчалаб аскар ҳалок бўлди, Расули акрамнинг ўzlари ярадор бўлиб, бехуш ийқилдилар. Қайсиdir шайтон малайи "Мұҳаммад ўлди" деган ифвони тарқатиб юборди. Саҳобалар бу ёлғондан саросимага тушишди, турли ёмон хәёлларга борищди. Шундай таҳликали вазиятда Расулуллоҳнинг ўzlари "Инни абдуллоҳи, ана расулуллоҳи", яъни мен Аллоҳнинг бандаси ва Унинг Расулиман, деб хитоб қилдилар. Бу муборак овозни

эшиштган қарийб ўттиз саҳобий етиб келди ва мудофаани кучайтириб юборди. Натижада мусулмонлар душманни енгишга муваффақ бўлишди.

Аллоҳ таоло юқоридағи оятларда мусулмонларга тамкинли бўлишни таълим бериб айтяптики, аввалги пайғамбарлар ҳам шундай воқеаларга дуч келишган, улар баробар событқадам туришган. Сизлар улардан ҳам зиёда событқадамлик кўрсатишингиз зарур.

يَتَأْيِهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنْ تُطِيعُوا الَّذِينَ كَفَرُوا

١٤٩ يَرْدُوْكُمْ عَلَى أَعْقَبِكُمْ فَتَنَقِبُوا خَسِيرِينَ

149. Эй имон келтирганлар, агар кофирларга итоат қилсанглар, орtingизга қайтаришади, кейин зиёнга йўлиқасизлар.

Аллоҳ таоло қўлга қурол олиб, мардона жанг қилаёттан мўминларга айтяптики, агар сизлар ортга чекинадиган бўлсангиз, душманнинг айтганига кўнсангиз ёки уларга бўйсунсангиз, улар сизни яна ширк ва куфр оламига қайтаришади. У ҳолда охиратингизни бой бериб, фақат зиёнда қоласиз.

١٥٠ بِلِ اللَّهِ مَوْلَانَا وَهُوَ خَيْرُ النَّاصِرِينَ

150. Ҳа, Аллоҳ мададкорингиздир ва У ёрдам берувчиларнинг яхшисидир.

Уҳуд жангида айрим иккиланган мусулмонлар қийин аҳволга тушиб қолганларини ҳис этиб, дилларида Абу Суфён каби Макка мушрикларининг пешволаридан кечирим сўраш ҳакида ўйлай бошлиашди. Шунда Аллоҳ азза ва жалла уларга таскин бериб айтяптики, жангдаги мағлубиятдан асло

тушкунликка тушманг, Аллоҳ ҳамиша сизларга мададкордир ва ёрдамни фақат Унинг Ўзидан сўранг. Чунки У ёрдам берувчиларнинг энг яхшисиdir.

سَنْلِقِي فِي قُلُوبِ الَّذِينَ كَفَرُوا أَرْعَبَ بِمَا أَشْرَكُوا بِاللَّهِ
مَا لَهُمْ بِذَلِيلٍ يَهُوَ سُلْطَانُنَا وَمَا وَنَاهُمُ إِلَّا كَاوِيْ

(161)

وَيَئْسَ مَثَوَى الظَّالِمِينَ

151. Энди ҳужжатсиз нарсани Аллоҳга шерик қилишгани учун кофирлар дилига қўрқув соламиз. Уларнинг жойи дўзахдир ва у золимлар учун ёмон жойдир.

Уҳуд жангида мушриклар дилига Аллоҳ қўрқув солганидан кейин улар мусулмонлардан қўрқиб қоча бошлишди. Мусулмонлар ярадор ва ҳолдан тойган бўлишса ҳам уларни Ҳамроул-асад деган жойгача қувиб боришиди. Қочиб кетаётган мушрикларнинг саркардаси Абу Суфён аскарларига: "Бизлар шунча одам ва қурол-аслаҳага эга бўлатуриб чарчаган ва шикаст топган озчиликни тор-мор қилмай келавердик, юринглар, қайтиб бориб уларни батамом қириб ташлайлик", деганида унинг бу сўзларини қабул қилувчи бирор киши топилмади. Чунки улар мушрик эди, Аллоҳ таолога осий эди, ширклари, исёнлари сабабидан дилларига Ислом ҳайбати, имони ўрнашмаган эди. Шу боис мусулмонлардан устун бўлишса ҳам жангда енгилишди.

وَلَقَدْ صَدَقَ كُمُّ اللَّهُ وَعْدَهُ إِذْ تَحْسُونَهُمْ بِإِذْ نَهَيْهُمْ
حَتَّىٰ إِذَا فَشِلْتُمْ وَتَنْزَعْتُمْ فِي الْأَمْرِ وَعَصَيْتُمْ مِّنْ

بَعْدَ مَا أَرَنَّكُمْ مَا تُحِبُّونَ^{١٥٣} إِنَّكُمْ مَنْ يُرِيدُ الَّذِينَ كَا
 وَمِنْكُمْ مَنْ يُرِيدُ الْآخِرَةَ ثُمَّ صَرَفَكُمْ عَنْهُمْ لِتَتَلَقَّبُوكُمْ
 ١٥٣ وَلَقَدْ عَفَأْتُمْ وَاللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ

152. Аллоҳ сизларга берган ваъдасининг устидан чиқди: то сустлашиб, буйруқ ҳақида тортишмагуningизча ва сизлар суйган нарса кўрсатиб қўйилгач, итоатсизлик қилмагуningизча Унинг изни билан кофирларни қира бошладинглар. Орангизда дунёни хоҳлайдиганлар ҳам, охиратни хоҳлайдиганлар ҳам бор. Кейин сизларни имтиҳон қилиш учун улардан қайтарди ва албатта гуноҳларингизни кечирди. Аллоҳ мўминларга марҳаматлидир.

Ушбу ояти каримадаги воқеалар Ислом тарихидаги муҳим бир жангда, Уҳуд ғазоти пайтида содир бўлган эди. Ҳижрий учинчи йилнинг 11-шавволида (милодий 625 йил 27 марта) Ислом ва ширк ўртасида Уҳуд тоғида иккинчи тўқнашув рўй берди. Унда уч минг нафар маккалик мушрикка қарши етти юз мусулмон жангчи муҳорабата кирган. Уҳудда аввал мусулмонларнинг қўли баланд келган бўлса-да, кейин улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам амрларидан чекинганлари учун мағлуб бўлишди. Аммо бунда бошқа ғазотлардан фарқли ўлароқ, Пайғамбарга жароҳат етгани, Ислом қўшини талафот кўргани, етмиш мусулмоннинг, жумладан, жасур Ҳамзанинг шаҳид бўлгани тушкун кайфият уйғотади. Лекин уламолардан бирининг "Уҳуд ғазотида эртанинг мусулмонлари бугуннинг мусулмонларидан устун келди", деган сўzlари Аллоҳ тақдир этган ҳар бир нарсада ҳикмат борлигини эслашимизга туртки

беради. Дарҳақиқат, ўшандада Абу Сүфён, Холид, Ҳинд, Ваҳшийлар ҳали мушриклар тарафида эди. Қолаверса, бу мағлубият Мұхаммад соллаллоҳу алайхи ва саллам умматлари учун ниҳоятда катта сабоқ ва танбек бўлди. Бу борада юқоридаги ояти карима нозил бўлди.

إِذْ تُصْوِّرُونَ وَلَا تَكُونُونَ عَلَىٰ أَحَدٍ وَالرَّسُولُ
 يَدْعُوكُمْ فِي أُخْرَىٰ كُمْ فَأَتَبْكِيْكُمْ غَمًا بِغَمٍ لَكَيْلًا
 تَحْرَزُونَا عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ وَلَا مَا أَصْبَحَكُمْ
 وَاللَّهُ خَيْرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ



153. Пайғамбар ортингиздан чақириб турса ҳам ҳеч кимга қарамай кетиб қолганингизни эсланглар. Кейин қўлдан кетганига ва мусибат етганига қайғу чекмаслигингиз учун сизларга ғам ортидан ғам берди. Аллоҳ қилмишларингиздан хабардордир.

Расули акрам жанг бошида айтдиларки, агар сабр ва тадбир билан иш кўрсанглар, Аллоҳ таоло бизларни коғир қавм устидан албагта юлиб қиласди. Уҳуд жангига майдонида мусулмонлар бошда Аллоҳ элчисининг сўзларига қатъий амал қилиб, ниҳоятда сабот билан туришди. Душманнинг бир қанча аскарини ер тишлатиб, ғалаба нашидасини суришди. Аммо кейин ўрталарида ихтилоф чиқиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг амр-фармонларидан чекинишиди. Оқибатда зафар қўлдан кетиб, анчагина талафот кўришди. Охири яна Сарвари оламнинг ҳукмларига бўйсуниб, итоатда бўлишган эди, Аллоҳ таоло уларнинг қўлларини баланд қилди.

Бу воқеа кейинги умматларга сабоқ ўлароқ ибрат бўлиб қолди: агар ўшандада баъзилари ўлжани қўлга киритишига интилишмаганида бу қадар мағлубиятга учрашмаган бўлур эди. Бундан хулоса шуки, ҳатто мукаррам саҳобалар ҳам имтиҳонга учрашди. Улардан бир неча киши ўзларича иш кўриб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг кўрсатмалари ҳақида тортишиши ва бунинг касри ҳаммага баравар тегди. Бир қанча саҳобий урушда яраланди ва ҳалок бўлди, бир нечалари эса тушкунликка тушиб қоча бошлишганида Расулуллоҳ уларни чақириб олдилар.

ثُمَّ أَنْزَلَ عَلَيْكُم مِّنْ بَعْدِ الْفَغْرِ أَمْنَةً لِّعَاسًا يَغْشَى طَآئِفَةً مِّنْكُمْ فَمُّنْ
 وَطَآئِفَةً قَدْ أَهَمَّتُمُ أَنفُسَهُمْ يَظْنُونَ بِاللَّهِ غَيْرَ الْحَقِّ ظَنَّ
 الْجَهْلِيَّةِ يَقُولُونَ هَلْ لَنَا مِنَ الْأَمْرِ مِنْ شَيْءٍ قُلْ إِنَّ الْأَمْرَ كُلَّهُ لِلَّهِ
 اللَّهُ يُخْفِونَ فِي أَنفُسِهِمْ مَا لَا يُبَدِّوْنَ لَكُمْ يَقُولُونَ لَوْ كَانَ لَنَا مِنَ
 الْأَمْرِ شَيْءٌ مَا قَاتَلَنَا هَذُهُنَا قُلْ لَوْ كُنْتُمْ فِي بُيُوتِكُمْ لَبَرَزَ الَّذِينَ
 كُتِبَ عَلَيْهِمُ الْقَتْلُ إِلَى مَضَاجِعِهِمْ وَلِيَبْتَلِيَ اللَّهُ مَا فِي
 صُدُورِكُمْ وَلِيُمَحْصَّسَ مَا فِي قُلُوبِكُمْ
 104 وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ

154. Сўнгра Аллоҳ бир гуруҳингизга ғам кетидан ўраб оловчи ором уйқуси – мудрашни туширди. Бошқа гуруҳ эса жон талвасасига тушди, Аллоҳ ҳақида жоҳилона ноҳақ,

гумон қилиб: "Қўлимиздан нима ҳам келарди?" дейишди. "Ҳамма иш Аллоҳ изнидадир", денг. Улар дилларидағи нарсани сиздан яширишади: "Агар ихтиёр бизда бўлганида бу ерда ҳалок қилинмас эдик", дейишади. "Агар уйларингизда бўлсангиз ҳам ўлдирилиш ёзиб кўйилганлар ҳалокат жойига бориб қолган бўлишарди. Буни Аллоҳ кўнглингиздаги нарсани имтиҳон қилиш ва дилларингиздагини поклаш учун қилди". денг. Аллоҳ диллардагиларни билувчиидир.

Абу Талҳа бундай дейди: "Уҳуд куни жанг майдонида эканимизда бизларни шундай бир уйқу элитдики, қиличим қўлимдан тушиб кетди. Мен уни қўлга олсам, (уйқунинг зўридан) у яна тушиб кетар эди". Бану Дубайъадан Абу Ҳабиба ибн Азъар айтади: "Саълаба ибн Ҳотиб ва Муаттиб ибн Қушайр иккови (Зирор масжидини қурганлардан): "Агар Аллоҳ бизга бойлик берса садақа қиласиз ва солиҳлардан бўламиз" деган. Муаттиб Уҳуд куни: "Агар бизнинг ишимиз тўғри бўлганида бизни бу ерда ўлдиришмаган бўлур эди", деган эди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло: "Агар ихтиёр бизда бўлганида бу ерда ҳалок қилинмас эдик", дейишади", деган".

إِنَّ الَّذِينَ تَوَلُوا مِنْكُمْ يَوْمَ الْجَمْعَانِ إِنَّمَا أَسْتَرْزَلُهُمْ
إِنَّ

الشَّيْطَنُ بِعَضٍ مَا كَسَبُوا وَلَقَدْ عَفَا اللَّهُ عَنْهُمْ
أَسْتَيْطَنُ بِعَضٍ مَا كَسَبُوا وَلَقَدْ عَفَا اللَّهُ عَنْهُمْ



إِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ حَلِيمٌ

155. Ҳақиқатан икки гурӯҳ тўқнашган кунда сизлардан қочганларни шайтон баъзи гуноҳлари сабабидан йўлдан оздирди. Аллоҳ уларни кечирди, Аллоҳ албатта кечиравчи, раҳмлидир.

Уҳуд жангида Аллоҳ таоло мусулмонларни катта синовга солди. Бу ҳаёт-мамот жангида кўплаб мусулмонлар улкан жасорат ва фидойилик кўрсатиб жанг қилишган бўлса, айrim мусулмонларни қўрқув ва ожизлик эгаллаб, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбариға итоатсизлик кўрсатиши: шайтон ва нафсларининг сўзига кириб, Пайғамбарнинг кўрсатмаларини бажаришдан қочиши, ўлжа илинжида зиммаларидағи вазифани охиригача бажаришмади. Мўмин бандаларини ҳамиша кечиравчи ва ўта раҳмли Зот уларнинг бу қилмишларини ҳам афв этди.

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ كَفَرُوا وَقَالُوا لِإِخْرَانِهِمْ إِذَا
 ضَرَبُوا فِي الْأَرْضِ أَوْ كَانُوا عُزَّىٰ لَوْ كَانُوا عِنْدَنَا مَا مَانُوا وَمَا قُتِلُوا
 لِيَجْعَلَ اللَّهُ ذَلِكَ حَسْرَةً فِي قُلُوبِهِمْ وَاللَّهُ يُحِبُّ^{۱۵۶} وَيُمِيّزُ^{۱۵۷} وَاللَّهُ بِمَا



 ۱۵۶ تَعَمَّلُونَ بِصَدِيرٍ

156. Эй имон келтирганлар, куфрга борган ва бошқа ерларга сафарга чиққан ёки жиҳодга борган биродарлари ҳақида: "Агар олдимиизда бўлишганида ўлишмас ҳам, ўлдирилишмас ҳам эди", дейдиганларга ўхшаманглар. Аллоҳ буни улар дилида ҳасратга айлантириб қўяди. Аллоҳгина ўлдиради ва тирилтиради, Аллоҳ барча ишларингизни кўриб туради.

Бир инсоннинг сафарда ўлиши ёки жангда ҳалок қилиниши ёзилган бўлса, у ўша ҳолатда ўлим топади. Уйидан чиқмаслик ёки ўз қавмидан ажрамаслик унинг бу ҳалокатдан омон қолишига сабаб бўлолмайди. Бу Ислом ақидасидир. Лекин мунофиқлар "агар сафарга чиқмай ё разотта бормай биз билан қолишганида ўлишмас ҳам эди, қатл қилинишмас

ҳам эди", деб инсонларнинг дилларига ҳасрат ва ташвиш солишар эди. Бу эса ботил ва бузук ақидадир. Тирик қолдириш ва ўлдириш Аллоҳ таолонинг изнидадир. Ўлимнинг қай ҳолатда келиши ҳам Унинг хоҳиш-иродаси билан бўлади. Инсон барибир ўлмай қолмайди. Аммо Аллоҳ йўлида, дин хизматида ва душманга қарши жангда жон фидо қилиш энг мақбул ўлимдир.

وَلِئِنْ قُتِلْتُمْ فِي سَبِيلِ اللهِ أَوْ مُتُمْ لِمَغْفِرَةٍ مِنَ اللهِ وَرَحْمَةٍ خَيرٌ



157. Агар Аллоҳ йўлида ўлдирилсангиз ёки ўлсангиз, Аллоҳнинг мағфирати ва раҳмати улар ғамлаган нарсалардан яхшидир.

Аллоҳ йўлида қурбон бўлиш ҳамда бунинг эвазига Унинг раҳмат-мағфиратига мушарраф бўлиш, жаннат билан мукофотланиш кофир ва мушриклар тўплаган беҳисоб бойлик ва бошқа дунё матоҳларидан минг карра аълодир.

وَلِئِنْ مُتُمْ أَوْ قُتِلْتُمْ لِإِلَى اللهِ تُحْشَرُونَ

158. Агар ўлсанглар ёки ўлдирилсанглар, албатта Аллоҳ ҳузурида тўпланасизлар.

Бир инсоннинг қачон, қаерда ва қай ҳолатда ўлиши ёки ўлдирилиши ёлғиз Парвардигорнинг файб илмларидан бўлиб, бунинг ҳикматини Унинг Ўзидан ўзгаси билолмайди. Банданинг такдирида нима ёзилган бўлса, бу албатта рўёбга чиқади. "Қирқ ўйл қирғин бўлса, ажали етган ўлади" деган мақол бежизга айтилмаган. Шу ўринда ибратли бир ривоятни келтириш фойдадан холи бўлмайди: "Бир қўрқоқ киши бор эди. У уруш пайтида доим лашкарнинг орқа

тарафида беркиниб юрар, қилич-үқдан қочишга ҳаракат қиласар эди. Бир куни қарашса, ўша киши қўшиннинг энг олдинги сафида жанг қилаётган эмиш. Шунда бунинг сабабини сўрашибди. У бундай жавоб берибди: "Ўтган куни жанг пайтида бир камон ўқи учиб келиб, олдимга тушди. Назаримда ўқ қимиirlаётгандай туюлди. Эътибор бериб қарасам, ўқ тупроқ остида яшириниб ётган илонга санчилган экан. Шундан хуроса қилдимки, ажал етса, қаёққа қочсам ҳам қутулиш йўқ экан, ўша жойда тутиб оларкан. Шунинг учун қўрқувни бир четга улоқтириб, жангда биринчи сафга ўтдим..."

فِيمَا رَحْمَةً مِنَ اللَّهِ لِنَتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَقَطًا غَلِيلًا لَأَنْفَضُوا
 مِنْ حَوْلِكَ فَاعْفُ عَنْهُمْ وَاسْتَغْفِرْ لَهُمْ وَشَارِرُهُمْ فِي الْأَمْرِ فَإِذَا عَزَّمْتَ
 فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَوَكِّلِينَ

159

159. (Эй Мухаммад), Аллоҳнинг марҳамати туфайли уларга мулоим бўлдингиз, агар қўпол ва дили қаттиқ бўлганингизда улар атрофингиздан тарқаб кетишарди. Энди уларни афв этинг, уларга магфират сўранг ва ишларингизда улар билан маслаҳатлашинг. Бирор ишга киришсангиз, Аллоҳга таваккал қилинг, Аллоҳ таваккал қилувчиларни севади.

Аллоҳ таолонинг марҳамати ва лутфи туфайли Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом ҳар қачонгидай Уҳуд жангига ҳам саҳобаларига ниҳоятда яхши муомалада, юмшоқсўз бўлдилар, хатоларини кечирдилар, шикаста дилларини шод қилдилар. У зот, шунингдек баъзи ишларида улар билан маслаҳатлашдилар. Бирор тарафга раъйлари қарор топса, Аллоҳга таваккал қилиб (суяниб), сўнг уни

амалга оширишга киришдилар. Фахри коинотнинг мана шу фазилатлари туфайли Ислом уммати ягона ғоя атрофида бирлашди, Ислом биродарлиги юзага келди.

Дарҳақиқат, инсон учун чиройли хулқдан кўра зарурроқ, муҳимроқ бирор фазилат йўқдир. Динимизда чиройли хулқ эгаси бўлишга чақирилган, одамлар билан хушмуомалада бўлиш яхшиликка тенглаштирилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Яхшилик чиройли хулқдир. Гуноҳ, кўнглингизга таъсир қилган ва одамлар билишини истамаган нарсангиздир", деганлар (Имом Муслим ривояти). Яна бир ҳадисда: "Қиёмат куни мўминнинг амаллари мезонида яхши хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмайди. Қўпол, уят сўзларни айтувчи кишини Аллоҳ таоло яхши кўрмайди", дейилган. Ҳадисларнинг бирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сизлар одамларни молларингиз билан жалб қилолмайсиз. Лекин очиқ юзингиз ва яхши хулқингиз уларни жалб қиласди", деганлар (Байҳақий ривояти). Абу Мусодан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ва Муозни Яманга юбораётуб, бундай дедилар: "Енгиллаштиринглар, қийинлаштирунглар. Севинтиринглар, бездирманглар. Иноқ бўлинглар, бир-бирларингга қарши бўлманглар" (Имом Муслим ривояти).

إِنْ يَنْصُرُكُمُ اللَّهُ فَلَا غَالِبٌ لَكُمْ وَإِنْ يَخْذُلْكُمْ فَمَنْ ذَا الَّذِي

يَنْصُرُكُمْ مِنْ بَعْدِهِ وَعَلَى اللَّهِ فَلَيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ



160. Агар Аллоҳ ёрдам қилса, ҳеч ким сизларни енголмайди, агар ташлаб қўйса, Ундан бошқа ким ҳам ёрдам бера оларди? Мўминлар Аллоҳгагина таваккал қилишсин.

Аллоҳнинг қонунига кўра, оқибат сабабга боғлиқдир. Агар Аллоҳ ёрдам бериб турса, бутун дунё бирлашиб ҳам мусулмонларни енга олмайди. Аксинча, У бандаларини ўз ҳолларига ташлаб қўйса, Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса – на қудратли ва тажрибали саркардалар, на беҳисоб лашкарлар, на зирҳи қалин техникалар, ҳеч бир нарса ёрдам бера олмайди. Шунинг учун имонли кишилар ҳар ишда, ҳар жойда, ҳар вақт фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига таваккал қилишсин.


وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَغْلِبَ وَمَنْ يَغْلِبْ يَأْتِ بِمَا غَلَّ يَوْمَ الْقِيَمَةِ ثُمَّ

١٦١ تَوْفِيقٌ كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ

161. Пайғамбарнинг хиёнат қилиши мумкин эмас, ким хиёнат қилса, Қиёмат куни хиёнати билан келади. Кейин ҳар кимнинг қилмишига яраша тўлиқ жазо берилади, ҳеч кимга зулм қилинмайди.

Яъни, Пайғамбарнинг ўлжа тақсимотида хиёнат қилиши мумкин эмас. Баъзи ривоятларда келишича, Бадр жангидаги ўлжа олинган моллардан бир қисми йўқолиб қолади. Саҳобалардан айримлари: "Расули акрам ўз эҳтиёжлари учун сақлаб қўйган бўлсалар керак" деган гумонга боришади. Шу воқеа асносида юқоридаги ояти карима нозил бўлди: яъни, Аллоҳ таоло қай бир инсонга пайғамбарлик мартабасини ато қилган бўлса, унинг шаънига бундай ёмон гумонда бўлиш асло мумкин эмас, чунки пайғамбар ҳаргиз бундай тақиқланган нарса билан шуғулланмайди. Пайғамбарларнинг қадрлари шунчалик баландки, ҳатто улар ҳақида ноўрин гумонларга боришга ўрин йўқдир.

أَفْمَنِ أَتَّبَعَ رِضْوَانَ اللَّهِ كُمْ بَآءَ يُسْخَطِ مِنَ اللَّهِ وَمَاوَنَهُ جَهَنَّمُ



162. Аллоҳ розилигини истаган киши Аллоҳнинг ғазабига учраган ва борар жойи дўзах бўлган кимсага ўхшармиди? Бу нақадар ёмон оқибат!

Инсонлар икки тоифа бўлади: биринчиси Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига имон келтириб, дунё ҳаётидаги йилларини фақат яхши амаллар билан ўтказади. Буларга охират дунёсида улкан мукофотлар – Аллоҳ таолонинг розилигию ва Унинг жамоли, абадий роҳат-фароғатда яшаладиган гўзал жаннат боғлари бор. Иккинчи тоифаси эса, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари ҳақидаги ваҳийларни инкор этиб, ёлғонга чиқаргани учун Аллоҳ азза ва жалланинг ғазабига учраб, охиратини бой берган баҳтсиз кимсалардир. Улар ўзларини қанчалик овутмасинлар, қандай ҳийла-найранглар қилмасинлар, барчаларининг борар жойлари тайин – бу абадий қийноқ ва азоблар жойи бўлган жаҳаннамдир. Бундай оқибатга учрашдан Аллоҳ паноҳ берсин!



163. Уларнинг Аллоҳ ҳузуридаги даражалари турличадир. Аллоҳ уларнинг нима қилаётганларини кўриб туради.

Яъни, Аллоҳнинг ризосини излаган киши билан Аллоҳнинг ғазабига учраган кимсанинг Аллоҳ дараво ҳузуридаги даражаси бир хил бўлармиди?! Уларнинг даражалари турличадир. Аллоҳ бандаларининг қилмишларини кўриб-билиб тургани учун уларга асло зулм

қилмайди, мўминларни жаннат билан мукофотлайди, коғир ва мушрикларни дўзах билан жазолайди.

لَقَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ إِذْ بَعَثَ فِيهِمْ رَسُولًا مِنْ أَنفُسِهِمْ يَتَلَوَّا وَأَعْلَمُهُمْ بِآيَاتِهِ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِنْ كَانُوا مِنْ قَبْلِ لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ



164. Аллоҳ мўминларга, гарчи улар олдинлари очиқ залолатда бўлишса ҳам ўзларидан пайғамбар юбориб, инъом кўрсатди. У Аллоҳ оятларини тиловат қилиб беради, уларни поклайди, Китоб ва ҳикматни ўргатади.

Яъни, эй имон аҳли, Аллоҳ сизларга буюк бир меҳрибонлик қилди: сизларга орангиздан бир элчи юборди, у сизларга Аллоҳнинг оятларини ўқиб беради. Яхшиликни билиб, унга амал қилишингиз ва ёмонликни таниб, ундан эҳтиёт бўлишингиз учун нима яхшию, нима ёмонлигини ўргатади. Агар унга итоат этсангиз, Аллоҳ сиздан рози бўлишини хабар қиласди. Шунда сиз тоат-ибодатни кўпайтирасиз, У ғазаб қиласиган маъсият-гуноҳлардан четланасиз ва шу билан Аллоҳнинг савобига эришиб, интиқомидан қутулиб қоласиз.

أَوْلَمَا أَصَبَّتُكُمْ مُصِيبَةً قَدْ أَصَبَّتُمْ مِثْلَهَا قُلْتُمْ أَنَّ هَذَا قُلْ هُوَ
مِنْ عِنْدِ أَنفُسِكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ



165. (Эй мўминлар), сизларга мусибат етганида – ҳолбукни ўзларингиз ҳам икки баравар қилиб мусибат етказ-

ган эдинглар – "Бу қаёқдан келди?" дейсизларми? (Эй Мұхаммад): "Бу ўзларингиздан", денг. Аллоҳ албатта ҳамма нарсага қодирдир.

Уҳуд жангидағи воқеа устида саҳобаи киромлар таассуф чекишганида Парвардигор марҳамат қилиб айтдикі, эй мусулмонлар, бу мусибат нима учун бошимизга келди, деб таажжубға тушманлар, сизларга душмандан бир ҳисса зарар етган бўлса, сизлардан уларга икки баробар зарар етган: Уҳудда сизлардан етмиш нафар аскар шаҳидлик топган бўлса, Бадрда улардан шунча киши ўлдирилиб, яна шунчаси асир олинди. Ўша асирларни ўлдириш ҳам ихтиёргизда эди. Уҳудда озчилик бўлишингизга қарамай, душманнинг йигирма жангчисини ер тишлатдингиз. Бу жангда бир фурсат мағлубият бўлди, кейин яна зафар ва фатҳ насиб этди.

Бадрда душманга шу қадар катта талафот етказган эдингларки, инсоф билан қараганда кулфатларингиздан шикоят қилишга ҳаққингиз йўқ. Ҳақиқатан бу мусибатга ўзларингиз сабабчидирсизлар, чунки итоатсизлик кўрсатдинглар, Расул акрамнинг, бошқа тажрибали кишиларнинг сўзларига кирмай, ўз ихтиёрларингиз билан Мадинадан ташқарига чиқиб урушишни истадинглар. Кейин камончилар гуруҳи ўзларининг ниҳоятда муҳим ўринларини душманга бўшатиб қўйишиди. Ўтган йили Бадрда сизларга асир тушган асирларни ё ўлдиринглар, ё фидя (товон пули) олиб қўйиб юборингларки, кейинги йили сизлардан ҳам етмиш киши шаҳидлик мақомига эришади, дейилган эди. Сизлар шу шартни қабул қилиб, асирларни фидя эвазига озод қилдинглар. Энди ўша шарт ушбу жангда вужудга келди. Бу урушда кўп нарсалар ойдинлашди: содик мўмин ва мунофиқлар бир-биридан ажraldi, бир қанча пок бандаларга шаҳодат даражаси насиб бўлди.

٣٣

وَمَا أَصْبَحْتُمْ يَوْمَ التَّقْرِيبَةِ الْجَمِيعَانِ فِي إِذْنِ اللَّهِ وَلِيَعْلَمَ الْمُؤْمِنُونَ

166. Икки гуруҳ тўқнашган кунда сизларга етган мусибат Аллоҳнинг изни билан У мўминларни аниқлаши;

Уҳуд жангида мусулмонлар ва мушрикларнинг қўшинлари тўқнашган пайтда Аллоҳ таоло мўминлар ва мунофиқларни аниқлашни ирода қилган эди. У айтадики, душманингизга йўлиққан кунингиз сизга менинг нусратим келган пайтда ўша ишингизни қилдингиз, яъни итоатсизлигингиз билан биродарларингизга зарар етказдингиз ва сизга етган мусибат Менинг изним билан бўлди.

وَلِيَعْلَمَ الَّذِينَ نَافَقُوا وَقِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا فَنَتَّلُوْا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَوْ أَدْفَعُوْا
قَالُوا لَوْ نَعْلَمُ قِتَالًا لَا تَبْعَنَنُكُمْ هُمْ لِلْكُفَّارِ يَوْمَيْنِ أَقْرَبُ
مِنْهُمْ لِلْإِيمَنِ يَقُولُونَ يَا فَوَاهِمِ مَا لَيْسَ فِي قُلُوبِهِمْ
وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا يَكْتُبُونَ

٣٤

167. ҳамда мунофиқларни "билиши" учун келди. Уларга: "Келинглар, Аллоҳ йўлда урушинглар ёки ақалли ҳимояланинглар" дейилганида: "Жанг бўлишини билганимизда сизларга қўшилардик", дейишди. Улар ўша куни имондан кўра куфрга яқинроқ эдилар. Дилларида йўқ нарса тилларига чиқсан эди. Аллоҳ улар яширган нарсани яхши билади.

Уҳудда Абдуллоҳ ибн Убай каби мунофиқлар гуруҳи жангнинг энг таҳликали пайтида мусулмонларни ғафлатда қолдиришиди ва уларга хиёнат қилишди. Уларга жанг олдидан

Аллоҳ йўлида урушиш ёки Мадинада қолиб, ҳеч бўлмаса шаҳарни ҳимоя қилиш таклифи айтилганида улар: "Уруш бўлишини билганимизда ортингиздан борган бўлардик", дейишиди. Ваҳоланки уларнинг дилида имондан кўра куфрлари устунроқ эди, улар ич-ичларидан мусулмонларнинг мағлубиятга учрашларини исташарди.

الَّذِينَ قَاتَلُوا لِأَخْوَاهُمْ وَقَدَّرُوا لَوْ أَطَاعُونَا مَا قُتِلُوا فَلْ فَادِرُهُمْ وَأَنْعَنْ



أَنْفَسٌ كُلُّ الْمَوْتَ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ

168. Ўзлари қолганлари етмай биродарлари ҳақида: "Агар бизга итоат қилишганида ўлмай қолишарди", дейишиди. (Эй Мухаммад): "Гапларинг рост бўлса, ўзларингдан ўлимни қайтаринглар-чи", денг.

Яъни, дунёда ўлмайдиган ёки ўлимидан қочиб, жонини асраб қола оладиган бирор одам бўлмайди. Ҳар бир инсон ўлимга маҳкумдир. Шундай бўлгач, бундай қилганида ўлмай қоларди ёки урушга бормаганида тирик юрган бўларди, дейиш нодонликдан бошқаси эмас. Агар ўлимни ўзингиздан қайтара олсангиз, шундай қилиб кўринг-чи! Бу мутлақо инсоннинг қўлидан келмайди. Аллоҳ таоло жангу жадалларни мунофиқларни ва мўминларни ажратиш учун ҳам юзага келтиради.

وَلَا تَحْسِبَنَّ الَّذِينَ قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتًا بَلْ أَحْيَاءً



عِنْدَ رَبِّهِمْ مُّرْزَقُونَ

169. Аллоҳ йўлида ҳалок бўлганларни ўлик, деб ҳисобламанг, улар тириkdir, Парвардигорлари ҳузурида ризқланишмоқда.

Сайд Ибн Жубайр Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анхұмом) ривоят қиласы: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Биродарларингиз Ухудда ҳалок бўлгач, Аллоҳ уларнинг рухларини яшил қушларнинг ичига жойлади. Бу қушлар жаннат анҳорларидан сув ичади, меваларидан ейди, Аршнинг соясида осилган олтин қандилларда бошпана топади. Улар бундай яхши емак, ичимлик ва бошпаналарни кўргач: "Биз жаннатда ризқланаётганимизни биродарларимизга ким етказади? Токи улар жиходда ортда қолмасинлар ва уруш пайтида қўрқоқлик қилмасинлар", дейиши. Шунда Аллоҳ азза ва жалла: "Мен Ўзим сизнинг номингиздан етказаман", деб ушбу оятни нозил қилди" (Имом Ҳоким ривояти).

فِرَحِينَ بِمَا أَتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ، وَيَسْتَبَشِّرُونَ بِالَّذِينَ لَمْ يَلْحَقُوا

 **بِمِنْ خَلْفِهِمْ أَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ**

170. Улар Аллоҳ фазли билан берган неъматларидан хурсанд ҳолда ортларидан ҳали ўзларига келиб қўшилмаганларга на хавф борлиги, на ғамгин бўлмасликлари хушхабарини беришмоқда.

Абу Зухо: "Бу оят Ухуд аҳди учун хос нозил қилинган", деган. Бир гуруҳ муфассирлар бундай дейишиади: "Бу оят "Биъри Мауна" шаҳидлари ҳақида нозил бўлган. Уларнинг қиссаси машҳурдир. Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ёсар "Мағозий" китобида зикр қилган". Бошқалари эса: "Шаҳидларнинг (дунёдаги) таниш-билишлари агар ўзларига неъмат, хурсандчилик етса афсусланиб: "Биз бунда хурсандчилик ва неъматлар ичидамиз, биродарларимиз эса қабрдалар" дейишиади. Шунда Аллоҳ уларга тасалли бериб ва шаҳидлар ҳолидан уларни хабардор этиб, ушбу оятни нозил қилди", дейишган.

يَسْتَبَشِّرُونَ بِنِعْمَةٍ مِّنَ اللَّهِ وَفَضْلٍ وَأَنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ

أَجْرَ الْمُؤْمِنِينَ

171. Улар Аллоҳнинг фазли ва карамининг ҳамда Аллоҳ мўминларнинг мукофотини зое қилмаслигининг хушхабарини ҳам беришмоқда.

Шаҳидларнинг мақомидан маълум бўляптики, улар Аллоҳнинг фазли ва карамига мушарраф бўлиб, Унинг мукофотларига сазовор бўлишибди. Амр ибн Динор айтади: "Уҳуд жангидан кейин мушриклар Маккага қараб йўлга чиққач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларни уларни таъқиб қилишга чақирдилар. Шунда етмиш киши ҳозир бўлди. Улар мушриклар ортидан жўнаб кетишиди. Мушриклар йўлбошчиси Абу Суфён эса йўлда Хузоа қабиласининг карвонига дуч келиб, уларга: "Агар сизлар Мұҳаммад мени қидириб келаётганини кўрсангиз, унга мени катта қўшин билан юрибди, деб айтинглар", деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга дуч келиб, Абу Суфён ҳақида сўрадилар. Улар: "Биз уни катта бир қўшин билан кўрдик. Сиз эса оз экансиз, у сизларни янчиб ташлайди". дейишиди. Аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ортидан қувишда давом этдилар. Абу Суфён илдам ҳаракат қилиб, Маккага кириб олди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди".

الَّذِينَ أَسْتَجَابُوا لِلَّهِ وَالرَّسُولِ مِنْۚۚ بَعْدِ مَا أَصَابَهُمْ أَلْقَرَحُ لِلَّذِينَ

أَخْسَنُوا مِنْهُمْ وَاتَّقُوا أَجْرًا عَظِيمًا

172. Заҳмат етганидан кейин ҳам улар Аллоҳ ва Унинг Расулига бўйсунган эдилар. Уларниг чиройли иш қилиб, Аллоҳдан қўрққанларига улуғ мукофотлар бордир.

Ибн Исҳоқ айтади: "Ушбу оятда тилга олинганлар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Уҳуднинг эртаси куни ўзларида жароҳат оғриқлари бўлишига қарамай, Ҳамро ал-Асад ғазотига чиққан мўминлардир". Мўмин киши қандай ҳолатга тушса ҳам Аллоҳ ва Унинг Расулига бўйсуниши лозим. Чунки Аллоҳдан қўрқувчиларга охират диёрида улкан мукофотлар бор. Оиша розийаллоҳу анҳо Урвага бундай деган: "Эй синглимнинг ўғли, отанг Зубайр бобонг билан Абу Суфённи таъқиб қилишда қатнашишган. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Уҳуд куни мусибат етгач, мушриклар Маккага қайтаётганида уларниг яна қайтиб келишидан хавф қилиб: "Уларниг изидан ким боради?" дедилар. Одамлардан етмиш киши йўлга чиқди. Абу Бакр ва Зубайр ҳам улар билан бирга бўлган".

الَّذِينَ قَالَ لَهُمُ النَّاسُ إِنَّ النَّاسَ قَدْ جَمَعُوا لَكُمْ فَأَخْشُوهُمْ
فَزَادُهُمْ إِيمَانًا وَقَالُوا حَسْبُنَا اللَّهُ وَنَعَمُ الْوَكِيلُ

173. Уларга: "Мана, одамлар сизларга қарши куч тўплашяпти, улардан қўрқинглар!" дейилганида имонлари кучайиб: "Бизларга Аллоҳнинг йўзи кифоя, У қандайин яхши вакилдир", дейишиди.

Қатода айтади: "Бу воқеа Уҳуд жангидан кейин юз берган. Абу Суфён ва ҳамроҳлари қайтиб кетгач, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳнинг буйруғи учун бел боғлаб, душманни таъқиб қиласиганлар борми? Бу иш душманга қаттиқ зарба бўлар, ҳар хил

миш-мишларга барҳам берган бўлар эди", дедилар. Шунда ярадор бўлгани ва ҳориб-чарчаб турганига қарамай, мусулмонлардан бир гуруҳи йўлга тушди. Зулҳулайфага етиб боришгач, баъзи аъробийлар (саҳройи кишилар) "Абу Суфён сизларга жуда кўп одами билан келяпти", дейишиди. Улар эса "Бизга Аллоҳ кифоядир, У энг ишончли вакилдир", дейишиди. Шунда Аллоҳ улар ҳақида юқоридаги ва қуидаги икки оятни нозил қилди.

فَانْقَلَبُوا بِنِعْمَةٍ مِّنَ اللَّهِ وَفَضْلٍ لَّمْ يَمْسَسْهُمْ سُوءٌ وَاتَّبَعُوا رِضْوَانَ

۱۷۴ **اللَّهُ وَاللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَظِيمٍ**

174. Шунда улар Аллоҳнинг фазли ва карами билан кулфат етмасдан қайтишиди ва Аллоҳ ризосини топишиди. Аллоҳнинг фазли улугдир!

Абу Суфён бошлигида мушриклар мусулмонлар таъқибидан бир амаллаб жон сақлаб, Маккага кириб олишиди. Мусулмонлар эса Аллоҳ таолонинг фазлу карами билан ҳеч қандай талафот ва кулфат кўрмай, эсон-омон ортларига қайтишиди. Мушриклар бу юришда ҳеч нарсага эга бўлишмади, мусулмонлар эса Аллоҳ розилигини топишиди.

إِنَّمَا ذَلِكُمُ الشَّيْطَانُ يُخَوِّفُ أُولِيَّاءَهُ، فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُونَ

۱۷۵ **إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ**

175. Албатта шайтонгина ўз дўстларини шундай қўрқитмоқчи бўлади, агар мўмин бўлсанглар улардан эмас, фақат Мендан қўрқинглар!

Уҳуд жанги якунланиб, гуруҳлар тарқалаётганида маккалик мушриклар етакчиси Абу Суфён келаси йили

Бадрда яна жанг қиласыз, деб эълон қилди. Пайғамбар алайхиссалом унинг бу даъватини қабул қилдилар. Урушиш пайти келганида ҳамма саҳобаларга жанг қилишга чиқиш буйругини бердилар. "Агар ҳеч ким күнмаса, Аллоҳ Расулининг якка ўзи бўлса ҳам чиқади", дедилар. Абу Суфён қўшинларини бошлаб Маккадан Бадр томон йўлга чиқди. Аммо бир оз юргач, қалбида хавф – қўрқинч пайдо бўлди. Кейин қаҳатчиликни баҳона қилиб ортига қайтиб кетди. Лекин айбни мусулмонларга тўнкаш учун баҳона излашга тушди. Шунинг учун Мадинага кетаётган бир одамни ёллаб, ёлғон билан қўрқитиш учун мусулмонлар орасига юбормоқчи бўлди. Ўша одам "Маккаликлар жуда катта қўшин билан келишяпти, уларга қарши мусулмонларнинг бормаганлари яхши" деган ваҳима тарқатди. Аллоҳ таоло мусулмонлар дилига қатъият солди, улар: "Кофиirlар қанча кўп бўлса ҳам бизларга Аллоҳнинг Ўзи кифоя, У қандайин яхши вакилдир", дейишиди. Сўнг ҳаммалари ваъдага мувофиқ Бадр майдонига равона бўлишди. Ўша пайтда Бадрда катта бозор бўлар эди, уч кун туриб душманни кутишди, унинг қўрқани маълум бўлгач, тижорат қилиб, катта фойдалар билан қайтишди. Бу жангни "Кичик Бадр" ҳам дейишиди. Мана шу сафарда Расули акрам билан бирга бориб-қайтган саҳобалар ҳақида юқоридаги ояти карималар тушган.

وَلَا يَحْزُنَكَ الَّذِينَ يُسْرِعُونَ فِي الْكُفَّارِ إِنَّهُمْ لَنْ يَضْرُبُوا اللَّهَ شَيْئًا

يُرِيدُ اللَّهُ أَلَّا يَجْعَلَ لَهُمْ حَظًّا فِي الْآخِرَةِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ

176. Куфрға интилаётганлар сизни хафа қилмасин, улар Аллоҳга асло зарар етказа олишмайди. Аллоҳ уларга охиратда насиба бўлишини хоҳламайди, уларга қаттиқ, азоб бордир.

Эй Пайғамбарим, қуфрға интилувчилар, яъни мунофиқ-ларнинг хиёнати, уларнинг ҳар қадамда мусулмонларга панд беришлари сизни сира хафа қиласин. Улар ўзларининг ҳийлаю найранглари ва пинҳона тузган режалари билан ҳам Аллоҳга асло зарар етказа олишмайди. Аллоҳ мўминларни уларнинг фитнасидан хабардор этиб, режаларини бузиб ташлайди. Аллоҳ бундай кимсаларга охиратда насиба бўлишини истамайди, аксинча, уларга аламли азоб-қийноқларни ваъда қилган.

إِنَّ الَّذِينَ أَشْرَوْا الْكُفْرَ بِالْإِيمَنِ لَن يَضْرُبُوا اللَّهَ شَيْئًا

وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

177. Ҳақиқатан имонни куфрға алишганлар Аллоҳга бирор зарар етказа олишмайди, уларга қийноқли азоб бордир.

Имонини куфрға алишганлар, яъни мунофиқлар ўзларининг қилмишлари билан Аллоҳга асло зарар етказа олишмайди, У ирода қилган нарсаларни мутлақо ўзгартира ололмайди. Имон ва куфр ўртасида иккиюзламачилик қилиб юрган бундай гумроҳлар дунёда шарманда ва хор бўлганлари етмай, охиратда ҳам аламли азобларга гирифтор бўлишади, абадий қийноқлар ичида қолишади.

وَلَا يَحْسِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنَّمَا نُمْلِي لَهُمْ خَيْرٌ لَا نَقْسِمُهُمْ إِنَّمَا نُمْلِي لَهُمْ

لِرَزَادَهُوا إِثْمًا وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ

178. Кофирлар уларга муҳлат берганимизни ҳаргиз яхшилик деб ҳисоблашмасин. Биз гуноҳлари кўпайиши

учун уларга муҳлат берганмиз. Уларга хўрловчи азоб бордир.

Куфр йўлини тутгандар ўзларига дунё ҳаётида ўйнаб-кулиб қолишлари учун маълум муҳлат бериб қўйилганини ҳаргиз Аллоҳ бизларга яхшилик қиляпти, деб ҳисоблашмасин. Бу ҳам Аллоҳнинг уларни шарманда қилиш учун ирода қилган бир синовидир. Улар "Биз яхшилармиз шекилли, Аллоҳ ҳамма жиҳатдан тўкин, фаровон, бекаму-кўст қилиб қўйибди", деган хаёlda гуноҳ устига гуноҳ қилишда давом этишади. Кўзларини парда қоплаб, ҳақиқатни кўрмай ўтиб кетишади. Ҳолбуки, охират дунёсида улар ўзларини қандай хорловчи азблар кутиб турганини кўргач, бошларини қайга уришни, кимга ялиниб-ёлборишини, кимдан ёрдам кутишни била олмай, дод-фарёдлар чекишади. Аммо унда кеч бўлади, уларнинг надоматини ҳеч ким эшитмайди!

مَا كَانَ اللَّهُ لِيَذَرَ الْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَا آتَتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ الْخَيْثَ مِنَ
 مَا كَانَ اللَّهُ لِيَذَرَ الْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَا آتَتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ الْخَيْثَ مِنَ
 الْطَّيِّبِ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُطْلِعُكُمْ عَلَى الْغَنِيَّ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ
 مَن يَشَاءُ فَعَامِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِن تُؤْمِنُوا وَتَتَقَوَّا
 فَعَمِ اجْرِ عَظِيمٍ

179. Аллоҳ мўминларнинг покидан нопокини ажратмай туриб сизларни ҳозирги ҳолатингизда қолдирмоқчи эмас. Аллоҳ сизларни ғайбдан хабардор ҳам қилмоқчи эмас. Лекин Аллоҳ пайғамбарларидан хоҳлаганини танлаб олади. Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига имон келтиринглар, агар имон келтирсанглар ва тақводор бўлсанглар, сизларга улкан мукофотлар бордир.

Ушбу оятнинг нозил бўлиши ҳақида Суддий бундай дейди: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Худди Одамга (алайҳиссалом) кўрсатилганидек, менга ҳам умматим кўрсатилди. Ким менга имон келтиргану, ким кофир бўлгани билдирилди", дедилар. Бу хабар мунофиқларга етгач, улар масхара қилиб: "Муҳаммад ким унга имон келтирганини ю ким кофир бўлганини биламан, деб ўйлаяпти. Биз эса у билан бирга юрибмизу, у бўлса бизнинг кимлигимизни билмайди", дейишди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди".

وَلَا يَحْسِنَ الَّذِينَ يَبْخَلُونَ بِمَا أَتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ، هُوَ خَيْرٌ لَهُمْ

بَلْ هُوَ شَرٌّ لَهُمْ سَيِطُوقُونَ مَا بَخْلُوا بِهِ، يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَاللَّهُ

مِيراثُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَيْرٌ^{١٨٠}

180. Аллоҳ фазли билан берганларига баҳиллик қиласидиганлар буни яхшилик деб ўйлашмасин. Йўқ, бу уларга ёмондир. Баҳиллик қилган нарсалари қиёмат куни бўйинларига ўралади. Осмонлару Ер ягона Аллоҳга мерос бўлиб қолади ва Аллоҳ қилмишларингиздан хабардордир.

Уламолар жумҳури (мутлақ кўпчилиги) бу оят закот бермайдиганлар ҳақида нозил бўлганини айтишган. Атий эса Ибн Аббосдан бундай ривоят қилган: "Бу оят яхудий роҳиблари ҳақида нозил бўлган. Улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарликлари ва сифатларини яширишган эди. Аллоҳ "баҳиллик" деб уларга берган илмини яширишларини айтган".

Хайру саховат, ўзига раво кўрган яхшиликни бошқа мўминларга ҳам раво кўриш мусулмонга хос

фазилатларданdir. Аллоҳ азза ва жалла бандаларига бундай деб буюрган: "Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (Аллоҳнинг бандаларига) инфоқ-эҳсон қил!" (Қасас, 77). Аммо кўп инсонлар ўзларига келган неъматларнинг Аллоҳ таолонинг бир атоси эканини, буларда бошқаларнинг ҳам улуши борлигини, эҳсон, саховат билан Парвардигор розилигини топиш мумкинлигини унтиб қўядилар ёки бунга эътибор қилмайдилар. Шу боис, улар қўлларидағи мол-дунёни қизғаниб, бошқалар билан баҳам кўришда бахиллик қилишади, ҳеч кимга бермай, тўплаб-босиб ётишади. Ана шу бахиллик қилган нарслари эса қиёмат куни бўйинларига илон каби ўралади.

Кофиirlарнинг дунё ҳаётида фаровон ва тўкин турмуш кечиришлари ва вақтинча азобдан қутулиб туришлари уларнинг яхшиликларига далил бўлмагани каби мўминларнинг бу дунёда айrim мусибатларга дучор бўлишлари, ташқаридан қараганда қўпинча камситилган ва мағлуб ҳолдайлари уларнинг Аллоҳ таоло томонидан инкор этилганига далил бўла олмайди. Асл мақсад шуки, Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни ҳозирги қийин ва мубҳам ҳолатда қолдирмоқчи эмас. Чунки тинчлик-осойишталик ва ором-фароват ҳолатида содик банда билан мунофиқни аниқлаш қийин. Нозик-нозик воқеалар билан уларни бир-бирларидан жудо қилади, чунончи кофиirlар билан яkkама-якка урушишга изн беради. Ўша ҳолатда ҳақиқий мўминлар Расули акрам атрофларида парвона бўлиб, ширин жонларини қурбон қилишдан қочмайдилар. Мунофиқлар эса жонларини асрар пайига тушиб, турли баҳоналарни рўкач қилишади ва хиёнатларини билдириб қўйишади. Улар жонлари у ёқда турсин, ҳатто молларини Аллоҳ йўлида сарфлашга бахиллик қилишади. Ўша ҳақ йўлда бермаган моллари қиёматда бўйинларига азоб занжири бўлиб ўралишини билишса эди.

لَقَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ فَقِيرٌ وَنَحْنُ أَغْنِيَاءُ
سَنَكْتُبُ مَا قَالُوا وَقَتْلُهُمُ الْأَنْيَاءُ بِغَيْرِ حَقٍّ وَنَقُولُ ذُو قُوَّا



عَذَابُ الْحَرِيقِ

181. "Аллоҳ камбағал, бизлар эса боймиз" деганларнинг сўзини Аллоҳ эшиитди. Уларнинг айтганларини ва пайғамбарларни ноҳақ ўлдиргандарини ёзиб қўямиз ва: "Дўзах азобини тотиб кўринглар", деймиз.

Яҳудийларнинг ҳақ йўлда эҳсон қилишда баҳиллик кўрсатиб гуноҳга ботганлари у ёқда турсин, улар беҳаёлик ва қаттиқ одобсизлик ҳам қилишди. Аллоҳ таолонинг "Манзалази юқризуллоҳа қорзан ҳасана" ояти каримаси тушганида уялмай-нетмай: "Модомики Аллоҳ бизлардан қарз сўрабди, демак Аллоҳ бизларга муҳтоҷ, бизлар эса бой эканмиз-да" дейишгача борищди. Ҳолбуки Парвардигор камоли шафқат-марҳаматидан бандасининг эҳсони учун мукофот ва савоб бериш мақсадида Ўз йўлида сарфланган маблагни "қарз" деб номламоқда.



ذَلِكَ بِمَا قَدَّمْتَ أَيْدِيكُمْ وَإِنَّ اللَّهَ لَيَسَّ بِظَلَامٍ لِلْعَيْدِ

182. Бу қўлларингиз билан қилганларингиз туфайлидир, Аллоҳ асло бандаларига эулм қилувчи эмас.

Аҳли китоблар Таврот ва Инжилда Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аллоҳнинг элчиси ҳақидаги хабар борлигини билганлари ҳолда Аллоҳнинг охирги дини Исломни инкор қилишди. Уларнинг ўз манфаатлари йўлида, кибр ва

ҳасадлари зиёдалашгани туфайли Аллоҳга қилган бу итоатсизликлари, Унинг ваҳийларини ёлғонга чиқариб, Пайғамбарини тан олмасликлари охиратда аламли азобларга гирифтор бўлишларига сабабчидир. Улар қилмишларига яраша жазоларини олишади. Аллоҳ баңдаларига асло зулм қилмайди. Ким гуноҳларига астойдил тавба қилиб, Унинг мағфиратини сўраса У кечиради. Ким куфри ва ширки туфайли ҳақни топмаса, унинг жойи абадий қийноқ макони бўлмиш дўзахдир.

الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ عَهْدَ إِلَيْنَا أَلَا نُؤمِنْ بِرَسُولٍ حَتَّىٰ
 يَأْتِيَنَا بِقُرْبَانٍ تَأْكُلُهُ النَّارُ فُلْ قَدْ جَاءَ كُمْ رُسُلٌ مِّنْ قَبْلِي
 بِالْبَيِّنَاتِ وَبِالَّذِي قُلْتُمْ فَلِمَ قَتَلْتُمُوهُمْ



إِنْ كُنْتُمْ صَدِيقِينَ

183. (Эй Муҳаммад), "Олов ейдиган қурбонлик билан олдимиизга келмагунича бирор пайғамбарга имон келтирмаслигимизга Аллоҳ буюрган" дейдиганларга: "Мендан аввал ҳам сизларга бир қанча пайғамбарлар шундай далиллар ва айтган нарсаларингиз билан келишган, агар росттўй бўлсанглар, уларни нега ўлдиридинглар?" денг.

Калбий айтади: "Бу оят Каъб ибн Ашраф, Молик ибн Сайф, Ваҳб ибн Яҳудо, Сайд ибн Табух, Фанҳос ибн Азуро ва Ҳай ибн Ахтоб ҳақида нозил бўлган. Улар Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига бориб: "Аллоҳ сени бизга элчи қилиб юборганини даъво қиляпсанми? Сенга Китоб нозил бўлдими? Аллоҳ Тавротда биз билан шундай аҳдлашганки, биз "Аллоҳ тарафиданман" деб даъво қилувчи бирор пайғамбарга олов еб битирадиган қурбонлик келтирмагунича имон келтирмаймиз. Агар сен

шундай қилсанг, сени тасдиқлаймиз", дейишди. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди".

فَإِنْ كَذَّبُوكَ فَقَدْ كَذَّبَ رُسُلٌ مِّنْ قَبْلِكَ جَاءُوكُمْ بِالْبَيِّنَاتِ وَالْزُّبُرِ

وَالْكِتَابُ الْمُنِيرُ

184. Агар улар сизни ёлғончи дейишса, сиздан аввал ҳам очиқ далиллар, сақифалар ва равшан Китоблар билан келган пайғамбарларни ҳам ёлғончи қилишган эди.

Айрим пайғамбарларга шундай мұъжиза ато қилинган эдики, улар бирор нарсани Аллоҳ үйлида назр (қурбонлик) қилишса, осмондан үт тушиб, уни еб кетар эди. Яхудийлар ўз фахмларича бундай мұъжизалар барча пайғамбарларга хос деган даъвода Сайиди олам Пайғамбаримиздан ҳам шуни талаб этишди ва кейин шуни баҳона қилиб у зотта ишонишмади, ёлғончига чиқаришди. Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбариға тасалли бериб айтаптиki, эй Ҳабибим, булар сизни ёлғончи дейишса, асло парво құлманг, улар сиздан аввал үттан пайғамбарларга ҳам шундай муомала қилишган. Ҳолбуки, улар ҳам далиллар, мұъжизалар, сақиға ва равшан китоблар олиб келишган эди. Буларни мағрур қылған нарса дунё ҳаётiga ортиқча мұхаббат қўйғанлариридир. Ақдли инсон алданиш воситаси бўлған дунё ҳаётiga бунчалик кўнгил қўймайди, аксинча дўзахдан кутулиш, жаннатта кириш учун ҳаракат қиласи. Бу жамоа эса бундай нарсалардан тамоман фафлатдадир.

كُلُّ نَفِسٍ ذَآئِقَةُ الْمَوْتِ وَإِنَّمَا تُؤْفَقُ أَجُورَكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَمَنْ رُجِّرَ عَنِ النَّارِ وَأَدْخَلَ الْجَنَّةَ فَقَدْ فَازَ وَمَا

الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا مَتَّعُ الْغُرُورُ

185. Ҳар бир жон ўлимга маҳкумдир. Қиёмат куни мукофотларингизни тўлиқ оласизлар. Дўзахдан четлатилиб, жаннатга киритилганлар муродига етибди ва бу дунё ҳаёти алданиш воситасидан бошқаси эмас.


Дунё ҳаёти — одамлар келиб-кетиб, бир қўниб ўтадиган вақтингчалик карвонсарой. Ер юзида ўрмалаб юрган ҳар бир жонзот борки, бир куни ажали етиб, дунёдан кетади. Ҳар бир жон албатта ўлим шарбатини тотади. Ҳеч ким ўлим чангалидан қочиб қутула олган эмас. Аллоҳ таоло айтади: "Айтинг: "Сизлар қочаётган бу ўлим, албатта сизларга йўлиқувчиидир" (Жумъа, 8). Имом Фаззолий ёзадилар: "Ўлим — қисмати, қабр — қароргоҳи, тупроқ — тўшаги, Мункар ва Накир — суҳбатдоши, қурт-қумурсқалар — улфати, ер ости — хосхонаси, Маҳшаргоҳ — ваъдалашган жойи, жаннат ё дўзах — сўнгти манзили бўлган ҳар бир кишининг фикри-зикри — ўлим, тадбири ва тадориги ҳам ўлим учун бўлиши табиий". Иш шундай экан, ҳар бир инсон дунё ҳаётида охиратини ўйлаб, унга тайёргарлик қўриб умр кечириши лозим. Чунки, ўлим топган киши учун қиёмат қабрдаёқ бошланади. Энди унинг ўз хатоларини ўнглаш, гуноҳдариға тавба қилиш имкони бўлмайди. Унинг охират дунёсидаги оқибати дунёда қилган амалларига боғлиқ: имон билан, яхши амаллар қилиб ўтган бўлса, жаннат билан мукофотланади, куфр ва ширк билан, гуноҳларга ботиб ўлган бўлса, бунинг "мукофоти" абадий қийноқ-азоблар жойи бўлмиш дўзахдир.

لَتُبْلُوْكُ فِي أَمْوَالِكُمْ وَأَنْفِسِكُمْ وَلَتَسْمَعُنَّ مِنْ
الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ وَمِنَ الَّذِينَ أَشَرَكُوا
أَذَى كَثِيرًا وَإِنْ تَصِرُّوْ وَتَتَقَوْاْ فَإِنَّ ذَلِكَ

186. (Эй мўминлар), молларингиз ва жонларингиз билан имтиҳон қилинасиз. Шунингдек, сизлардан олдин китоб берилганлар ва мушриклардан кўп озорларга учрайсиз. Агар сабр ва тақво қилсанглар, бу ишларнинг энг мақбулидир.

Ушбу хитоб Асли саодатдаги мўмин-мусулмонларга қаратилган бўлса-да, аслида у барча замонларга бирдай тааллуклидир. Парвардигор марҳамат қиляптики, эй мўминлар, келажакда молларингиз ва жонларингизга талафотлар етказиб, сизларни турли имтиҳонларга соламиз, бошқа қурбонлар беришга ҳам тўғри келади. Жангут жадалларда ўлдирилиш, жароҳат олиб ярадор бўлиш, асир тушиш, ҳаётда bemor бўлиш, мол-дунёингиздан ажраш, қариндош ва яқинларингиздан жудо бўлиш каби воқеаларга ҳам дуч келасизлар. Китобийлардан ва мушриклардан ниҳоятда дилозор сўзларни эшишиб, хўрликлар кўришга тўғри келади. Мусулмонларнинг ҳар қандай машаққатга тайёр туришлари керак бўлади. Мана шундай ҳолларда сабр қилган ва Аллоҳдан қўрққанлар буюк ҳиммат кўрсатишган бўлади ва бу ишларнинг энг мақбулидир.

وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيقَاتَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَبَيِّنَنَّهُ لِلنَّاسِ وَلَا
تَكُنُمُونَهُ فَنَبَدُوهُ وَرَأَهُ ظُهُورُهُمْ وَأَسْتَرَوْا بِهِ مَنْ كَانَ قَلِيلًا فِي شَيْءٍ



187. Аллоҳ китобийлардан: "Буни одамларга тушунтирасизлар ва яширмайсизлар", деб ваъдаларини олганини эсланг. Лекин улар буни ортларига отиб, арzonга сотиб юборишиди. Ушбу тижоратлари бунча ҳам ёмон-а!

Китобийларнинг уламоларидан Таврот ва Инжилдаги мавжуд ҳукмлар ва башоратларни одамларга очиқ тушунтириш, ҳеч бир зарурий нарсани беркитмаслик тўғрисида аҳд-паймон олинган эди. Лекин бу жамоа олимлари аҳдларини бузишди. Дунёнинг арзимас матоҳларига алданиб, зарур ҳукмларни элдан яширишди. Таврот ва Инжилдаги сўз ва маъноларни аралаштириб, ўзгартириб, бузиб ташлашди. Хусусан, араблардан Пайғамбар чиқиши ҳақиқатини изҳор этиш ўрнига яшириб, бутунлай бошқа маънога алмаштиришди. Бу жамоа мол-дунёгагина бахил бўлиб қолмади, илмга ҳам бахиллик қилди.

لَا تَحْسِبُنَّ الَّذِينَ يَفْرَحُونَ بِمَا أَتَوْا وَيَمْجِدُونَ أَنْ يُمْحَدُوا إِمَّا لَهُمْ

 يَفْعَلُوا فَلَا تَحْسِبُهُمْ بِمَقَازَةٍ مِّنَ الْعَذَابِ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

188. (Эй Мұхаммад), қилмишларига севинадиган, қилмаганлари билан мақтанишни яхши кўрадиганлар жазодан қутулиб қолишади, деб ўйламанг. Уларга қаттиқ азоблар бор.

Яъни, Аллоҳ айтяптики: эй Пайғамбарим, имонсиз кимсаларнинг дунё ҳаётидаги фаровон, бекамуқўст ҳаётлари, уларнинг ўз йўлларини тўғри ҳисоблаб, ҳар бир қилмишлари билан мақтанишлари сизни алдаб қўймасин. Улар ўткинчи дунёнинг синовига алданиб қолган бахтсиз одамлардир. Уларни қиёматда қанчалик оғир азоб-қийноқлар кутиб турганини билсангиз эди, уларнинг турмушига асло ҳавас қилмаган бўлур эдингиз. Абу Сайд Худрий айтади: "Бир гуруҳ мунофиқлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан ҳеч ғазотга чиқмас эди. У зот қайтганларидан кейин эса узр айтиб, қасам ичишар, қилмаган ишлари билан мақтанишни яхши

кўришар эди. Шунда ушбу оят нозил бўлди" (Имом Муслим ривояти).

Абу Мухаммад ибн Алий Зоҳид айтади: "Куфада бир жанозада қатнашдик. У ерда Довуд Тоий ҳам бор эди. Маййит дафн қилинганидан кейин у чеккароққа чиқиб ўтириди. Мен ҳам унинг ёнига бориб ўтиридим. Довуд Тоий шундай деди: "Кимда қиёмат қўрқинчи бўлса, унга тайёргарлик кўради. Ким орзу-ҳавасга берилса, амали заифлашади. Ҳар бир келувчи нарса яқинdir. Билгил, эй биродарим, Парвардигорингдан чалғитувчи ҳар нарса фалокат келтиради. Билгил, дунё аҳдининг барчаси қабр аҳлиданdir. Дунё аҳли ортида қолганига пушаймон бўлади, қўлга киритилганига қувонади. Қабр аҳли пушаймон бўладиган нарса учун дунё аҳли талашиб-тортишади, келиша олмай қозига мурожаат қилишади, хусуматга боришади".



وَلِلَّهِ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

189. Осмонлару Ердаги ҳукмронлик Аллоҳга тегишли ва Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

Аллоҳ таоло Ўзининг қудрати ва яратиш ҳикмати ҳақида бандаларининг чуқур мушоҳада қилишлари учун уларни тафаккурга буюрган. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло яратган Еру осмонлар, улардаги бор мавжудотлар ҳақида озгина фикр юритиб, мулоҳаза қилган ҳар бир киши барча ҳукмронлик фақат Аллоҳга тегишли экани, Унинг ҳамма нарсага қодирлигига тўла имон келтиради. Ҳадиси шарифда: "Аллоҳнинг яратган маҳлукот ва мавжудотлари ҳақида тафаккур қилишга тенг келадиган бирор ибодат йўқдир", дейилади.

Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир аъробийнинг (саҳройи киши) ёнидан ўтаётиб, унинг бундай дуо

қилаёттанини эшитиб қолдилар: "Эй кўзлар кўрмайдиган, ақллар идрок қиломайдиган, васфчилар васф этолмайдиган, ҳеч бир воқеа-ҳодиса ўзгартира билмайдиган, оғатлардан қўрқмайдиган, тоғларнинг оғирликларини, дengиз сувларининг ўлчовини, ёмғир томчиларию дарахт япроқларининг сон-саноғини, кеча-кундуздаги нарсалар ҳисобини билувчи Зот! Осмон юксаклигию Ернинг туби ҳам, дengиз остию тоғнинг қаъри ҳам — ҳеч нарса Сендан пинҳон эмас! Умримнинг поёнини унинг энг яхшиси, ишларимнинг охирини уларнинг энг яхшиси қилгин ва Сенга йўлиқажак куним ҳам кунларимнинг энг яхшиси бўлсин!". Расули акрам унинг бу дуоси мазмунидан шунчалик хурсанд бўлдиларки, уни чақиртириб келиб, ўзларига ҳадя қилинган олтинларни ўша аъробийга совға қилиб бериб юбордилар.

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَآخِرَاتِ الْأَيَّلِ وَالنَّهَارِ لَذِيَّتٍ

لَأُولَئِي الْأَلْبَابِ

190. Албатта осмонлару Ернинг яратилишида ва кеча-кундузнинг алмашинуvida ақл эгалари учун далиллар бор.

Ҳадиси шарифда зикр қилинишича, икки киши ҳазрати Оишанинг (розийаллоҳу анҳо) ҳузурларига келди. Улардан бири: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаттиқ таъсирланган бирор воқеани айтиб бера оласизми?" деди. Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо) бундай ривоят қиласидилар: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кеча ўринларидан туриб таҳорат олдилар ва намоз ўқидилар. Намозларида кўп йиғладилар. Соқоллари ва саждага бош қўйган ерлари кўз ёшларидан нам бўлиб кетди.

Бомдод азонини чақириш учун келган ҳазрати Билол (розийаллоху анху): "Эй Аллоҳнинг элчиси, ўтмиш ва келаҗак гуноҳларингиз кечирилгани ҳолда сизни нималар бунчалик йиғлатди?" деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Бу кеча Аллоҳ таоло бир оят туширди", дедилар ва уни (Оли Имрон сурасининг 190—191-оятларини) ўқидилар. Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Бу оятни ўқиб, тафаккур қилмаган кимсаларгавой бўлсин!" дедилар (Ибн Ҳиббон ривояти, "Саҳих").

الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيمًا وَقُعُودًا وَعَلَى جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ
فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَذَا بَطِلاً سُبْحَنَنَا



فِقَنَا عَدَابَ النَّارِ

191. Улар турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида Аллоҳни эслашади, осмонлару Єрнинг яратилиши ҳақида фикр юритиб айтишади: "Парвардигоро, буларни беҳуда яратмагансан, Сен поксан, бизларни дўзах азобидан асра;

Ақлларини, фаҳму фаросатларини ишлатиб, тафаккур қилган зотларни Аллоҳ таоло ушбу ояти каримасида бундай таърифлайди: улар турган жойларида ҳам, ўтирган ўринларида ҳам, ёнбошлаб ётган чоғларида ҳам доимо Аллоҳни эслашади, Унинг зикри билан машгул бўлишади, неъматларига шукр айтишади. Улар бу устунсиз осмонларнинг, миллиардлаб инсонларга, қанчалаб ҳайвон ва паррандаларга, бошқа махлуқотларга маскан бўлган Єрнинг яратилиши ҳақида фикр юритишади. Буларнинг ҳаммасини яратиб, уларга ризқ бериб қўйган буюк Холиқнинг қудратига тасаннолар айтишади. Парвардигорларига илтижо қилиб: "Эй буюк яратувчи

Аллоҳ, Сен буларни бехуда яратмагансан, ҳар бирига алоҳида бир вазифа юклагансан, ҳаммасини қатъий бир низомга бўйсундириб қўйгансан, Сен барча нуқсонлардан, шерикликдан поксан, бизларни дўзах азобидан асрарин", деб ёлборишади, тавба-тазарру қилишади.

رَبَّنَا إِنَّكَ مَنْ تُدْخِلُ النَّارَ فَقَدْ أَخْرَيْتَهُ

وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ

۱۹۲

192. Парвардигоро, кимни дўзахга киритсанг, уни хор қилган бўласан. Золимларга мададкор ҳам бўлмайди;

Аллоҳнинг қудрати ва азами ҳақида тафаккур қилувчи мўминлар Парвардигорларига ёлбориш, дуо-илтижо билан яна бундай дейишади: Эй Парвардигор, кимни қилган куфру исёни ва итоатсизлиги учун дўзахга киритадиган бўлсанг, уни абадий хор ва расво қилган бўласан. Чунки охиратда бундай золимларга раҳм қилувчи, уларга ёрдам қўлини чўзувчи бирор зот бўлмайди.

رَبَّنَا إِنَّا سَوْعَنَا مُنَادِيًا يُنَادِي لِلإِيمَنِ أَنَّمَا إِمْنَاؤُرَبِّكُمْ فَعَامَنَا

رَبَّنَا فَاغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَكَفِرْ عَنَّا سَيِّئَاتَنَا وَتَوَفَّنَا

۱۹۳

مع الأبرار

193. Парвардигоро, бир жарчининг: "Парвардигорингизга имон келтиринглар", деганини эшиитдик ва имон келтирдик. Эй Парвардигор, гуноҳларимизни кечир, хатоларимизни ўчир ва яхшилар билан бирга ўлдир!

Яна улар дуоларининг давомида бундай илтижо қилишади: Эй Парвардигор, Сен бир жарчини, даъватчини юбориб, бизларни имонга, ҳидоятга чорлаган эдинг, биз амрингга "лаббай" дея жавоб бериб, Сенга имон келтирдик, нозил қилган Китобингни ҳаётимиз дастури қилиб олдик, юборган Пайғамбарингга эргашиб, унга итоат этдик. Энди гуноҳларимизни кечириб, хатоларимизни ўчириб юбор ва солиҳ бандаларинг сафида жонларимизни ол!"

رَبَّنَا وَإِنَّا مَا وَعَدْنَا عَلَى رُسُلِكَ وَلَا نُخْرِنَّا يَوْمَ الْقِيَمَةِ إِنَّكَ لَا



194. Парвардигоро, пайғамбарларинг орқали ваъда қилганингни ато эт, қиёмат куни шарманда қилиб қўйма, ҳақиқатан Сен ваъдангга хилоф қилмайсан!".

Улар дуо-илтижоларини бундай якунлашади: эй Парвардигор, юборган пайғамбарларинг орқали ваъда қилганинг — чиройли оқибат, жаннат боғларидағи абадий гўзал ҳаёт, энг асосийси Ўзингнинг розилигинг ва жамолингни бизларга насиб айла, қиёмат кунининг фитналари, ҳисоб-китоб, тарозу ва мезон ташвишлари сабабидан бизларни шарманда қилиб қўйма, номай аъмолимизни ўнг томонимиздан бер! Сенинг ваъданг ҳақ, Сен асло ваъдангга хилоф қилмайсан!"

فَأَسْتَجَابَ لَهُمْ رَبُّهُمْ أَنِّي لَا أُضِيعُ عَمَلَ عَمِيلٍ قَنْكُمْ مِنْ ذَكَرٍ أَوْ
أُنْتَ بَعْضُكُمْ مِنْ بَعْضٍ فَالَّذِينَ هَاجَرُوا وَأَخْرَجُوا مِنْ دِيرِهِمْ
وَأُوذُوا فِي سَيِّئِيٍّ وَقُتِلُوا لَا كَفَرُنَّ عَنْهُمْ سِيَّئَاتِهِمْ

وَلَا دُخْلَنَّهُمْ جَنَّتٍ بَخْرٍ مِنْ تَحْتِهَا أَلَّا نَهَرٌ ثَوَابًا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ

وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الْثَّوَابِ

١٩٥

195. Парвардигорлари уларнинг дуоларини қабул қилиб айтди: "Хоҳ эркак, хоҳ хотин — бирортангиззинг амалингизни зое қилмайман. Бирингиз бошқангиздансиз. Ҳижрат қилганлар, диёридан ҳайдалганлар, Менинг йўлимда азият чекканлар, жанг қилганлар ва ҳалок бўлганларнинг гуноҳларини ўчираман ҳамда уларни остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритаман. Бу Аллоҳнинг мукофотидир ва мукофотларнинг энг гўзали Аллоҳ ҳузуридадир".

Исломнинг ilk давларида мусулмонлар Аллоҳнинг динини ёйишда кўп қийинчилик, азоб-кулфатларга дуч келишди. Мушриклар таъқибидан безиб туғилган жойларини, мол-мулкларини, яқинларини ташлаб ҳижрат қилишди (кўчишди), баъзиларини душман ўз ватанларидан ҳайдаб чиқарди, кўплари дин душманларига қарши ғазотларда ҳалок бўлишди. Аллоҳ йўлида азоб-азият чеккан, урушган ва шаҳид бўлганларга Аллоҳнинг охират дунёсидаги гўзал мукофоти — остидан анҳорлар оқиб турувчи жаннатлари тайёрлаб қўйилгани башорати берилмоқда.

١٩٦


لَا يَغْرِيَنَّكَ تَقْلِبُ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي الْإِلَهِ

196. (Эй Мухаммад), кофирларнинг юрт кезишлари сизни алдаб қўймасин.

Бу оят Макка мушриклари ҳақида нозил бўлган. Улар фаровон, тўқис, роҳат-фароғатда яшашар, тижорат

қилишар ва кўплаб неъматлар ичида ҳаёт кечиришар эди. Буни кўрган баъзи мўминлар: "Кўриб турганимиздек, Аллоҳнинг душманлари яхши яшашияти, биз эса очлик ва машаққатдан ҳалок бўляпмиз", дейишди. Шунда ушбу оят нозил бўлди.

Ҳозирги пайтда ҳам кўпчилик ҳаётда бўладиган бундай "адолатсизлик"ни тушунмай, ҳайрон бўлиб юради, ўзидан илмиларга бу ҳақда саволлар беради. Улар тушунчасига кўра, дунё ҳаётида имон-эътиқодли, мўмин-мусулмонларнинг аксарияти жуда камтарона, етишмовчиликлар билан ҳаёт кечирали, бири сира икки бўлмайди, туғилган қишлоғидан ташқарига ҳам чиқмаган. Бунинг зидди ўлароқ, Аллоҳга ишонмайдиган, ибодатларни бажармайдиган, дунёга фақат айш-ишрат сургани келганларнинг ошири ҳамиша олчи. Улар беҳисоб бойликлар, шоҳона қасрлар, энг гўзал неъматларга фарқ бўлиб яшашади. Ҳар йили энг сўлим жойларда дам олишади, дунёning улар кўрмаган юрти, мамлакати деярли қолмаган. Нега бундай, Аллоҳнинг бу ўлчови адолатсизлик эмасми? Аллоҳ таоло Ўз Расулига баён этяптики, эй Пайғамбарим, эй мўминлар кофирларнинг бундай юрт кезишлари, уларнинг қўлини қаерга узатса етиши сизларни алдаб қўймасин.



197. Бу озгина роҳат-фароғатдир, кейин уларнинг жойи дўзах бўлади, у жуда ёмон жойдир.

Улар ушбу алдов дунёсида озгина маза қилиб, нафсларининг истакларини қондирган бўлишса-да, уларнинг борар жойи, уларни кутаётган оқибат ниҳоятда аянчли: улар дунёда Аллоҳга ишонмай кофир ҳолда ўтишгани учун қиёматда асло тугамайдиган оғир дўзах азобига гирифтор бўлишади. Дўзах ниҳоятда қўрқинчли ва даҳшатли қийноқ жойидир.

لَكِنَّ الَّذِينَ أَتَقْوَى رَبَّهُمْ لَهُمْ جَنَّتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ

خَلِيلِيهِنَّ فِيهَا نُزُلًا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَمَا عِنْدَ اللَّهِ خَيْرٌ لِلْأَنْتَارِ

198. Лекин Парвардигорларидан қўрққанларга остидан анҳорлар оқиб турадиган ва унда абадий қолинадиган жаннатлар бўлади. Бу Аллоҳ тарафидан меҳмондорчиликдир. Аллоҳнинг ҳузуридагилар яхшиларга энг афзал нарсалардир.

Кофиirlарнинг юртма-юрт кезиб сайру томоша ва тижорат қилишлари, турли йўллар билан тўплаган пулларини роҳат-фароғат ва фаровонликда яшашга сарфлашлари мўмин-мусулмонларни алдаб қўймасин. Улар кофиirlарнинг ташқаридан беташвиш ва тўкин кўринган турмушларига ҳавас қилишмасин. Буларнинг номигина роҳат холос, оқибати эса жуда ёмон. Кофиirlар фоний дунёда уч-тўрт кун айш суришса ҳам, охиратда эришганлари абадий азоб-қийиноқ бўлади. Улар бу дунёда қилган зулмлари, ширклари ва итоатсизликлари туфайли охират дунёсида ана шундай жазога лойик бўлишади. Мўминлар эса дунёда ранж-алам кўришса ҳам имонлари ва солиҳ амаллари баракотидан қиёмат куни жаннат кошонасида Парвардигорлари ҳузурида меҳмон бўлишади ва унда дунё меҳнат-машаққатларини тамоман унутиб, абадий роҳат-фароғат, тинчлик ва осойишталиқда ҳаёт кечиришади.

قَالَ مِنْ أَهْلِ الْكَيْتَبِ لَمَنْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَمَا أُنْزِلَ إِلَيْكُمْ وَمَا
أُنْزِلَ إِلَيْهِمْ خَلِيلِهِنَّ لِلَّهِ لَا يَشْرُونَ بِعَائِدَتِ اللَّهِ ثُمَّ تَعَاهَدُوا قَلِيلًا
أُولَئِكَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ إِنَّ اللَّهَ سَرِيعُ

الْجِسَاب

199. Албатта Аҳли китоблар орасида Аллоҳга, сизга нозил қилинган нарсага ҳам, ўзларига туширилганига ҳам имон келтирадиганлари, Аллоҳга бўйсуниб-итоат қилувчилари, Аллоҳнинг оятларини арзонга сотмайдиганлари ҳам бор. Уларнинг мукофотлари Парвардигорлари ҳузуридадир, Аллоҳ ҳақиқатан тез ҳисоб қилувчиdir.

Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Аббос, Қатода (розийаллоҳу анҳум) айтишади: "Бу оят Нажоший (Ҳабашистон ҳукмдори) ҳақида нозил бўлган. У оламдан ўтгач, Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳга (соллалоҳу алайҳи ва саллам) ўша куннинг ўзида бунинг хабарини етказди. Расулуллоҳ sollalloҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга: "Чиқинглар, сизнинг ерингиздан бошқа ерда вафот эттан биродарингизга жаноза намози ўқинглар", дедилар. Улар: "Ким экан у?" деб сўрашди. "Нажоший вафот этди", дедилар. Кейин Бақиъ қабристонига чиқдилар. У зотга Мадинадан Ҳабашистон ерларигача кўрсатилди. Нажошийнинг тобутини кўрдилар ва тўрт такбир билан жаноза намозини ўқиб, унга истиғфор айтдилар. Сўнг саҳобаларга ҳам истиғфор айтишни буюрдилар. Мунофиқлар: "Буни қаранглар, у ҳеч қачон кўрмаган бир ҳабаш насронийга жаноза намози ўқияпти. У бунинг динида бўлмаса!" дейишли. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди". Мужоҳид, Ибн Журайж, Ибн Зайдлар айтишади: "Бу оят имон келтирган Аҳли китобларнинг барчаси учун нозил бўлган".

يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِيمَنُوا أَصْبِرُوا وَصَابِرُوا وَرَابِطُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ

لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

200. Эй имон келтирганлар, сабр қилинглар, сабрда устун бўлинглар ва доимо курашга шай бўлиб туринглар. Аллоҳдан қўрқинглар, шундагина нажот топасизлар.

Довуд ибн Солиҳ айтади: "Абу Салама ибн Абдурраҳмон менга: "Эй биродаримнинг ўғли, бу оят нима сабабга кўра нозил бўлганини биласанми?" деди. Мен "Йўқ", дедим. У киши: "Эй биродаримнинг ўғли, Расулуллоҳ замонларида белни боғлаб, шай бўлиб туриладиган бирор нарса йўқ эди. Лекин бир намоздан кейин келгуси намоз вақтини кутишгина бор эди", деди" (Ҳоким ривояти).

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг жуда кўп оятлари орқали бандаларини сабрга чорлаган, аксари оятларда сабр намоз билан ёнма-ён зикр этилган. Бу бежизга эмас. Сабр инсонни комилликка элтувчи, нафснинг васвасаларидан қутқарувчи, имонни сайқалловчи энг яхши хислатлардандир. Пайғамбар алайҳиссалом: "Бош тана учун қанчалик керакли бўлса, сабр ҳам имон учун шунчалик кераклидир", деганлар (Дайламий ривояти). Яна бир ҳадисда: "Сабр – ёруғлиkdir", дейилган. Ҳакимлардан бири: "Ким боқийликни истаса, мусибатларга сабрли қалб ҳозирласин", деган.

Бу сура охирида Аллоҳ таоло суранинг бутун мағзи ва фоясини ифода этувчи, мусулмонларга ниҳоятда зарур ва фойдали насиҳатни келтирияпти: агар мусулмонлар дунё ва охират ишларида дуолари ҳамда мақсадлари ижобат бўлишини исташса, ҳар қандай машаққат-кулфатларга дуч келишса ҳам Аллоҳнинг тоатида қатъий туриб давом этишин, гуноҳлардан сақланишсин, душман қаршисида мардан туришсин, Исломни қаттиқ муҳофаза қилишсин, хусусан, душман кириб келиши хавфи бўлган жойларда таналарини темир девор каби қалқон қилиб туришсин. Аллоҳ таоло мўминларни кулфат-мусибатларда сабр қилишга чақиради ва бунинг эвазига берадиган савоб-мукофотлардан умидлантиради. Зоро, мусулмонлик сабр орқалидир.

Ҳадисда келишича, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам хавфга тушиб қолсалар, мазкур сура охиридаги ўн оятни осмонга қараб ўқир эдилар. Пайғамбаримиз суннатларига мувофиқ у зотнинг умматлари ҳам шундай ҳолатларда шу ўн оятни ўқишилари катта савобдир.

4. НИСО СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган, 176 оятдан иборат

"Нисо" сўзи луғатда "аёллар" дегани. Нисо Қуръони карамининг тўртинчи сурасидир, у Мадинада нозил қилинган, 176 оятдан иборат. Сурада мусулмонларнинг ички ва ташқи иш фаолиятларига доир шариат аҳкомлари, аёл, уй, оила, давлат ва жамиятга алоқадор муҳим масалалар, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, мерос, етимлар ҳаққи кабилар қамраб олинган. Бу сурада кўпроқ аёлларга оид шариат аҳкомлари баён этилгани учун у шу ном билан аталган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

(Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман)

يَأَيُّهَا النَّاسُ أَتَقْوَى رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُم مِّنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا
وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي سَاءَ لُونَ بِهِ، وَالْأَرْحَامَ إِنَّ

اللَّهُ كَانَ عَلَيْكُمْ رَّحِيمًا

1. Эй инсонлар, сизларни бир жондан яратган, ундан жуфтини яратиб, икковидан кўплаб эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан қўрқинглар! Савол-жавобларингизда номи ишлатиладиган Аллоҳдан ва қариндошлиликни узишдан қўрқинглар. Аллоҳ албатта устингиздан кузатиб турувчиидир.

"Бир жон"дан мурод, Одам алайҳиссаломдир, Аллоҳ таоло у кишининг чап қовурғасидан Ҳавво онамизни яратган. Кейин ҳар икковларидан жамики эркак-аёлларни яратиб, дунёнинг турли жойларига тарқатган. Аллоҳ таоло бир ота (Одам алайҳиссалом) ва бир онадан (Момо Ҳавво) тарқаган бутун инсониятта хитобан айтяптики, сизларни яратган Холиқингиз ва Парвардигорингиздан ҳамиша қўрқинглар, Унинг ҳукмларига қарши чиқишдан ниҳоятда сақданинглар. Буюк Аллоҳ сизларни йўқ ердан бор қилган, итоатсизлигингиз учун жазо беришга ҳам қодир. Сизлар ҳамиша, ҳар қандай ҳолатда Унга муҳтожсизлар. Ҳатто ўрталарингиздаги савол-жавобларда ҳам Унинг номини тилга оласизлар, раҳбарларингизни ишонтириш учун Унинг номи билан қасам ичасизлар. Аллоҳ таолодан қўрқиш баробарида силаи раҳмни (қариндошлиқ алоқаларини) узманлар, қариндош-уруғларга меҳрибонлик кўрсатинглар. Аллоҳ таоло қилимишларимиздан бехабар, деган хаёлга борманглар, яхши билингларки, Парвардигор сизларни ҳарлаҳзада кузатиб туради.

Инсонларнинг бир-бирларига яхшилик қилишлари инсонийлик жиҳатидан шарт бўлса, қариндошларнинг ўзаро яхшилик кўрсатишлари қариндошлиқ ҳаққидир. Қариндошлиқ алоқалари боғланиб, яхшилангани сайин қалблар ҳам бир-бирига яқинлашади, меҳрга тўлади. Меҳр йўқ қалбда эса ҳасад ва адоват бош кўтаради. Аллоҳ таоло юқоридаги ояти каримада буюряптики, энг аввал Аллоҳдан қўрқинглар, сўнг қариндошлиқ алоқаларини узишдан қўрқинглар! Бу борада Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бир неча ҳадиси шарифлар ривоят қилинган. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) бундай деганлар: "Қариндошлини узган жаннатга кирмайди" (Имом Бухорий ва Муслим ривояти); "Аллоҳ таолонинг раҳмати ораларида қариндошлини узган кимса бор қавмга насиб этмайди" (Табароний ривояти). Фуқаҳолар айтишади: "Қариндошлардан бири нимагадир муҳтож бўлиб келганида унинг

ҳожатини чиқармаслик қариндошликинди узиш ҳисобланади. Амаки, ака ва тоға — ота ўрнида, хола, амма, опа — она ўрнида кўрилади. Қариндошларга салом ё ҳадя йўллаш ила боғланиб туриш вожибдир".

وَأَتُوا الِّيَّ نَعْمَةَ أَمْوَالِهِمْ وَلَا تَبْدَلُوا الْخَيْثَ بِالظَّيْبِ وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَهُمْ إِلَّا



أَمْوَالِكُمْ إِنَّهُ كَانَ حُوَّاً كَيْرًا

2. Етимларга молларини беринглар, нопокни пок нарсага алмаштирганлар. Уларнинг молларини ўзингизниги аралаштириб еманглар, бу катта гуноҳдир.

Муқотил ва Калбий айтади: "Бу оят фатафонлик бир киши ҳақида нозил бўлган. Унинг қарамоғида бир етим, яъни акасининг ўғли бўлиб, унинг моли кўп эди. Етим балофатга еттач, амакисидан молини сўради. Амакиси эса бермади. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига боришганда ушбу оят нозил бўлди. Амакиси бу оятни эшитиб, "Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат этдик. Гуноҳ иш қилиб қўйишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман", деди-да, етим жиянининг молини қайтариб берди. Шунда Расулуллоҳ: "Ким нафсининг баҳиллигидан сақланса ва мана шундай қилиб уни қайтарса, у одам ҳовлисига (яъни, жаннатга) кирибди", дедилар".

Отаси вафот этган етимларга валий (вакил) бўлган кишиларга ҳукм шуки, етимлар балофатга етганида молларини ўзларининг қўлларига топшириш керак. Балофатга етгунича етимларнинг яхши-яхши молларини олиб қолиб, ўрнига ўзларининг ёмон, ярамас молларини қўйиб қўйишмасин ёки уларнинг молларини ўзлариникига қўшиб ишлатишмасин, истеъмол қилишмасин. Валийга етим билан ўзининг таомини бир хил қилишга ижозат бор,

лекин бунда шарт шуки, етимга заар етмасин, шерикликни баҳона қилиб, етим моли ўзлаштириб юборилмасин. Чунки бундай қилиш энг оғир гуноҳлардан саналади.

وَإِنْ خَفْتُمْ أَلَا نُقْسِطُوا فِي الْأَيْنَنِ فَانِكِحُوهُ مَا طَابَ لَكُمْ مِنَ النِّسَاءِ

مَشْقَ وَثُلَثَ وَرَبِيعٌ فَإِنْ خَفْتُمْ أَلَا نَعِدُهُنَّا فَوَاحِدَةً أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَنَتُكُمْ

၃
ذَلِكَ أَدْنَى أَلَا تَعُولُوهُ

3. Агар етималарга адолатли бўла олмасликдан қўрқсанглар, ўзингизга ёқсан аёллардан икки, уч, тўрттасини никоҳларингга олаверинглар. Бордию одиллик қилолмасликдан қўрқсанглар, у ҳолда биттаси ёки қўл остингиздагилар кифоя. Мана шунда жабр қилинмаслиги аниқроқ.


"Қўл остингиздагилар" деганда урушда асир олинган чўрилар назарда тутилади. Исломда тўрттагача хотин олишга ижозат берилган, лекин улар ўртасида адолат қила олмасликдан хавфда бўлинганда битта хотин билан ёки қўл остидаги мулки ҳисобланган чўри билан кифояланиш зарур, шундагина жабр-зулмнинг олди олинади.

Пайғамбаримиз ҳадисларида ривоят қилинишича, етим қизларнинг молларига вакил бўлган айрим кишилар қизнинг ўзига ва молига қизиқиб, озгина маҳр билан уни никоҳларига олишар эди. Ўзи ёқмасаю лекин моли кўп бўлса, бунда ҳам уни бошқага узатмай сақлаб туришарди. Лекин бундай ҳаёт қизнинг турмушини уқубатга айлантирас эди. Худди шу масалада юқоридаги ояти карима тушди. Вакилларга буюрияптики, сизлар етимларни никоҳга олганда адолат қилолмаймиз, деб қўрқсанглар, шариатта мувофиқ бирдан тўрттагача бошқа

хотинларга уйланаверинглар, токи етимларга заар етмасин. Озод мусулмонга тўрттагача, қул одамга иккита хотинга ижозат бор, бу нарса ҳадисларда ҳам келган, жамики олимларнинг яқдил қарори ҳам шундай. Бу ҳукм бутун Ислом умматигадир, фақат Сарвари олам бундан мустаснолар, у зотга бундан ҳам зиёдасига ижозат берилган.

Лекин адолат қила олмаслик хавфи бўлса, бир хотин билан кифояланиш ҳар бир мусулмонга зарурдир. Бирдан ортиқ хотин олганларга уларнинг емак-ичмаги, маскани, ётоги ва бошқа эҳтиёжларини таъминлашда баробар тутиш вожиб. Баробар тутмаганлар қиёмат куни азобга мубтало бўлишади. Хотинлар ўртасида адолат қилишнинг қийинлиги улардан туғилган фарзандларнинг ҳасад туфайли бир-бирларига адоват қилишларида ҳам намоён бўлади. Қайси хотин эрни қайси йўл билан бўлса ҳам ўзига қаратиб олган бўлса, унинг фарзанди ҳам ота наздида эркароқ, суюклироқ бўлади. Оқибатда бошқа фарзандларда ана шу суюмли фарзандга ҳасад ва душманлик кучаяди. Бунга Куръони каримдаги Юсуф ва унинг акалари қиссаси яхши мисолдир. Шу боис, Аллоҳ таоло хотинлар ўртасида адолат қилишга кўзи етмаган эркакларни бир хотин билан кифояланишга буюрмоқда.

وَأَتُوا النِّسَاءَ صَدْقَتِهِنَّ بِخَلَةٍ فَإِنْ طَبَنَ لَكُمْ عَنْ شَيْءٍ مِّنْهُ نَفْسًا فَكُلُوهُ



4. Хотинларингизга маҳрларини хурсандчилик билан беринглар. Агар ундан бир миқдорини чин дилдан кечишса, bemalol фойдаланаверинглар.

Никоҳ эрнинг зиммасига бўлажак хотинига маҳр бериш мажбуриятини юклайди. Маҳр эр томонидан бўлғуси

турмуш ўртоғига унинг никоҳига киргани учун бериладиган, кейин ҳам қайтариб олинмайдиган совғадир. Махр хотиннинг шахсий мулки саналади ва унга на эр, на хотиннинг яқинлари дахл қила олишади. Ҳанафий мазҳабига биноан маҳрнинг энг ози миқдори ўн дирҳамдан кам бўлмаслиги керак. Аммо ундан кўп бўлиши келин-куёвнинг ўзаро келишувиға боғлиқ. Хотин кишининг маҳри хурсандчилик билан, чин дилдан берилиши керак. Агар хотин маҳрининг бир қисмини қайтариб берса, эр уни хушвақтлик билан қабул қилиб ишлатаверсин.

وَلَا تُؤْتُوا السُّفَهَاءَ أَمْوَالَكُمُ الَّتِي جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ قِيمًا وَأَرْزُقُوهُمْ فِيهَا

وَأَكْسُوهُمْ وَقُولُوا لَهُمْ قَوْلًا مَّعْرُوفًا



5. Аллоҳ сизларга турмуш сабаби қилган молларингизни эсипастларга берманглар, уларни бу моллардан едириб-кйинтиринглар ва уларга яхши гапиринглар.

Молни асраш лозим ишлардан саналади. Мол-мулкка енгилтаклик, масъулиятсизлик билан муносабатда бўладиганларга уни топшириб қўйиш молнинг йўқ қилинишига олиб келгани учун Ислом шариатига кўра, бундай ҳолдаги етимларга вакил кишилар молни улар қўлига бермай, ўзлари едириб-кйинтиришлари, уларга яхши муомалада бўлишлари керак. Мусулмонлар қўлидаги мол-мулк улар жамоасининг жавобгарлигига бўлгани учун етимлардан ташқари уни тасарруф қила олмайдиган бошқа кишиларга (масалан, ҳисоб-китобни билмайдиган) ҳам берилмайди.

وَابْنَلُوا أَلِيَّنَمَ حَتَّى إِذَا بَلَغُوا النِّكَاحَ فَإِنْ إِنَسْتُمْ مِنْهُمْ رُشْدًا فَأَذْفَعُوهَا إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ وَلَا تَأْكُلُوهَا إِسْرَافًا وَبِدَارًا أَن يَكْبُرُوا وَمَنْ كَانَ غَنِيًّا فَلِيَسْتَعِفْ فَوَمَنْ كَانَ فَقِيرًا فَلِيَأْكُلْ بِالْمَعْرُوفِ فَإِذَا دَفَعْتُمْ إِلَيْهِمْ



أَمْوَالَهُمْ فَأَشْهِدُوا عَلَيْهِمْ وَكَفَى بِاللَّهِ حَسِيبًا
أَمْوَالَهُمْ فَأَشْهِدُوا عَلَيْهِمْ وَكَفَى بِاللَّهِ حَسِيبًا

6. Етимларни то балоғатта етгунларича синаб туринг-лар, агар эс-хұшлари жойида эканини билсанглар, молларини ўзларига топшириңглар. Уларнинг молларини исроф қылмандар ва шошилиб ишлатиб қўйманглар. Ким ўзига тўқ бўлса, ундан парҳез қилсин, ким муҳтож бўлса, инсоф билан олсин. Уларга молларини гувоҳлар иштиро-кида топшириңглар, ҳисоб-китобга Аллоҳ кифоядир.

Етимлар молига масъул вакиллар уларнинг улғайиб қолишидан қўрқиб молни тезда ишлатиб юборишмасин ёки уларни кераксиз ўринларга йўллаб исроф қилишмасин. Агар етимни тарбиялаётган киши муҳтож бўлса, ҳар ойда хизматига яраша ҳақини олади, лекин бадавлат киши бўлса, етим молидан олиши дуруст бўлмайди. Улар улғайгач, молларини ўзларига топширишда гувоҳларни чақириш зарур. Бу оят Собит ибн Рифоаъ ва унинг амакиси ҳақида нозил бўлган. Отаси Рифоаъ ўлгач, Собит етим қолди. Шунда Собитнинг амакиси Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайхи ва саллам) бориб: "Акамнинг ўғли менинг қарамоғимда. Унинг молидан нималар ҳалол бўлади ва молини қачон қайтараман?" деб сўраганида Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди.

لِلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِمَّا تَرَكَ

 الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ مِمَّا قَلَّ مِنْهُ أَوْ كَثُرَ نَصِيبًا مَفْرُوضًا

7. Ота-оналари ва қариндошлари қолдириб кетганида эркакларга улуш бор, ота-оналари ва қариндошлари қолдириб кетганида аёлларга улуш бор. Бу оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам, фарз қилинган улушлардир.

Муфассирлар айтишади: "Авс ибн Собит Ансорий вафот этиб, унинг хотини Умму Кажжа тул қолди. Унинг Авсдан уч қизи бор эди. Авснинг амакисида Сувайд ва Урфажа исмли икки ўғил бўлиб, ўзларини унинг васийлари ҳисоблашиб, мол-мулкига эга чиқишиди ва унинг хотини билан қизларига меросдан ҳеч нарса беришмади. Чунки жоҳилият даврида аёллар ва кичик ёшдаги болаларга мерос берилмасди. Улуш кўпроқ от устида жанг қила оладиган ва ўлжани қўлга кирита оладиган кишиларга бериларди. Шунда Умму Кажжа Набий алайҳиссаломга бориб: "Эй Аллоҳнинг Расули, Авс вафот этиб, менга қизларини қолдириб кетди. Мен аёл кишиман, уларни боқишига қурбим етмайди. Ундан анчагина мол қолди. Лекин мол-мулк Сувайд билан Урфажанинг қўлида. Улар менга ҳам, болаларимга ҳам ҳеч нарса беришмади. Моллар менинида бўлса ҳам, на бирор егулик, на ичимлик беришяпти, на болаларга қарашяпти", деди. Расулуллоҳ уларни чақиртирдилар. Улар: "Эй Аллоҳнинг элчиси, бу аёлнинг болалари от минолмайди, оғир иш қилолмайди, душманни енголмайди", дейишиди. Расулуллоҳ: "Аллоҳ менга сизлар ҳақингизда бирор нарса билдиргунича кутинглар", дедилар. Кейин Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди".

وَإِذَا حَضَرَ الْقِسْمَةَ أُولُوا الْقُرْبَى وَالْيَتَامَى وَالسَّكِينَ

 فَارْزُقُوهُمْ مِنْهُ وَقُولُوا لَهُمْ قَوْلًا مَعْرُوفًا

8. Тақсимотда қариндошлар, етимлар ва муҳтоҗлар бўлишса, уларни ҳам баҳраманд қилинглар ва уларга яхши гапиринглар.

Яъни, бир киши вафот этиб, ундан мол-мулк мерос қоладиган бўлса, уни тақсимлашда эҳтиёт бўлинглар, меросга ҳақдорларнинг улушкини беринглар. Мерос тақсимотида қариндошлар, етимлар ва муҳтоҷ кишиларни ҳам ундан баҳраманд қилинглар. Бордию улар ҳақларини талаб қилишса ёки меросдан сўрашса, уларга қўпол гапириб, дилларини оғритманглар.

وَلَيَخَشَ الَّذِينَ لَوْ تَرَكُوا مِنْ خَلِفِهِمْ ذُرِيَّةٌ ضَعَفَفَا خَافُوا عَلَيْهِمْ

 فَلَيَسْقُوا اللَّهَ وَلَيَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا

9. Ўзларидан ёш болаларни қолдириб, бундан хавфда бўлганлар каби қўрқишин. Улар Аллоҳдан қўрқишин ва тўғри сўзлашсин.

Етимлар молига васий бўлганлар худди ўзлари ҳам вафот этиб, ёш болаларини қолдириб кетганда бошқаларнинг уларга васийлик пайтида қўрқиб тургани каби етимлар молига хиёнат қилишдан қўрқишлари керак. Бу хукм вафоти олдидан васият қилаётганлар ҳузуридаги гувоҳларга ҳам таалуқлидир.

خَوَّهٌ فِلَّامُهُ السَّدُسُ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِي بِهَا أَوْ دِينٌ ءَابَاً وَكُمْ
إِذْ إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَمَّى ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي

بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَضْلَوْكَ سَعِيرًا ١٠

10. Етимлар молини зулм билан еганлар қоринларига оловни еган бўлишади ва албатта дўзахга киришади.

Ислом келмасидан олдин ёшидан қатъи назар, қиз болаларга умуман мерос берилмас, балоғатга етмаган ўғил болаларга ҳам меросдан улуш тегмас эди. Юқоридаги ояти карималар ҳукми билан бу ботил одатлар йўққа чиқарилди, уларнинг ҳаммасига меросдан ҳисса ажратиш ҳукми кучга кирди. Меросни тақсимлаш пайтида ўша хонадон одамларидан етимлар ва муҳтожлар келиб қолишса, уларга ҳам улуш берилсин. Агар қолдирилган мол етимларнинг нарсаси бўлса ва ўлган киши ўзи васият қилмаган бўлса, бу ҳолда яхши гапириб, уларга узр айтилсин. Етимлар молини турли зулм йўллари билан еганлар қоринларига дўзах оловини еган каби бўлади ва албатта дўзахга тушади.

يُوصِيكُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلَّهِ كِمْ مِثْلُ حَظِ الْأَنْثِيَّنِ فِإِنْ كُنَّ
فِسَاءَ فَوْقَ أَنْثَيَّنِ فَلَهُنَّ ثُلَثًا مَا تَرَكَ وَإِنْ كَاتَ وَاحِدَةً فَلَهَا
النِّصْفُ وَلَا يَبْيَهُ لِكُلِّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا السَّدُسُ مِمَّا تَرَكَ إِنْ كَانَ لَهُ
وَلَدٌ فِإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُ وَلَدٌ وَوَرِثَهُ أَبُوهُ فِلَّامُهُ الْتَّلْثُ فِإِنْ كَانَ لَهُ
إِخْوَهٌ فِلَّامُهُ السَّدُسُ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِي بِهَا أَوْ دِينٌ ءَابَاً وَكُمْ

وَأَبْنَاؤُكُمْ لَا تَدْرُونَ أَيْهُمْ أَقْرَبُ لَكُمْ نَفْعًا فِرِيضَةٌ مِّنْ اللَّهِ



إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا

11. Аллоҳ фарзандларингиз борасида бир ўғилга икки қиз улушини беришга буюрди. Агар қизлар иккитадан кўп бўлса, мероснинг учдан иккиси, қиз битта бўлса, унга унинг ярми, агар марҳумнинг фарзанди бўлса, унинг ота-онасининг ҳар бирига олтидан бир улуш берилади. Агар фарзанди бўлмай, фақат ота-она меросхўр бўлишса, қилган васияти ва қарзлари берилганидан сўнг онасига учдан бири, ака-укалари бўлса, олтидан бири тегади. Ота-онангиз ва фарзандларингиздан қай бири сизларга манфаатлироқ эканини билмайсизлар, буларни Аллоҳ фарз қилган. Аллоҳ албатта билимли ва ҳикматлидир.

Жобир розийаллоҳу анху айтади: "Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам билан Абу Бакр мени кўргани Бани Салама маҳалласига яёв келишганида мен беҳуш ётган эдим. Расулуллоҳ таҳорат қилиб, сувидан менга сепгач, ўзимга келдим ва: "Эй Аллоҳнинг элчиси, мол-мулкимни нима қиласман?" дедим. Шунда ушбу оят нозил бўлди" (Имом Бухорий ва Муслим). Яна Жобир ибн Абдуллоҳ айтади: "Бир аёл икки қизини олиб келиб: "Эй Аллоҳнинг элчиси, булар Собит ибн Қайснинг қизлари (ёки Саъд ибн Робиъники, деди). У Уҳудда шаҳид бўлган. Қизларнинг амакиси эримнинг моли ва меросига эга чиқди. Қизларимга ҳеч нарса бермади. Шунга нима дейсиз? Аллоҳга қасамки, мол-мулклари бўлсагина қизларим эрга тегишлари мумкин", деди. Шунда Нисо сурасининг юқоридаги оятлари нозил бўлди. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам менга: "Аёл билан ҳамроҳларини чақириб кел", дедилар. Қизларнинг амакисига: "Иккала қизга мерос-

нинг учдан икки қисмини, онасига саккиздан бирини бер, қолгани сенга", дедилар".

وَلَكُمْ نِصْفٌ مَا تَرَكَ أَزْوَاجُكُمْ إِن لَّمْ يَكُنْ لَّهُ بِرٌّ وَلَدٌ
 فَإِن كَانَ لَهُنَّ وَلَدٌ فَلَكُمُ الْرُّبُعُ مِنَ اتِّرَكَنَّ مِنْ بَعْدِ
 وَصِيَّةٍ يُوصِيَنَّ بِهَا أَوْ دِينٍ وَلَهُنَّ الْرُّبُعُ مِنَ اتِّرَكَنَّ
 إِن لَّمْ يَكُنْ لَّكُمْ وَلَدٌ فَإِن كَانَ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ
 الْثُّلُثُ مِمَّا تَرَكَنَّ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِيَنَّ بِهَا أَوْ دِينٍ
 وَإِن كَاتَ رَجُلٌ يُورَثُ كُلَّهُ أُوْ امْرَأٌ وَلَهُ أَخٌ أَوْ أُخْتٌ
 فِي كُلِّ وَاجْدِي مِنْهُمَا أَلْسُدُسٌ فَإِن كَانُوا أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ
 فَهُمْ شُرَكَاءٌ فِي الْثُّلُثِ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِيَنَّ بِهَا أَوْ دِينٍ
 ۝ عَيْرَ مُضَارٍ وَصِيَّةٌ مِنْ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلَيْهِ حَلِيمٌ

۱۲

12. Агар фарзандлари бўлмаса, сизларга хотинларингиз қолдирган мероснинг улар васиятини ёки қарзларини адо этгандан кейин қолган ярми, агар фарзанди бўлса, чораги тегади. Агар болангиз бўлмаса, қилган васиятингиз ёки қарзларингиз адо қилинганидан кейин хотинларингизга меросингизнинг тўртдан бири, агар фарзандларингиз бўлса, саккиздан бир улуши тегади. Агар калола эр ва хотин мерос қолдирса, уларнинг қилган васиятла-

ри ва қарзлари адо қилинганидан кейин иниси ёки опа-сингили мероснинг олтидан бирига, улар бирдан кўпроқ бўлишса, учдан бирига шерикдирлар. Булар Аллоҳнинг васияти, Аллоҳ албатта билимли ва ҳикматлидир.

Араб тилида "калола" сўзи вафот этган чофида болачақаси, невара-чевараси, ота-онаси, бобо-бувиси бўлмаган, сўққабош одам маъносини билдиради.

Хотин киши вафот этсаю, фарзанди бўлмаса, ундан қолган мероснинг аёл қилган васияти ва қарзи узилганидан кейин қолганининг ярми эрига берилади. Агар хоҳ шу эридан, хоҳ бошқа эридан фарзанди бўлса, эрга тўртдан бир улуш тегади. Эр вафот этсаю фарзанди бўлмаса, хотинига меросининг васият ва қарзлар адо қилинганидан қолганининг тўртдан бири, агар фарзанди бўлса, саккиздан бири берилади (хотини бир ё ундан кўп бўлса ҳам улушда баробардирлар). Хотиннинг маҳри меросдан ташқаридадир. Агар эр ёки хотин марҳумнинг меросхўри онабир ака-ука ёки опа-сингил бўлса, уларга марҳум васияти ва қарзи адо этилганидан кейин мероснинг олтидан бири, агар ини-сингиллар бирдан кўп бўлишса, ҳаммаларига учдан бири тегади.

ٰلَّا كُلُّ حُدُودُ اللَّهِ وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يُدْخِلُهُ
جَنَّتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا أَلَانَهُرُ خَلِيلِينَ فِيهَا



وَذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

13. Булар Аллоҳ чегараларидир. Ким Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоатда бўлса, У остидан анҳорлар оқиб турувчи, унда абадий қолинадиган жаннатига киритади. Бу эса буюк саодатdir.

Меросга эгалик қилишда ва уни тақсимлашда ниҳоятда эҳтиёт бўлинглар, ҳақдорларнинг улушига тажовуз қилманглар. Чунки бу нарсалар Аллоҳнинг чегаралариридир. Ким Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоатда бўлиб, меросхўрларнинг ҳаққини чиройли суратда адо этса, Аллоҳ таоло бундай кишиларни остидан анҳорлар оқиб турувчи ва унда абадий роҳат-фароғатда яшаладиган жаннатига киритади. Инсон учун дунё ва охиратда бундан ҳам улуғ баҳт-саодат бўлиши мумкинми?

وَمَنْ يَعْصِي اللَّهَ وَرَسُولَهُ، وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ، يُدْخَلُهُ نَارًا

﴿ خَلِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴾

14. Ким Аллоҳга ҳамда Унинг Пайғамбарига исён ва чегараларига тажовуз қилса, У абадий қолинадиган дўзахига киритади ва унда хорловчи азоблар бордир.

Аллоҳ ман қилган-қайтарган ҳаром нарсалар Аллоҳ азза ва жалланинг чегаралариридир. Қуръони каримда бундай марҳамат этилган: "Булар Аллоҳнинг чегаралариридир, бас, уларга яқинлашманглар!" (Бақара, 187). Юқоридаги ояти каримада Парвардигор Ўзининг чегараларини бузувчи, Аллоҳга, унинг Пайғамбарига исён қилувчи кимсаларни абадий азоб-қийноқ жойи бўлмиш дўзахдан огоҳдантиromoқда. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сизларни нимадан қайтарсан, ундан сақланинглар, нима нарсага буюрсан, уни қодир бўлганингизча бажаринглар", деганлар (Имом Муслим ривояти). Аллоҳ ман этган ва ҳаром ҳисобланган нарсалар баёни Қуръони каримда келган. Булардан айримлари – Аллоҳнинг шериги бор деб Унга ширк келтириш, ота-онага осийлик, хамр, чўчқа гўшти, ўлакса, қон, Аллоҳдан бошқага атаб сўйилган ҳайвонлар гўшти, фолбинлик, никоҳи ҳаром қилинганларга уйланиш,

зино, судхўрлик ва бошқалардир. Ким ман этилган нарсани Аллоҳ учун тарк этса, эвазига Аллоҳ ундан ҳам яхшисини беради ва қалбидаги имон лаззатини туяди. Нифоқ аҳли ўткинчи роҳатни деб ҳаромга қадам қўйгани учун дўзахдаги абадий аламли ва хорловчи азобга дучор бўлади.

وَالَّتِي يَأْتِي رَبَّ الْفَدِيَّةَ مِنْ نِسَاءٍ كُمْ فَأَسْتَشِدُوا عَلَيْهِنَّ
أَزْبَعَةَ مِنْكُمْ فَإِنْ شَهِدُوا فَأَمْسِكُوهُنْ فِي الْبُيُوتِ حَتَّى
يَتَوفَّهُنَّ الْمَوْتُ أَوْ يَجْعَلَ اللَّهُ لَهُنَّ سِيلًا

15

15. Хотинларингиздан фоҳишлик қилганига ўзларингиздан тўрт кишини гувоҳ қилинглар. Агар гувоҳлик беришса, ўлим келгунича ёки Аллоҳ бирор йўл кўрсатгунича уйларингизда сақлаб туринглар.

Қай бир киши хотинининг зино (никоҳсиз жинсий алоқа) қилганини билса, буни аниқлашга эс-ҳушли, балоғатга етган, ҳур эркак мусулмонлардан тўрт кишини гувоҳ қилиши керак бўлади. Агар барчалари баробар бу ишга гувоҳлик беришса, ўша хотинни ташқарига чиқармай, бошқалар билан мулоқотга ижозат бермай, уйга қамаб қўйилади. Ушбу ҳукм келганида зинокор хотинга сазо (жазо) тайин қилинмаган эди, кейинчалик Нур сурасидаги ҳукмга кўра бокирага юз қамчи уриш, жувон хотинни тошбўрон қилиш жазоси тайин қилинди. Шундан кейин юқоридаги оятнинг ҳукми мансух (бекор) бўлди.

وَالَّذَانِ يَأْتِي نَهَا مِنْكُمْ فَعَادُوهُمَا فَإِنْ تَابَا وَأَصْلَحَا

16

فَأَعْرَضُوا عَنْهُمَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ تَوَّابًا رَّحِيمًا

16. Сизлардан ўша ишни қилган икки эркакнинг таъзирини беринглар. Агар иккови тавба қилса ва тузалса, тек қўйинглар. Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва меҳрибондир.

Бу ояти каримадаги "ўша иш", яъни фахш ишдан кўзда тутилган нарса баъзи уламолар наздида бесоқолбозлик, баъзилариға қўра зино бўлган, айримлари эса ҳар иккисига таалуқди, дейишган. Бундай жиноятга йўл қўйган кимсаларга мусулмон жамоаси томонидан таъзир берилади, агар иккови тавба қилиб, ўзларини ўнглашса, уларга тегилмайди.

إِنَّمَا التَّوْبَةُ عَلَى اللَّهِ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ السُّوءَ بِجَهَلٍ فَمَرْجِعُهُمْ إِنَّمَا حَكِيمٌ فَرِيفٌ فَأُولَئِكَ يَتُوبُ اللَّهُ عَلَيْهِمْ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيًّا حَكِيمًا

(17)

17. Нодонлиқдан ёмон ишга қўл уриб, сўнгра тезда тавба қилганларнинг тавбасини қабул қилиш Аллоҳгадир. Аллоҳ бундайларнинг тавбасини қабул қиласи. Аллоҳ билимли ва ҳикматлидир.

Бундай фахш ишларни билмасдан қилиб қўйган ва қилган гуноҳини сезган заҳоти тавба қилиб, қилмишларига қайтмасликка ваъда берган кишиларнинг тавбасини қабул қилиш Аллоҳга ҳавола этилади. Аллоҳ таоло бундайларнинг тавбасини қабул қиласи. Парвардигорингиз ўта билимли ва ҳар бир ишнинг ҳикматини билувчи Зотдир.

وَلَيَسْتَ إِنَّمَا التَّوْبَةُ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ السُّوءَ بِحَقَّ إِذَا حَضَرَ أَحَدَهُمُ الْمَوْتُ قَالَ إِنِّي تُبْتُ أَلْقَنَ وَلَا أَلَّذِينَ يَمُوْتُونَ وَهُمْ كُفَّارٌ أُولَئِكَ أَعْتَذَنَا لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا

(18)

18. Гуноҳларни мунтазам қилиб юриб, ўлим келганида: "энди тавба қилдим" дейдиганлар ва кофир ҳолларида ўлганларнинг тавбаси қабул бўлмайди. Уларга қийноқли азоблар тайёрлаб қўйганмиз.

Аммо инсонлар ичида шунаقا тоифалари ҳам борки, улар умр бўйи гуноҳ ва фаҳш ишлардан бўшамайди, буларнинг оғир жиноят эканини тушунтирганларнинг сўзини назарга илмайди. Энди ўлим соати яқинлашиб, жони ҳалқумига келганида "энди тавба қилдим" деб тазарру қилишга ўтади. Ёки инсонларнинг бошқа бир тоифаси ҳатто ўлим келиб турганини сезиб ҳам куфрини тарк этолмай, кофирлигича ўлиб кетади. Аллоҳ таоло бундай кимсаларнинг тавбасини асло қабул қилмайди. Чунки Аллоҳ, таолонинг бундай ваъдаси бор: "Унга (Фиръавнга) гарқ бўлиш соати етиб келганида айтди: "Имон келтирдимки, Бани Исроил имон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқдир. Мен ҳам мусулмонларданман". (Аллоҳ деги): "Энсими?! Ахир, сен илгари штоатсизлик кылган ва бузгунчилардан эзингку!" (Юнус, 90—91).

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا يَحِلُّ لَكُمْ أَنْ تَرِثُوا النِّسَاءَ كَرَهًا وَلَا .
 تَقْضُلُوهُنَّ لِتَذَهَّبُوا بِعَضٍ مَا ءَاتَيْتُمُوهُنَّ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَنَّ بِفَحْشَةٍ
 مُبَيِّنَةٍ وَعَاشُرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ فَإِنْ كَرِهْتُمُوهُنَّ فَعَسَى أَنْ
 تَكْرَهُوْ شَيْئًا وَنَجْعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا
 سَرِّسُوْ سَيِّئَ تَزِيجُنَّ اللَّهَ عَلَيْهِ خَيْرٌ كَثِيرٌ

19. Эй имон келтирганлар, хотинларни зўрлик билан мерос қилиб олиш сизларга ҳалол эмас. Агар очиқ фаҳш иш қилишмаган бўлса, берган маҳрларингизнинг бир

қисмини олиш учун уларни мажбуран ушлаб турманглар. Агар уларни ёқтирмасанғиз ҳам муносиб умр кечиринглар, зеро, сиз ёқтирмаган нарсада Аллоҳ күп яхшиликларни бериши мумкин.

Ибн Аббос розийаллоху анху айтади: "Бир киши ўлса, қариндошлари унинг хотинига ҳақли бўлишарди. Бирортаси хоҳласа унга уйланар, хоҳдамаса уйланмас эди. Улар ўша аёлга ўзининг аҳлидан кўра ҳақлироқ саналарди. Ушбу оят шу ҳақда нозил бўлган" (Имом Бухорий).

Муфассирлар айтишади: "Жоҳилият пайтида ва Исломнинг илк давларида мадиналиклар одатига кўра, бир киши ўлиб хотини тул қолса, унинг бошқа хотинидан бўлган ўғли ёки бирор қариндоши келиб, кийимини бева қолган аёлнинг устига ташларди. Шу тариқа ўша киши бу хотинга ҳаммадан кўра, ҳатто аёлнинг ўзидан ҳам кўра ҳақлироқ бўларди. Агар унга уйланишни хоҳласа, маҳр бермай уйланаверарди. Ўлган эрининг маҳри уйланишга кифоя қиласди. Хоҳласа, уни бошқа эрга узатиб, маҳрини ўзи олар, аёлга бермас эди. Хоҳласа, эрдан қолган меросга эга бўлиш учун аёлга ўзи ҳам уйланмай, бирорвга ҳам узатмай қийнар, меросни беришга мажбурлар эди. Ўша аёл ўлганидан кейин мерос унга қолар эди... Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди".

وَإِنْ أَرَدْتُمْ أَسْتِبْدَالَ زَوْجَ مَكَانٍ رَّوْجٌ وَعَائِنَتُمْ إِحْدَانَهُنَّ

قِنْطَارًا فَلَا تَأْخُذُوا مِنْهُ شَيْئًا أَتَأْخُذُونَهُ بِهُنَّتَنَا



وَإِنَّمَا مُّبِينًا

20. Агар бир хотин ўрнига бошқасини олмоқчи бўлсанглар, биринчисига ҳисобсиз мол берган бўлсанглар

ҳам ҳеч нарсаны қайтариб олманглар. Буни бўхтон ва очик гуноҳ билан оласизларми?

Агар эр киши биринчи хотини ўрнига иккинчисига уйланмоқчи бўлса, биринчисига маҳр сифатида қинтор-қинтор (кўп микдорда) олтин берган бўлса ҳам бунинг ҳаммасини ёки бир қисмини қайтариб олиши Ислом таълимотига тўғри келмайди. Чунки баъзи эркаклар берган маҳрини қайтариб олиш учун биринчи хотинини бузуқлик ёки зинода айблаб, бўхтон қилиши ва шу туфайли унга тухмат қилиб, очик-ойдин гуноҳга қўл уриши мумкин.

وَكَيْفَ تَأْخُذُونَهُ، وَقَدْ أَفْضَى بَعْضُكُمْ إِلَى بَعْضٍ وَأَخْذَتْ
مِنْكُمْ مِّيقَاتًا غَلِيلًا

(٢١)

21. Ахир қандай ҳам оласизлар, ахир бир-бирингизга қовушиб, улар сиздан қатъий аҳд олишган-ку!

Аллоҳ айтяптики, ахир биринчи хотинга уйланадиганда унга чин дилдан берган маҳрингизни энди қайси юз билан қайтариб ҳам оласиз? Никоҳ ақди билан хотинга маҳрни берган эдингиз, хотинингиз билан қовушаётганингизда у маҳрни қайтариб олмаслик ҳақида сиз билан аҳдлашган эди-ку!

وَلَا نَنْكِحُوا مَا نَكَحَ إِبَّاً أَوْ كُمْ مِنْ النِّسَاءِ إِلَّا مَا قَدْ

(٢٢)

سَلَفَ إِنَّهُ كَانَ فَرِحَشَةً وَمَفْتَأَوْ سَاءَ سَبِيلًا

22. Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманглар, аммо аввалда ўтган бўлса, зарари йўқ. Бу албатта хунук ва жирканч иш, ёмон бир йўлдир.

Исломдан олдинги жоҳилият даврининг энг ёмон одатларидан бири ўғилнинг ота ўлиб кетганидан кейин уйланган аёлларини, яъни ўтай оналарини никоҳига олиши эди. Бу оят нозил бўлишига Ҳисн ибн Абу Қайснинг отасининг хотини Кабиша бинти Маънга уйланиши сабаб бўлган. Ўшанда Саффон ибн Умайя ибн Халаф ҳам отасининг хотини Фохира бинти Асвад ибн Муттолибга, Мансур ибн Мозан отасининг хотини Малика бинти Хорижага уйланган. Оятнинг асосий мақсади шунга қаратилган. Ашъас ибн Сивар айтади: "Ансорларнинг солихларидан бўлган Абу Қайс ўлиб, ўғли отасидан қолган хотинни никоҳига олмоқчи бўлди. У: "Мен сени ўғлим деб биламан. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳукм сўрайман", деди. Шунда ушбу оят нозил бўлди".

حُرَمْتُ عَلَيْكُمْ أَمْهَنْتُكُمْ وَبَنَاتُكُمْ وَأَخْوَاتُكُمْ
 وَعَنَتُكُمْ وَخَلَقْتُكُمْ وَبَنَاثُ الْأَخْيَرِ وَبَنَاثُ الْأَخْيَرِ
 وَأَمْهَنْتُكُمْ الَّتِي أَرْضَعْتُكُمْ وَأَخْوَاتُكُمْ مِنْ الرَّضَعَةِ
 وَأَمْهَنْتُ فَسَائِلِكُمْ وَرَبِيبَكُمْ الَّتِي فِي حُجُورِكُمْ مِنْ
 إِسَائِكُمْ الَّتِي دَخَلْتُمْ بِهِنَّ فَإِنْ لَمْ تَكُونُوا دَخَلْتُمْ
 بِهِنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ وَحَلَّتِلُ أَبْنَائِكُمُ الَّذِينَ
 مِنْ أَصْلَائِكُمْ وَأَنْ تَجْمَعُوا بَيْنَ الْأَخْتَيْرِ إِلَّا مَا قَدْ
 سَلَفَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا (٢)

23. Оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмишган "она" ларингиз, эмишган "опа-сингил" ларингиз, қайноналарингиз, қовушган хотинларингизнинг қарамоғингиздаги қизлари сизларга ҳаром қилингандык. Агар улар билан қовушмагандык бўлсанглар, гуноҳи йўқ. Яна пуштингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари, икки сингилни бир никоҳда жамлаш ҳам ҳаром қилинди, аммо бу аввалда ўтган бўлса, зарари йўқ. Аллоҳ албатта кечирувчи ва раҳмлидир.

Ушбу ояти каримада кишининг маҳрамлари, яъни унинг уйланиши ҳаром бўлган тоифалар зикр этилмоқда. Насаб жиҳатидан никоҳланиш ҳаром бўлган тоифалар еттида: оналар, қизлар, опа-сингиллар, аммалар, холалар, ака-укава опа-сингилларнинг қизлари, сут эмишган эмиқдошлар. Никоҳланиш жиҳатидан ҳамиша ҳаром бўлганлар хотиннинг онаси ва қизидир. Пушти камаридан бўлган ўғилларининг хотинларига, икки опа-сингилга бир вақтда уйланиш ҳам ҳаромдир. Агар бу иш оятлар нозил бўлмасдан аввалда ўтган бўлса, Аллоҳ таолонинг афви ва мағфиратидан умид қилинади, Аллоҳ таоло кечирувчи ва ниҳоятда раҳмли Зотдир.

БЕШИНЧИ ЖУЗ

وَالْمُحَصَّنَاتُ مِنَ النِّسَاءِ إِلَّا مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ كِتَابَ اللَّهِ
 عَلَيْكُمْ وَأَحْلَلَ لَكُمْ مَا وَرَاءَ ذَلِكُمْ أَنْ تَسْتَغْوِيَ إِيمَانَكُمْ مُّحَصَّنَاتٍ
 غَيْرَ مُسَفِّحَاتٍ فَمَا أَسْتَقْعُدُ بِهِ مِنْهُنَّ فَإِنَّوْهُنَّ أُجُورٌ هُنَّ
 فَرِيضَةٌ وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِيمَا تَرَاضَيْتُمْ بِهِ مِنْ بَعْدِ الْفَرِيضَةِ

إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا

24. Эрли хотинлар ҳам сизларга ҳаром, фақат қўлингизга мулк бўлиб тушган чўрилар мустасно. Булар Аллоҳнинг қонунидир. Булардан бошқа аёлларни ўзларингизни сақлаган, зино аралаштиргаган ҳолда молларингиз билан талаб этишингиз ҳалол қилинди. Улардан ҳузурланганингиз учун маҳрларини беринг, маҳр белгиланганидан кейин ўзаро келишсанглар, гуноҳи йўқ. Аллоҳ билувчи ва ҳикматлидир.

Шаръий никоҳлари ҳаром бўлган хотинлар баён қилинганидан кейин энди яна бир тоифанинг ҳаромлиги зикр қилинмоқда. Яъни, бошқа бир кишининг никоҳида турган эрли аёлни то уни эри талоқ қилиб ёки вафот этиб,

аёл иддаси чиқмагунича бошқа одам никоҳига олиши ҳаромдир. Фақат коғирлар юртига Ислом лашкарлари кирганида асир олинган аёл бир кишига мулк сифатида ўтиб иддаси чиққан бўлса, ана шу чўрилар бундан мустасно.

Бир хотинни никоҳига олиб, ундан бир оз нафланган бўлса, яъни бирор марта жинсий алоқа қилса, бу хотиннинг маҳри эрнинг зиммасига тўла тушади, хотин ўзи кечмаса, ҳаргиз эрдан соқит бўлмайди. Агар маҳр тайин қилинганидан кейин эр ва хотин бирор нарсага келишишса, яъни хотин маҳрнинг бир қисмидан кечса ёки эр маҳрни бир миқдор кўпайтирса, ҳеч қиси йўқ. Лекин хотиннинг белгиланган маҳрдан ортигини талаб қилиши ёки эрнинг тайин этилган маҳрни тўла бермаслиги ножоиздир (мумкин эмас).

Юқорида баён қилинган аёллардан бошқа барча хотинлар қуидаги тўрт шарт билан ҳалолдирлар: 1) талаб, яъни тил билан "ижоб ва қабул" қилинса; 2) мол, яъни маҳр бериш қабул этилса; 3) ҳамиша ўз муҳофазасида асраш мақсади бўлса, уч-тўрт кун шаҳватини қондириб, кейин қўйиб юбориш нияти бўлмаса; 4) икки эркак ёки энг камида бир эркак ва икки хотин гувоҳлигида никоҳ қилинса. Агар икки гувоҳсиз "ижоб ва қабул" қилинса, никоҳга ўтмайди, балки зино ҳисобланади. Бу охирги шарт ҳақида бошқа оятларда ҳам зикр қилинган.

وَمَنْ لَمْ يَسْتَطِعْ مِنْكُمْ طَوْلًا أَنْ يَنْكِحَ الْمُحْصَنَاتِ
 الْمُؤْمَنَاتِ فَمِنْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ مِنْ فَتَاهَتُكُمُ الْمُؤْمَنَاتِ
 وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا يَمْنَكُمْ بَعْضُكُمْ مِنْ بَعْضٍ فَإِنْ كَحُوهُنَّ بِإِذْنِ أَهْلِهِنَّ
 وَأَنُوْهُنَّ أَجُورَهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ مُحْصَنَاتٍ غَيْرُ مُسَفَّحَاتٍ وَلَا

مُتَّخِذَاتِ أَخْدَانٍ فَإِذَاً أَحْسَنَ فَإِنْ أَتَيْنَكُمْ بِنَجْحَشَةٍ فَعَلَيْهِنَّ
 نِصْفُ مَا عَلَى الْمُحْسَنَاتِ مِنْ أَعْذَابٍ ذَلِكَ لِمَنْ خَسِيَ
 ٢٥
 الْعَنَتْ مِنْكُمْ وَأَنْ تَصْرِفُوا خَيْرَ لَكُمْ وَاللهُ عَفُورٌ رَّحِيمٌ

25. Сизлардан ким ҳур мўминаларни никоҳига олишга қодир бўлмаса, қўлларингизда мулк бўлган мўмина чўрилардан бирига уйланаверсин. Аллоҳ имонларингизни яхши билади. Сизлар ўзаро бир жинсдирсиз. Улардан ўзини сақлаган, зино қилмаган ва махфий ўйнаш тутмаганларини эгаларининг ижозати билан никоҳингизга олинг ва муносиб маҳрларини беринг. Эрга теккач, фаҳш ишлар қилишса, уларга ҳур хотинларга бериладиган жазонинг ярми тайинланади. Бу бузилиб кетишдан қўрққанлар учундир, сабрли бўлишингиз ўзингизга яхшироқдир. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир.

Ҳур-озод хотин олишга маблағи етмаган ё нафақа (боқиши) жиҳатидан қодир бўлмаган эркак бирор мўмина чўри билан никоҳланиши мумкин, чунки уларнинг маҳрлари кам, нафақалари оз бўлади. Ҳур хотин олишга қодир бўлган одамнинг чўри билан никоҳланиши имом Шофеъий мазҳабларида ҳаром, имом Абу Ҳанифа мазҳабларида эса макруҳи танзиҳийдир, яъни қилинишидан қатъий қайтарилимаган, аммо қилинмаслиги аълороқ бўлган амалдир. Ҳур хотини бўлган эрнинг чўри билан никоҳ қилиниши барча мазҳабларда ҳаромдир. Зино хавфи бўлганида сабр қилинса яхши. Зино қилган қул ва чўрига ҳур мусулмонларга бериладиган жазонинг ярми тайин қилинади, яъни эллик дарра урилади.

يُرِيدُ اللَّهُ لِيُبَيِّنَ لَكُمْ وَيَهْدِيَكُمْ سُنَّ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ

٦٧

وَيَتُوبَ عَلَيْكُمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ

26. Аллоҳ сизларга тушунтиришни, олдингиларнинг йўлларига ҳидоят қилишни ва тавбаларингизни қабул этишни истайди. Аллоҳ билувчи ва ҳикматлидир.

Эй инсонлар, Аллоҳ таоло сизларга Ўзининг ҳикматини, илми ва иродасини тушунтиришни истайди. У ҳар бирингизни ана шу ҳикмат ва илоҳий ирода ҳақида фикр юритиш, ваҳийларни чин ихлос билан қабул қилиб, ҳаётингизга татбиқ этишга буюради. Чунки Яратувчингиз сизларни асл ҳидоят йўлларида юришингизни ва гуноҳлардан қилган тавбаларингизни қабул этишни хоҳлади. Аллоҳ ҳамма нарсани, ҳатто бандаларининг барча яширин ва ошкора ишларигача яхши биладиган ҳикматли Зотдир.

وَاللَّهُ يُرِيدُ أَنْ يَتُوبَ عَلَيْكُمْ وَيُرِيدُ الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الشَّهَوَاتِ

٦٨

أَنْ تَمَيلُوا مِثْلًا عَظِيمًا

27. Аллоҳ сизларни кечиришни истайди, шаҳватига қул бўлганлар эса бутунлай йўлдан чиқиб кетишингизни хоҳлашади.

Аллоҳ таоло бирор бандасига зулм қилишни истамайди, уларга мashaққат етишини хоҳламайди. Бордию улар гуноҳга қўл уришсаю дарров бундан пушаймон бўлган ҳолда тавба ва истиғфорга шошилишса, раҳмли ва меҳрибон Парвардигорлари уларни кечираади. Аммо шаҳватига қул

бўлган, шайтонни ошно тутганлар эса инсонларни бутунлай йўлдан уришни, уларни ўзларининг қабиҳ йўлларига бошлашни исташади. Бундай душманлар бугун ҳам мўминмусулмонларни ҳақ йўлларидан, асл динларидан чалғитишга, уларни яна залолат чангалзорларига бошлашга уринишмоқда. Дунёни ўз тўрига ўраб-чирмаб бораётган оммавий "маданият", фаҳш ва ахлоқсизликлар, ширк ва шайтоний васвасалар инсониятни зулмат ва шайтон салтанатига чорламоқда. Аллоҳ ва Унинг Расулига итоатда бўлишни ор санаётганлар эса уларнинг тўрига осонгина илинишмоқда.



بِرَبِّهِ أَن يُخْفِقَ عَنْكُمْ وَخُلِقَ الْإِنْسَنُ ضَعِيفًا

28. Аллоҳ сизларга енгиллатишни истайди, чунки инсон заиф яратилган.

Аллоҳ азза ва жалла инсонни жуда ожиз қилиб яратган. Инсон шайтон ва нафсининг сўзига осонгина киради, озгина манфаат йўлида ҳатто эътиқодидан ҳам воз кечишига тайёр туради. Бойлик, мансаб ёки шуҳрат илинжида дини, миллати, ватанига ҳам хиёнат қилишдан қўрқмайди. Аллоҳ, таоло Ўз бандаларини ана шундай ожиз яратганини билгани учун ҳам уларни ҳамиша иллат ва қабиҳликлардан четда бўлиш, Ўз ваҳийлари ва пайғамбарлари орқали етказган амрларига бўйсуниш, гуноҳлардан четланишга буюради.

يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِيمَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْتَكُمْ

بِالْبَطِيلِ إِلَّا أَن تَكُونَ تِجْرِيَةً عَنْ تَرَاضٍ مِنْكُمْ وَلَا نَقْتُلُوا



أَنفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا

29. Эй имон келтирганлар, ўзаро розилик билан қилинган савдодан ташқари бир-бирларингизнинг молларингизни ноҳақ еманглар. Ўзларингизни ўлдирманглар, Аллоҳ албатта сизларга меҳрибондир.

Савдо-тижорат Ислом динида рухсат этилган амаддир, мол-дунёга эга бўлишнинг асосий шартларидандир. Аммо тижорат билан шуғулланмоқчи бўлганлар унинг илмини яхши ўзлаштирган, бундаги динимиз талабларидан яхши хабардор бўлган ҳолда унга қўл уришлари керак. Ҳалол савдонинг шарти шуки, сотувчи ҳам, оловучи ҳам ўзаро рози бўлган, келишган ҳолда олди-сотди қилишлари, хиёнат ва ёлғон аралаштирмасликлари, омонатдор бўлишлари лозим. Харидорни алдаш, ўлчовдан уриб қолиш, молнинг айбини яшириб сотиш, зўравонлик билан бироннинг молини тортиб олиш ёки омонатга берилган молни эгасига қайтармаслик кабилар ноҳақ йўл билан мол ейишга киради. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни бу ёмон ишдан қайтармоқда ва буни ўз жонига қасд қилиш билан тенглаштиromoқда.

Муфассирлар оятдаги "ўзларингизни ўлдирманглар" жумласини бир неча хил тафсир қилишган. Зикр қилинадики, Амр ибн Осс совуқ кечада жунуб бўлиб (булғаниб) қолиб, таяммум қилди ва ушбу оятни ўқиди. Кейин буни Набий алайҳиссаломга айттан эди, уни койимадилар (Имом Бухорий). Кўпчилик муфассирлар буни "ўз жонингизга ўзларинг қасд қилманглар" деб тафсир қилишган. Турмуш қийинчиликларига бардош беролмай ёки бирор киши билан қасдлашиб ёхуд қандайдир бошқа бир сабаблар билан ўз жонига қасд қилиш динимизда қаттиқ қораланган. Жундуб ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиласи: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: "Сизлардан олдин ўтганлардан бир киши жароҳатланди. Сабрсизлик қилиб, қўл томирини кесди. Кўп ўтмай қон йўқотиб вафот этди. Аллоҳ таоло: "Бандам жонига қасд этди, унга

жаннатни ҳаром қилдим", деди" (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Демак, қандай йўл билан бўлмасин, ўзини ўзи ўлдириш, турмуш қийинчиликлари ва муросасизлик туфайли аёлларимизнинг ўз жонларига қасд қилишлари, динни ниқоб қилиб олган айрим террорчиларнинг ўзларини портлашиблари каби ишлар Аллоҳга ва У белгилаган тақдирга исён қилишидир, тоқатимиз ва сабримизни синаш учун берилган имтиҳондан ўта олмаслиқдир.

وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ عُدُوًّا وَظُلْمًا فَسَوْفَ نُصْلِيهِ نَارًا وَكَانَ

ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا

٢٠

30. Ким ҳаддидан ошиб адоват ва зулм қилса, уни албатта дўзахда куйдирамиз, бу Аллоҳга осондир.

Инсонни ожиз, заиф қилиб яратган Парвардигор банда бажаришда қийналиб сабрсизлик кўрсатмаслиги учун унинг ҳолига яраша осон ва енгил ҳукмларни жорий қилган. Ҳикмати ва қудрати улуғ Аллоҳ таоло барча мусулмонларга бир-бирларининг молларини ноҳақ йўллар ва зулм билан емасликни, фақат ўзаро розиликка асосланган шаръий савдо-сотиқ йўли билан ҳалоллаб ейишни, бир-бирларининг қонини тўқмасликни буормоқда. Бу ҳикматни эшитиб-билиб ҳам Парвардигорининг амр-фармонларига зид иш қилган итоатсиз ва исёнкор бандаларни Аллоҳ таоло дўзах оловида куйдиради, бу иш Унга асло қийин эмас. Мен мусулмон бўлсам, нега дўзахга тушаман, деб ўйлайдиган мафрур кимслар ушбу оятнинг маъносини яхшилаб тушуниб олишсин.

إِنْ تَجْتَنِبُوا كَيْرَ مَا لَنْهُنَّ عَنْهُ نُكَفِّرُ عَنْكُمْ سَيِّئَاتَكُمْ

وَنَدْخُلُوكُمْ مُدْخَلًا كَرِيمًا

٢١

31. Агар қайтарилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансанглар, кичикларини кечириб, яхши манзилга киритамиз.

Яъни, Аллоҳ таоло улкан гуноҳлардан (гуноҳи кабиралардан) бирортасини билмай қилишдан сақлансанглар, кичик гуноҳларингизни кечириб, олий манзил бўлмиш жаннатга киритамиз, деяпти. Нажм сурасида ушбу оят билан бир хил маънода: "Жаннатийлар улкан гуноҳлардан ва бузуқликлардан йироқ бўладиган зотлардир" (32-оят), деган ояти карима ҳам бор. Масалан, бир киши зинога қадам қўяди: ё кўзи билан назар солади, ё тили билан бузуқликларни ҳикоя қилади, ё бу ишни орзу қилади, ё таносил аъзоси билан буни бажаради. Агар ўша мўмин киши кўриб туриб, нафси хоҳлаб туриб Аллоҳдан қўрққанидан шу ишни қилишдан тийилса, бунинг баракотидан Аллоҳ таоло ушбу ояти мазмунига кўра кўзи, тили, нафси гуноҳларини кечиради. Чунки бу одам зино қилганида назари алоҳида, сўзи алоҳида, хоҳиши алоҳида зинога ҳисоб қилинар эди.

وَلَا تَنْمِنُوا مَا فَضَّلَ اللَّهُ بِهِ بَعْضَكُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ لِّرِجَالٍ نَصِيبٌ
مِمَّا أَكَثَرُتُ لَكُمْ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِمَّا أَكْسَبَنِي وَسَأَلُوا اللَّهَ مِنْ
فَضْلِهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا

۲۲

32. Аллоҳ баъзингизни баъзингиздан бирор неъмат билан ортиқ этган бўлса, сизлар у нарсаларни орзу қилманглар. Эркакларга ўз касбларидан, хотинларга ҳам ўз касбларидан насиба бор. Аллоҳнинг фазлини сўранглар, Аллоҳ албатта ҳамма нарсани билувчиdir.

Яъни, Аллоҳ таоло бир кишини фазилат, шарофат, илм ёки бойлиқда бошқалардан устун, ортиқ қилиб қўйган бўлса, ўзгалар буни ҳирс, орзу қиласлиги керак. Чунки бундан ҳасад ва душманлик туғилади, Аллоҳнинг яратиш ҳикматига хилоф иш қилинган бўлади. Ҳасаднинг ўрнига яхши амалларни қилишга интилиш керак. Эркакларга ҳам, аёлларга ҳам яхши амаллари, касблари учун охиратда насиба (ажр-мукофотлар) бор.

Ислом ҳам моддий, ҳам маънавий поклик дини бўлгани учун у ҳар қандай разолат ва ёмон иллатларга қаршидир. Бу иллатларнинг энг ёмони, шубҳасиз, ҳасаддир. Инсонлар қиёфада, хулқда, бой-фақирлиқда ҳар хилдирлар. Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган бандаларига кенг-мўл ризқ ато этиб, кўп нарсага эриштириб синаган бўлса, бошқаларини фақирлик, йўқчилик билан имтиҳон қиласди. Бу илоҳий ҳикматдир, иродадир, низомдир. Аллоҳ таолонинг бу низомига кўнмаслик, берганига рози бўлмаслиқдан ҳасад келиб чиқади. Ҳасад эса, улкан ахлоқий разолатдир, яхши амалларнинг кушандасидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Бир-бирингизни ёмон кўрманглар, бир-бирингларга ҳасад қимланглар", деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Яна бундай ҳадис бор: "Ҳасаддан четланнинглар. Чунки олов ўтин ёки хашакни еганидек, ҳасад ҳам яхши амалларни еб битиради" (Абу Довуд ривояти). Бошқа бир ҳадисда: "Аччиқ сабур (алоэ) асални бузгани каби ҳасад ҳам имонни бузади", дейилган.

Ҳасадчининг иши маломат қилиш, фитна чиқаришдир. Ҳасадгўй омади чопган қўшниси, биродари, ҳамкасби ёки бошлигини обрўсизлантириш, ўрнини эгаллаш, мартабасига доғ тушириш учун ҳар қандай номаъқулчиликдан қайтмайди. Инсон учун ҳасаддан заарлироқ нарса йўқ. Ҳасад қилувчига ушбу беш уқубат етади: туганмас ғам, сабабсиз мусибат, мазаммат (қораланиш), Аллоҳнинг ғазаби, тавфиқ эшикларининг беркилиши. Нодон, калтабин кимсалар заковатли, иқтидорли кишиларга, жоҳиллар

олимларга, фақирлар бойларга, bemорлар соғларга, хунуклар чиройлиларга ҳасад қилишади.

Ҳасаддан қандай қутулса бўлади? Ҳасаддан кутулиш учун ўзига етган барча яхшилик ва атоларга шукр, мاشақкат-кулфатларга сабр қилиш, ўзидан ночорроқ кишиларга ўз аҳволини солиштириш лозим. Агар кишининг қалбида имон бўлса, у ҳасадни қувиб чиқаради. Имон келтириш дегани – бошқаларга ҳасад қилмайди, деганидир. Ҳасад бора-бора кишини имонидан айириши ҳам мумкин. Пайғамбар алай-хиссалом: "Бирингиз мол-мулқда ва ахлоқда ўзидан устун турадиган кишини кўрса, дарҳол шу нарсаларда ўзидан пастроқ турадиган кишиларга назар солсин", – деганлар.

وَلِكُلِّ جَعْلَنَا مَوْلَىٰ مِمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ

وَالَّذِينَ عَقَدْتُ أَيْمَنَتُكُمْ فَعَاتُوهُمْ نَصِيبُهُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ



عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدًا

33. Ҳар бир киши учун ота-она ва қариндошлар қолдириб кетган нарсадан меросхўрларни пайдо қилдик. Аҳд-паймон билан боғланганларнинг улушкини беринглар, Аллоҳ албатта ҳар бир нарсага гувоҳдир.

"Аҳд-паймон билан боғланганлар"дан мурод, Исломдан олдинги пайларда ўрталарида қариндош-уруғчилик бўлмаганлар ҳам ўзаро аҳд-паймон қилишиб дўст бўлишгач, бир-бирларидан мерос олишарди. Бу одатта Исломнинг илк даврларида ҳам амал қилинган. Кейинчалик бошқа ояти карима ҳукми билан бу ҳукм бекор қилинди, яъни Куръон оятларида белгилаб қўйилган қариндошлардан бошқа ҳеч ким мерос ололмайди.

الرِّجَالُ قَوْمٌ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ
 وَبِمَا آنفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ فَالظَّلْحَاتُ قَنِيتُ حَفِظَتْ
 لِلْغَيْبِ بِمَا حَفِظَ اللَّهُ وَالَّتِي تَخَافُونَ شُوَّهْنَ فَعَظُوهُنَّ
 وَأَهْجُرُوهُنَّ فِي الْمَضَاجِعِ وَأَضْرِبُوهُنَّ فَإِنْ أَطَعْنَكُمْ فَلَا
 يَنْبَغِي عَلَيْنَ سَيِّلًا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْا كَبِيرًا

٣٤

34. Аллоҳ биридан бирини устун қилгани ва эрлар молларини сарфлашгани учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар. Солиҳа, эрларига итоаткор ва улар йўқлигида молларини Аллоҳ муҳофазасида асровчи аёллар хотинларнинг яхисидир. Хотинларнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, олдин уларга насиҳат қилинглар, сўнгра ётенини алоҳидаланглар ва сўнг уларни уринглар. Агар итоат қилишса, айблашга йўл изламанглар. Аллоҳ албатта олиймақом ва буюkdir.

Ислом динида аёл кишига алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан қаралади ҳамда эркақдан унинг ҳақларини адо этиш талаб этилади. Бу ҳақда Қуръони карим ва пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалоту вассаломнинг ҳадисларида очиқ-ойдин далиллар бор. Юқоридаги ояти каримада Аллоҳ таоло эркакларни аёллардан айрим жиҳатлардан (масалан, куч-куватда, оила нафақасини қилишда) устун қилиб яратгани учун эркакларни аёлларга раҳбар этилгани зикр этилмоқда. Бунинг алоҳида ҳикмати, сабаблари бор.

Оила жамиятнинг кичик бир қисмидир. Ислом таълимотлари бўйича, оила ҳар қандай жамиятга асос

бўлувчи фишт кабидир. Бир бошлиқ, раҳбари бўлмаса, у ҳам парокандаликка юз тутади. Шунга кўра Аллоҳ таоло эрни оиласда бошлиқ – раҳбар этиб қўйган. Чунки эркак киши ҳам жисмонан, ҳам маънан шу мақомга лойикдир. Оиланинг барча нафақаси, сарф-харажати, уни ҳимоялаш эрнинг зиммасидадир. Аммо эркак оилани бошқаришда асло қўполлик, зулм қилиши мумкин эмас. Қолаверса, эрнинг раҳбар қилиниши мутлақо аёлни камситиш эмас. Айрим янимлар даъво қилаётганидай унинг ҳуқуқларини чеклаш ҳам эмас, балки оила-рўзгорнинг ташвиш-машаққатларидан фитран нозик яратилган аёлни озод қилиб қўйиш, турмуш оғирликларини табиатан бақувват эркакка юклашдир. Қолаверса, эрнинг раҳбарликка маънавий ҳуқуқи ҳам бор. Чунки у аёлга нисбатан эҳтироси ва ҳаяжонини жиловлай оладиган бўлгани учун ҳам оила тотувлигининг гарови саналади. Аллоҳ таоло юқорида келган ояти карима орқали ана шу оила раҳбарига оиланинг бир аъзоси бўлган аёлни муҳофаза қилиш, уни итоатга чорлаш йўлларидан таълим бермоқда.

Бир ҳадиси шарифда: "Ад-дуня матаъун ва хойру матаъиха ал-маръатус-солиҳату", яъни "Дунёнинг ўзи бир фойда бўлса, солиҳа хотин унинг энг яхшисидир", дейилган. Бундан маълум бўладики, диндор, хушахлоқ ва вафодор аёл дунёнинг энг улуғ неъматларидандир. Аммо хотин ёмон хулқли, динга бепарво, бевафо бўлса, эрлар учун ундан ёмонроқ фитна ва мусибат топилмай қолади.

Аёл кишида эрига нисбатан ҳурматсизлик, итоатсизлик пайдо бўлса, аввал ваъз-насиҳат тавсия этилади. У фойда бермаса, бир хонада жойни бошқа қилиб ётиш лозим. У ҳам таъсир қилмаса, зарар етказмасдан, майиб қилмасдан уришгача рухсат этилган. Аммо уриш деганда, қаттиқ калтаклаш, аъзоларини синдириш, бирор жойини кўкартириш ёки бошқа йўллар билан жароҳат етказишни тушунмаслик керак. Ўтган аҳли солиҳ уламоларнинг биридан ушбу ояти каримада изн берилган уришнинг

маъноси ҳақида сўралганида: мисвок ёки бирор бармоғи билан туртиш, деган эканлар. Эр-хотиннинг ораси бу билан ҳам тузалмаса, эрнинг қариндошларидан бир киши, хотиннинг қариндошларидан бир киши ҳакам этиб сайланади ва улар эр-хотинни яраштириш чораларини кўрадилар. Бу чора-тадбирларнинг ҳеч бири фойда бермай, эр-хотиннинг бирга яшаши икковларига ҳам чексиз азоб-уқубатга айланиб қолгандагина талоққа рухсат берилади.

Аллоҳ таоло ҳеч бир ишни беҳикмат қилмайди. Жумладан, эркак киши оила раҳбари бўлса ва у ўз раҳбарлигини шариатда кўрсатилгандек адо этса, бундай оиласлар баҳт-саодатга эришмоқда. Бу кўрсатмаларга юрмаган оиласлар эса, баҳтсизликка учрамоқда. Шундай оиласлардан ташкил топган жамиятлар ҳам кулфат ва бебаҳтликка дучор бўлмоқда. Аслида, бу раҳбарлик масъулиятдир. Масъулият бўлганида ҳам, улкан масъулиятдир. Ушбу масъулиятга биноан, эркак киши оиланинг, жумладан, аёлнинг ҳомийлигини, боқувини, муҳофазасини адо этмоғи лозим.

Мазкур ояти каримадаги "эрларига итоаткорлари ва улар йўқлигида молларини Аллоҳ муҳофазасида асровчилари хотинларнинг яхшисидир" деган жумлалар аёлларнинг энг яхшиларига берилган илоҳий тавсифдир. Яъни, мўмина, солиҳа аёлларнинг табиатида зрига итоаткорлик бордир. Бу ўринда "итоаткорлик" деб таржима қилаётган сўз ояти каримада "қонитатун" лафзи билан келган. Бу сўз ўз иродаси, рағбати ва муҳаббати билан итоат қилиш маъносини англатади. Демак, мўмина, солиҳа аёлларнинг эрларига итоати ўз масъулиятини тушунган ҳолдан келиб чиққан бўлади. Қўрққанидан, мажбурлашдан ёки бошқа бирор босим-тазиикдан эмас. Бу итоат ўзини тушунган, ҳаётдаги ўрнини, вазифаси ва масъулиятини ҳис этган гўзал инсоннинг итоатидир.

Ато ибн Омир (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: "Бир хотин Пайғамбар алайҳиссалом олдиларига келиб сўради: "Эй Аллоҳнинг Расули, эрнинг хотин устидаги

ҳаққи нима?" Набий алайҳиссалом: "Агар эр туяниг устида туриб уни хоҳласа, эътиroz билдиրмаслиги, рамазондан ташқари ҳар қандай нафл рўзани фақат эрининг изни билан тутиши. Агар шундай қилмаса, эрга ажр бор, хотинга гуноҳ. Яна эрининг рухсатисиз кўчага чиқмаслиги. Агар чиқса, то қайтгунича раҳмат ва азоб фаришталари унга лаънат ўқишиади", дедилар".


Имом ибн Жарир Табарий ва Ибн Аби Ҳотимлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом: "Аёлларнинг яхшиси назар солсанг — хурсанд қиладиган, амр қилсанг — итоат этадиган ва ғойиб бўлсанг — сени ўз нафсида ва молингда муҳофаза қиладиганидир", деганлар. Имом Аҳмад Абдурроҳман ибн Авғ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай деганлар: "Агар аёл киши беш вақт намозини ўқиса, бир ой рўзасини тутса, фаржини сақласа ва эрига итоат қилса, унга: "Жаннатнинг қайси эшигидан хоҳласанг, киравер", дейилади".

Лекин беш қўл ҳам баробар эмас: баъзи аёллар солиҳалик мақомига доғ тушириб қўйишади. Мақомларида турмай, эрларига қарши бош кўтариб, беодоблик, итоатсизлик кўрсатишади. Шундай ҳолларда нима қилиш керак? Итоатсизлик аломатлари кўриниб, эрни беҳурмат қила бошлаганларида уларга юқоридаги ояти карима буюрганидай, ваъз-насиҳат қилинади. Ваъз-насиҳат кор қилиб, муносабатлар изга тушиб кетса, яхши. Аммо бу чора фойда бермаса, хотиннинг итоатсизлиги, исёни давом этаверса, бошқаси, яъни бирга ётмаслик, гаплашмаслик қўлланади. Эрларининг уларга эътиборсизлиги, гаплашмай қўйгани кўзларини каттароқ очишга мажбур этади. Аммо бу чора ҳам таъсир қилмаса, аёл буткул инсофини ютиб, итоатсизликда, исёнда давом этаверса, бу унинг яхшилик билан йўлга кирмаслиги аломати. Энди унга нисбатан янада таъсирчанроқ чора,

ўзини билмаганларга қилинадиган муомала қўлланилади, яъни, урилади.

Аёл киши табиатан аччиғи тез чиқадиган, таъсирчан, шошқалоқ бўлади. Сал нарса баҳонасида эрига нисбатан итоатсизлик ва беодоблик қилиб қўйиши мумкин. Аммо кейин ўзига келиб, итоатга қайтса, уларга қарши чора кўришга зарурат қолмайди. Юқорида саналган чоратадбирларни ҳам қўллаш шарт бўлмайди. "Агар итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг". Бу нарса оилани мустаҳкамлашга омил бўладиган ишдир. Чунки бирбирига нисбатан кечиrimли бўлиш доимо яхшилик омилидир.

وَإِنْ خَفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنَهُمَا فَابْعَثُوا حَكَمًا مِنْ أَهْلِهِ، وَحَكَمًا مِنْ أَهْلِهَا إِنْ يُرِيدَا إِصْلَاحًا يُوَفِّقَ اللَّهُ بَيْنَهُمَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا خَيْرًا



35. Эр-хотиннинг ораси бузилишидан қўрқсанглар, эр хонадонидан бир ҳакам, хотин хонадонидан бир ҳакам чақиринглар. Агар улар яраштиришни хоҳлашса, Аллоҳ эр-хотин ўртасига тотувлик солади. Аллоҳ албатта билувчи ва хабардордир.

Мазкур чораларни қўллаш билан оилавий муаммолар батамом ҳал бўлиб қолмайди. Баъзида булар ҳам наф бермаслиги мумкин. Ундай ҳолатда нима қилиш кераклиги ушбу ояти каримада баён этиб бериляпти. Гап келишмовчилик ҳам эр, ҳам хотин томонидан чиқсан пайтда кўриладиган чора ҳақида кетмоқда. Бу ҳолатда оиланинг сирини ташқарига чиқармасдан ҳал этишининг иложи қолмаган бўлади. Энди бошқалар аралashiб бўлса ҳам оилани сақлаб қолишга ҳаракат

қилинади. Шунда эр хонадонидан ҳам, хотин хонадонидан ҳам биттадан ҳакам чақирилади. Бу ҳакамларга эр ҳам, хотин ҳам рози бўлиши керак, бу розилик кейинчалик ҳакамлар чиқарган ҳукмга ҳам кўнишлари учун керак бўлади. Албатта, ҳакамлар ақлли, тажрибали, турмушнинг пасту баландидан хабардор кишилар бўлиши лозим. Табийики, икковлари ҳам Аллоҳдан қўрқкан ҳолда, адолатли ҳукм чиқаришга ҳаракат қилишлари керак. Ҳакамларнинг асосий вазифаси эру хотин орасини ўнглаб, уларни яраштиришdir. Ҳудди шу тушунчадан келиб чиқиб баъзи уламолар: "Ҳакамларга фақат яраштириш – ислоҳ ҳуқуқи берилган", дейдилар. Бошқалари эса, ҳолатни ўргангач, ислоҳ қилишнинг иложи йўқлигига амин бўлишса, эру хотинни ажратиб қўйсалар ҳам ҳақлари бор, шунингдек, уларга тегишли жазо чораларини, молу мулкка оид масалаларни ҳам ҳал қилишади, дейдилар.

Ҳазрати Усмон ибн Аффон вақтларида ҳудди шу ояти каримага амал қилиб иш юритилгани тафсир китобларимизда нақл қилинади: "Ақийл ибн Абу Толиб Фотима бинти Утба ибн Робиъага уйланган эди. Аёл: "Сен менга сабр қилсанг, мен сенга нафақа бераман", деган эди. Эри кўчадан келса: "Утба ибн Робиъа ва Шайба ибн Робиъалар қаерда?" деб сўрарди. Бир куни эри: "Дўзахга кирсанг, сенинг чап томонингда бўлишади", деб жавоб қилди. Хотин кийимларини кийиб, халифа ҳазрати Усмон ҳузурига бориб, бўлган воқеани айтди. Ҳазрати Усмон кулдилар-да, Абдуллоҳ ибн Аббос билан Муовия ибн Абу Суфёнларни чақириб ҳакам этиб тайинладилар ва уларга: "Агар яраштиришни истасангиз – яраштиринг, ажратишни истасангиз – ажратинглар", дедилар.

وَاعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ، شَيْئًا وَبِالْوَالَّدَيْنِ إِحْدَاهُمَا وَبِذِي
الْقُرْبَى وَالْيَتَامَى وَالْمَسَاكِينِ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَى وَالْجَارِ
الْجُنُبِ وَالضَّاحِكِ بِالْجَنْبِ وَابْنِ السَّيِّلِ وَمَا مَلَكَتْ
آيَتِنَّكُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا

٢٦

36. Аллоҳга ибодат қилинглар, Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар. Ота-оналарга, қариндошларга, етимларга, мискинларга, яқин қўшниларга, ён қўшниларга, ёнда бўлганларга, мусофиirlарга ва қўл остингиздагиларга яхшилик қилинглар. Аллоҳ мутакаббир ва мақтанчоқларни яхши кўрмайди;

Яъни, Аллоҳ таоло бандаларини фақат Ўзига ибодат қилишга, Унга ҳеч нарсани, қандайдир бут-санамларни, ўзлари каби маҳлукотларни шерик қилмасликка чақирмоқда. Мусулмонликнинг, мўминликнинг асоси ҳам шудир. Оят давомида Аллоҳ азза ва жалла яна бир неча амалларни ҳам зикр этмоқдаки, буларнинг бир оятда ёнма-ён келтирилиши ушбу амалларнинг Парвардиғор наздида нечоғли аҳамиятли, эътиборга молик эканини англатади.

Энг аввало, ота-оналарга яхшилик қилиш лозим. Чунки Қуръони каримнинг жуда кўп оятларида ота-онага яхшилик қилиш Аллоҳга ибодат қилиш билан бирга зикр этилади, яъни бу иш ибодатга тенглаштирилади. Бу шунинг учунки, ота-оналар фарзанд ҳали дунёга келмасидан туриб унинг ҳақида қайфурадиган, бош қотирадиган, туғилган заҳоти буюк бир меҳр, ғамхўрлик ва фидойилик билан қуршаб оладиган, фарзанди учун молинию жонини қурбон қилиб юборадиган олийҳиммат зотлардир. Аллоҳ таоло

бандаларини ота-оналарига яхшилик қилишга буюрган. Ота-онага яхшилик қилиш фарздир, уларни ранжитиш эса улкан гунохдир. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Улкан гуноҳларнинг энг каттаси Аллоҳга ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлишдир", деганлар (Имом Бухорий ривояти). Шунинг учун ҳам уларга ҳар қанча яхшилик, хизмат қилинса ҳам камлик қиласи. Шу жумладан, қариндошларга, атрофингиздаги муҳтож, ночор кишиларга ҳам меҳрибонлик кўрсатиб, яхшиликлар қилиш мўминликнинг чин хислатлариданdir.

Ояти каримада "яқин қўшниларга" ҳам, "ён қўшниларга" ҳам яхшилик қилиш бежизга ажратиб кўрсатилмаяпти. Исломда қўшниларнинг ҳаққи жуда улуғ. Ҳазрати Оишадан (розийаллоҳу анҳо) ривоят қилинган ҳадисда Фахри коинот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: "Ҳазрати Жаброил қўшни ҳаққига риоя қилиш ҳақида менга шу қадар кўп васият қиддиларки, мен қўшнини ҳатто молимга меросхўр қилиб қўйсалар керак, деб ўйладим" (Имом Бухорий ривояти). Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ким қўшниси оч бўлатуриб ўзи тўқ бўлса, имони комил эмасдир", деганлар (Табароний ривояти, "Кабир", 1/751).

Шариатимизга кўра қуйидагилар қўшничиликнинг асосий ҳақлари ҳисобланади: қўшни қарз ёки бирор нарса сўраса, берилади; чақириб келса, жавоб қилинади; касал бўлса, кириб кўрилади; муҳтож бўлса, қўлдан келганича ёрдам берилади; бошига бирор мусибат тушса, ғамига шерик бўлиб, кўнглини кўтарилади; сафарга кетса, уй-жойи ва оила аъзоларини ҳимоя қилинади; ўзи рухсат бермаса иморатни қўшниникидан баланд қилиб қурилмайди; диний ва дунёвий масалаларда билмаганлари ўргатилади; қўшнига тил, қўл билан зарар етказилмайди ва ҳоказолар.

Шундан кейинги яхшилик қилиниши шарт бўлган тоифалар сафардаги ҳамроҳлар, юртидан узоқдаги мусофиirlар ва қўл остингиздаги аҳли-аёлингиз, фарзандларингиз ва ходимларингиздир. Оятдаги "ёнда

бўлганлар" жумласи ҳақида саҳобаларнинг турли фикрлари бор: Ҳазрати Али (каррамаллоҳу важҳаҳу) бунда "аёл" назарда тутилган дейди, Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳам шу фикрда бўлган, Абдуллоҳ ибн Аббос эса, "ёнда бўлган" сафардаги ҳамроҳдир, деган.

"Аҳлига яхшилик – эҳсон қилиш" Исломда буюрилгани каби оила аъзолари ва яқинларига чиройли муомала қилиш, ҳақларини адо этиш билан бўлади. "Ходимларга яхшилик" хизматингизни қилган одамга тўккан тери қуримай туриб ҳақини бериш, тоқатидан ортиқ ишга буюрмаслик ва уни камситмаслик билан бўлади. Буларнинг ҳаммаси яхшилик қилинишга муносиб кишилардир. Сиз уларга яхшилик қилиш орқали Аллоҳ таоло ваъда қилган жаннат мукофотига эришасиз.

الَّذِينَ يَبْخَلُونَ وَيَأْمُرُونَ النَّاسَ بِالْبُخْلِ وَيَعْنَتُونَ

مَا أَءَاتَهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ وَأَعْنَدَنَا لِكُلِّ كَافِرٍ

 عَذَابًا مُّهِينًا

37. чунки улар ўзлари баҳиллик қилишади, бошқа кишиларни ҳам баҳилликка чақиришади, Аллоҳ фазли билан берганларини яширишади. Биз кофирларга хорловчи азобларни тайёрлаб қўйганмиз;

Аллоҳ таолонинг мақтанчоқ ва мутакаббир кимсаларнинг ёмон кўриши уларнинг баҳиллиги сабабидан ҳамдир. Баҳил кимсалар ўзлари баҳиллик қилибгина қолмай, ҳатто бошқаларни ҳам баҳил бўлишга чақирав, Аллоҳ таоло Ўзининг фазли билан уларга ато этиб қўйган мол-дунёсини бошқалар кўзидан яширишга уринар экан. Нима бўлса ҳам молидан бошқаларга улуш тегиб қолмаса, ўзгалар ундан фойдаланмаса бўлди. Баҳилликнинг нақадар ёмон хулқ, экани

ҳақида бир неча хабарлар келган: "Мўминда икки хислат: баҳиллик ва ёмон хулқ бирга жам бўлмайди"; "Хасислик ва имон банда қалбида асло бирга жам бўлмайди"; "Эй Аллоҳим, Сенинг номинг ила қўрқоқлик ва баҳиллиқдан паноҳ тилайман".

Хаттобий айтади: "Рад этишдаги хасислик баҳиллиқдан қаттиқроқдир". Салмон Форсийнинг айтишича, "Агар саҳий киши вафот этса, ер ҳам, одамларнинг номаи аъмолларини битувчи фаришталар ҳам бундай дейишади: "Эй Раббим, бандангнинг бу дунёда қилган гуноҳларини афв эт!". Агар вафот этган кимса баҳил бўлса, улар: "Эй Аллоҳим, бу бандани жаннатдан тўсгили, чунки у бандаларингни Сен унинг қўлига берган мол-дунёлардан тўсган эди", дейишади. Баъзи ҳукамолар: "Ким баҳил бўлса, мол-мулкини унинг душмани мерос қилиб олади", дейишган.

وَالَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ رِثَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا
بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَمَنْ يَكُنْ أَشَدَّ إِيمَانًا لَهُ فَرِينَا فَسَاءَ قَرِينًا

٢٨

38. чунки улар молларини хўжакўрсинга сарфлашади ва улар Аллоҳга ҳам, қиёмат кунига ҳам ишонишмайди. Кимнинг дўсти шайтон бўлса, у қандайин ёмон дўстdir.

Аллоҳ таоло бандаларидан баъзиларига кўпроқ, бошқасига озроқ мол-дунё ато этиб, ҳар икки гуруҳни ҳам имтиҳон қиласиди. Аллоҳ берган неъматларни ҳақ йўлда, Аллоҳ буюрган ўринларга сарфлаганлар, молларидан эҳсон қилганлар, муҳтожлар ҳолидан хабардор бўлганлар ана шу имтиҳондан яхши ўтган бўлишади. Аммо бу борада баҳиллик қиласидиган, Аллоҳ берган неъматларни босиб-кўпайтиришга интиладиганлар эса Парвардигор синовидан ўта олишмайди, Аллоҳ бундайларни яхши кўрмайди. Айниқса, мазкур амалларни хўжакўрсинга қилишдан

заррача фойда йўқ. Риё қилиш, ўзини катта олиш, берганини миннат қилиш, бирор нарса бергудай бўлса, бошқаларга овоза қилиш каби иллатлар мусулмонга хос бўлмаган ишлардандир.

Қатода (розийаллоҳу анҳу) айтади: "Банда қачон риё билан (хўжакўрсинга) амал қилса, Аллоҳ таоло: "Бандам Мени масхара қилаётганини кўринглар!" дейди". Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам риё, кибр, манманлик каби иллатларни кичик ширкка ўхшатганлар. Шайтон кибри ва манманлиги туфайли лаънатга учраб, қувғин қилинган. Эҳсонини, амалини бошқалар кўриши учун, риёкорлик билан қилувчилар ҳам шайтон йўлидан юрган ҳисобланишади. Чунки улар Аллоҳга ва қиёмат кунига ишонишмагани учун шайтоний васвасага учишади. Шайтон эса мўминларнинг очиқ-ойдин душманидир, у фақат ёмонликка чорлайди. Унинг сўзига кирганлар эса жаннат лаззатларидан маҳрум бўлишади.

وَمَاذَا عَلَيْهِمْ لَوْءَاءَمْنُوا بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَأَنفَقُوا مِمَّا رَزَقَهُمُ اللَّهُ

وَكَانَ اللَّهُ بِهِمْ عَلِيمًا

٣٩

39. Агар Аллоҳга ва қиёмат кунига ишонишса, Аллоҳ бергандарини эҳсон қилишса, нима зарар бўларди? Ахир Аллоҳ уларни яхши билади-ку!

Аллоҳга ва қиёмат кунига ишонган ҳар бир инсон Аллоҳ таоло ўзига ато этган нарсалардан бошқаларга ҳам эҳсон қилиши зарур. Ислом дини таълимотларида хайр-эҳсон, садақа қилиш, кишиларга меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожлар ҳолидан хабардор бўлиш, ночор ва фақир кишиларга ҳамиша ёрдам кўрсатиш каби чиройли ва солих, амаллар қилишга доир кўрсатма ва йўл-йўриқлар мавжуд. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўплаб

ҳадиси шарифлар ривоят қилинган, қуйида булардан айримларини күриб чиқамиз:

Иbn Масъуддан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: "Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: "Икки кишига ҳасад (ҳавас) қилиш жоиз. Биринчиси: Аллох таоло бир кишига мол-дунё берсаю, у киши ўша мол-дунёни ҳақ йўлда инфоқ-эҳсон қилса. Иккинчиси: Аллох таоло бир кишига ҳикмат (илем) ато этсаю, у киши ўша илем билан ҳукм қилиб, илмидан одамларга таълим берса", дедилар" (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Бошқа бир ҳадисда Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: "Хурмонинг ярмини инфоқ қилиб бўлса ҳам дўзахдан сақланинглар", деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Абу Ҳурайрадан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: "Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам айтадилар: "Тонг оттирганида банда ҳузурига икки фаришта тушади. Улардан бири: "Аллоҳим, инфоқ (нафақа-эҳсон) қилувчиларга ўрнини қопладиган нарса ато эт", дейди. Иккинчиси: "Аллоҳим, хасис, зиқналарга талафот бер", дейди" (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

إِنَّ اللَّهَ لَا يَظْلِمُ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ وَإِنَّكُمْ حَسَنَتُمْ يُضَعِّفُهَا وَيُؤْتِي


مِنْ لَدُنِهِ أَجْرًا عَظِيمًا

40. Шубҳасиз, Аллоҳ заррача ҳам зулм қилмайди, яхшиликни бўлса икки баравар кўпайтириб беради ва Ўз ҳузуридан улуғ мукофотларни ато қиласди.

Аллоҳ таоло ҳеч кимга зулм қилмайди, энг олий адолат Парвардигорнинг ҳузуридадир. Агар Аллоҳ зулм қилганида кофирга ризқ бермай қўярди, гуноҳ қилганни дарҳол жазоларди ёки тавбасини қабул қиласди. Аллоҳ азза ва жалла бандасининг қилган яхшилигини эса икки ҳисса

кўпайтириб беради. Ўз ҳузуридан улуғ мукофотларни, жаннат неъматларию абадий роҳат-фароғат диёрини, энг олий неъмат бўлмиш Ўз жамолига мушаррафликни ато этади. Абу Зарр Фифорийдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинган қудсий ҳадисда келишича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Аллоҳ таоло бундай марҳамат этади: "Эй бандаларим, Мен ситамни Ўзимга ҳаром қилдим. Уни сизларнинг орангизда ҳам ҳаром қилдим. Бир-бирларингизга ситам қилманглар!.. Эй бандаларим, амалларингизни ҳисоблаб қўяман. Сўнг уларнинг эвазини (мукофоти ёки жазосини) тўлиқ қилиб бераман. Ким яхшиликка эргашса, Аллоҳ таолога ҳамд айтсин. Ким ёмонлика йўлиқса, ўзидан бошқани айбламасин!" (Имом Муслим ва Термизий ривояти). Аллоҳ таоло ситамни, зулмни бандаларига ҳам ҳаром қилган. Зоро, ситам бор жойда адолат бўлмайди. Адолат бўлмаган жойда парокандалик, бузгунчилик, бошбошдоқлик авж олади, осойишталик йўқолади. Шу боис Аллоҳ азза ва жалла бандаларини зулм, ситам қилишдан қайтармоқда.

فَكَيْفَ إِذَا جِئْنَا مِن كُلِّ أُمَّةٍ بِشَهِيدٍ وَجِئْنَا بِكَ عَلَى هَتْوَلَاءَ



41. Ҳар бир умматдан гувоҳ чақириб, сизни (эй Мұхаммад), уларга гувоҳ қилганимизда нима бўлади?

Яъни, қиёмат куни ҳар бир уммат ёки қавмдан уларнинг ахволларини баён қилиш учун уларнинг пайғамбарлари ё солих, кишиларидан гувоҳлар чақирилади. Пайғамбарамиз Мұхаммад алайҳиссалом аввалги ва охирги барча умматларга гувоҳлик берадилар. Ўша куни коғирларнинг аҳволи ниҳоятда ёмонлашади, улар ҳатто тупроқ каби ер билан битта бўлиб кетишга рози бўлишади.

يَوْمَئِذٍ يُوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَعَصَمُوا أَنْرَسُولَ لَوْتَ سَوَىٰ بِهِمُ الْأَرْضُ

٤٢

وَلَا يَكُنُونَ اللَّهَ حَدِيثًا

42. Ўша куни кофирлар ва Пайкамбарга итоатсизлик қилғанлар ерга кириб кетишни орзу қилишади ва улар бирор гапни Аллоҳдан яшира олишмайди.

Охиратдаги ҳисоб-китоб ва дўзах азобининг даҳшатларини кўрган кимсалар ўлганидан сўнг тупроққа аралашиб кетадиган ҳайвонлар каби бўлишни, ер қаърига кириб кетишни орзу қилишади. Аммо улар қилмишларини, қуфрларини Аллоҳдан яшира олишмайди. Аллоҳ таоло уларнинг дунё ҳаётидаги барча кофириклари учун Ўзи ваъда қилган жазоси энди рўёбга чиқади. Аллоҳ таоло айтади: "(Эй Мұҳаммад), уларни барча иш битирилган ҳасрат кунидан қўрқитинг! Улар бугун ғафлатдагирлар, улар имон келтирмайдилар" (Марям, 39).

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَقْرِبُوا الصَّلَوةَ وَأَنْتُمْ سُكَّرَى حَتَّىٰ
تَعْلَمُوا مَا نَقُولُونَ وَلَا جُنُبًا إِلَّا عَابِرِي سَبِيلٍ حَتَّىٰ تَغْتَسِلُوا وَإِنْ
كُنْتُمْ مَرْضَعَنَ أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ أَوْ جَاهَةً أَحَدٌ مِنْكُمْ مِنَ الْغَایِطِ أَوْ
لَمْسَمُ الْنِسَاءَ فَلَمْ يَحْدُوا مَاءَ فَتَبَيَّمُوا صَعِيدًا طَيْبًا فَأَنْسَحُوا
بِوُجُوهِهِمْ وَأَيْدِيهِمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَفُوا غَفُورًا

٤٣

43. Эй имон келтирганлар, маст ҳолатингизда гапингизни англайдиган бўлмагунингизча, сафарда бўлмасанглар жунуб ҳолингизда то фусл қилмагунингизча намозга яқинлашманглар. Агар бетоб ё сафарда бўлсанглар ёки бирортангиз халодан келса ёхуд хотинларингизга яқинлик қилсанглар-да, сув топа олмай қолсанглар, тоза тупроқни юзингиз ва қўлларингизга суртиб таяммум қилинглар. Аллоҳ мағфират қилиб кечирувчиdir.

Яъни, Аллоҳ таоло айтяпти: эй мўминлар, маст ҳолда бўлсангиз, гапга тушунадиган бўлгунча, жунуб бўлсангизу (сафарда бўлмаган ҳолатингизда) то фусл қилмагунча намозга яқин келманглар, яъни намоз ўқиманглар. Исломда инсонни сархуш (маст) этадиган ичимликларни ичиш бирданига эмас, тадрижий (аста-секин) равища ман қилинган. Ичкилик ҳақида Қуръони каримда даражама-даража келган тўртта оят бор. Илк оят Маккада нозил бўлди: "Сизлар маст қилувчи (ароқни) ҳам, гўзал ҳалол ризқ(нинг ўзини) ҳам хурмо ва узумларнинг меваларидан олурсизлар" (Нахд, 67). Бу пайтда ҳали ароқ ман қилинмаган эди. Мусулмонлар жоҳилият давридан қолган одатларига кўра маст қилувчи ичкилик ичишар, қимор ўйнашар, лекин Пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссалом буларга ҳеч нима демас эдилар. Чунки у зотга бу ҳақда ҳали кўрсатма келмаган эди. Бу аҳвол ҳижратдан сўнг Мадинада ҳам давом этди. Ўша вақтда ичкилик ичиш Мадинада жуда авж олган эди. Ҳазрати Умар, Муоз ибн Жабал ва бопиқа саҳобийлар Пайғамбар алайҳиссаломга: "Эй Аллоҳнинг Расули, ичкилик ҳақида бизга бирор йўл кўрсатинг, хамр (ароқ) одамларнинг ақлини кетказаётir", деб мурожаат қилишди. Шу аснода ҳижрий 4 йилнинг шаввол ойида иккинчи оят (бу Мадинадаги илк оят эди) нозил бўлди: "Сиздан ароқ (ичкилик) ва қимор ҳақига сўрайдилар. Айтинг: "Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор. Буларнинг гуноҳи фойдасидан каттароқсур" (Бақара, 219). Бу ароқ-

ни ҳаром қилган илк оят эди. Бу оятдан кейин "гуноҳи фойдасидан каттароқдир", деб ароқни ташлаганлар ҳам бўлди. Бирок "фойдаси ҳам бор-ку", деб ичишда давом этганлар ҳам бўлди. Шундан бир оз вақт ўтгач, обрўли саҳобийлардан бири зиёфат берди. Меҳмонлар ейишди, ичишди ва маст бўлишди. Маст ҳоларида намоз ўқишига туришди. Шом намозини жамоат бўлиб ўқишиди. Ривоятга кўра, имомлик қилаётган машҳур саҳобий Кофирун сурасини нотўғри ўқиганида учинчи оят нозил бўлди: *"Эй мўминлар, маст ҳолатингизда гапингизни англайдиган бўлмагунингизча намозга яқинлашманглар!"* (Нисо, 43).

Бу – ичкиликини тақиқлаган иккинчи оят эди. Оят фагат намоз вақтларида ичкиликини ман қилаётган эди. Саҳобаларнинг бир қисми бу оятдан кейин ичкиликини ташлашди. Орадан яна бирмунча вақт ўтди. Мадиналик ансорлардан бири зиёфат дастурхони ҳозирлади. Зиёфатда ароқ ҳам бор эди. У ердагилар яхшигина сархуш бўлишди. Меҳмонлар орасидаги маккалик машҳур саҳобий қасида ўқиди. Қавмидан, келиб чиқишидан мақтаниб гапирди. Гап орасида ансорларнинг (мадиналикларнинг) иззатига тегадиган гап қилди. Шунда ансорлардан бири ғазаб билан ўрнидан турди ва унинг устига бориб, бошини ёрди. У эса Пайғамбар алайҳиссаломга шикоят қилди. Ана шу пайтда ичкилики (ароқ) ҳақидаги тўртинчи, сўнгги оят келди: *"Эй мўминлар, ароқ (маст қиласиган ичкиликини ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (га сифиниш) ва чўплар (билин фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз!"* (Моида, 90).

Ушбу ояти каримада Ислом динининг қоидаларидан бири заардан ҳимояланиш ҳам баён этилган: "Агар бетоб ё сафарда бўлсанглар ёки бирортангиз халодан келса ёхуд хотинларингизга яқинлик қилсанглар-да, сув топа олмай қолсанглар, тоза тупроқни юзингиз ва қўлларингизга суртиб таяммум қилинглар". Бу оядда Аллоҳ таоло бемор киши

ёки сафардаги мусоғирга, ҳожатхонадан чиққан ёки хотинларига яқинлашган одамга қийин бўлмаслиги, унинг соғлигини ҳимоя қилиш учун унга сув ишлатишдан тупроққа ўтишига рухсат бермоқда. Бу эса ҳар қандай ички ва ташқи зааралардан ҳимояланишга ишорадир.

اَللَّهُ تَرَى اِلَى الَّذِينَ اُوتُوا نَعِيْبًا مِنَ الْكِتَبِ يَشَرُّونَ الْفَضَلَةَ

وَيُرِيدُونَ أَنْ تَضِلُّوا اَلْسَبِيلَ



44. (Эй Мұҳаммад), Китобдан улуш берилганларнинг гумроҳликни сотиб олганларини ва сизларнинг тўғри йўлдан адашишингизни истаётганларини кўрмаяпсизми?

Рифоаъ ибн Зайд ибн ат-Тобут яҳудийларнинг улувларидан эди. Қачон Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гапирсалар, у тилини буриб: "Бизга қулоқ сол, эй Мұҳаммад, сенга тушунтириб қўямиз", дер, сўнг Исломга таъна қилиб, бу динни айблар эди. Аллоҳ таоло ушбу ояти орқали ўзларига китобдан улуш берилган китобийларнинг бу каби гумроҳдиклари ва мусулмонларни йўлдан урмоқчи бўлаётганлари ҳақида огоҳлантиради.

وَاللهُ اَعْلَمُ بِأَعْدَاءِكُمْ وَكَفَى بِاللهِ وَلِيًّا وَكَفَى بِاللهِ نَصِيرًا



45. Аллоҳ душманларингизни яхши билади ва ҳомийликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя, мададкорликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя!

Эй мўминлар, сизларга ким душману ким дўст, буни Парвардигорингиз жуда яхши билади. Шунинг учун танг аҳволда қолсангиз ёки зулм кўрсангиз, фақат Аллоҳ таолонинг паноҳини сўранг, Ундангина ёрдам кутинг. Ҳомийликка ҳам, мадад ва зафар беришга ҳам фақат Аллоҳнинг Ўзи кифоя!

مِنَ الَّذِينَ هَادُوا يُحَرِّفُونَ الْكَلِمَ عَنْ مَوَاضِعِهِ وَيَقُولُونَ سَمِعْنَا
 وَعَصَيْنَا وَأَسْمَعَ غَيْرَ مُسْمَعَ وَرَأَيْنَا لَيْلًا بِالسِّنَّهُمْ وَطَعَنَاهُ فِي الْدِينِ
 وَلَوْ أَنَّهُمْ قَالُوا سَمِعْنَا وَأَطْعَنَا وَأَسْمَعَ وَأَنْظَرَنَا لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ وَأَقْوَمَ
 وَلَكِنْ لَعْنَهُمُ اللَّهُ يُكَفِّرُهُمْ فَلَا يُؤْمِنُونَ إِلَّا قَلِيلًا

(٦)

46. Яҳудийлар орасида калималарнинг жойини ўзгартирувчилари ҳам бор. Улар тилларини буриб ва динга зарба бериш учун: "Эшидик ва итоат қилмадик", "Эшиит, эй эшийтмай қолгур", "Роина" дейишади. Агар улар "Эшидик ва итоат қилдик", "Сиз эшиittiринг" ва "Бизга назар солинг" дейишганида ўзларига яхши ва дуруст бўлар эди. Лекин куфрлари сабабли Аллоҳ уларни лаънатлади, энди уларнинг жуда ози имон келтиради.

Мехрибон Парвардигор ушбу ояти карима орқали яҳудийларнинг қабиҳликларидан мусулмонларни огоҳлантирмоқда ва уларга ўхшашдан қайтармоқда. Улар Тавротни тиловат қилишса-да, унга амал қилишдан маҳрумдирлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг буйруқларини тушунтирганларида улар ташларида "қабул қилдик" дейишса ҳам, ичларида "қабул қилмадик" дейишади. Ўзлари Пайғамбар алайҳиссаломга мурожаат қилишганида "Исмаъ ғойра мусмаяин" (эшитишга амр қила олмасак ҳам эшитинг) демоқчи бўлиб, аслида "эшиит, эй эшийтмай қолгур", яъни кар бўлгур маъносида тап қилишар эди. Яна улар "Роина"ни ҳам бузиб талаффуз қилишади, "Бизлар ҳам эътиборингиздан, назарингиздан четда қолмайлик" демоқчи бўлиб, лекин уни "руъунот" (ен-

гилтаклик) шаклида ишлатишади. Бу ҳақда Бақара сураси-нинг 104-ояти шарҳида ҳам сўз борган.

يَأَيُّهَا الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَبَ إِمْنُوا بِمَا نَزَّلَنَا مُصَدِّقًا لِمَا مَعَكُمْ
مِّنْ قَبْلِ أَنْ تَنْطِمِسَ وُجُوهًا فَرَدَّهَا عَلَى أَدْبَارِهَا أَوْ نَلْعَنُهُمْ كَمَا
لَعَنَّا أَصْحَابَ السَّبَّتِ وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ مَفْعُولًا

٤٧

47. Эй китоб берилганлар, бир қанча юзларни текислаб, орқасига бурмасимиздан олдин ёки уларни ҳам шанба куни эгалари каби лаънатламасимиздан аввал сизлардаги нарсани тасдиқловчи қилиб туширганимизга имон келтиринглар. Аллоҳнинг ҳукми албатта ижро этилади.

"Юзни текислаш" деганда ундаги кўз, бурун, оғизларни йўқ қилиб, тахта каби силлиқлаб ташлаш, "орқасига буриш" деганда юзни бутунлай орқа тарафга ўгириб юбориш назарда тутилган. Аъроф сурасида "Асҳобу сабт" (шанба куни эгалари) воқеаси зикри келган. Аллоҳ таоло китобийларга буюряптики, сизларни жазоламасимиздан олдин ёки шанба куни эгалари каби лаънатимизга дучор бўлмай туриб сизларга туширилган китобларимизни тасдиқловчи этиб нозил қилганимиз (Куръон) оятларига имон келтиринглар. Акс ҳолда, сизларни Аллоҳнинг оғир жазоси кутиб турибди, чунки Парвардигорнинг бирор ҳукми илохийси ижро этилмай қолмайди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَن يُشْرِكَ بِهِ، وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَن يَشَاءُ وَمَنْ

٤٨

يُشْرِكَ بِاللَّهِ فَقَدِ افْرَى إِثْمًا عَظِيمًا

48. Аллоҳ Үзига бошқани шерик қилганин асло кечирмайди, хоҳлаган бандасининг ширқдан бошқа гуноҳини албатта кечиради. Ким Аллоҳга ширк келтирса, гуноҳнинг улканини қилган бўлади.

Аллоҳ ман этган ҳаром нарсаларнинг, қайтариленганинг гуноҳларнинг энг каттаси, шубҳасиз, Аллоҳ таолога ширк келтиришдир, яъни Унинг бирор шериги бор, дея ишонишдир. Аллоҳ таоло инсонларни бундай огоҳлантиради: "...Ким Аллоҳга бирор нарсани шерик қилса, Аллоҳ унга жаннатга киришни ман этади. Унинг борар жойи дўзахсир. Зулм (зўравонлик) қилувчиларга бирор мадакор бўлмайди" (Моида, 72). Абу Бакр Сиддиқ (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: "Сизларга энг катта гуноҳ нималигини айтайми?" деб уч маротаба сўрадилар. Саҳобалар: "Ҳа, айтинг, эй Аллоҳнинг Расули", дейишиди. Шунда Расулуллоҳ: "Аллоҳга ширк келтириш..." дедилар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Аллоҳ таоло ширқдан бошқа барча гуноҳларни кечириши мумкин, аммо ширкни мутлақо кечирмайди. Шунинг учун юқоридаги ояти карима ҳукмига кўра, Аллоҳ хоҳлаган бандасининг ширқдан бошқа гуноҳини кечиради. Аллоҳ яратган бандалардан талаб-ҳожатини сўраш, қабрларга сифиниб, уларни тавоф қилиш, бут-санамларга сифиниш, Аллоҳдан бошқага назр қилиш ва қурбонликлар сўйиш кабилар ширкнинг турларидандир.

Катта ширклар мўминни Ислом миллатидан чиқаради, уни қилган одам агар шу ҳолатида ўлса, абадий дўзахда қолади. Имом Мотуридий: "Бизнинг наздимизда, Аллоҳ таоло мўминларга ширқдан бошқа гуноҳларнинг кечирилиши мумкинлигига умид берган. Ихтиёр Аллоҳ азза ва жалланинг ўзида: хоҳласа – кечиради, хоҳласа – азоблайди. Шу боис ширқдан бошқа гуноҳлар учун мағфиратдан умидвор бўлиш ақлан жоиздир", дейди. Уламолар: агар банда чин тавба қилиб, гуноҳлардан тийилса,

Аллоҳ таоло унинг ширқдан бошқа барча гуноҳларини кечирдаб, яоб ишмод килинишади.

۹۸
اَللّٰم تَرَى إِلٰي الَّذِينَ يُزَكُونَ أَنفُسَهُمْ بَلِ اللَّهُ يُرِيكُ مَن يَشَاءُ
اَللّٰم

۹۹
وَلَا يُظْلَمُونَ فَتِيلًا
۱۰۰
وَلَا يُظْلَمُونَ فَتِيلًا

49. (Эй Мұхаммад), ўзларини покдомон қилиб күрсатаётгандарни күрмаяпсизми? Йўқ, Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани поклайди ва уларга қилча ҳам зулм қилинмайди.

Калбий айтади: "Бу оят яҳудийлар ҳақида нозил бўлган. Улар Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) болаларини олиб бориб: "Эй Мұхаммад, шу болаларимизда бирор гуноҳ борми?" дейишди. У киши: "Йўқ", дедилар. Улар: "Биз қасам ичадиган Зотга қасам ичамизки, биз ҳам худди шу болалардекмиз. Кундузи бирор гуноҳ қилсак, кечаси кечирилади. Кечаси бирор гуноҳ қилсак, кундузи кечирилади", дейишди. Аллоҳ айтган "Ўзларини покдомон қилиб кўрсатиш" мана шудир".

۱۰۱
أَنْظُرْ كَيْفَ يَقْرَءُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذَبَ وَكَفَرَ بِهِ إِثْمًا مُّبِينًا

50. Уларнинг Аллоҳга туҳмат қилишаётганини кўринг, шунинг ўзи уларнинг очиқ гуноҳкорлигига кифоядир.

Яҳудийлар шунча расволикларни қилиб ҳам ўзларини покиза бир жамоа деб ҳисоблашади. Ҳатто ўзларига "абнауллоҳ ва аҳбабуллоҳ", яъни, биз Аллоҳнинг болаларимиз ва дўстларимиз, деган нисбатни ҳам беришади. Бу даъволари Аллоҳ ҳақида йўқ нарсани ёлғонлаб, Унга туҳмат қилишдан бошқа нарса эмас. Бу жамоанинг очиқ итоатсиз ва осий эканига шунинг ўзи кифоя.

أَلَمْ تَرِ إِلَى الَّذِينَ أُوتُوا نَصِيبًا مِّنَ الْكِتَابِ يُؤْمِنُونَ
بِالْجِبْرِ وَالظَّغْوَتِ وَيَقُولُونَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا هَؤُلَاءِ أَهْدَى مِنْ

الَّذِينَ ءَامَنُوا سَيِّلًا

51. Китобдан насибадор бўлганларнинг бутга ва шайтонга имон келтирганларини ва кофирларни: "Булар ҳидоятдаги имон келтирганлардан кўра ортиқроқ" дейишларини кўрмаяпсизми?

Икрима айтади: "Яҳудий Ҳай ибн Аҳтоб билан Каъб ибн Ашраф Маккага келишди. Маккалик мушриклар уларга: "Сизлар китоб аҳдисиз, қадимги илмларни биласиз. Мұхаммад билан бизнинг қайсимиз тўғри йўлдалигимизни айтиб беринглар", дейишди. Улар: "Сизлар нима амал қиласизлару Мұхаммад нима қиляпти?" дейишди. Маккаликлар: "Биз жонлиқ сўямиз, чанқаганларга сув ўрнига сут тутамиз, қийналганларга ёрдам берамиз, қариндошлар билан алоқада бўламиз, ҳожиларни сийлаймиз. Бизнинг динимиз қадимги ота-боболаримизнинг дини, Мұхаммадники эса янги чиққан диндир", дедилар. Шунда улар: "Сиз Мұхаммаддан яхшироқ ва тўғрироқ йўлдасиз", дейишди. Шунда Аллоҳ юқоридаги ва қуйидаги икки оятни нозил қилди".

أُو آئِيكَ الَّذِينَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ وَمَنْ يَلْعَنَ اللَّهُ فَلَنْ يَحْمَدَ لَهُ نَصِيرًا

52. Ана шуларни Аллоҳ лаънатлаган, кимни Аллоҳ лаънатласа, унга мадакор тополмайсиз.

Пайғамбар Мұхаммад алайҳиссаломга адватлари кучайган яҳудийлар Маккага бориб, у ердаги мушриклар

билин иттифоқ тузишди, уларнинг риоясини қилиб, бутларини тавоф қилишди, шайтонни мамнун этиб: "Мушрикларнинг динлари мусулмонлар динидан яхшироқдир", дейиши. Бу кўролмаслик ва адоват уларнинг Исломга ҳасадлари туфайли эди. Шу қабоҳатлари учун Аллоҳ таоло уларни лаънатга дучор қилди. Энди уларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бирор ёрдам, мададкор бўлмайди.

۵۲ أَمْ لَهُمْ نَصِيبٌ مِّنَ الْمُلْكِ فَإِذَا لَا يُؤْتُونَ النَّاسَ نَقِيرًا

53. Ёки уларнинг салтанатда улуши борми, шундай бўлганда ҳам одамларга қилча нарса беришсин-чи!

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссалом наслига, яъни Юсуф, Довуд, Сулаймон (алайҳимуссалом) каби пайғамбарларга китоб, ҳикмат ато этиш билан бирга, уларга яна буюк мулк, салтанат, ҳукмронлик ҳам ато этган эди. Китобийлар ҳам ўзларини ана шу салтанатда ҳиссадор деб билишяптими? Бордию агар уларга ушбу салтанатдан бир улуш текканида ҳам баҳилликлари, дунёга ўчликлари туфайли одамларга заррача нарсани бермаган бўлишарди.

أَمْ يَحْسُدُونَ النَّاسَ عَلَىٰ مَاٰءَاتَتْهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ فَقَدْ ءَاتَيْنَا إَلَّا

۵۳ إِبْرَاهِيمَ الْكِتَبَ وَالْحِكْمَةَ وَءَاتَيْنَاهُ مُلْكًا عَظِيمًا

54. Ёки Аллоҳ фазли билан одамларга берган нарсаларга ҳасад қилишяптими? Ахир Иброҳим авлодига Китоб ҳам, ҳикмат ҳам, улуғ салтанатни ҳам берганимиз-ку!

Аллоҳ Ўз фазлидан бир бандасига кўпроқ насиба берган бўлса, унга нисбатан бошқаларнинг ҳасад қилиши энг оғир гуноҳлардандир. Ҳасад барча ёмонликларнинг бошидир. У кишилар орасига душманлик уруғини сочади, одамларнинг

яхши амалларини йўқ қиласди, жамиятда ихтилоф ва но-тинчликни кучайтиради. Шунинг учун ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло бандаларини бошқаларга ҳасад қилишдан қайтармоқда. Бошқаларнинг мулки, обрўси, илми ва бошқа афзаликларига ҳасад қилиш ундаги ана шу нарсаларнинг йўқ бўлишини орзу қилишdir. Бу эса ўша мусулмоннинг ҳаққига зулм саналади. Ҳасад балосидан сақланиш учун Аллоҳ таоло Ўзига сифиниб, Ўзидан паноҳ сўрашни таълим берган: "Ҳамда ҳасадчининг ҳасади ёвузлигидан (паноҳ сўраб илтижо қилурман)" (Фалақ, 5). Ҳадислардан бирида бундай марҳамат этилади: "Олдинги умматлардан сизларга етиб келган касаллик ҳасад ва филу ғашлиқdir. Ҳасад қиরувчиидир, у сочни қирмайди, балки кишининг динини қиради. Мухаммаднинг жони измида бўлган Зотга қасамки, то мўмин бўлмагунингизча жаннатга киромайсиз, бир-бирингизга ўзаро муҳаббатли бўлмагунингизча (комил) мўмин бўлолмайсиз" (Имом Термизий ривояти). Аллоҳ таоло Иброҳим авлодларига Китоб ҳам, ҳикмат (илм) ҳам, улуғ салтанатларни ҳам ато этиб қўйган бўлса, улар яна нимага ҳасад қилишади? Улар ўзгаларга ҳасад қилиш ўрнига Парвардигорлари берган неъматларга шукр қилишса бўлмайдими?!

 فِئُنْهُم مَنْ ءَامَنَ بِهِ وَمِنْهُمْ مَنْ صَدَّ عَنْهُ وَكَفَى بِجَهَنَّمَ سَعِيرًا

55. Шунда баъзилари бунга имон келтиришди, баъзилари юз ўгиришди ва уларга дўзах ўти кифоядир.

Ўзларига китоб берилганларнинг баъзилари имонга келиб, абадий саодатга мушарраф бўлишган эса-да, уларнинг кўпчилиги Аллоҳнинг ваҳийларидан юз ўгиришди, уларни инкор қилишди, Аллоҳнинг пайғамбарларини ёлғончига чиқариб, хорлашди. Бундай кимсаларга охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир, уларнинг эришадигани фақатгина дўзах ўти ва абадий азоб-қийиноклардир.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا إِيمَانَنَا سَوْفَ نُصْلِيهِمْ نَارًا كُلَّمَا نَضَجَتْ جُلُودُهُمْ

بَدَلَنَاهُمْ جُلُودًا غَيْرَهَا لِيَذُوقُوا الْعَذَابَ إِنَّ اللَّهَ

كَانَ عَزِيزًا حَكِيمًا

٥٦

56. Оятларимизга куфр келтирғанларни албатта дүзахда күйдирәмиз. Терилари күйиб битгач, азобни кучайтириш учун териларини янгилаймиз. Аллоҳ албатта құдратли ва ҳакимдир.

Қуръони карим нозил бўлганидан ўн беш аср ўтиб, ушбу ояти кариманинг бошқа оятлар каби ақлларни лол қолдириши, инсонларни ҳайратга солиши маълум бўлди. Замонавий тиббиёт мутахассислари инсон терисининг усти куйганидан сўнг унинг ички қисми ҳеч қандай оғриқни сезмай қолишини аниқлашди. Буни санчқи (укол) олаёттанды ҳам сезиш мумкин, игна терининг уст қисмига санчилганида оғрийди, кейин ичкарига ўтиши билан оғриқ сусаяди. Бу соҳада жиддий тадқиқотлар олиб борган Канада университетининг одам анатомияси бўйича фан доктори профессор Кейс Моор "Фанда инсон тўқималарига оид кашфиётларга Қуръон ва Суннатда баён қилинган ишораларнинг боғлиқлик даражаси" номи билан алоҳида рисола ҳам ёзди. Куйган-битган терининг сезиш қобилиятини йўқотиши ҳақидағи қуръоний далилларга дуч келган Тайланддаги "Шайнж май" институти тиббиёт куллиётининг мудири профессор Тажатат Тажасун "Тиббиёт янгиликлари ва Қуръон мўъжизаси" халқаро анжуманида иштирок этаёттанида Нисо сурасининг юқоридаги оятини ўқиб беришади. Шунда олим ўзлари эндиғина кашф этган илмий далил бундан ўн беш аср олдин инсониятга туширилган Қуръони каримда аллақачон баён этиб

күйилганидан ҳайратта тушиб, мусулмон бўлди. Демак, Аллоҳ таоло Ўз оятларига куфр келтирганларни дўзахда қаттиқ азобга гирифтор қилиш, қийноқларни янада оғирлаштириш учун ҳар гал териси куйиб бўлганидан кейин дўзахийнинг терисини қайтадан янгилар экан.

۰۷
وَالَّذِينَ إِيمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَنْدِ خَلْهُمْ جَنَّتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْنِهَا
أَلَّا يَهُرُّ خَلِيلِينَ فِيهَا أَبَدًا لَهُمْ فِيهَا أَزْوَاجٌ مُّطَهَّرَةٌ وَنُدُخِلُهُمْ


ظِلَّاً طَلِيلًا

Онин келиптириш, Алоҳи амалларни қилинадиган осталаридан анҳорлар оқувчи ва абадий қолинадиган жаннатларга киритамиз. Унда уларга покиза хотинлар бор ва уларни қалин сояларга киритамиз.

Инсоннинг дунёга келишидан, унда умргузаронлик қилиб ўтишидан асосий мақсад Аллоҳга имон келтириш, солиҳ амаллар қилиш, Парвардигорига тоат-ибодатда бўлиб, Унинг розилигини топиш бўлиши керак. Агар у ана шу мақсад йўлида саъӣ-ҳаракат қилса, шунга интилса, охират дунёсида Аллоҳ таолонинг юксак мукофотига – остидан анҳорлар оқиб турадиган, абадий ҳаёт кечириладиган жаннатига сазовор бўлади. Бу жаннатда жаннатийларни покиза ва бокира хотинлар, соялари қалин дараҳтзорлар кутиб турибди. Ояти каримада "қалин соялар"нинг зикр этилиши бежизга эмас. Қуръони карим нозил қилинган Арабистон жазираси асосан сахро ва қумликлардан иборат. Бу ерда тиккайган бир дараҳт, соя-салқин жой ёки оқин сувни топиш анқонинг уруғи. Оқар сувлар, қалин сояларнинг қадрини араблар жуда яхши билишади. Шу боис ояти карима уларнинг зехн-тасаввурига мана шу усул билан хитоб қилмоқда.

إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَن تُؤْدُوا الْأَمْنَاتِ إِلَى أَهْلِهَا وَإِذَا حَكَمْتُم بَيْنَ

النَّاسِ أَن تَحْكُمُوا بِالْعَدْلِ إِنَّ اللَّهَ يُعِظُّكُمْ بِهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ



58. Аллоҳ ҳақиқатан сизларга омонатни эгаларига етказишни, одамлар орасида ҳукм юритишида адолат билан қарор чиқаришни буюради. Аллоҳ сизларга қандайин гўзал насиҳат қиляпти, Аллоҳ албатта эшитувчи ва кўрувчидир.

Одамларнинг бир-бирларига омонати уларнинг ҳақларга риоя этишлариидир. Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда омонатга хиёнат қилмаслик ҳақида кўпгина огоҳлантиришлар келган. Аллоҳ таоло айтади: "...Агар бир-бирларингга ишонсаларинг, ишонч қозонган ўзидаги омонатни топширсин!" (Бақара, 283). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сизга ишонганга омонатини топширинг. Сизга хиёнат қилганга хиёнат қилманг", деганлар (Имом Аҳмад, Абу Довуд ривояти). Бошқа бир ҳадисда эса: "Омонатдорлиги йўқнинг имони йўқ, вафоси йўқнинг дини йўқ", деганлар (Имом Аҳмад ривояти). Ҳадиси шарифда омонатга хиёнат қилиш мунофиқликнинг аломатларидан бири экани таъкидланган: "Мунофиқликнинг аломати учтадир: гапирса ёғон гапиради, ваъда берса вафо қilmайди, омонат қўйилса, хиёнат этади" (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Барча жамиятларда кенг тарқалган иллатлардан бири омонатларни эгаларига қайтармаслик, омонатга хиёнат қилиш, одамлар ўртасида ҳукм юритганда адолат билан иш тутмаслиқидир. Оддийгина мисол: ҳозирги пайтда айрим

одамлар бирордан қарз оладиу уни қайтаришни пайсалга солади ёки умуман уни қайтаришдан воз кечиб юборади. Баъзилар зарурат юзасидан эмас, балки бойлигини янада кўпайтириш, дунёнинг фоний матоларини тўплаб, бошқалардан қолишмай яшаш, серчиқим тўйлар қилиш, ҳашаматли уйлар қуриш учун қарз олади. Мана шундай одамларнинг бири икки бўлмайди, ҳамиша қарзга ботиб, танг аҳволда юради. Имкон бўлиши билан қарзини узмай, уни тўлашни чўзиш ё қайтаришдан умуман бош тортиш оқибатида қарздор хор-зор бўлади. Пайғамбар алайҳиссалом бундай деганлар: "Ким одамлардан қарз олганида уни узиш, қайтариб бериш нияти билан олса, Аллоҳ унга ёрдам беради. Аммо ким йўқ қилиш (еб кетиш) нияти билан олса, Аллоҳ уни (қарздорни) ҳам йўқ қилиб юборади". Қарздорлик жуда оғирдир. Қарзидан бу дунёда қутулмаган кимса қиёматда уни савоблари билан тўлайди. Улуғ фазилатлар, улкан савоблар ва олий мартабаларга эришганлар ҳам қарзнинг савол-жавобидан қутула олишмайди.

Омонатга хиёнатнинг турлари кўп: эгаси ишлатишга рухсат бермаган нарсаларни ишлатиш (масалан, кийимини кийиш, уловини миниш каби); қўйилган омонатдан тониш; мол-мулқдаги фойдани кетказиш; ҳақ ва мулклардаги хиёнат ва бошқалар. Бирорнинг ҳатто сирини очиш, "айтманг" деган гапини бошқаларга етказиш ҳам бундаги хиёнатга киради.

Яхудийлар одатларига кўра бошқаларнинг омонатларига хиёнат қилишар, одамлар ўртасида бирор ишни ҳал қилмоқчи бўлишса, пора берган тарафга мойил бўлиб, ҳақиқатта тескари йўл тутишар эди. Аллоҳ таоло Қуръони карим оятлари воситасида мусулмонларни ана шу ёмон иллатлардан қайтаради. Ушбу ояти кариманинг тушишига сабаб бўлган воқеа бундай: Макка фатҳ қилинган (эгалланган) куни Пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссалом Каъба ичига кирмоқчи бўлдилар. Усмон ибн Талҳа калитдор

эди, лекин у калитни бермади. Шунда Ҳазрати Али калитни тортиб олиб, эшикни очиб бердилар. Сарвари олам ичкарига кириб-чиққанларидан кейин амакилари калитни ўзларига топширишни илтимос қилдилар. Шу воқеа устида юқоридаги ояти карима тушди, унинг ҳукмига кўра Пайғамбаримиз омонатга хиёнат қилмай, калитни Усмон ибн Талҳага топширдилар.

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولَئِكَ مِنْكُمْ فَإِنْ
 تَنْزَعُمُ فِي شَيْءٍ فَرُدُوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ
 الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا



59. Эй имон келтирганлар, Аллоҳга итоат қилинглар, Пайғамбарга ва ўзларингиздан бўлган раҳбарларга итоат қилинглар. Агар Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлсанглар, бирор нарсада тортишиб қолганингизда уни Аллоҳга ва Пайғамбарига ҳавола қилинглар. Ана шу яхши ва оқибати хайрлидир.

Аввалги оятда раҳбар ҳокимларга одамлар орасида адолат билан ҳукм чиқариш буюрилган эди. Ушбу оятда эса одамларга ўзларидан сайланган ва ҳақ йўлда бўлган раҳбарларга итоатда бўлиш амр қилинмоқда. Агар одамлар ва раҳбарлар ўртасида келишмовчилик чиқиб қолса, Аллоҳнинг Китобига ва Пайғамбар алайҳиссалом суннатларига мурожаат этилади. Агар раҳбарларнинг ҳукмлари ҳақиқатдан Китоб ва Суннатта мувофиқ бўлса, унга бўйсунилади ва тортишув бас қилинади. "Ақидатут-Таховия"да бундай ёзилган: "Подшоҳларимиз ва раҳбарларимизга қарши, гарчи зулм қилсалар ҳам, хуруж қилмаймиз, уларни дуоибад ҳам этмаймиз. Итоатидан бош тортмаймиз. Уларга итоат этишни Аллоҳга итоат этиш

жумласидан, яъни фарз деб биламиз. Гуноҳ ишларга буюрсаларгина итоат этмаймиз. Уларнинг ҳаққига яхши дуолар қилиб турдимиз" ("Ақоид" матнлари, шайх Абдулазиз Мансур таржимаси). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ким менга итоат қилса, батаҳқиқ, Аллоҳга итоат қилибди. Ким менга исён қилса, батаҳқиқ, Аллоҳга исён қилибди", деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

۶۰

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يَرْعَمُونَ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا بِعَماً أُنْزِلَ إِلَيْكَ وَمَا
أُنْزِلَ مِنْ قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَنْ يَتَحَكَّمُوا إِلَى الظَّغُوتِ وَقَدْ أَمْرُوا أَنْ
يَكْفُرُوا بِهِ وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُضِلَّهُمْ ضَلَالًا بَعِيدًا

60. (Эй Мұҳаммад), уларнинг сизга нозил қилинган Китобга ва сиздан олдин туширилғанларга имон келтирғанликни даъво қилишларини, тоғутдан ҳукм сўрашни исташларини кўрмадингизми? Ҳолбуки унга ишонмаслик буюрилган, шайтон сизларни ҳамиша йўлдан оздиришни хоҳлайди.

Тоғут – шайтон исмларидан бири, кенгроқ маънода "шайтоний йўл", демакдир. Тоғутдан ҳукм сўраш Аллоҳнинг ҳукмига зид, Унинг изнисиз бўлган ҳукмни сўрашдир. Аҳли китоблар ўзларига туширилган китобларга ва кейин нозил қилинган Қуръони каримга имон келтирғанлари даъвосида бўлишса ҳам, улар аслида шайтоний йўлни танлашган ва тоғутдан ҳукм сўрашни истаб туришади.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا إِلَى مَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَإِلَى الرَّسُولِ رَأَيْتَ

۶۱

الْمُنَافِقِينَ يَصْدُّونَ عَنْكَ صُدُودًا

61. Уларга: "Аллоҳ нозил қилганига ва Пайғамбарга мурожаат қилинглар", дейилса, мунофиқларниң сиздан дарҳол юз ўгирганларини кўрасиз.

Мадинада бир яҳудий ва мунофиқ ўртасида низо пайдо бўлганида яҳудий ҳақ бўлгани учун ажрим чиқариш мақсадида Расулуллоҳ (алайҳиссалом) олдиларига борайлик, деди. Мунофиқ эса яҳудийларниң олими ва раҳбари бўлган Катъи ибн Ашраф олдига борамиз, деди. Охири икковлари Сарвари олам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига боришди. Жаноб Пайғамбар яҳудий фойдасига ҳукм қилдилар. Мунофиқ бундан рози бўлмай, Ҳазрати Умар олдиларига бориб шикоят қилди. Ҳазрати Умар воқеанинг тафсилоти билан тинглаб, Расулуллоҳ ҳукмларига рози бўлмаган мунофиқни ўша ерда ўлдиридилар. Сўнг унинг ворислари Ҳазрати Умардан хун даъво қилишди. Шу воқеа устида бир неча оятлар нозил бўлди ва Ҳазрати Умарга "Форуқ" (ҳақ ва ботилни фарқловчи) унвони берилди.

فَكَيْفَ إِذَا أَصَبْتُهُمْ مُّصِيبَةً بِمَا قَدَّمْتُ أَيْدِيهِمْ ثُمَّ
جَاءُوكَ يَحْلِفُونَ بِاللَّهِ إِنَّا إِلَّا إِحْسَنَآ وَتَوْفِيقًا
٦٢

62. Қилмишлари туфайли уларга мусибат етганида ҳузурингизга келгач, Аллоҳ номи билан қасам ичиб: "Биз фақат яхшиликни ва муросани хоҳлаган эдик", дейишлари қандай бўлди?

Яъни, эй Пайғамбарим, ана шундай кимсаларниң мусибат етиб, яъни сафдошлари ўлдирилганидан кейин ҳузурингизга келгач, Аллоҳ номи билан қасам ичганлари, ўз қилмишлари билан фақат яхшиликни ва муросани истаганлари ҳақидаги сўзларига нима дейсиз?

أَوْلَئِكَ الَّذِينَ يَعْلَمُ اللَّهُ مَا فِي قُلُوبِهِمْ فَأَعْرِضْ عَنْهُمْ

٦٣ وَعِظَمُهُمْ وَقُلْ لَهُمْ فِي أَنْفُسِهِمْ قَوْلًا بَلِيغًا

63. Аллоҳ бундайларнинг кўнгилларидағини билади, шунинг учун уларнинг қилмишларидан кўз юминг, дилларига етиб борадиган сўзлар билан насиҳат қилинг.

Бу ояти каримада ҳам юқоридаги воқеаларнинг давоми баён қилингти. Яъни, мунофиқнинг Ҳазрати Умар қўлларида ўлим топиши унинг исёни ва иккюзламачилиги жазоси эди. Энди бу ҳодиса туфайли уларнинг ички аҳволи очила бошлади. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, Аллоҳ таоло номи билан қасам ичган ҳолда: "Биз Ҳазрати Умар олдиларига Расулуллоҳ ҳукмларидан норози бўлиб бормадик, балки у жаноб бизни яраштириб қўядилар, деган яхши ниятда боргандик", дейишди. Аллоҳ таоло марҳамат қиляптиki, бу жамоанинг барча сир-асрорлари Менга яхши маълум, сиз уларнинг қилмишлари учун таъқибга олманг, дилларига етиб борадиган яхши сўзлар билан насиҳат қилаверинг, тавба эшиклари ҳамиша очик, Аллоҳга қайтиш ҳеч қачон кечикмайди.

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ رَسُولٍ إِلَّا لِتُكَاعِدَ بِإِذْنِ اللَّهِ وَلَوْ أَنَّهُمْ

إِذْ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ جَاءُوكَ فَاسْتَغْفِرُوا اللَّهَ وَأَسْتَغْفِرُ

٦٤ لَهُمُ الرَّسُولُ لَوَجَدُوا اللَّهَ تَوَابًا رَّحِيمًا

64. Қай бир пайғамбарни юборган бўлсак, Аллоҳ изни билан унга итоат қилинсин деб юборганимиз. Агар ўзларига жабр қилганларида ҳузурингизга келиб Аллоҳга истиғфор айтишганида ва Пайғамбар ҳам улар учун мағфират тилаганида Аллоҳнинг албатта кечирувчи ва раҳмли эканини билишарди.

Аллоҳ таоло Ўз изни билан бандаларининг ўзларига юборилган пайғамбарларга итоат этишларини ирова қилган. Мунофиқлар эса пайғамбарларни ёлғончига чиқариб, уларга итоат этмасликлари билан ўз жонларига жабр қилишяпти. Эй Мұхаммад (алайхиссалом), агар улар ўзларига жабр қилиб қўйгач, ҳузурингизга келиб, Аллоҳга истиғфор айтишганида, сиз ҳам улар учун мағфират тилаганингизда эди, Аллоҳнинг тавбаларни қабул қилувчи, гуноҳларни мағфират этувчи ўта меҳрибон ва раҳмли Зот эканини билган бўлишар эди.

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ إِنَّمَا شَجَرَ بَلَّهُمْ

ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ



وَيَسِّلُهُمْ إِلَيْكَ

65. Йўқ, (эй Мұхаммад), Парвардигорингизга қасамки, улар то ораларидаги келишмовчиликларга сизни ҳакам қилмагунларича, сизнинг ҳукмингизга чин дилдан бутунлай рози бўлмагунларича ҳаргиз мўмин бўла олишмайди.

Урва ибн Зубайр отасидан ривоят қиласи: "Зубайр билан бир ансорий ариқ устида тортишиб қолиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламга боришиди. Иккови ҳам шу

ариқдан экин сүфоришарди. Аңсорий Бадр ахлидан эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Зубайрга: "Сүфоргин-да, кейин сувни қўшнингга очиб юбор", дедилар. Бундан ансорий ғазабланиб: "Эй Расулаллоҳ, аммангизнинг ўғли бўлгани учун шундай қилдингиз!" деди. Бу гапдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари қизариб кетди ва Зубайрга: "Ўзинг сүфор-да, сўнг сувни тамбалаб қўй, қонгунича нариги тарафга ўтмасин", – дедилар. Натижада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Зубайрнинг ҳақини тўлиқ қилиб бердилар. Бундан олдин Зубайр учун ҳам, ансорий учун ҳам қулай бир ҳукм қилган эдилар. Аңсорий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғашларини келтирганидан кейин очиқ-ойдин ҳукм билан Зубайрнинг ҳақини тўлиқ қилиб бердилар" (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

وَلَوْ أَنَا كَنَبَّا عَلَيْهِمْ أَنِ افْتُلُوا أَنفُسَكُمْ أَوْ أَخْرُجُوا مِنْ دِينِكُمْ
مَا فَعَلُوهُ إِلَّا قَلِيلٌ مِّنْهُمْ وَلَوْ أَنَّهُمْ فَعَلُوا مَا يُوَعِظُونَ بِهِ لَكَانَ خَيْرًا
لَهُمْ وَأَشَدَّ تَبْيَيْتًا



66. Агар уларга: "Ўзларингизни ўлдириинглар ёки диёрларингиздан чиқинглар!" деб буюрганимизда эди, бунга озчилик бўйсунарди. Улар ўзларига қилинган насиҳатларга амал қилишганида ўзларига яхши бўларди ва бу уларни саботлироқ қиласарди.

Агар Аллоҳ таоло инсонларга қўлларидан келмайдиган ишларни, масалан, ўзларини ўлдиришни ёки юртни ташлаб чиқиб кетишини буюрганида, бунга жуда озчилик бўйсунган бўларди. Аммо У бандаларига оғир ва машақатли вазифаларни амр этаётгани йўқ. Фақат Ўзига ва инсониятга

юборган пайғамбарларига ишонишни, уларга итоатда бўлишни буюрмоқда, холос. Агар улар ўзларига нозил этилаётган ваҳийларга амал қилиб, пайғамбарларга бўйсунишганида ўзларига яхши бўлур эди.

٦٧ مِنْ لَدُنَّا أَجْرًا عَظِيمًا

67. У ҳолда ҳузуримиздан улуғ мукофотлар берган бўлур эдик.

Ана шундай йўлни тутган, ҳидоят йўлларига юз бурган кишиларга Аллоҳ азза ва жалла Ўз ҳузуридан улуғ савобларни, олий мукофотларни, абадий роҳат ва фароғат маскани бўлмиш жаннат боғларини ваъда қилаётири.

٦٨ وَلَهُدِّيَتُهُمْ صِرَاطًا مُّسْتَقِيمًا

68. Ва уларни тўғри йўлга йўллар эдик.

Энг асосийси, Аллоҳ таоло итоаткор бундай зотларни Ўзининг фазли ва марҳамати билан куфр, залолат исканжасидан қутқариб, нажот йўли бўлмиш ҳидоятга йўллаб қўйган бўлур эди.

وَمَن يُطِعِ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنْ أَنْبِيَاءِنَا وَالصَّدِيقِينَ وَالشَّهِدَاءِ وَالصَّالِحِينَ وَحَسْنَ

٦٩ أُولَئِكَ رَفِيقًا

69. Ким Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат қилса, Аллоҳ инъом ато этган пайғамбарлар, сиддиқлар,

шахидлар, солиҳлар билан биргадир. Улар энг яхши сафдошдирлар.

Пайғамбарлар Аллоҳ таоло томонидан танлаб олинган, Аллоҳ томонидан фаришталар орқали ваҳий юбориб турилган саодатманд зотлардир. Сиддиқлар эса пайғамбарларга келган ваҳий ва ҳукмларга чин дилдан, ҳеч қандай шак-шубҳасиз ва далилсиз ишонган севимли инсонлардир. Шаҳидлар эса Аллоҳ таоло йўлида, унинг дини олий бўлиши учун жон фидо қилувчилардир. Солиҳлар – яхшилик учун яратилганлар, улар нафслари ва вуҷудларини барча ёмонлик ва ифлосликлардан тозалашган. Бу тўрт гурӯҳ барча мусулмонларнинг жавоҳирлари, Аллоҳ таоло фазли ва неъматларига сазовор баҳтиёр инсонлардир. Аллоҳ таолога, Унинг Пайғамбарига итоатда бўлган ҳар бир киши қиёматда улар билан бирга бўлади, мунофиқлар эса улар билан сафдош бўлиш баҳтидан маҳрумдирлар.

ذَلِكَ الْفَضْلُ مِنْ رَبِّهِ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ عَلَيْهَا

70. Бу Аллоҳнинг марҳаматидир ва Аллоҳ ҳамма нарсани билувчиидир.

Аллоҳга ва Унинг Расулига итоатда бўлиб, Унинг йўлида ҳаракат қилувчиларга Аллоҳнинг буюк марҳамати ва фазли насиб этади. Бундай баңдалар қиёмат куни Парвардигорларининг розилиги ва улкан мукофотларига сазовор бўлишади. Чунки Аллоҳ азза ва жалла баңдаларининг ҳар бир яхши-ёмон ишлари, ҳатто ўй-хаёлларигача жуда яхши билиб турувчи Зотdir.

يَتَأْمِنُهَا الَّذِينَ إِيمَنُوا خُذُوا حِذْرَكُمْ فَإِنْفِرُوا ثُبَاتٍ

وَأَنْفِرُوا جَمِيعًا

71. Эй имон келтирғанлар, эҳтиёткор бўлинглар, гуруҳларга бўлиниб ёки ҳаммангиз бирлашиб чиқинглар.

Эй мўминлар, ҳамиша душманларингизнинг макр ва ҳийлаларидан, фитналаридан огоҳ бўлиб, уларнинг қўққисдан қиласиган ҳужумларига доимо шай туринглар. Уларнинг фитнасига алданиб ёки алдовларига учиб Ислом биродарлигига рахна солманглар, уларнинг қаршисига гуруҳ-гуруҳ бўлиб ёки бутун бир қўшин сифатида чиқинглар.

۱۷۲
وَإِنْ مِنْكُمْ لَمْ يَبْطِئْنَ فَإِنْ أَصَبَّتُكُمْ مُّصِيبَةً قَالَ قَدْ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيَّ إِذْ
لَرَ أَكْنَ مَعَهُمْ شَهِيدًا

72. Ораларингизда чиқмай қоладиганлар ҳам бор. Агар сизларга мусибат етса у: "Менга Аллоҳнинг инъоми бўлди, яхшиямки улар билан бирга эмасдим", дейди.

Ораларингизда сизлар билан бирга жангга чиқмай, яшириниб қолувчи ёки турли баҳоналарни рўкач қилиб урушдан бўйин товловчи кимсалар ҳам бор. Уларга нисбатан ҳушёр бўлинглар. Сабаби, агар сизларга жангда бирор талафот етиб, мағлубиятга учрайдиган бўлсанглар, улар: "Яхшиямки жангга чиқмаганим, бошқалар унда ҳалок бўлди, мен эса Аллоҳнинг фазли-инояти билан ўлимдан қолдим", дейишади.

۱۷۳
وَلِئِنْ أَصَبَّكُمْ فَضْلٌ مِّنَ اللَّهِ لِيَقُولَنَّ كَأَنْ لَمْ تَكُنْ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُ
مَوَدَّةٌ يَلْيَسْتَنِي كُنْتُ مَعَهُمْ فَأَفْوَزَ فَوْزًا عَظِيمًا

73. Агар Аллоҳ сизларга фазл-марҳамат қилса, гүё ҳеч нима бўлмагандай: "Қанийди, улар билан бирга бўлсайдим, улуғ зафарга эришардим", дейди.

Эй мўминлар, агар Аллоҳ сизларга фазли ва марҳаматини кўрсатиб, нусрат-ғалабасини берса, улар гүё ҳеч нарса бўлмагандай, "Қанийди, улар сафида бўлганимда Аллоҳнинг фазли-марҳаматидан қуруқ қолмаган бўлардим", дейди.

فَلَيُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يَشْرُونَكَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا
 بِالآخِرَةِ وَمَنْ يُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَيُقْتَلُ أَوْ يَغْلِبْ فَسَوْفَ
٧٤ تُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا

74. Дунё ҳаётига охиратни сотиб оладиганлар Аллоҳ йўлида жанг қилишсин. Ким Аллоҳ йўлида жанг қилиб ўлдирилса ё ғалаба қилса, Биз унга улуғ мукофотлар берамиз.

Эй мўминлар, агар ораларингда қўрқоқлиги туфайли ёки имони заифлиги ёхуд иродаси бўшлиги сабабли жангдан бўйин товладиганлар чиқиб қолса, улар дунё ҳаёти эвазига охират мукофотларини сотиб олишсин ва Аллоҳнинг дини равнақи йўлида ҳаракат қилишсин. Бундайлар қаршисида икки йўл бор: ким Аллоҳ динининг ғолиблиги йўлида ҳалок бўлса ёки душманга қарши жангда ғалабага эришса, ҳар икки ҳолатда ҳам уларга Парвардигорларининг улуғ мукофотлари, абадий роҳат-фароғат жойи бўлмиш жаннати ва Аллоҳ азза ва жалланинг розилиги ваъда қилинган.

وَمَا لَكُمْ لَا تُقْتَلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ
وَمَا لَكُمْ لَا تُقْتَلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ
وَالْوِلْدَانِ الَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَخْرِجْنَا مِنْ هَذِهِ الْقَرِيَةِ أَلَظَالِمُ اَهْلُهَا

7  وَاجْعَلْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ وَلِيًّا وَاجْعَلْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ نَصِيرًا
йўлида ҳамда тарвардигоро, оизларни аҳли золим
бўлган бу шаҳардан чиқар, ҳузурингдан бизларни ҳимоя
қилувчи ва ёрдам берувчи бир дўст юбор" деяётган ночор
эрлар, хотинлар ва болалар ҳаққи-ҳурмати жанг
қилмайсизлар?!

Яъни, эй мўминлар, дин душманлари зулми остида эзилиб
ётган, қутулишга на бир дўст, на бир ёрдамчи топа олаётган
узрли, ночор эркаклар, аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш
ва уларни зулмдан қутқариш учун нега жангга
чиқмаяпсизлар?

الَّذِينَ إِمْتَنُوا يُقْتَلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا يُقْتَلُونَ فِي سَبِيلِ

الَّطَّغُوتِ فَقَتِلُوا أَوْلِيَاءُ الشَّيْطَانِ إِنَّ كَيْدَ الشَّيْطَانِ

 كَانَ ضَعِيفًا

76. Мўминлар Аллоҳ йўлида урушишади, кофирлар
тоғут йўлида жанг қилишади. Шайтон дўстларига қарши
урушинглар, албатта шайтоннинг макр-ҳийлалари
кучсиздир.

Аллоҳ таоло буюяптики, шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилинглар. Шайтонлар ташида ҳар нарсага қодирдай кўринса ҳам, аслида унинг макр-ҳийлалари, васвасалари жуда заифдир. Шайтон инсонни йўлдан оздиришда жуда маҳоратли. Лекин шунга қарамай, у хоҳлаган кишини куфр ва хиёнаттага бошлай олмайди. Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) истаган кишиларини ҳидоятга бошлаш салоҳияти берилмаганидек, иблиси лаъинга ҳам хоҳлаган кишини гуноҳга ботириш имконияти берилмаган. Шунинг учун ҳам одам боласи ўзини "Шайтон мени йўлдан оздириди" деган баҳонанинг ҳимоясига олиши нотўғридир. Чунки инсон чиркин ишлари билан шайтонни ўзига чорлайди. Гуноҳлар билан шайтонни хурсанд қилади. У билан дўстлашиб, Аллоҳнинг исёнкор бандасига айланади. Тофут (иблис) худди шу вақтда инсонни ўз домига илинтиради, измига солади.

Лекин тақволи мўмин тоат-ибодатда турганида шайтон унинг бир тукига ҳам тега олмайди, зарар етказа олмайди. Мўмин киши шайтоннинг ҳар қандай васвасасига ирова билан бардош бериб, шайтонга алданиб қолишдан сақланиши, бунинг учун Аллоҳни қўп-қўп зикр қилиши лозим. Намозда васваса келган пайтда фикрини бир ерга жамлаб, фақатгина ўқиётган сураси мазмунини ўйлаши, бошқа пайтларда шайтон васвасасига қалқон бўлувчи Фалак, Нос суралари маъносини англаган ҳолда тез-тез ўқиб туриши керак бўлади.

الْقَرَّ إِلَى الَّذِينَ قِيلَ لَهُمْ كُفُوا أَيَّدِيهِكُمْ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَءَانُوا الْزَكُوْةَ
 فَلَمَّا كُتِبَ عَلَيْهِمُ الْفِتْنَالْ إِذَا فَرِيقٌ مِّنْهُمْ يَخْشَوْنَ النَّاسَ كَخْشَيَةَ اللَّهِ أَوْ
 أَشَدَّ خَشْيَةً وَقَالُوا رَبَّنَا لَمْ كَبَّتْ عَلَيْنَا الْفِتْنَالْ لَوْلَا أَخْرَنَنَا إِلَى أَجَلٍ

قَرِيبٌ قُلْ مَنْعَ الدُّنْيَا قَلِيلٌ وَالآخِرَةُ خَيْرٌ لِمَنِ اتَّقَى



وَلَا نُظْلِمُونَ فَإِنَّا

77. (Эй Мұхаммад), "Үзларингизни тийиб, намозларингизни адо қилиб, закотни бериб туринглар" дейилгандарни күрмайсизми? Уларга жанг фарз қилинганида бир гурухи одамлардан Аллоҳдан құрққанидан ҳам қаттиқроқ құрқишиді ва: "Эй Парвардигор, бизларга нега жангни фарз қилдинг, бир оз кейинга сурсанғ бўлмасмиди?!" дейишиди. Уларга: "Дунёнинг фойдаси оз, тақводорларга охират яхшидир ва қилча ҳам зулм қилинмайди", денг.


Маккай мұкарамада ҳижратдан аввал кофирлар мусулмонларни кўп қийнашган ва уларга чексиз зулм кўрсатишган. Шунда мусулмонлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб шикоят қилишган, кофирларга қарши урушга чиқиб, улардан ўч олишга ижозат сўрашган. Лекин Расули акрам уларни тинчлантириб: "Парвардигорим томонидан менга урушиш ҳақида ҳукм келмади, балки сабр ва кутишга буюрилганимиз. Ҳозирча сизлар намозларингизни адо этиш, закотни бериш билан машғул бўлинглар", дедилар.

Мусулмонлар Мадинага ҳижрат қилишганидан (кўчишганидан) кейин Аллоҳ мусулмонларнинг ўзлари талаб қилган жиҳодни фарз қилди. Шунда имони заиф баъзи мусулмонлар кофирларга қарши урушдан шунчалик қўрқиб кетишидик, ҳатто Аллоҳ таолодан ҳам бунчалик қўрқишимаганди. Улар: "Эй Парвардигор, нимага бизга бу урушни буюрдинг, агар уни орқага суриб турганингда яна анча ҳаёт кечирар эдик", дейишиди. Аллоҳ таоло Ўз Ҳабибига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтятпики, дунё роҳатлари арзимас ва тез ўтиб кетувчидир, охират роҳат-фароғатла-

ри эса ҳақиқий ва тутанмас лаззатдир. Лекин бу фақат Аллоҳдан қўрқувчилар, Унинг буйруқларини бажарувчилар учундир. Аллоҳ таоло ҳузурида сизларга хурмо данаги ипичалик ҳам зулм қилинмайди, заррача амалингиз савоби ҳам зое кетмайди.

Абу Мансур Мотуридий (раҳимаҳуллоҳ) ушбу оят тафсирида бундай деганлар: "Мусулмонларнинг жангга чиқишидан қўрқиб, бу сўзларни айтишлари динга шак келтириш ёки ундан воз кечиш ниятида эмас, балки инсон табиатига хос жон талвасаси туфайли бўлиб, буни Аллоҳнинг ҳукмини қабул қиласлик деб тушунмаслик керак. Зоро, уларнинг эътиқодлари бутун эди".

أَيْنَمَا تَكُونُوا مُدْرِكُمُ الْمَوْتُ وَلَوْ كُنْتُمْ فِي بُرُوجٍ مُّسَيَّدَةٍ وَإِنْ تُصِيبُهُمْ
حَسَنَةٌ يَقُولُوا هَذِهِ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَإِنْ تُصِيبُهُمْ سَيِّئَةٌ يَقُولُوا هَذِهِ مِنْ
عِنْدِكُمْ قُلْ كُلُّ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ فَمَا لَهُؤُلَاءِ الْقَوْمِ لَا يَكَادُونَ



78. Қаерда бўлсанглар ҳам, ҳатто мустаҳкам қалъаларда ҳам ўлим сизларни топади. Агар улар фойда кўришса, "бу Аллоҳдан", дейишади, бирор зарар етса, бунга сизни сабабчи дейишади. Уларга: "Бари Аллоҳдан", денг. Нега бу қавм ҳеч гапни тушумайди?!

Эй инсонлар, белгиланган ажалдан қутулиб қоламан, деб хомтама бўлманглар. Қаерда бўлсанглар ҳам, ҳатто мустаҳкам қалъаларнинг ичига яшириниб олсанглар ҳам ўлим барибир сизларни излаб топади. Мунофиқлар эса, фойдага эришишса, "Бу Аллоҳдан" дейишадиyo, аммо ўзла-

рига бирор зарар етгудай бўлса, дарров Пайғамбарни айблашади. Эй Муҳаммад, уларга: "Буларнинг бари Аллоҳдан", денг.

Абу Солих Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қиласиди: "Уҳуд куни Аллоҳ мусулмонлардан шаҳидларни ажратиб олгач, жангга бормай қолган баъзи мунофиқлар: "Ўлдирилган биродарларимиз бизнинг олдимиизда бўлишганида ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлишар эди", дейишиди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди".

مَا أَصَابَكُمْ حَسَنَةٌ فِيْنَ اللَّهِ وَمَا أَصَابَكُمْ مِنْ سَيِّئَةٍ فِيْنَ نَفْسِكُمْ وَأَرْسَلْنَاكُمْ
لِلنَّاسِ رَسُولًا وَكَفَى بِاللَّهِ شَهِيدًا

٧٩

79. (Эй инсон), сенга етган яхшилик Аллоҳдандир, ҳар қандай ёмонлик эса ўзингдандир. (Эй Муҳаммад), Биз сизни инсонларга пайғамбар этиб юбордик ва гувоҳликка Аллоҳ кифоядир.

Ҳақиқат шуки, барча яхшиликлар ва ёмонликларни пайдо қилувчи Аллоҳ таолодир. Лекин бандалар яхшиликни Аллоҳ таолонинг фазли-карами ва марҳаматидан деб, ёмонлиknи эса ўзларининг қилмишлари ва шумликларидан деб билишсин ҳамда буни Пайғамбар алайҳиссалом зиммаларига юклашмасин.

مَن يُطِعِ الرَّسُولَ فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ وَمَن تَوَلَّ فَمَا أَرْسَلْنَاكُمْ عَلَيْهِمْ

٨٠

حَفِظًا

80. Ким Пайғамбарга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлади, ким юз ўғирса, энди Биз сизни уларга соқчи қилиб юбормаганмиз.

Яъни, ким Пайғамбарга итоат қилса, Аллоҳга ҳам итоат қилган бўлади. Чунки Пайғамбар мўминларни Аллоҳ амр этган нарсаларга буюради, Аллоҳ қайтарган нарсалардан четда бўлишга чақиради. Аллоҳнинг элчисига итоат Парвардигорнинг Ўзига итоат қилишидир. Ким Бизнинг ваҳийларимиздан юз ўғирса, бу – унинг иши. Эй Пайғамбарим, Биз сизни хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборганимиз, холос. Улар устидан назорат қилиш, уларни ҳидоятга бошлиш сизнинг вазифангиз эмас, буларнинг бари Бизнинг иродамизга боғлиқ.

وَيَقُولُونَ طَاعَةٌ فَإِذَا بَرَزُوا مِنْ عِنْدِكَ بَيْتَ طَابِقَةٍ مِّنْهُمْ غَيْرُ
الَّذِي تَقُولُ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا يُبَيِّنُونَ فَأَعْرِضْ عَنْهُمْ وَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ
وَكَفَىٰ بِاللَّهِ وَكِيلًا

(۸۱)

81. Улар: "Итоатдамиз", дейишадиу ҳузурингиздан чиққач айримлари айтганингизнинг тескарисига хуфёна тил бириктиришади. Аллоҳ эса уларнинг яширинча келишувларини ёзиб қўяди. Улардан юз ўгиринг ва Аллоҳга таваккал қилинг, ҳомийликка Аллоҳ кифоядир.

Иккиланувчилар ва мунофиқларнинг "Биз ҳам Аллоҳга ва Унинг Расулига итоатдамиз" деган гапларига ишонманг. Улар сиздан ажralганлари заҳоти сизнинг зиддингизга тил бириктириб, пинҳона сизга қарши хусуматни бошлайди. Улардан юз ўгириб, фақат Парвардигорингизга

таваккал қилинг, чунки ҳомийликка ва сизни қўллашга фақат Унинг йўзи кифоядир.

أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ الْقُرْءَانَ وَلَوْ كَانَ مِنْ عِنْدِ غَيْرِ اللَّهِ لَوْجَدُوا فِيهِ أَخْيَلَفًا

٨٣
كَثِيرًا

82. Қуръон ҳақида фикр юритишмайдими? Агар у Аллоҳдан бошқанинг томонидан бўлганида эди, унда кўп қарама-қаршиликлар топган бўлишарди.

Қуръони каримнинг илоҳий Калом эканига далиллардан бири шуки, унда ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ. Чунки инсонларнинг энг сўзамоллари ва донолари нақадар маҳорат ва фасоҳат соҳиби бўлишмасин, уларнинг фикр-ёзувларида албатта қандайдир ноқислик, қарама-қаршилик келиб чиқади. Чунки уларнинг баъзи жумлалари ишонарли бўлса, баъзиси ишонарсиз бўлади, баъзиси рост бўлса, бошқаси ёлғон чиқади. Лекин Қуръони карим Аллоҳ таолонинг муқаддас каломи бўлгани учун ундан бундай қусурларни топа олмайсиз.

وَإِذَا جَاءَهُمْ أَمْرٌ مِّنْ أَلَّامِنِ أَوِ الْخَوْفِ أَذَا عُوْيَهُ وَلَوْ رَدُّوهُ إِلَى الرَّسُولِ وَإِلَى أَوْلَى الْأَمْرِ مِنْهُمْ لَعِلَّهُمْ لَعِلَّهُمْ يَسْتَأْمِنُهُ مِنْهُمْ وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ لَا تَبْغِيْمُ الْشَّيْطَانَ


٨٤
إِلَّا قَلِيلًا

83. Уларга тинчлик ёки хавф-хатар хабари келганида буни тарқатиб юборишади. Агар уни Пайғамбарга ё ўз раҳбарларига ҳавола қилишганида улар бу иш моҳиятини тушунган бўлишарди. Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганида кўпчилигингиз шайтонга эргашиб кетардингиз.

Ояти каримада зикр этилган мунофиқлар ва содда мусулмонлардан етадиган заарлардан бири шуки, улар омонлик ёки хавф хабари (масалан, душман фалон ерга тўпланяпти, мусулмонларга фалон ерда шикаст етди кабилар) етиб келиши билан уларни текшириб ҳам кўрмай, ҳақиқатини аниқламай тезда халқа ёйиб юборишар эди. Мунофиқлар буни билатуриб, заар етказиш мақсадида қилишса, мусулмонлар соддалик билмасдан қилишарди. Агар улар бундай хабарни эшитган заҳоти Пайғамбар алайҳис-саломга ёки ўзларининг бошлиқларига ҳавола қилишганида, улар бунинг асл моҳиятига етиб, сўнгра ҳақиқатини айтишар эди. Бу тариқа танбех ва тўғри йўлга йўллаш Аллоҳ таолонинг фазл ва раҳматидир. Агар шундай қилмаганида мусулмонларнинг кўпчилиги йўлдан озиб, шайтонга эргашиб кетар эди.

فَقَاتِلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا تُكْلِفُ إِلَّا نَفْسَكَ وَحَرَضَ الْمُؤْمِنِينَ عَسَى

اللَّهُ أَن يَكُفَّ بَأْسَ الَّذِينَ كَفَرُوا وَاللَّهُ أَشَدُ بَأْسًا



84. (Эй Муҳаммад), Аллоҳ йўлида жанг қилинг! Ўзингиздан бошқага масъул эмассиз, мўминларни қизиқтиринг. Шояд, Аллоҳ коғирларнинг шиддатини даф килса! Аллоҳ барчадан шиддатли ва азоби қаттиқдир.

Ушбу ояти карима тушганида Пайғамбар алайҳиссалом: бирорта сафдошсиз ёлғиз ўзим қолсам ҳам барибир жиҳодга чиқаман, деган эдилар. Кейин у зотта етмиш саҳоба эргашиб, Катта Бадр урушига чиқишиди ва Аллоҳ таоло коғирларнинг дилига хавф солиб, улар урушишга ҳад қила олишмади. Пайғамбар алайҳиссалом бу урушда талафот кўрмай, ғолиб бўлиб қайтдилар.

مَن يَشْفَعُ شَفَاعَةً حَسَنَةً يَكُن لَهُ نَصِيبٌ مِنْهَا وَمَن يَشْفَعُ شَفَاعَةً
سَيِّئَةً يَكُن لَهُ كِفْلٌ مِنْهَا وَكَانَ اللَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ مُّقِيمًا

85

85. Ким чиройли шафоат қилса, ўзига ҳам савобдан насиба тегади, ким ёмон шафоат қилса, унга ҳам "насиба" тегади ва Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

Араб тилида "шафоат" сўзи биронни қўллаш, ёрлақаш маъноларидан ташқари биронни бошқалар олдида оқдаш учун қилинган ҳаракатлар, гап-сўzlар ҳам, уни қоралаш учун қилинган шундай ишлар ҳам шафоат ҳисобланади.

وَإِذَا حُيِّنُمْ بِشَحِيقَةٍ فَحَيَوْا بِأَحْسَنَ مِنْهَا أَوْ رُدُّوهَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَى

86


86. Сизларга бир ибора билан салом берилса, ундан яхшироқ сўzlар билан алик олинглар ёки ўзини қайтаринглар. Аллоҳ албатта ҳар бир нарсанинг ҳисобини олувчиидир.

Мусулмонларга салом бериш ё уларни дуо қилиш ҳақиқатда яхши фазилат саналади. Аллоҳ таоло таълим

беряптики, бир мусулмон сизларга салом берса ё дуо қилса, сизлар ўша калиманинг ўзи билан ёки ундан яхшироқ, тўлароқ сўзлар билан жавоб қайтаришингиз зарур бўлади. Масалан, "Ассалому алайкум", дейилса, "Ваалайкум ас-салом" дейсиз, агар қўпроқ савобга эришай десангиз, "ва роҳматуллоҳи" сўзини қўшинг. Бордию салом берувчи буни ҳам қўшган бўлса, "ва баракотуҳ" сўзини қўшиб алик олинг. Муқаммал салом берилган бўлса, сизлар ҳам муқаммал жавоб қайтаринглар, чунки Аллоҳ таоло ҳузурида ҳар бир нарсанинг ҳисоби сақланади. Яхши сўз бир калима бўлса ҳам, унга яраша савобга эришилади.

Оятдаги "таҳият" сўзини уламолар "салом" дея тафсир қилишган. Аллоҳ таоло саломлашишни мусулмонлар орасида белги ва шиор қилиб қўйган. Бу муборак сўз билан инсонлар бир-бирларига ёмонлик қилишдан Аллоҳ таолонинг паноҳ беришини сўрашади. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади: "Бир киши Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Исломда қайси амал яхши?" деб сўради. "Камбағалларга таом улашишинг, таниган ва танимаганга салом беришинг", дедилар". У зот алайҳиссалом яна: "Ораларингда саломни ёйинглар", деганлар (Имом Муслим ривояти).

اَللّٰهُ لَا إِلٰهَ اِلٰهُ هُوَ يَجْمِعُنَّكُمْ إِلَى يَوْمِ الْقِيَمَةِ لَا رَبَّ فِيهِ وَمَنْ



87. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У сизларни қиёмат куни тўплашига асло шубҳа йўқ. Аллоҳдан ҳам рост сўзловчи бормиди?

Аллоҳ ягонаadir. Барча маҳлукларни яратишда ҳам, уларга ҳаёт ва ўлимни ато этишда ҳам, уларни қиёмат куни Ўз ҳузурида, яъни Маҳшаргоҳда тўплашида ҳам Унга ҳеч бир

зот шериклик қила олмайди. У барча бандаларини қилган амаллари бүйича қиёмат куни ҳисобга тортади, уларга мукофот ёки жазо белгилайди, дунё ҳаётида бу ҳақда бандаларини огохлантиргани учун қиёмат куни Ўз ваъдасини бажаради. Солих, мўмин бандаларини жаннатта, кофир ва мушрикларни эса дўзахга киритади. Аллоҳ ҳамиша рост сўзлади, Унинг ваъдаси ҳақдид! Бунга асло шубҳа бўлиши мумкин эмас.

فَمَا لَكُمْ فِي الْتُّنَفِيقِينَ فَعَلَيْنَ وَاللَّهُ أَرْكَسَهُمْ بِمَا كَسَبُواً أَتَرِيدُونَ أَنْ
۸۸
 تَهْدُوا مَنْ أَضَلَّ اللَّهُ وَمَنْ يُضْلِلِ اللَّهُ فَلَنْ تَجِدَ لَهُ سَيِّلًا

88. (Эй мўминлар), нега сизлар мунофиқлар хусусида иккига бўлинниб турибсизлар? Ҳолбуки Аллоҳ қилмишлари учун уларни расво қилган-ку! Аллоҳ адаштирганларни тўғри йўлга бошламоқчимисизлар? Аллоҳ кимни адаштирган бўлса, унга йўл тополмайсизлар!

Эй мўминлар, нега сизлар мунофиқларнинг алдовларига ишониб турибсиз? Улар ўзларини мусулмон қилиб кўрсатгани билан ҳеч қачон имонга келмайди, куфридан воз кечолмайди. Улар мўминми ёки кофирми, бир оз мухлат берайликми, улар ҳидоятга юрармикин ёки бир умр залолатда ўтиб кетадими, деган масалаларда асло икки жамоага бўлинниб турманг. Улар ҳақ йўлни топа олмай, Аллоҳ ваҳийларини инкор этгани учун Парвардигорингиз уларни батамом адаштириб қўйган ва энди уларни тўғри йўлга йўллаш қўлингиздан мутлақо келмайди.

Абдуллоҳ ибн Язид ибн Собит айтади: "Бир қавм Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Уҳудга қараб йўлга чиқди, сўнг (ҳали жанг майдонига етмай) қайтди. Мусулмонлар улар ҳақида ихтилоф қилишди. Баъзилар "ўлдириш керак", дейишса, баъзилари "ўлдирмаймиз" дейишли. Шунда ушбу оят нозил бўлди" (Ином Бухорий ва Муслим ривояти).

وَدُولَةٌ تَكْفِرُونَ كَمَا كَفَرُوا فَتَكُونُونَ سَوَاءٌ فَلَا تَسْخِذُ وَأَمْنِهِمْ أُولَيَّاءٌ
 حَتَّىٰ يُهَاجِرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّمَا تَوْلَوْا فَخُذُوهُمْ وَاقْتُلُوهُمْ حَيْثُ
 وَجَدُّكُمُوهُمْ وَلَا تَسْخِذُ وَأَمْنِهِمْ وَلِيَحَا وَلَا نَصِيرًا

89. Ўзлари кофир бўлишгани каби сизларнинг ҳам уларга ўхшаб куфр келтиришингизни исташади. Энди то Аллоҳ йўлида ҳижрат қилишмагунича уларни дўст тутманглар. Агар улар бундан юз ўгиришса, уларни тутган ерингизда ўлдиринглар. Уларни дўст ҳам, ёрдамчи ҳам қилманглар.

Эй мўминлар, мунофиқлар очик адашувда бўлишгани ва Парвардигор ғазабига учрашгани учун энди сизларни ҳам адаштириш ва ўз йўлларига чорлаб, ўзлари каби куфр келтиришингизни исташади. Энди улар то Аллоҳ йўлида курашга ёки ҳижратта чиқмагунларича улар билан дўстлашманглар, улар билан ҳамкорлик қилманглар, уларга асло ёрдам кўрсатманглар. Агар улар душманларингиз томонга ўтиб олиб, мунофиқлик йўлини тутишса, уларга қарши уруш очинглар.

إِلَّا الَّذِينَ يَصِلُونَ إِلَى قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ مِيقَاتٌ أَوْ جَاءُوكُمْ
 حَسِرَتْ صُدُورُهُمْ أَنْ يُقْتَلُوكُمْ أَوْ يُقْتَلُوا قَوْمُهُمْ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ
 لَسْلَطَهُمْ عَلَيْكُمْ فَلَقْتَلُوكُمْ فَإِنْ أَعْتَزَلُوكُمْ فَلَمْ يُقْتَلُوكُمْ وَاللَّهُ أَعْلَمُ
 أَسْلَمَ فَمَا جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ عَلَيْهِمْ سَبِيلًا

90. Аммо ораларингизда аҳд-паймон бўлган қавмга қўшилган ёки сизлар билан ҳам, қавми билан ҳам урушиш жонига тегиб олдингизга келганлар бундан мустасно. Аллоҳ хоҳлаганида уларни сизлардан устун қиласди ва улар сизларга уруш очишарди. Агар улар урушишдан четланиб, сулҳ таклиф қилишса, Аллоҳ уларга қарши чиқишига йўл бермайди.

Яна бир тоифа мунофиқлар бор эдики, мусулмонлар билан очиқ алоқада бўлиб, уларни севишларини билдириб туришар эди. Асл мақсадлари мусулмонлар уларнинг қавмларига қарши уруш бошлашса, жамоалари ва молларини омонда сақлаб қолиш эди. Уларнинг асл мақсади аён бўлиб қолгач, баъзи мусулмонлар улар билан алоқани узмоқчи бўлишди, баъзилари эса шояд мусулмон бўлишса деб, муносабатларни давом эттиришди. Ушбу оятларда шу хусусда баён этиладики, улар то ватанларидан чиқиб, олдингизга келмагунларича уларни дўст санаманглар, ҳеч бир ишда уларга ишонманглар. Агар имон ва хижратни қабул қилишмаса, уларни асир олинглар ёки тутган ерларингизда ўлдиринглар. Аммо сизлар билан сулҳ тузган жамоадан паноҳ сўраган ёки урушлар жонига тегиб сизларга сулҳ таклифи билан келганларга тегманглар, уларга қарши урушишга Аллоҳ таоло йўл бермайди.

سَتَّحِدُونَ إِخْرَيْنَ يُرِيدُونَ أَنْ يَأْمُنُوكُمْ وَيَأْمُنُوا قَوْمَهُمْ كُلَّ مَا
رُدُوا إِلَى الْفِتْنَةِ أَرْكَسُوا فِيهَا فَإِنْ لَمْ يَعْتَزِلُوكُمْ وَيُلْقِوْا إِلَيْكُمُ الْسَّلَمَ
وَيَكْفُوا أَيْدِيْهُمْ فَخُذُوهُمْ وَاقْتُلُوهُمْ حَيْثُ ثَقِفْتُمُوهُمْ
وَأَوْلَئِكُمْ جَعَلْنَا لَكُمْ عَلَيْهِمْ سُلْطَانًا مُّبِينًا

٩١

91. Сизлардан ҳам, қавмидан ҳам омонда бўлишни истайдиган бошқаларни ҳам албатта кўрасизлар. Қачон уларни куфрга чақиришса, унга ўзларини отишади. Агар сизлардан ўзларини тортишмаса, сулҳ таклиф қилишмаса, сизларга қарши қўл кўтаришса, уларни тутган ерингизда ўлдираверинглар. Биз бундайларга қарши сизларга ошкора ҳуқуқ бердик.

Яъни, мунофиқлар орасида шундайлари ҳам борки, улар мусулмонларнинг ҳам, кофирларнинг ҳам ишончига кириб, жонларини омонда сақлаб қолишини истайдиганлар. Аслида улар ҳар икки томон вакиллари билан ҳам яқинлашишни хоҳламайди. Агар уларни куфрга таклиф қилишса, жонжон деб унга рози бўлишади. Улар абадий адашувда: куфр ва имондан қай бирини танлаш муаммосига дуч келишса, ҳамиша иккиланади ва иккиюзламачилик қилишдан уялмайди. Бундай мунофиқлар энг маккор душманларингиздан ҳам хавфидир. Шунинг учун Аллоҳ таоло агар улар сиздан четда бўлишмаса ёки сулҳ таклиф этишмаса, уларни тутган ерингизда ўлдираверишни буюрмоқда. Бундай ошкора ҳуқуқ берилишининг сабаби шуки, дин душманлари ўзларининг хусуматларини очик билдиришади, мунофиқлар эса асл ниятларини яшириб, иккиюзламачилик қилишади ва мусулмонларга энг қабиҳ душманликларни раво кўришади.

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ أَنْ يَقْتُلَ مُؤْمِنًا إِلَّا خَطَأً وَمَنْ قَتَلَ مُؤْمِنًا
خَطَأً فَتَحَرِّرُ رَقْبَةُ مُؤْمِنَةٍ وَدِيَةٌ مُسَكَّنَةٌ إِلَى أَهْلِهِ إِلَّا أَنْ
يَصَدَّقُوا فَإِنْ كَانَ مِنْ قَوْمٍ عَدُوًّا لَّكُمْ وَهُوَ مُؤْمِنٌ

فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ وَإِنْ كَانَ كَانَ مِنْ قَوْمٍ بَيْنَكُمْ
وَبَيْنَهُمْ مِيشَقٌ فَدِيَةٌ سُلَّمَهُ إِلَى أَهْلِهِ وَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ
مُؤْمِنَةٍ فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ شَهْرَيْنِ مُكْتَابِيْعَيْنِ تَوْبَةً
منَ اللَّهِ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيْمًا حَكِيمًا

٦٢

92. Мўмин мўминни ўлдирмайди, фақат билмасдан қилиши мумкин. Ким мўминни билмай ўлдириб қўйса, бир мусулмон қулни озод қилсин ва ўлдирилганинг ворислари кечишмаса, хунини тўласин. Агар мўмин душманингиз томондан бўлса, бир мусулмон қулни озод қилиш шарт бўлади. Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг ворисларига хун тўланади ва бир мусулмон қул озод қилинади. Агар мусулмон қул тополмаса, икки ой пайдар-пай рўза тутиб беради. Бу Аллоҳ томонидан кечириш ўрнидадир. Аллоҳ билувчи ва ҳикматлидир.

Бир мўмин-мусулмон кишини ўлдириш ниҳоятда катта гуноҳ, аммо билмай, бехосдан ўлдириб қўйса, бандачиликдир. Билмай, хато қилиб ўлдириб қўйишнинг бир неча кўринишлари бор: мусулмон кишини ов деб гумон қилиб отиб қўйиши мумкин ёки отган ўқи унга бехос тегиши мумкин ёки мусулмон тасодифан кофирлар орасида турганида билмай уни кофир деб ўйлаб отиб қўйиш мумкин. Бундай ҳоллар ҳаётда, айниқса, жанг пайларида учраб тургани учун зикр этиляпти. Ушбу ояти каримада хато учун икки ҳукм баён қилинмоқда: биринчиси, бир мусулмон хатосига каффорот сифатида қул ёки чўрини озод қиласди, агар бунга қодир бўлмаса, икки ой пайдар-пай рўза тутади.

Иккинчиси, ўлдирилган кишининг меросхўрларига хун тўлайди, чунки бу уларнинг ҳақлариидир, агар кечиб юбо-ришса, тўланмайди, лекин бир кишининг кечиши билан бу соқит бўлмайди.

Одам ўлдирганлик учун хун тўлашнинг уч хил кўриниши бор: 1. Ўлдирилган киши мусулмон жамиятида яшайдиган мўмин киши; 2. У душман қавмидан, аммо ўзи мўмин киши; 3. Ўлдирилган шахснинг ўзи мўмин, қавми мўмин бўлмасада, мусулмонлар билан тузилган сулҳ шартномалари бор. Булардан биринчи ва учинчи ҳолатда хун берилади, аммо иккинчи ҳолатда хун тўланмайди. Битта ўлдирилган озод кишининг дияси, яъни хуни ҳанафий мазҳаби бўйича юзта тута ёки минг динор тилла ёки ўн минг дирҳам кумушдир.

وَمَن يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُّتَعَمِّدًا فَجَزَاؤهُ جَهَنَّمُ خَلِدًا

۱۲ فِيهَا وَغَضِيبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعْنَهُ وَأَعَذَّ لَهُ عَذَابًا عَظِيمًا

93. Ким бир мусулмонни атайлаб ўлдирса, унинг жазоси абадий қолинадиган дўзах бўлади. У Аллоҳнинг ғазабига, лаънатига ва унга тайёрлаб қўйган қаттиқ азобига гирифтор бўлади.

Мўмин кишини қасдан ўлдириш қул озод қилиш билан ҳам, хун тўлаш билан ҳам ювиб бўлмайдиган катта жиноят ва улкан гуноҳдир. Бундай ёвуз ишни қилганларнинг жазоси абадий қолинадиган дўзахда оғир қийноқларга мубтало бўлишдир. Бундан ташқари, мўминни қасдан ўлдирганлар Аллоҳнинг ғазабига, лаънатига, У тайёрлаб қўйган қаттиқ азобга учрайди. Мўмин мўминни қасдан ўлдириши бир айбизз жон билан бирга имондек улуғ неъмат туфайли вужудга келган ақида қардошлигини ҳам мавҳ этишдир. Шунинг учун ҳам бу оятда мўминни ўлдиргангага бошқа ҳеч кимга тайин этилмаган олий жазолар — жаҳаннамда аба-

дий қолиш, Аллоҳнинг ғазабига ва лаънатига дучор бўлиш ва У Зот тайёрлаб қўйган улкан азоблар ваъда қилинмоқда. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларининг бирида: "Бир мусулмоннинг ўлдирилиши Аллоҳнинг ҳузурида дунёнинг ҳалокатидан ҳам оғирроқдир", деганлар.

يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِيمَنُوا إِذَا ضَرَبُتِ الْمِسْكِنَةِ فِي سَيِّلٍ أَللَّهُ فَتَبَيَّنُوا وَلَا تَقُولُوا
 لِمَنْ أَلْقَى إِلَيْكُمُ الْسَّلَمَ لَسْتَ مُؤْمِنًا تَبَتَّغُونَ عَرَضَ
 الْحَيَاةِ الَّذِي كَانَ فِيْنَدَ اللَّهُ مَغَانِمٌ كَثِيرٌ كَذَلِكَ
 كُنْتُمْ مِنْ قَبْلٍ فَمَنْ أَلْهَمَ اللَّهَ عَلَيْكُمْ فَتَبَيَّنُوا إِنَّ اللَّهَ
 كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَيْرًا



94. Эй имон келтирганлар, Аллоҳ йўлида урушга чиқсанглар, душманини аниқ таниб олинглар. Дунё фойдасини кўзлаб, салом берувчига: "Сен мусулмон эмассан!" деманглар. Аллоҳ ҳузурида ўлжалар кўп. Авваллари ҳам шундай эдинглар, кейин Аллоҳ сизларни неъматлантириди. Аниқ билиб олинглар, Аллоҳ қилмишларингиздан хабардордир.

Пайғамбар алайҳиссалом бир гурӯҳ лашкарни бир қавмга қарши жиҳодга юбордилар. Ўша қавм ичида бир киши мусулмон эди, у мол-ҳолини, рўзгор ашёларини олиб, қавмидан алоҳида бўлиб ажралиб турган эди. Мусулмонларни кўриб: "Ассалому алайкум!" деди. Мусулмонлар бу одам ўзи коғир бўлса керак, моли ва жонини асраб қолиш учун ўзини мусулмон қилиб кўрсатяпти, деган гумонга бориб, уни ўлдиришди, ашё ва

молларини ўлжа қилиб олишди. Шу воқеа муносабати билан юқоридаги ояти карима тушди ва Аллоҳ таоло мусулмонларга бундай қилмасликни, душманларини аниқлаб олгандан кейингина уларга қарши чиқишни буюрди. Авваллари мусулмонларнинг ўзлари ҳам тиллари билангина икror бўлишганида бирор кимса уларни маломат қилмаган эди-ку!

لَا يَسْتَوِي الْقَعِدُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ عِزْرًا أَفْلَى الْضَّرِّ وَالْمُجَهَّدُونَ فِي سَبِيلِ
 اللَّهِ بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ فَضَّلَ اللَّهُ الْمُجَاهِدِينَ بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ عَلَى
 الْقَعِدِينَ دَرَجَةً وَكَلَّا وَعَدَ اللَّهُ الْحُسْنَى وَفَضَّلَ اللَّهُ الْمُجَاهِدِينَ عَلَى

١٥ الْقَعِدِينَ أَجْرًا عَظِيمًا

95. Мўминларнинг узрсиз бўлатуриб уйда қолганлари билан Аллоҳ йўлида мол ва жони или жиҳод қилувчилари баробар эмаслар. Аллоҳ ҳаммаларига чиройли ваъда қилган. Мол ва жонлари билан жиҳод қилувчилар даражасини уйда қолганларницидан ортиқ қилган. Аллоҳ муҳоҳидларни уйда қолганлардан улуғ мукофотлар билан афзал қилди.

Зайд ибн Собит айтади: "Мана шу оят нозил бўлганида мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эдим. Ўшанда дастлаб Аллоҳ "узрсиз бўлатуриб" жумласини зикр қилмаган эди. Ибн Умму Мактум: "Бу қанақаси бўлди, мен ҳеч нарсани кўрмайдиган кўр бўлсам?" деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўтирган жойларида ваҳий келди. У киши менинг сонимга суянган эдилар. Жоним қўлида бўлган Зотга қасам, шундай оғирлик тушдики, ҳатто Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва саллам сонимни синдириб юборсалар керак, деб қўрқдим. Кейин ўзларига келдилар ва: "узрсиз бўлатуриб уйда қолганлари..." деб ёз, дедилар. Мен уни ёздим" (Имом Бухорий ривояти).

﴿٦٦﴾

دَرَجَتٍ مِّنْهُ وَمَغْفِرَةً وَرَحْمَةً وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا

96. Уларга йўзи тарафидан даражалар, мағфират ва раҳмат бор. Аллоҳ мағфиратли, раҳмлидир.

Мусулмонларнинг жангда қатнашмайдиган узрли тоифалари кўзи ожизлар, майиб-чўлоқлар, хасталар ва аёллардир. Булардан бошқа барча кишилар иккига: ҳамиша дин хизматида курашга бел боғлаган мужоҳидларга ва бу вазифадан холи мусулмонларга бўлинишади. Ҳар икки табақа ҳам жаннатий бўлишса-да, биринчи тоифа иккинчисидан даражада ортиқдир, чунки Аллоҳ таоло мужоҳидлар даражасини бошқалардан ортиқ қилган ҳамда уларга йўзининг раҳмат ва мағфиратини зиёда қилиб берган.

﴿٦٧﴾

إِنَّ الَّذِينَ تَوَفَّهُمُ الْمَلَائِكَةُ ظَالِمِيَ أَنفُسِهِمْ قَالُوا فِيمَا كُنْنُمْ قَالُوا كُنَّا
أُنْفَسِنَ فِي الْأَرْضِ قَالُوا أَلَمْ تَكُنْ أَرْضُ اللَّهِ وَاسِعَةً فَنَهَا جُرُونَ فِيهَا
فَأُولَئِكَ مَا وَنَاهُمْ جَهَنَّمُ وَسَاءَتْ مَصِيرًا

97. Фаришталар ўз жонига зулм қилганларнинг жонини олишаётганда: "Қандай яшадинглар?" деб сўрашади. Улар: "Ер юзида чорасиз эдик", деб жавоб беришади. "Хижрат қилсанглар Аллоҳнинг Ери кенг эди-ку!" дейишади. Ана шуларнинг жойи дўзахдир ва у энг ёмон макондир.

Шундай мусулмонлар борки, улар ўз даъволарига кўра мусулмонлардир. Лекин улар кофир салтанатта қарамлар, дин ишларини, ибодатларини очик-эркин қила олишмайди, кофир сultonга қарши кураша ҳам олишмайди. Бундай мусулмонларга яшаб турган жойларини ташлаб, бошқа юртларга кўчиш фарздир. Бу ўринда шу масала баён қилинмоқда. Ояти каримага кўра, ўз жонларига жабр қилиб, кофирлар ўлкасида яшаганлар вафот этишаётганида фаришталар: "Сизлар қайси динда зинглар?" деб сўрашади. Улар: "Мусулмонлармиз, аммо ночорлиқдан айта олмасдик", дейишади.

إِلَّا الْمُسْتَفْعِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ وَالْوُلَدِنَ لَا يَسْتَطِيعُونَ حِيلَةً

٩٨ **وَلَا يَهْتَدُونَ سَيِّلًا**

98. Чиқиб кетиш учун тадбир ва йўл тополмаган ночор эркаклар, аёллар ва болалар бундан мустасно.

Яъни, ҳижрат қилишдан бўйин товлаганларнинг ҳаммаси ҳам бир хил эмас. Улар орасида бошқа юртларга чиқиб кетишга бирор имкон, улов ёки бошқа сафар анжомлари топа олмаётган, bemor ёки сафар қилишга яроқсиз кишилар, аёллар ва ёш болалар бор, улар бундан мустасно. Яъни, улар чорасизликлари учун дўзахий бўлишмайди.

١١ **فَأُولَئِكَ عَسَى اللَّهُ أَن يَغْفُرَ عَنْهُمْ وَكَانَ اللَّهُ عَفُوا عَنْهُمْ**

99. Уларни Аллоҳ кечиришига умид бор, Аллоҳ кечирувчи ва мағфиратлидир.

Ҳижрат қилишдан ночор қолган бундай кишилар Аллоҳнинг мағфиратидан умид қилишсин. Балки Аллоҳ уларнинг бу ишларини кечириб юборар, чунки Аллоҳ азза ва жалла кечирувчи, меҳрибон Зотдир.

وَمَن يُهَاجِرْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ يَجِدْ فِي الْأَرْضِ مُرْغَماً كَثِيرًا وَسَعَةً وَمَن يَخْرُجْ
مِنْ بَيْتِهِ مُهَاجِرًا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ ثُمَّ يُدْرِكُهُ الْمَوْتُ فَقَدْ وَقَعَ أَجْرُهُ عَلَى

اللَّهُ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا

١٠٠

100. Ким Аллоҳ йўлида ҳижрат қилса, Ер юзида кенг жой ва паноҳ топади. Ким уйидан Аллоҳга ва Расулига ҳижрат қилиб чиқиб, йўлда ўлим топса, бунинг мукофоти Аллоҳ зиммасидадир ва Аллоҳ мағфиратли, раҳмлидир.

Ушбу ояти карима ким Аллоҳ йўлида ҳижрат қилса (ватанидан кўчса), унга яаш ва истиқоматда бўлиш учун Ер юзида жой етарли, унинг ризқи ва майшати фаровон бўлаверади, деб мусулмонларга тасалли беради. Ҳижрат қилувчилар қай ерларга борамиз, у ерларда тирикчилигимиз нима бўлади, мабодо йўлда ўлиб кетсак аҳволимиз қандай кечади, деб кўрқишишасин. Чунки бу ҳолатларда ҳам ҳижратнинг савобига эришишаверади. Ниятлари Аллоҳга маълум, меҳнат ва ҳаракатлари асло бесамар кетмайди, Аллоҳ мукофотини беради.

وَإِذَا ضَرَبْتُمْ فِي الْأَرْضِ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَقْصُرُوا مِنَ الْصَّلَاةِ إِنْ
خَفِيْتُمْ أَنْ يَقْتَنِيْكُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا إِنَّ الْكَافِرِيْنَ كَانُوا لَكُمْ عَدُوًّا مُّبِينًا

١١١

101. (Эй мўминлар), сафарда юрганингизда кофиirlардан хавфда бўлсанглар намозларингизни қаср қилиб ўқишингизнинг гуноҳи йўқ. Кофиirlар ҳақиқатан сизларга очик душмандир.

Сизлар ҳаж ёки бошқа муҳим мақсадлар билан сафарга чиқсанглар ва душманнинг ҳужум қилиш хавфини сезсанглар, бу ҳолатларда намозларингизни қаср қилиб (қисқартириб), яъни тўрт ракатлисини икки ракат қилиб ўқинглар (Ҳанафий мазҳабида қисқа намоз учун уч кунлик сафар бўлиши лозим, бундан кам бўлса, қаср қилиш дуруст эмас). Бошда коғирлар хавфи шарт қилинган бўлса-да, кейинчалик Расули акрам бехатар сафарларда ҳам намозларни қисқартириб ўқиганлар, саҳобаларга ҳам бу ҳақда таъкидлаганлар. Энди мусулмонлар қачон сафарга чиқиши, намозни қисқартириш (душман хавфи бўлсин-бўлмасин) шаръий ҳукм бўлди. Буни Аллоҳ тарафидан фарз ва эҳсон сифатида қабул этиб, шукрини қилиш лозим.

Пиёда ўртacha юрганда уч кечаю уч кундузли йўл юриб етиладиган жойга сафарга чиққан киши яшайдиган жойи ҳудудидан чиқиши билан қайтиб келгунча мусофири (сафардаги одам) ҳисобланади (бу ҳанафий мазҳабида тўқсон олти километрга teng). Ана шу масофа даги ерга машинада, поездда, самолётда йўлга чиққанлар ҳам мусофири ҳисобланади. У жойда ўн беш кундан камроқ муддат туришни ният қилган бўлса-ю, ойлаб-йиллаб қолиб кетса ҳам, мусофири саналаверади. Агар борган жойида ўн беш кун ёки бундан кўп муддат туришни ният қилса, этиб боргач мусофири ҳисобланмайди.

Мусофири киши тўрт ракатли фарз намозларини икки ракатга қисқартириб (қаср қилиб) ўқиади; суннат намозларини қаср қилмайди; вақт тифиз, шароитда қийинчиликлар бўлса, суннат намозлар адо этилмаслиги мумкин, лекин ётоқхона ёки бориб тушилган ўринларда ўқилади; мусофири таҳорат олгач, маҳсисига уч кечаю уч кундуз масҳ этиши мумкин. Мусофири қасдан тўрт ракатли намозни тўла ўқиса, гуноҳкор бўлади. У тўрт ракатли намознинг иккинчи ракатида ўтирган бўлса, икки ракатдан зиёдаси нафл намозига ҳисоб бўлади, ўтирган бўлса, намози дуруст бўлмайди, қайта ўқиади. Мусофири кишига

муқим имом бўлса, мусофир имом билан намозини тұла адо қилаверади. Аммо намознинг вақти ўтгандан кейин мусофириңг муқимга иқтидо қилиши мумкин эмас. Агар мусофир муқимга имом бўлса, муқим киши намозини комил қиласи, мусофири эса намозини қаср қилиб ўқийди. Унинг намоз охирида "Намозларингни комил қилинглар, ме!

وَإِذَا كُنْتَ فِيهِمْ فَاقْمَتْ لَهُمُ الصَّلَاةَ فَلَنَقُمْ طَائِفَةٌ مِّنْهُمْ

۱ مَعَكَ وَلِيَأْخُذُوا أَسْلِحَتِهِمْ فَإِذَا سَجَدُوا فَلَيُكُونُوا مِنْ

وَرَآءِكُمْ وَلَتَأْتِ طَائِفَةً أُخْرَى لَمْ يُصَلِّوْا فَلَيُصَلِّوْا مَعَكَ

وَلِيَأْخُذُوا حِذْرَهُمْ وَأَسْلِحَتِهِمْ وَدَآلَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ تَغْفِلُونَ

عَنْ أَسْلِحَتِكُمْ وَأَمْتَعَتِكُمْ فَيَمِيلُونَ عَلَيْكُمْ مَيْلَةً وَاحِدَةً وَلَا جُنَاحَ

عَلَيْكُمْ إِنْ كَانَ بِكُمْ أَذَى مِنْ مَطْرٍ أَوْ كُنْتُمْ مَرْضَى أَنْ

تَضَعُوا أَسْلِحَتِكُمْ وَخُذُوا حِذْرَكُمْ إِنَّ اللَّهَ أَعْدَ لِلْكُفَّارِينَ

عَذَابًا مُهِينًا 

عَذَابًا مُهِينًا 

102. (Эй Мұхаммад), мүминлар орасида турганингизда уларга имом бўлиб намоз ўқимоқчи бўлсангиз, уларнинг бир қисми қуролланган ҳолда сиз билан намозда бўлсин, улар сажда қилғанларидан кейин намоз ўқимаган иккинчи қисми сиз билан намоз ўқисин, улар ҳам эҳтиёт юзасидан қуролларидан ажрашмасин. Кофирлар қурол-

анжомларингиздан ғафлатда бўлганингизда қўққисдан ҳужум қилишни хоҳлашади. Агар ёмғирдан азият етса ёки бемор бўлсанглар, қуролларингизни ечишда гуноҳ йўқ. Лекин ҳушёр бўлинглар. Аллоҳ албатта кофирларга хорловчи азоб тайёrlаб қўйган.

Ушбу ояти каримада хавф намози баён қилинмоқда. Кофирларга қарши жанг қилинаётганда мусулмонлар икки грухга бўлинишади: бир грух имом билан намознинг ярмини ўқиб, кейин душман қарсисига боради. Кейин иккинчи грух келиб, имом билан қолган ярим намозни ўқийди. Имом салом берганидан кейин ҳар икки грух ҳам ярим қолган намозларини алоҳида-алоҳида ўқиб олади. Шом намозида эса биринчи грух имом билан икки ракат, иккинчи грух эса бир ракат ўқийди. Намоз ичида туриб борди-кељди қилишлари кечирилади. Шу ҳолларда ҳам қурол-яроғларини ерга қўйишмайди, чунки душман вақт топиб бирдан ҳужумга ўтиб қолиши мумкин.

Бордию ёғингарчилик, хасталик ёки ожизлик туфайли қурол кўтариб юриш қийин бўлса, қуролларни ерга қўйиб намоз ўқишига ижозат бор. Лекин барибир эҳтиёт чораларини кўриш лозим. Агар душман хавфи бу ҳолатларда ҳам жамоат бўлишга имкон бермаса, ерда якка-якка ўқишин. Бунга ҳам илож бўлмаса, уловларида туриб ишора билан ўқишин. Бошқа илож қолмаганида намозларини қазо қилишади.

Мужоҳид Абу Иёш Зарқийдан айтади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан пешин намозини ўқидик. Шунда мушриклар: "Уларга тўсатдан ҳужум қилиб, бир боплайдиган пайт бўлди-да", дейишиди. Шунда баъзилари: "Уларнинг яна бир намозлари вақти келади. Бу улар учун оталаридан ҳам севимлироқдир", дейишиди. Бу аср намози эди. Шунда пешин билан аср орасида Жаброил алайҳиссалом ушбу оятни олиб тушди. Улар Асафон деган жойда эдилар. Мушриклар қўшинига Холид ибн Валид

бошчилик қиласы. Улар биз билан қибла орасыда зди. Бу намоз "хавф намози" дея зикр этилди".

فَإِذَا قَضَيْتُمُ الصَّلَاةَ فَأَذْكُرُوا اللَّهَ قِيمًا وَقُعُودًا وَعَلَى
جُنُوبِكُمْ فَإِذَا أَطْمَأْنَتُمْ فَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ
عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَوْقُوتًا

١٠٣

103. Намозни тугаттач, турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолда ҳам Аллоҳни зикр этинглар. Хотиржамликада намозни мукаммал адо қилинглар. Намоз ҳақиқатан мүминларга вақти белгиланган фарздир.

Яъни, хавф намозини тугаттач, ўтирган ҳолда ҳам, бунга кучингиз етмаса ёнбошлаб бўлса ҳам, ҳатто улов устида ҳам Аллоҳнинг зикрини кўп қилинглар, тилингиз тамҳид, тасбех, такбирдан бўшамасин. Чунки Аллоҳ таоло Ўз номини кўп зикр қилувчиларни севади. Душман билан жанглар тўхтагач, хотиржам ҳолатингизда эса намозни тўкис, барча арконларига риоя этган ҳолда мукаммал қилиб адо этинглар. Намоз энг улуғ ибодатдир, мўминнинг меърожидир, уни кофирлар ва мунофиқлардан ажратиб турувчи белгиdir, қиёмат куни энг биринчи сўраладиган муҳим фарздир. Намоз вақтида фарздир, уни кечиктириш, эринчоқлик билан вақтини ўтказиб юбориш, шарт ва арконларини тўлиқ қилмаслик унинг комиллигига путур етказади. Аллоҳ таоло айтади: "(Эй Мұхаммад), улар айтадиган сўзларга сабр қилинг ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Роббингизга ҳамд билан тасбех айтинг (намоз ўқинг). Кечаси ҳам, кундузи ҳам тасбех айтинг (намоз ўқинг), шунда шояд розиликка эришсангиз" (Тоҳо, 130).

وَلَا تَهْنُواٰ فِي اَبْتِغَاءِ الْقَوْمِ إِن تَكُونُوْا تَالِمُونَ فَإِنَّهُمْ يَأْلَمُونَ

كَمَا تَالَّمُونَ وَرَجُوْنَ مِنَ اللَّهِ مَا لَا يَرْجُوْنَ



وَكَانَ اللَّهُ عَلِيًّا حَكِيمًا

104. Душманни қувишда бўшашманлар. Агар азоб чекаётган бўлсанглар, улар ҳам худди сизлардек азоб чекишияпти. Улар Аллоҳдан умид қилмаган нарсани сизлар умид қиляпсизлар. Аллоҳ билувчи ва ҳикматлидир.

Эй мўминлар, жангларда душманни қувишда сусткашликка борманглар, тўла зафарга эришмай туриб, уларни ўз ҳолига хотиржам ташлаб қўйманглар. Уларнинг ҳийлаларига, ширин сўзларига, алдовларига учманглар. Душман маккордир, сизларнинг ҳар бир эътиборсизлигингиздан фойдаланмоқчи, турли фитна ва алдовлар билан сизларни енгмоқчи бўлади. Сизлар улардан қанчалик аламзада бўлсанглар, улар ҳам бу борада сизлардан кам эмас. Ислом душманлари Аллоҳдан умид қилмаган нарсаларга шаҳидлик мақоми ва жаннат неъматлари киради.

إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَبَ بِالْحَقِّ لِتَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ إِمَّا أَرْنَكَ اللَّهُ



وَلَا تَكُنْ لِلْخَآئِنِينَ خَصِيمًا

105. (Эй Мухаммад), ҳақиқатан ҳақ Китобни одамлар орасида Аллоҳ кўрсатганидай ҳукм қилишингиз учун сизга туширдик. Хоинларнинг ёнини оловчи бўлманг.

Ибн Касир (раҳимаҳуллоҳ) бундай дейдилар: "Агар ким "Энг гўзал тафсир йўли қайси?" деб сўраса, "Қуръони карим билан тафсир қилиш" деб жавоб берган бўлардим. Қуръоннинг бир жойида қисқа айтиб ўтилган бир масала бошқа жойида албатта муфассал баён этилади... Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий раҳимаҳуллоҳ, айттанидек, "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нимаики ҳукм чиқарган эканлар, буни Қуръондан фаҳмлагандирлар". Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди: "Одамларга нозил бўлган нарсаларни (яъни шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қиласалар, деб сизга бу эслатмани – Қуръонни нозил қилдик" (Наҳл, 44). Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Огоҳ бўлинг, менга Қуръон ва унинг мисли (суннат) берилди". Ислом уламолари бирор ҳукм чиқариш учун энг биринчи навбатда Қуръонга мурожаат қилишади, агар ундан топилмаса, суннатдан излашади.



وَاسْتَغْفِرِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا

106. Аллоҳга истиффор айтинг, Аллоҳ албатта мағфиратли, раҳмлидир.

Инсон хатокордир, у инсонлигига бориб ҳамиша, ҳар қадамда билиб-билмай хатога, гуноҳга йўл қўяди. Ҳаёти давомида турли қийинчиликларга, иғво ва ҷалғишларга учрайди. Баъзи вақтларда заифлиги тутиб, ҳавою нафсининг сўзига кириб қўяди. Бундай пайтда тақводор киши дарҳол ўзига келиб, шошилинч Аллоҳни эслайди, истиффор айтади. Бу хато ва гуноҳларидан эса Парвардигори буюрганидай, У зот таълим берганидай гуноҳларига тавба қилиш, истиффор айтиш, тазарру ила ёлбориш орқалигина халос бўлиши мумкин.

"Истиффор", яъни гуноҳнинг кечирилишини сўраш – барча мавжудот ва маҳлуқотларнинг ягона яратувчиси

Аллоҳ таологагина қилинади. Дуо, тавба ва бошқа тоатлар ила "Астағфируллоҳ" ва шу каби маънодаги калималарни айтиб, кўнгилдан тасдиқлаш истиғфордир. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг жуда кўп ўринларидағи каби ушбу оятда ҳам гуноҳга йўл қўйган бандаларини дарҳол Ўзидан кечирим сўрашга, истиғфор айтишга буюрмоқда. Аллоҳ мағфиратли, кечиувчи, раҳмли Зот бўлгани учун сизнинг хатоларингиз денгиз кўпигича кўп бўлса ҳам албатта афв этади, мағфират қиласи. Гуноҳ содир этмаган банда бўлиши мумкин эмас. Ожиз банда доимо гуноҳ қилиш эҳтимоли остида яшайди. Шунинг учун у доимий равишда истиғфор айтиб туриши лозим. Ана шунда банданинг дил синиқлиги ва Аллоҳ таолонинг афв-мағфирати намоён бўлади. Гуноҳ содир бўлганидан кейин истиғфор айтиш вожиб бўлади. Аммо коғирларга (улар яқин қариндоши бўлса ҳам) истиғфор айтиш тақиқланган, бу нарса шариятда ҳаром ҳисобланади. Истиғфор айтишнинг кўринишлари кўп. Энг машҳури "Астағфируллоҳ" дейишdir. Истиғфорнинг "Аллоҳум-мағfirli", "Роббифирли" каби кўринишлари ҳам бор. Истиғфорнинг энг афзал кўринишларидан бири "Астағфируллоҳал азим алази ла илаҳа илла ҳувал Ҳаййул Қайюм ва атубу илайх"dir.

Ҳасан Басрийнинг олдиларига бир одам келиб, қурғоқчиликдан шикоят қилди. У киши: "Истиғфор айт!" дедилар. Яна бир одам келиб, фақирлигидан арз қилди. Унга ҳам: "Истиғфор айт!" дедилар. Бошқа бир одам келиб, фарзанди йўқлигини айтди ва маслаҳат сўради. Унга ҳам истиғфор айтишни буюрдилар. Одамлар нега бундай қилганлари сабабини сўрашганида ушбу оятни ўқидилар: "Мен дедим: Роббингизга истиғфор айтинг, У Faффордир, сизларга осмондан шаррос ёмғирлар ёғдиради, молу дунё ва зурриётлар билан сизларни қувватлантиради, сизларга боғу роғлар, гарёлар ато қиласи" (Нуҳ сураси, 10—12-оятлар).

وَلَا يُحِدُّلُ عَنِ الَّذِينَ يَخْتَانُونَ أَنفُسَهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ

كَانَ حَوَّاً نَّاسًا أَشِيمًا

١٠٧

107. Ўз жонига хиёнат қилувчиларнинг ёнини олманг. Аллоҳ албатта хиёнатчи гуноҳкорларни ёмон кўради.

Саодат асрида (Пайғамбаримиз ҳаётлик чоғларида) мунофиқлар ва эътиқоди суст баъзи мусулмонларда бирор ёмон иш қилиб қўйилганда жазодан ва бадномлиқдан қўрқиб, ҳийла ахтариш одати бор эди. Пайғамбаримиз ҳузурларига келганда ўзларини бегуноҳ қилиб кўрсатиш учун бўлган иш хусусида бошқача айтишарди. Бундан мақсадлари, жиноятни бошқа бир бегуноҳ одам зиммасига юклаб, ҳақиқий гуноҳкорни пок кўрсатиш эди. Бундай ҳолларда бир қанча киши тўпланар, ўзаро маслаҳатлашиб, ғалати баҳоналарни айтишарди. Бир гал мусулмон киши ўз биродарининг совутини ўғирлаб, бир яҳудийни гуноҳкор қилмоқчи бўлди ва кўплашиб қасам ҳам ичишди. Шунда Аллоҳ таоло бир неча оят тушириб, асл воқеани Пайғамбар алайҳиссаломга билдири ва у зотни уларнинг ёнини олишдан қайтарди.

يَسْتَخْفُونَ مِنَ النَّاسِ وَلَا يَسْتَخْفُونَ مِنَ اللَّهِ وَهُوَ مَعَهُمْ إِذْ


يُبَيِّثُونَ مَا لَا يَرْضَى مِنَ الْقَوْلِ وَكَانَ اللَّهُ بِمَا يَعْنَتُونَ مُحِيطًا

108. Инсонлардан яширишса-да, Аллоҳдан яшира олишмайди. Ҳолбуки, У ўзи рози бўлмаган гапга хуфёна келишаётганларида ҳам улар билан бирга эди ва Аллоҳ уларнинг қилмишларини қамраб-ўраб оловчиидир.

Суранинг 105—116 оятлари Бани Зуфар қабиласидан бир киши билан бир яҳудий ўртасидаги бир можаро хусусида тушган бўлиб, мусулмонлар ўз қавмларининг аъзосини шармандалиқдан қутқариб қолиш учун айбсиз бир яҳудийни ўғрилиқда айбламоқчи бўлишади ва бунга ҳатто Пайғамбарни (алайҳиссалом) ҳам ишонтиrmоқчи бўлишади. Аммо Аллоҳ таолонинг иродаси бошқача эди. Шунинг учун Аллоҳ огоҳлантиряптики, инсонлар ўз айбларини яширишга қанчалик уринишмасин, қандай ҳийлаларни ўйлаб топишмасин, Аллоҳ таоло уларнинг ҳар бир қилмишини кўриб туради. Шунинг учун, эй Пайғамбар (алайҳиссалом), умматга меҳр-шафқатингиз зиёдалигидан хоин ва хатокорларнинг ёнини олиб, Аллоҳ таоло билан савол-жавоб қилиб юрманг. Аллоҳ бундай хатокорларни ёмон кўради, уларни ҳамма томондан, қочиб қутулишга заррача имкон қолдирмай, ўраб-қамраб олади.

هَتَأْتَمُ هَؤُلَاءِ جَدَلْتُمْ عَنْهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا فَمَنْ

يُجَدِّلُ اللَّهُ عَنْهُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ أَمْ مَنْ يَكُونُ عَلَيْهِمْ




109. Сизлар-ку дунё ҳаётида уларнинг ёнини оляпсизлар, қиёмат куни Аллоҳ олдида ким уларнинг ёнини олади ёки ким уларга ҳомий бўлади?

Бани Зуфар ибн Ҳорис уруғидан Тоъма ибн Убайриқ исмли ансорий қўшниси Қатода ибн Нўъмоннинг совутини ўғирлади. Совут ун солинган халтанинг ичida эди. Халтадаги тешикдан ун тўкилиб, то ўғрининг ҳовлисигача борди. Кейин у совутни Зайд ибн Самир исмли яҳудийникига яширди. Совутнинг эгаси Тоъма-

нинг ҳовлисига излаб келди. Лекин тополмади. У: "Аллоҳга қасамки, мен уни олмадим, билмайман ҳам", деб қасам ичди. Совутнинг эгалари: "Йўқ, Аллоҳга қасам, тунда бориб олган. Унинг изидан ҳовлисигача келдик. У ерда ун излари бор эканини кўрдик", дейиши. У қасам ичгач, ишониб кетиши ва ун изидан яхудийнинг манзилига бориши. У ердан совут топилди. Яхудий эса: "Менга уни Тоъма ибн Убайриқ берди", деди. Бир неча яхудий бунга гувоҳ бўлиши. Шунда Тоъманинг қавми, яъни Бани Зуфар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бориб воқеани айтиши ва у кишидан Тоъманинг ёнини олишни сўрашди: "Агар унинг ёнини олмасангиз, соҳибимиз ҳалок бўлади, шармандаликка учрайди, яхудий эса қутулиб қолади". Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилмоқчи ҳам бўлдилар. У кишининг истаклари ҳам уларники билан бир хил бўлиб, яхудийни жазолаш эди. Шунда Аллоҳ ушбу оятларни нозил қилди".


وَمَنْ يَعْمَلْ سُوءًاً أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُ ثُمَّ يَسْتَغْفِرِ اللَّهَ يَجِدِ اللَّهَ



110. Ким ёмонлик ёки ўзига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, у Аллоҳнинг кечирувчи ва меҳрибон эканини кўради.

Бошқаларга туҳмат, ҳаққига хиёнат ёки бошқа гуноҳ иш билан зарар етказган киши ҳам ёки бирор гуноҳ иш билан ўзига зулм қилган киши ҳам Аллоҳ таолодан гуноҳлари кечирилишини сўраса, бандаларига меҳрибон, фазли-карами кенг Парвардигор унинг катта-кичик гуноҳларини албатта кечирали. Ҳар қандай гуноҳнинг иложи тавба ва истиғфордир.


وَمَن يَكْسِبْ إِثْمًا فَإِنَّمَا يَكْسِبُهُ عَلَى نَفْسِهِ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيًّا



111. Ким гуноҳ қилса, фақат ўз зарарига бўлади. Аллоҳ билувчи ва ҳикматлидир.

Кўплар гуноҳ ишларга қўл урар экан, бу қилмишимни ҳеч ким кўрмаяпти, билмаяпти, деб ўйлайди. Ваҳоланки, ҳар ерда ҳозири нозир, ҳамма нарсани кўриб-билиб турувчи Зот бўлмиш Аллоҳ таолонинг жазосидан ҳеч бир гуноҳкор қочиб қутула олмайди. Аллоҳнинг чарчоқ билмас котиб фаришталари (кироман котибин) бандаларнинг бирор ишини қолдирмай, энг майда-чуйдасигача ёзиб боришади. Банда олдида биргина йўл: қилган гуноҳларига Парвардигорига тезда тавба қилиб, Унинг мағфиратини сўрашгина қолади.

وَمَن يَكْسِبْ خَطِيئَةً أَوْ إِثْمًا ثُمَّ يَرْمِ بِهِ بَرِيئًا فَقَدِ احْتَمَلَ بُهْتَنَّا



112. Ким хато ё гуноҳ қилсаю уни бегуноҳга ағдарса, катта бўхтон ва очиқ гуноҳни бўйнига олиди.

Кимдир ўзи бир гуноҳ ишга қўл урадию, ўзини оқлаш учун буни бошқа бировга тўнкашга, ағдаришга уринади. Масалан, ўғри бировнинг молини ўғирлайди, жазодан қутулиб қолиш учун бошқа бировга ағдариб, ўзини оқламоқчи бўлади. Эҳтимол, у одамлар назарида ўзини оқлаган бўлиб чиқар? Аммо ҳамма нарсани кўриб-билиб

турувчи Зот наздида унинг гуноҳи икки баравар ортади, оддин ўғрилик қилган бўлса, кейин буни яшириш учун бегуноҳ бир кишига қарши бўхтон уюштириди.

وَلَا فَضْلٌ لِّلَّهِ عَلَيْكَ وَرَحْمَتُهُ لَهُمْ تِلْفٌ كُلُّهُمْ أَنْ
يُضْلُّوكُمْ وَمَا يُضْلُّونَ إِلَّا أَنفُسُهُمْ وَمَا يَضُرُّونَكُمْ مِّنْ شَيْءٍ
وَأَنْزَلَ اللَّهُ عَلَيْكَ الْكِتَبَ وَالْحِكْمَةَ وَعَلِمَكُمْ مَا لَمْ تَكُنُّ
عَلِمْتُمْ وَكَانَ فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكَ عَظِيمًا

(۱۱۳)

113. Агар Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганида, уларнинг бир тоифаси сизни адастиришга уриниб қолган эди. Улар ўзларидан бошқани адастира олишмайди ва сизга зарар етказа олмайди. Аллоҳ сизга Китоб ҳамда ҳикматни туширган, билмаганларингизни ўргатган ва сизга Аллоҳнинг фазли буюқдир.

Ушбу хитоб Коинот фахри Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга қаратилган бўлиб, у зотга хоинларнинг хиёнатлари изҳор этиляпти. Душманлар бу зотни йўлдан уришга ҳаракат қилишса ҳам, Аллоҳнинг фазли-карами туфайли бунга эриша олмайдилар, зарар етказиш ҳам қўлларидан келмайди. Чунки Расули акрамга Аллоҳ Ўзининг Каломини дастуруламал қилиб туширган, билмаган нарсларини ўргатган.

لَا خَيْرٌ فِي كَثِيرٍ مِّنْ تَجْوِيلِهِمْ إِلَّا مَنْ أَمْرَ بِصَدَقَةٍ أَوْ مَعْرُوفٍ
أَوْ إِصْلَاحٍ بَيْنَ النَّاسِ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ أَيْتَعَاهُ مَرْضَاتِ اللَّهِ



فَسَوْفَ تُؤْتَيْهِ أَجْرًا عَظِيمًا

114. Садақага, яхшилик қилишга ва одамлар орасини тузатишга буюришмаса, уларнинг махфий сўзлашувларида яхшилик йўқ. Бу ишларни Аллоҳ розилиги учун қилганларга албатта улуғ мукофотлар берамиз.

Эй Пайғамбар, ана шу кишилар атрофларида гиларни хайр-эҳсон қилишга, барчага бирдай яхшилик қилишга, одамлар орасини тузатишга, аразлашганларни яраштиришга буюришмас экан, уларнинг бир четда пиҷир-пиҷир қилишларининг фойдаси йўқ. Яъни, кишиларнинг мажлисларда бир-бирлари билан хуфёна суҳбат қуришлари аксари ҳолларда фойдасизdir. Яхши ишни махфий қилишдан кўра ошкора қилган маъқулроқ. Баъзи ҳолатлардагина махфий сўзлашишнинг зарари йўқ. Масалан, хайр-эҳсон учун бирор кимсани далолат қилмоқчи бўлса ё бирор киши нодонлиги туфайли баъзи номуносиб ишни яхши деб эътиқод қилиб турган бўлсаю унинг хатосини билдириб, тўғри йўлга йўлламоқчи бўлса, ё икки киши уришиб қолган бўлса, ораларини тузатиш учун махфий гапирса бўлади. Чунки бу ҳолатларда ошкора сўз қилиш ноқулай, ҳатто фитнага сабаб бўлиши мумкин. Барча ишларда бўлгани каби буларда ҳам Аллоҳ таолонинг розилиги кўзланмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди. Аллоҳ розилиги йўлида қилинган яхшиликларга эса Парвардигор мукофотини тўлиқ қилиб беради.

وَمَن يُشَاقِقِ الرَّسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَ لَهُ الْهُدَىٰ وَيَتَّبِعُ غَيْرَهُ

سَيِّلِ الْمُؤْمِنِينَ نُوَلِّهُ مَا تَوَلَّ وَنُصْلِلُهُ جَهَنَّمَ



وَسَاءَتْ مَصِيرًا

115. Ким тўғри йўл аниқ бўлганидан кейин ҳам Пайғамбарга ихтилоф қилиб, мўминларнинг йўлидан чекинса, юрган томонига йўллаб қўямиз ва дўзахга киритамиз. У жуда ҳам ёмон жой!

Ким тўғри йўл, яъни ҳидоят ва имон йўли аниқ бўлиб, Аллоҳнинг Пайғамбари илоҳий ваҳийлар орқали ҳақ йўлни кўрсатиб қўйганидан кейин ҳам адашувда қолса, охирзамон Пайғамбари келтирган хабарларга ихтилоф қилиб, мўминларнинг йўлидан чекиниб кетса, Аллоҳ, таоло бундайларни ўзлари танлаган адашув ва залолат йўлларида қолдиради ва дўзах билан жазолайди. Дўзах кофир ва адашган кимсаларнинг азоб ва жазо жойидир.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَن يُشْرِكَ بِهِ، وَيَغْفِرُ مَا دُونَكَ ذَلِكَ لِمَن يَشَاءُ


وَمَن يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا

۱۱۶

116. Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини асло кечирмайди. Аммо Ўзи хоҳлаганнинг бундан бошқа барча гуноҳларини кечирали. Ким Аллоҳга ширк келтирса, ҳақиқатан қаттиқ адашибди.

Ислом душманларига аламли азоблар тайёрлаб қўйилган. Аллоҳ таолога ширк келтирган, яъни унга қандайдир бутсанамларни ёки маҳлуқларни шерик қилганларни Аллоҳ, азза ва жалла мутлақо кечирмайди. Чунки ширк улкан гуноҳларнинг энг оғиридир. Аммо Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган бандаларининг ширқдан бошқа барча гуноҳларини кечирали. Ким Парвардигорига ширк келтирса, ҳақиқатан қаттиқ адашибди, икки дунёсини бой берибди. Охиратда эса уни бундан ҳам қаттиқ қийноқ-жазолар, дўзах азоби кутиб турибди.

إِن يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ إِلَّا إِنَّثًا وَإِن يَدْعُونَ إِلَّا شَيْطَانًا



مَرِيدَا

117. Улар Ўзини қўйиб бут-санамларга ва саркаш шайтонларга сифинишади.

Ширк келтирувчилар Аллоҳни қўйиб, Аллоҳнинг қизлари деб ўzlари ясаб олган Лот, Манот, Уззо каби бутларга сифиниб юришади, жин ва шайтонлардан паноҳ сўрашади, Аллоҳдан кўрқиш ўrniga У яратган маҳлуқлардан қўрқиб юришади. Яккаю ягона Аллоҳга сифиниш ўrniga қандайдир қўлидан ҳеч нарса келмайдиган санам ва шайтонларга сифиниш ёки Аллоҳни учта дейиш, Унга фарзанд нисбат бериш ширкнинг энг ёмон кўринишларидир. Бундай ширк келтирганларни охиратда аламли азоблар кутиб турибди.



لَعْنَةُ اللَّهِ وَقَاتَ لَا تَجِدُنَّ مِنْ عِبَادِكَ نَصِيبًا مَفْرُوضًا

118. Аллоҳ шайтонни лаънатлади, у эса: "Қасамки, бандаларингдан албатта тегишли улушимни оламан;

Аллоҳ таоло саркаш ва осийлиги учун шайтонни аба-дул-абад лаънатлади ва уни Ўз даргоҳидан қувди. У эса ҳаддидан ошиб, Аллоҳнинг бандаларидан қиёматгача ўз улушини олиш, яъни уларни ҳақ йўлдан оздириш, нафс васвасасига солиш, адаштириш ва улар орасида зулм ва ҳақсизликни ёйиш ваъдасини берган. Шайтон ва унинг малайлари қиёматгача бандаларни йўлдан уриш пайдан бўлишади.

وَلَا يُخْلِفُهُمْ وَلَا مُنِيبُهُمْ فَلَيَبْتَكِنَّ إِذَا
 أَلْأَغْنَمُهُمْ وَلَا مُرَنَّهُمْ فَلَيُغَيِّرُنَّ خَلْقَ اللَّهِ وَمَنْ يَتَّخِذُ
 الشَّيْطَانَ وَلِيَّا مِنْ دُوْنِ اللَّهِ فَقَدْ خَسِرَ حُسْرَانًا

۱۱۹ مُنِيبًا

119. ва уларни йўлдан оздираман, ҳою ҳавасга мубтало қиламан, уларга буюрсам чорваларининг қулоғини кесишади, уларга буюрсам, Аллоҳ яратганини ўзгартиришади", деди. Ким Аллоҳ ўрнига шайтонни дўст тутса, аниқ зиёнга учрайди.

Исломгача бўлган жаҳолат аслида ва илк Ислом пайтида инсонлар аёллар номига қўйилган Лот, Уззо, Урбано, Манот, Ноила каби бутларга сифинишарди. Лекин улар аслида шайтонга сифинишар, унинг ифвоси ва фитнаси билан бутпастлик қилишар эди. Ҳолбуки шайтон лаънатланган ва рад этилган ҳолида илоҳий даргоҳдан қувилган эди. У Одам алайҳиссаломга сажда қилишдан бош тортиб, Аллоҳ таолонинг лаънатига учраганидан кейин: "Эй Парвардигор, даргоҳингдан қувилдим, энди бандаларингдан ўзимга маълум улуш оламан, ҳар соҳада уларни ўзимга бўйсундираман, чорва ҳайвонларининг қулоғини кесиб ё нишон қилиб, бутлар номига атаб қўйиб юборишга, Аллоҳ яратган аъзоларни ўзгартиришга (масалан, юзларга тамға босиш, ясама хол қўйиш, эркакларни бичиш, эрлик ва аёллик жинсларини, шакл ва қиёфаларини ўзгартириш, улама соч тақиши каби) буюраман", деди.

١٢٠

يَعِدُهُمْ وَيُمْنِيْهُمْ وَمَا يَعِدُهُمُ الشَّيْطَانُ إِلَّا غُرُورًا

120. Шайтон уларга ваъдалар беради, хаёлларини чалғитади ва у ёлғондан бошқасини ваъда қилмайди.

Шайтон инсонларнинг энг катта ва энг маккор душманидир. У уларга лаззат ва шаҳватларни ваъда қиласди, уларни гуноҳ ва ёвузликларга бошлийди. Хаёлларини чалғитиб, имон, эътиқод, ҳидоят йўлларидан куфр, ширк ва залолат йўлларига буриб юборади. Инсонлар унинг макри ва ёлғонларига учиб, дунё ва охиратларини бой беришади, икки дунё саодатидан маҳрум бўлишади. Чунки шайтон инсонларни қиёматгача алдаш, фақат ёлғон ваъдалар бериб, уларни ҳақ йўлдан тойдиришнигина истайди.

١٢١

أُولَئِكَ مَا وَنَاهُمْ جَهَنَّمُ وَلَا يَجِدُونَ عَنْهَا مَحِيصًا

121. Ана шуларнинг жойи дўзахдир ва ундан қутулишга жой топишолмайди.

Шайтон алдовига учиб, унинг ёлғонларига учган кимсаларнинг ҳолигавой: уларнинг борар жойи дўзахдир. Аллоҳнинг жазосидан қутулишга ундан бошқа жой топа олишмайди ҳам. Улар дунё ҳаётида ишониб, алданиб юрган шайтон уларга ёрдам бериш у ёқда турсин, уларга қайри-

وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَكُنَدِ خَلُهُمْ جَنَّتٍ

بَخْرِي مِنْ تَحْتِهَا أَلَّا نَهُرُ خَلِدِينَ فِيهَا أَبْدًا وَعَدَ اللَّهُ حَقًّا وَمَنْ
بَخْرِي مِنْ تَحْتِهَا أَلَّا نَهُرُ خَلِدِينَ فِيهَا أَبْدًا وَعَدَ اللَّهُ حَقًّا وَمَنْ

١٢٢

أَصَدَقُ مِنَ اللَّهِ قِيلَا

122. Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганларни остидан анҳорлар оқиб турувчи ва абадий қолинадиган жаннатларга киритамиз. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир, Аллоҳдан кўра ростгўйроқ ким бор?

Аҳли сунна вал жамоа ақидасига кўра, амал имоннинг шарти ҳисобланмайди. Адашган фирмалардан мұътазилийлар эса, амални имон шартларидан бири деб ҳисоблашади. Абу Баракот Насафийнинг "Тафсир" ида бундай дейилади: "Оятда "имон келтирғанлар" ва "солиҳ амал қилғанлар" жумлалари "ва" боғловчиси билан келган. Араб тили қоидасига кўра, мазкур тартибда келган сўзлар бир-биридан мустақил саналади. Демак, солиҳ амал бошқа, имон бошқа нарса экан. Шу ўринда таъкидлаш керакки, киши фақат имон келтириб, солиҳ амал қилмаса ҳам жаннатта кирап экан, деб ўйламаслик керак. Чунки Аллоҳ таоло ушбу оятда жаннатта киришга солиҳ амал бўлишини ҳам шарт қилган". Оятдан маълум бўляптики, банда имон келтириб, солиҳ амаллар қилсагина остидан анҳорлар оқиб турувчи, мангу фароват жойи бўлган жаннатта киради. Аллоҳнинг ушбу ваъдаси ҳақ бўлгани, У ҳамиша ростни айтгани учун Унинг ваъдасига асло шакшубҳа бўлмаслиги керак.

لَيْسَ بِأَمَانَةٍ كُمْ وَلَاَ أَمَانِيَّ أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ يَعْمَلُ سُوءً

١٢٣

بُخْرَ بِهِ وَلَا يَحْمَدُ لَهُ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلِيَّا وَلَا نَصِيرًا

123. (Эй мусулмонлар), сизларнинг ҳам, Аҳли китобларнинг ҳам хомхаёллари нажот бермайди. Ким ёмонлик қилса, жазосини олади ва у Аллоҳдан бошқа дўст ҳам, мададкор ҳам топа олмайди.

Китобийларда "Биз ҳар қанча хато ва гуноҳ ишлар қилсак ҳам зарари йўқ, чунки пайғамбаримиз ва

улуғларимиз бизларни Аллоҳ таолонинг азобидан қутқа-риб олишади" деган хомхаёллар бор эди. Мана шундай фикрлар айрим нодон мусулмонларда ҳам бор. Парвардигор: "Эй мусулмонлар, на сизларнинг, на китобийларнинг хом хаёллари иш бермайди, ким ёмонлик, гуноҳ қилса, унинг жазосини албатта тортади. Уни ҳеч ким, на бирор дўст, на бирор ёрдамчи Аллоҳ таолонинг азобидан қутқа-риб қола олмайди", деб хитоб қиляпти.

Ушбу оятнинг нозил бўлиши (тушиши) ҳақида бир неча ривоятлар бор. Абу Солих: "Аҳли китоблар ва бошқа дин вакиллари ўтиришган эди. Ҳар бир дин соҳиби бошқасига: "Биз сизлардан ҳам яхшироқмиз", деди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди", деган.

وَمَنْ يَعْمَلْ مِنَ الصَّالِحَاتِ مِنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَى وَهُوَ مُؤْمِنٌ



فَأُولَئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ نَقِيرًا

124. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, ким мўмин ҳолида солиҳ ишлар қилса, ўша жаннатга киритилади ва унга заррача ҳам зулм қилинмайди.

Масруқ ва Қатоданинг айтишларича, Аллоҳ таоло ушбу ояти билан мўминларнинг ҳужжатларини бошқа дин аҳлари устидан ғолиб қилди. Эркак ёки аёл бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсон мўмин ҳолида савобли солиҳ ишлар, яхшиликлар қилса, у албатта жаннат билан мукофотланади. Унга хурмо данагига ёпишган ипча ҳам, яъни заррача ҳам зулм кўрсатилмайди.

Бошқаларга яхшилик қилиш мўминнинг энг афзал хислатидир, Аллоҳ розилигини топишининг осон йўлидир. Яхшилик Аллоҳнинг бандага раҳматидир. Яхшилик қилганларни Аллоҳ таолонинг ўзи мукофотлайди. Унинг ваъдасига кўра яхшилик қилувчи мўминлар жаннат

нельматлари дадирлар. Аллоҳ таоло айтади: "Тақволи зотларга: "Раббингиз (Ўз Пайғамбарига) нимани нозил қилди?" дейилганига улар: "Яхшиликни", дейишади. Бу дунёда яхшилик қилганлар учун чиройли мукофот бўлур" (Наҳд, 30). Яхшиликнинг катта-кичиги, ози-кўпи бўлмайди. Абу Зарр Фифорийдан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам менга: "Яхшиликлардан бирортасини паст санамагин, агар у биродарингга очик юз билан қарашибўлса ҳам", деганлар (Имом Муслим ривояти). Фахри коинот яна бундай марҳамат қилганлар: "Эй муслимагар, бир аёл бошқасига қўйнинг туёғини беришдаги яхшиликни ҳам паст санамасин" (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Яна бир ҳадиси шарифда "Ҳар бир яхшилик садақадир", дейилган (Имом Бухорий ривояти).

Яхшилик ва ҳилм дарахтини эккан омонлик ва хотиржамлик мевасини териб олади. Ёвузлик уруфини сепган пушаймонлик-надомат ҳосилини йиғиб олади. Ҳақиқий комил инсон ёмон хислатлардан, номаъқул ва номарғуб хулқ-атвордан пок бўлади. Гўзал сифат ва ахлоқ билан ўзини ораста қиласи. Ёмонлардан четланади ва ҳеч кимга озор етказмайди. Ким қилган яхшилиги ёки амали билан мақтанса, унинг барча яхшиликлари бекор бўлади.

وَمَنْ أَحْسَنُ دِينًا إِمَّنَ أَسْلَمَ وَجْهَهُ لِلَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ وَاتَّبَعَ
۱۲۵ مَلَةً إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَأَنْخَذَ اللَّهُ إِبْرَاهِيمَ خَلِيلًا

125. Яхшилик қилиш йўлида Аллоҳга юзланган ва Иброҳимнинг ҳаниф динига эргашганинг динидан ҳам яхшироқ дин борми? Аллоҳ Иброҳимни дўст тутган.

Аллоҳ таолонинг амрига кўра ўзгаларга яхшилик қилган ва Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳаниф (соғ) динига эргашган инсондан ҳам яхшироқ диндор йўқдир. Чунки Аллоҳ таоло

Үз пайғамбари Иброҳим алайҳиссаломни дўст тутган. Парвардигори уни нима учун дўст тутгани ҳақида эса уламолар бир неча хил фикрларни айтишган. Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу) бундай деган: "Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Эй Жаброил, Аллоҳ Иброҳимни нима учун Ўзига дўст қилиб олди?" дедилар. Жаброил: "Таом едиргани учун", деди. Яъни, Иброҳим алайҳиссалом меҳмоннавозликлари билан ҳам машҳурлар, у кишининг хонадони бирор кун ҳам меҳмонсиз бўлмаган. Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Базий айтади: "Иброҳим манзилига кирди. Шунда ўлим фариштаси унга нотаниш бир йигит қўринишида келди. Иброҳим унга: "Кимнинг изни билан кирдинг?" дедилар. У: "Манзилнинг Робби изни билан", деди. Иброҳим алайҳиссалом уни танидилар. Ўлим фариштаси у кишига: "Роббинг бандаларидан бирини дўст тутди", деди. Иброҳим: "У ким экан?" деб сўрадилар. Ўлим фариштаси: "Бу сенга нима учун керак?", деб сўраганида: "Ўлгунимча унинг хизматини қиласман", дедилар. Фаришта: "Бу сенсан", деди".

Қосим ибн Умома бундай дейди: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳ Иброҳимни дўст тутганидек, мени ҳам дўст тутди", дедилар". Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Аллоҳ Иброҳимни дўст қилиб олди, Мусони нажий (муножот қилувчи сирдош) қилиб олди, мени эса ҳабиб қилиб олди. Кейин эса: "Иzzатимга қасамки, Ҳабибимни халилим ва нажийимдан афзал кўрдим", деди".

وَلَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ



126. Осмонлару Ердаги жамики нарса Аллоҳникидир ва Аллоҳ ҳар бир нарсани қамраб олган.

Осмонлару Ер ҳамда улар орасидаги ҳамма нарса Аллоҳ-никидир. Агар инсон озгина ақлини ишлатса, бир оз тафаккур қилса, бунинг ҳақлигига дарров имон келтиради. Инсон, аввало, ақл-заковати билан бошқа махлукотлардан афзал қилинди. Ақл неъмати сабабли инсонга буюк масъулият юкланды. Инсонлар ақл, фаҳм-фаросат ёрдамида Аллоҳ таоло яратган ҳамма нарсада Унинг буюк яратувчилик қудратини күради, ҳар бир унсур ва ҳолатдан ҳикмат ахтаради. Ҳар бир ақлли инсон Коинот ва заминга боқиб, уларнинг ҳар бир унсурида, ҳар бир заррасида Аллоҳ таолонинг буюк яратувчилик санъатига далил-ишораларни күради. Катталиги Ердан бир неча баробар катта сайёра ва юлдузларнинг самода муаллақ ҳолда хатосиз ҳаракати, кеча билан кундузнинг қатъий низом асосида алмашиниб туриши, инсоният, ҳайвонот ва наботот оламидаги ақл бовар қилмас мүъжизалар, буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг қудрати ва ҳикматига далилдир. Бу улкан оламларнинг ҳукмронлиги, уларнинг мураккаб ва тартибли низоми Аллоҳ таолонинг илохий қудрати ила бехато бошқарилади. Ҳеч бир махлук буни ўзgartиришга ёки Аллоҳ таолонинг ҳукмига қарши боришга қодир эмас. Хоҳ инсон, хоҳ ҳайвон, хоҳ жин ёки фаришта каби бирор махлук бу илохий фармонга қарши чиқа олганида эди, бу оламлар низоми аллақачон барҳам топиб, дунё ағдар-тўнтар бўлиб кетар эди.

وَيَسْتَفْتُونَكَ فِي النِّسَاءِ قُلِ اللَّهُ يُفْتِي كُمْ فِيهنَ وَمَا يُتَلَى

عَلَيْكُمْ فِي الْكِتَبِ فِي يَتَمَّى النِّسَاءُ الَّتِي لَا تُؤْتُونَهُنَّ مَا

كُتُبَ لَهُنَّ وَرَغْبُونَ أَنْ تَنْكِحُوهُنَّ وَالْمُسْتَضْعَفَاتِ مِنْ

الْوُلْدَانَ وَأَنْ تَقُومُوا لِلِّيَتَمَّى بِالْقُسْطِ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ



اللهَ كَانَ بِهِ عَلِيًّا

127. (Эй Мұхаммад), сиздан аёллар ҳақида фатво сўрашади. Сиз: "Аллоҳ улар ҳақида Китобда тиловат қилинаётган ҳукм билан: сизлар ҳақларини бермасдан никоҳингизга олишга рағбат кўрсатган етим аёллар ҳақида, шунингдек, ночор-нотавон болалар ва етимларгаadolat қилишингиз ҳақида фатво беради", денг. Аллоҳ ҳар бир яхшилигингизни билади.

Ушбу сура бошида агар етим қизнинг валийи (вакили), масалан, амакисининг ўғли бу қизни никоҳига олса, унинг ҳаққини бошқа хотинлари каби адо этолмасликдан қўрқса, у ҳолда никоҳига олмай бошқага узатсин, деб буюрилган эди. Бу ҳукмдан сўнг одамлар қўрқиб, бу усуlda никоҳланишдан қочишган эди. Кейин бир оз тажриба ҳосил қилинганида маълум бўлдики, бегонадан кўра яна ўз валийлари яхши экан. Одамлар Пайғамбар алайҳиссалом хузурларига келиб фатво сўрашганида юқоридаги ояти карима тушди ва етим қизлар ҳақига нуқсон етадиган бўлса, никоҳ ман қилинди, агар бундай бўлмаса, ижозат берилди.

Оиша (розийаллоҳу анҳо) айтадилар: "Одамлар келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан фатво сўрашди. Шунда Аллоҳ таоло: "Сиздан аёллар ҳақида фатво сўрашади..." оятини нозил қилди. "Китобда тиловат қилинаётган ҳукм"дан мурод, олдинги "Агар етимларгаadolatсизлик қилишдан қўрқсангиз..." оядидир, Аллоҳ таоло оятда "уларни никоҳингизга олишга қизиқасиз", деди. Яъни, сизлар қарамоғингиздаги етим қизнинг агар моли кам, ўзи хунукроқ бўлса, ундан юз ўғириб, маҳр бермасдан уйланишга ёки ундан бойробига уйланишга интиласиз, дейди. Шунга кўра, уларни моли ва жамолига рағбат қилган аёлларга уйланишдан қайтардилар" (Имом Муслим ривояти).

وَإِنْ أَمْرَأٌ خَافَتْ مِنْ بَعْلِهَا نُشُورًا أَوْ إِعْرَاضًا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا
أَنْ يُصْلِحَا بَيْنَهُمَا صُلْحًا وَالصُّلْحُ خَيْرٌ وَالْخَيْرُ لِلْأَنفُسِ الْشَّيْخُ
وَإِنْ تُحِسِّنُوا وَتَتَّقُوا فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ

١٢٨

خَيْرًا

128. Агар аёл эрининг кўнгилсиз бўлиши ва ташлаб кетишидан қўрқса, иккови ўзаро сулҳга келишларининг гуноҳи йўқ. Сулҳ яхши, нафс эса қизғанишга мойил. Агар чиройли муомала қилсанглар ва Аллоҳдан қўрқсанглар, Аллоҳ ҳар бир амалингиздан хабардордир.

Талоқ эр ва хотиннинг бирга яшасидан кўра ажralиши яхшироқ бўлиб қолгандагина кўриладиган охирги шаръий чорадир. Ҳолбуки, оилани мустаҳкамлаш, бирор қалтис вазият туғилиб, эр-хотин ўртасига совуқчилик тушганида йўлинни топиб, яхши изга солишнинг фойдали ва тўғрилиги боис Куръони карим уларни сулҳга, келишишга чақиради. Чунки эр-хотиннинг ажрашиб кетганидан кўра, уларнинг ўзаро келишиши, сулҳга келиши мақбул экан.

Дарҳакиқат, нафслар қизғанишга мойилдир. Нафсининг айтганига юрадиган киши учун умр йўлдошининг қилдай хатоси фидай кўриниши, арзимас турли баҳоналар билан ундан кўнгилсиз бўлишига йўл очиб бериши мумкин. Демак, нафсни жиловлаш, унга ҳукмрон бўлиш, ақл ва тадбир билан иш юритиш лозим. Айниқса, эрлар ояти кариманинг: "Агар чиройли муомала қилсанглар ва Аллоҳдан қўрқсанглар, Аллоҳ ҳар бир амалингиздан хабардордир" деган чақиригини унутмай, унга амал қилса, оиласардаги қанчадан-қанча жанжал-можароларнинг олди олинган,

қанчалаб оиласылар бузилиб кетищдан асралган бўлур эди. Буни ёш оила қурганларга тушунтиришимиз, тажрибасиз, ҳали турмуш синовларига дуч келмаган, ҳаёт қадрига етмаган жуфтларга англатишимиз даркор. Нотинч оиласыларни яхшилик билан ислоҳ қилиб, ота-оналар, қуда-андаларни маҳалла оқсоқоллари, имомларимиз, жамоатчилик вакиллари ёрдамида ўзаро келишиши, оиласий баҳтиқбол учун ҳаракат қилиш ҳар биримизнинг мўминлик бурчимиздир.

Ибн Мусайяб айтади: "Мұхаммад ибн Масламанинг қизи Рофиъ ибн Субайхнинг хотини эди. У аёлнинг кибриними ё бошқа бирор айбини ёқтирмади. Натижада уни талоқ қилмоқчи бўлди. Шунда аёл: "Мени талоқ қилма, ўзингда олиб қол. Сеники бўлган нарсани мен билан баҳам кўр", деди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди".

وَلَنْ تَسْتَطِعُواْ أَنْ تَعْدِلُواْ بَيْنَ النِّسَاءِ وَلَوْ حَرَضْتُمْ فَلَا
تَمِيلُواْ كُلَّ الْمَيْلِ فَتَذَرُوهَا كَالْمُعَلَّقَةِ وَإِنْ تُصْلِحُوهَا
وَتَتَقَوَّاْ فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ عَفُورًا رَّحِيمًا

١٦٩

129. Ҳар қанча уринсанглар ҳам хотинларингизга бир хил адолатли бўла олмайсизлар. Бирига ориб кетиб, иккинчисини ташлаб қўйманглар. Агар ўнгланиб, Аллоҳдан қўрқсанглар, Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир.

Агар бир киши бир неча хотинни никоҳига олган бўлса, ҳаммасини муҳаббатда, ҳар бир ишда баравар кўролмайди, чунки бу мумкин эмас. Лекин бир хотинга оғиб кетиб, бошқасини ташлаб қўйиш ҳам ярамайди, чунки бу зулмдир. Агар эр сулҳга бориб, зулмдан сақланса, Аллоҳ таоло унинг гуноҳини кечиради.

وَإِن يَنْفَرُّ قَوْمًا يُعَذِّبُنَّ اللَّهُ كُلَّاً مِّنْ سَعْيِهِ وَكَانَ اللَّهُ وَاسِعًا

١٣٠ حَكِيمًا

130. Агар улар ажралишса, Аллоҳ фазли билан бадавлат қиласи. Аллоҳ карами кенг, ҳикматлидир.

Агар улар ажрашиб кетадиган бўлишса, нафақасиз қолиб турмушда қийналишдан қўрқишишмасин. Чунки Ер юзида қимирлаган жон борки, унга ризқ бериш Аллоҳ таолонинг зиммасидадир. У хоҳлаган кишисини фазли ва инояти билан бадавлат қилиб қўяди. Хоҳлаган кишисининг ризқини эса танг, тор қилиб қўяди. Шунинг учун барча ишларингизда Аллоҳ таолонинг Ўзига суюнинг, таваккул қилинг, ҳожатингизни фақат Ундан сўранг. Аллоҳ карами кенг, ҳар бир ишни ўта ҳикмат билан қилувчиdir.

وَلَلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَلَقَدْ وَصَّيْنَا الَّذِينَ أُوتُوا
الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ وَإِيَّاكُمْ أَنْ تَتَّقُوا اللَّهَ وَإِن تَكْفُرُوا فَإِنَّ اللَّهَ
مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَكَانَ اللَّهُ عَنِّيَّا حَمِيدًا

١٣١

131. Осмонлару Ердаги ҳамма нарса Аллоҳнидири. Биз сизлардан олдин китоб берилганларга ва сизларга Аллоҳдан қўрқиши буюрдик. Агар куфр келтирсанглар ҳам осмонлару Ердаги ҳамма нарса Аллоҳнидири ва Аллоҳ беҳожат, мақтовга сазовордир.

Ислом дини доимо ақлнинг қийматига, тутган ўрни ва аҳамиятига чуқур эътибор қаратган. Агар инсон ақдини

ишлатса, Аллоҳдан қўрқуви кучаяди, тафаккур қилса, ҳар бир нарсадан ҳикмат қидиради. Айтилишича, "Ақл туғайли ишларнинг моҳияти англанади, яхшилик ва ёмонлик ораси ажратилади". Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ақл ҳақ билан ботилни ажратадиган қалбдаги нурдир", деганлар. Омир ибн Абдулқайс: "Ақдинг сени нолойиқ нарсадан қайтара олса, сен ақдисан", деган. Анас ибн Моликдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида бир кишини "яхши" деб мақташди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Унинг ақли қандай?" дедилар. Саҳобалар: "Эй Аллоҳнинг Расули, унинг ибодати, хулқи, фазилати ва одоби..." дея санай бошлишди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: "Унинг ақли қандай?" деб сўрадилар. Улар: "Эй Аллоҳнинг Расули, биз унинг ибодати ва бошқа фазилатларини мақтасак, сиз унинг ақли хусусида сўраяпсиз?" дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Албатта, обидларнинг аҳмоғи нодонлиги туғайли фожирдан кўра кўпроқ зарар етказади. Одамларнинг Роббилирига қурбатлари (яқинликлари) ақллари даражасига қараб бўлади", дедилар" ("Адабуд-дунё вад-дин"дан).



وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ وَكِيلًا

132. Осмонлару Ердаги ҳамма нарса Аллоҳникидир. Ҳомийликка Аллоҳ кифоядир.

Эй инсонлар, Аллоҳнинг ваҳийларини инкор қилишга, У Зотга ва Унинг пайғамбарига итоатсизлик қилишга қандайин ҳаддингиз сиғяпти? Унинг охиратда ҳисобга тортиши, гуноҳларингиз эвазига аламли азоблар билан жазолаши ҳақидаги огоҳлантиришларга нега бунчалик бепарвосиз? Ёки Унинг жазо ва ғазабидан Ер остига кириб кетиб ёки осмонга учиб кетиб қутулиб қоламиз, деган хаёлга боряпсизларми? Ахир, осмонларнинг ҳам, Ер ва ундаги

нарсаларнинг ҳам эгаси ёлғиз Аллоҳ-ку! Борлиқнинг бирор жойида сизлар Аллоҳдан ўзга бирор зотдан паноҳ ва нажот топа олмайсизлар! Ҳомийликка, нажот беришга, сизларни мағфират қилишга Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.

إِن يَشَاءُ يُذْهِبَ كُمْ أَيْمَانَ النَّاسِ وَيَأْتِ بِآخَرِينَ وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ

ذَلِكَ قَدِيرًا

۱۳۳

133. Агар У хоҳласа, эй инсонлар, сизларни кетказиб, бошқаларни келтиради ва Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

Агар Аллоҳ таоло хоҳлаганида Ер юзида ҳаёт кечириб, гуноҳ ишлардан тийилмаётган барча халқларни бир зумда ҳалок қилиб, улар ўрнига тамоман янги халқларни келтиришга қодир-ку! Қуръон қиссаларини эсламайсизларми, улар ҳақида озгина тафаккур қилмайсизларми? Нух алайхиссалом қавмини кучли тўфонга фарқ қилиб, ер юзидан йўқ қилиб юборди. Од ва Самуд қавми бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган балоларини юбориб, батамом ҳалок қилди. Лут алайхиссалом қавми устига тош ёғдирди, яшнаб турган шаҳарларини ер билан яксон қилди. Наҳот ана шу воқеалардан ҳам ибрат олмайсизлар? Ҳозирги пайтда ҳам битта тўфон ёки зилзила билан қанча жойларни вайрон, қанча одамни бежон қилиб юборишга қодирлигини кўриб-билиб турибсизлар-ку!

مَنْ كَانَ يُرِيدُ ثَوَابَ الدُّنْيَا فَعِنَّدَ اللَّهِ ثَوَابُ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ

وَكَانَ اللَّهُ سَمِيعًا بَصِيرًا

۱۳۴

134. Ким дунё савобини истаса, ҳам дунё, ҳам охират савоби Аллоҳ ҳузуридадир ва Аллоҳ эшитувчи, кўрувчиdir.

Инсон имон келтирганидан сўнг охиратда нажот топиш учун бу дунёдан кечмайди, балки иккисини ҳам қозонишга интилади. Дунё савоби ҳам, охират савоби ҳам Аллоҳ таолонинг ҳузуридадир. Инсон Аллоҳга бўлган имони, Унга қилган ибодати ва У қайтарган нарсадан сақланиши билан ҳеч зиён кўрмайди, балки Парвардигорига келтирган имони туфайли ҳидоятланиб, Холиқقا итоати сабабли маҳлукқа қуллик қилишдан озод бўлади. Ҳаром қилингган нарсадан ўзини асраши билан нафсининг тубан истак-ҳоҳишларидан юксакликка кўтарилади. Имонли киши Аллоҳ тарафидан неъмат келганида ҳам, мусибат билан синов қилинганида ҳам фойда кўрувчиdir. Чунки у неъмат келганида шукр билан, мусибат пайтида чиройли сабр билан савобга эришади. Зоро, гўзал оқибат тақводорларницидир.

يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمَانُوا كُوْنُوا فَوَّمِينَ بِالْقُسْطِ شُهَدَاءَ لِلَّهِ وَلَوْ عَلَىٰ
 أَنْفُسِكُمْ أَوْ أَلْوَالِهِنَّ وَالْأَقْرَبِينَ إِنْ يَكُنْ غَنِيًّا أَوْ فَقِيرًا فَإِنَّهُ
 أَوْلَىٰ بِهِمَا فَلَا تَتَّبِعُوا أَهْوَاءَ أَنْ تَعْدِلُوا وَإِنْ تَلَوُّا أَوْ تُعَرِّضُوا فَإِنَّ
 اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَيْرًا
١٣٥

135. Эй имон келтирганлар, адолатли бўлинглар, ўзингиз, ота-онангиз, қариндошларингиз зарарига бўлса ҳам Аллоҳ учун тўври гувоҳлик беринглар. Бой бўлсин, камбағал бўлсин, Аллоҳ уларга хайриҳоҳдир. Ҳавоий нафста эргашиб адолатсизлик қилманглар. Гувоҳликни нотўғри берсанглар ёки ундан бош тортсанглар, Аллоҳ қилмишларингиздан хабардордир.

Яъни, эй мўмин-мусулмонлар, ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қўлдан берманглар, гувоҳликни Аллоҳ учун

қилинглар. Ҳақиқатни ва ростни баён қилишда ҳатто яқинларингиз зиддига бўлса ҳам тўғри гувоҳлик беринглар. Бойларга хушомад, камбағалларга раҳм қилиб ўтирманглар, чунки Аллоҳ таоло уларга сиздан зиёда яқин, хайрихоҳдир. Нафс сўзига кириб, адолатнинг зиддига иш қилманглар. Агар гувоҳлик бераётганингизда ҳақиқатни хаспўшлаб ё нотўғри сўз қилсанглар, айни воқеани тўла гапирмай мужмал қолдирсанглар, Аллоҳ таоло барча қилмишларингиздан хабардордир.

Суддий айтади: "Бу оят Набий алайҳиссалом ҳақларида нозил бўлган. Бир бой одам билан бир камбағал киши у зотнинг ҳузурларига хусуматлашиб келишди. У зот камбағал тарафида бўлдилар. Камбағал киши бойга зулм қилмайди, деб ўйладилар. Лекин Аллоҳ бой ва камбағал ўртасида адолатни барпо этишга буюриб, ушбу оятни нозил қилди".

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَالْكِتَبِ الَّذِي نَزَّلَ
 عَلَى رَسُولِهِ وَالْكِتَبِ الَّذِي أَنْزَلَ مِنْ قَبْلٍ وَمَنْ يَكْفُرْ بِاللَّهِ
 وَمَلَئِكَتِهِ وَكُنْتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمَ الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ
١٣٦ ضَلَالًا بَعِيدًا

136. Эй имон келтирганлар, Аллоҳга, Унинг Расулига, Расулига нозил қилган Китобга, аввал туширган китобга имон келтиринглар. Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига ишонмаса, у аниқ адашган бўлади.

Аллоҳ таоло мўминларга буюрятики, сизлар Аллоҳга, Унинг Пайғамбарига, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига ва ундан

олдинги пайғамбарларга туширган китобларга, фариштадарга, қиёмат кунига имон келтиринглар. Акс ҳолда адашганлардан бўлиб қоласиз.

Аллоҳ таолога имон келтириш мусулмон киши эътиқодининг, имонининг асосий шартидир. Киши ҳамма нарсани ёлғиз Аллоҳ таоло яраттанини, Ундан ўзгага сиғиниб бўлмаслигини, У комил сифатлар билан сифатланганини, айб-нуқсондан поклигини қалби билан тасдиқлаб, тили билан иқрор бўлсагина Аллоҳ таолога имон келтирган бўлади. Мўмин-мусулмон киши Аллоҳ таоло зоти ва сифатларида ягона экани, У ҳамма нарсага қодирлиги, Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатларида ўхшаши, акси, тенги йўқлиги, ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг хоҳиши, ҳукми ва тақдирни билан бўлиши ҳақида имон келтириши шарт. Шундагина унинг имони комил бўлади.

Пайғамбарларнинг саййиди ва охиргиси, сарвари коинот Муҳаммад алайҳиссаломга имон келтириш ҳам киши имонининг асосий шартларидан саналади. Пайғамбарамиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатлари боқийдир. У зотдан сўнг ҳеч бир пайғамбар бўлмайди. Бу зот бутун инсониятга ва жинларга расул этиб юборилганлар.

Фаришта (малак)лар борлигига ҳамда Куръони карим ва Пайғамбарамиз ҳадисларида баён этилган уларнинг сифатлари ва вазифаларига ишониш имон шартларидан бўлиб, инсон уларга имон келтирмагунича мўмин бўлмайди. Фаришталар Аллоҳ таолонинг маҳлуқи, бандасидир. Улар куфр ва гуноҳлардан покдир. Улар доимо Аллоҳ таолога тоат-ибодатда бўлишади. Улар эрлик ва аёллик сифатлари билан сифатланмайди. Фаришталар инсонлар каби еб-ичишмайди, ухлашмайди, уларда шаҳват йўқ. Фаришталар Аллоҳ таолонинг изни билан турли шаклларда кўрина олишади. Аллоҳ таоло фаришталарни кўп қанотли қилиб яратган. Уларнинг баъзиларида иккитадан, айримларида учтадан, баъзиларида тўрттадан, айримларида эса бундан

ҳам кўп қанот бор. Фаришталар Аллоҳ таолонинг ҳукми-ни бандаларга етказиш, Аршни кўтариб туриш, жаннат ва дўзах ишларини бажариш, одамларнинг ишларини кузатиб, амалларини ёзиб юриш, инсонни доимий муҳофаза қилиш, руҳларни қабз қилиш ва бошқа вазифаларга мукаллаф этилган. Жаброил, Микоил, Исрофил, Азроил алай-ҳимуссалом фаришталарнинг улуғлариdir. Жаброил алайҳиссалом ваҳий етказишга, Микоил алайҳиссалом Аллоҳ берган ризқларни тасарруф қилишга, Исрофил алайҳиссалом қиёматдан огоҳ этувчи сурни чалишга, Азроил алайҳиссалом инсонлар жонини қабз қилишга мукаллаф (вазифадор)дирлар.

Киши имонининг яна бир шарти Аллоҳ таолонинг расуллари ва набийларига нозил қилган китобларига ишонишдир. Аллоҳ таолонинг ҳамма китоблари Унинг каломи (сўзи) ва ваҳийдир, махлук эмасдир. Уларнинг ҳаммаси бир каломдир, назм, ўқиш ва эшитиш жиҳатидан бир нечтадир. Бу эътибордан нозил бўлган китобларнинг энг афзали Таврот, Инжил, Забур ва Қуръони каримдир. Бу тўрт китобнинг энг улуғи Қуръони каримдир. Қуръони карим нозил бўлгач, қолган барча китобларни ўқиш ва ёзиш бекор бўлган. Чунки улардаги ҳукмлар муайян халқа йўлланган эди. Қуръони карим ҳукмлари эса бутун инсониятта қаратилган. Таврот Мусо алайҳиссаломга, Забур Довуд алайҳиссаломга, Инжил Исо алайҳиссаломга, Қуръони карим эса Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга юборилган. Қуръони карим ҳукмлари қиёматгача ўзгармайди, бирор ҳарфи зиёда ёки кам бўлмайди, тилларда ва дилларда сақланиб боради. Қуръони каримни ўқиш ибодат ҳисобланади.

Яна мўмин-мусулмонлар қиёмат кунига, охиратга ҳам имон келтиришлари шарт. Охират Қуръони каримда бир неча номлар билан, жумладан, Қиёмат, Соат, Явмул-ҳисоб, Охира, Томма, Сохха, Ҳаққо, Воқеа ва бошқа номлар билан аталган. Охиратта, яъни қиёматга ишониш имонининг яна

бир шартидир. Охиратга ишониш Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда охират ҳақида келган барча нарсаларга: қабрда икки фариштанинг савол қилишига, қабр азоби ва неъматига, охират куни олдидан бўладиган аломатларга, қайта тирилишга ва ҳамманинг тўпланишига (ҳашрга), номай аъмолларнинг берилишига, кишининг савоб ва гуноҳлари ҳисоб қилинишига, мезон (тарозу)га, ҳавзга, сиротга, шафоатга, жаннат ва дўзахга, уларнинг аҳлларига ҳозирланган неъмат ва азобларга ишониш, демақдир. Қиёмат Исрофил алайҳиссаломнинг биринчи сур тортишлари билан бошланади ва шунда дунё ҳаёти тугайди.

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا ثُمَّ كَفَرُوا ثُمَّ ءَامَنُوا ثُمَّ كَفَرُوا ثُمَّ أَزْدَادُوا كُفْرًا

لَئِنْ يَكُنْ اللَّهُ لِيَغْفِرَ لَهُمْ وَلَا لِيَهْدِيَهُمْ سَبِيلًا

۱۳۷

137. Имон келтирганларидан кейин куфрга кетган, сўнгра имон келтиргач яна кофир бўлган, ҳатто куфри ортиб кетганларни Аллоҳ асло кечирмайди ва тўғри йўлга йўлламайди.

Бу ояти карима мунофиқлар ҳақида тушган. Баъзи уламолар унда яхудийлар назарда тутилган, дейишади. Улар бошда Мусо алайҳиссаломга имон келтиришиди, кейин бузоқقا сифиниб, кофир бўлишиди. Сўнг яна тавба қилиб, имонга келишиди. Кейинчалик Исо алайҳиссаломни инкор этиб, яна куфрга кетишиди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) келганларида у зотни ҳам инкор қилиб, куфрлари янада зиёдалашди.

۱۳۸

بَشِّرِ الْمُتَفَقِّينَ بِأَنَّ لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا

138. Мунофиқларга қаттиқ азоб хабарини беринг.

Эй Пайғамбарим, мунофиқларга қиёматда уларни қаттиқ азоб ва қийноклар, абадий дўзахда ёниш даҳшатлари кутиб турганининг хабарини беринг. Токи улар ўзларини ўнглашсин, мўминлар ва уларнинг душманлари ўртасида иккиюзламачилик билан Аллоҳ ва Унинг пайғамбариға хиёнат қилишмасин.

الَّذِينَ يَتَحَدُّوْنَ أَلْكَفِيرِيْنَ أَوْ لِيَآتَةَ مِنْ دُوْنِ الْمُؤْمِنِيْنَ أَيْتَنَغُوْنَ

عِنْهُمُ الْعِزَّةُ فَإِنَّ الْعِزَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا **(١٣)**

139. Улар мўминлар ўрнига кофирлар билан дўстлашишади. Иззат ва қудратни улардан кутишяптими? Иззат ва қудратнинг бари Аллоҳ ҳузуридадир.

Мунофиқларнинг энг қаттиқ хатоси шуки, улар мўминлар билан дўстлашиш, улар юрган йўлни танлаш ўрнига кофирларни дўст ва ҳамкор қилиб олишади. Наҳотки улар Аллоҳдан эмас, балки У яратган ва Унга куфр келтириб, Парвардигор ғазабига учраган кофирлардан иззат ва қудрат излашаётган бўлса?! Иззат ва қудрат фақат Аллоҳ ҳузуридадир ва ким Ундан ўзгадан паноҳ ва нажот кутаётган бўлса, қаттиқ адашувдадир!

وَقَدْ نَرَأَ عَلَيْكُمْ فِي الْكِتَابِ أَنْ إِذَا سَمِعْتُمْ إِيمَانَ اللَّهِ يُكَفِّرُهُمْ
وَيُسْهِرُهُمْ فَلَا تَقْعُدُوْمَعْهُمْ حَتَّى يَخُوضُوا فِي حَدِيثٍ غَيْرِهِ إِنَّكُمْ
إِذَا مِثْلُهُمْ إِنَّ اللَّهَ جَامِعُ الْمُتَّقِيْنَ وَالْكَفِيرِيْنَ

فِي جَهَنَّمَ جَمِيعًا **(١٤)**

140. Ахир У сизларга Китобда: "Аллоҳ оятларини инкор ё масхара қилаётганлар билан то бошқа гапга ўтмагунларича бирга ўтирманглар!" деб буюрган эди-ку! Шундай қилсангиз, улар кабидирсизлар. Аллоҳ мунофиқ ва кофирларни дўзахда тўпловчиdir.

Эй мўминлар, ахир Аллоҳ таоло Ўзининг китобида Аллоҳ оятларини инкор қилиб, уларни масхара қилаётганлар билан улар гапларини ўзгартиргунларича бирга ўтирмасликни буюрган эди-ку! Агар илоҳий огоҳлантиришлардан кейин ҳам улар билан алоқани узмасангиз, улар билан ҳамкорлик қилсангиз, сизлар ҳам улар каби саналасиз. Огоҳ бўлинг, Аллоҳ азза ва жалла охиратда уларнинг барини дўзахда тўплайди.

الَّذِينَ يَرَبُّصُونَ بِكُمْ فَإِنْ كَانَ لَكُمْ فَتْحٌ مِّنَ اللَّهِ قَاتُلُوا أَلَّمَ نَكُنْ
 مَعَكُمْ وَإِنْ كَانَ لِلْكُفَّارِنَ نَصِيبٌ فَأَلَّمَ اللَّهُ نَسْتَحْوِدُ عَلَيْكُمْ
 وَنَمْنَعُكُمْ مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ فَأَلَّمَ اللَّهُ يَحْكُمُ بَيْنَكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَنْ
 يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكُفَّارِنَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا



141. Сизларга кўз тикиб турган мунофиқлар Аллоҳ томонидан фатҳ келиб қолса: "Сизлар билан эмасмидик?" дейишади. Агар кофирларга насиб қилса: "Мусулмонлардан ҳимоя қилишда ёрдам бермаганмидик?" дейишади. Аллоҳ қиёмат куни ўртада ҳакамлик қилади ва Аллоҳ кофирларни мўминлар устидан ҳаргиз ғолиб қilmайди.

Мунофиқларнинг иккиюзламачилиги, Аллоҳнинг динига хиёнати шунчалар равшанки, улар мўминларнинг ҳаётига

кўз тикиб турганида Аллоҳ томонидан уларга зафар келиб қолса, дарров уларнинг ёнига кириб: "Биз ҳамиша сизлар билан биргамиз", дея ялтоқланишади. Бордию Аллоҳнинг иродаси билан кофирларнинг қўли баланд келиб қолса, энди уларга тилёғламалик қилишга ўтиб: "Мусулмонлардан ҳимоя қилишда сизларга ёрдам бермаганмидик?" дейишади. Уларнинг алдамчилиги узоқ давом этмайди: Аллоҳ қиёмат куни улар ўртасида ҳакамлик қилиб, асл ҳақиқатни очади. Мунофиқлар билишмайдики, Аллоҳ кофирларнинг ҳаргиз мусулмонлар устидан ғалаба қозонишига йўл қўймайди.

إِنَّ الْمُنَفَّقِينَ يُخَذِّلُونَ اللَّهَ وَهُوَ خَدِيرُهُمْ وَإِذَا قَامُوا إِلَى الصَّلَاةِ



قَامُوا كُسَالَىٰ يُرَاءُونَ النَّاسَ وَلَا يَذَكُّرُونَ اللَّهَ إِلَّا قَلِيلًا

142. Ҳақиқатан мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўлишади, ҳолбуки Аллоҳ уларнинг ўзларини "алдаб" қўювчиидир. Улар намозга эриниб туришади, хўжакўрсинга ўқишидаи ва Аллоҳни камдан-кам эсга олишади.

Мунофиқ, иккиюзламачи кимсалар мусулмонлар ҳузурида ўзларини художўй, намозхон одамлар каби тутишади. Ўзлари холи қолишганида ёки шайтонлари билан бўлишганида Исломнинг ашаддий душмани эканларини яширишмайди, ҳар қадамда мусулмонларга бирор зарар етказиш пайида бўлишади. Бу билан улар гўё Аллоҳни алдамоқчи бўлишади. Ваҳоланки, Аллоҳ уларнинг макрҳийлаларидан жуда баландда, олийликда! Аллоҳ уларнинг ўзини "алдаб" қўйиши мумкин.

Мунофиқларни энг фош қиласиган сифатларидан бири уларнинг намоз ўқишига эринишларидир. Хўжакўрсинга, бошқаларга яхши кўриниш учун ибодат қилишга уринишларидир. Улар ибодатларида яратган Парвардигорни

камдан-кам эсга олишади, неъматларига шукр қилишмайди, имонларини сайқаллашмайди. Ҳолбуки, имонни озиқлантириб, куч бериб, янгилаб турадиган нарса намоздир, Аллоҳ зикридир. Намозсиз имон ташқи ҳимоя қўрғонидан ажралиб, душман қаршисида яланғочланиб қолган нишонга ўхшайди – ҳар дақиқада маккор душман (шайтон, нафс) бу нишонга ҳужум қилиши, енгиб қўйиши мумкин. Намоз мўминга нажот ва паноҳ бўлса, мунофиқча вақтини олувчи, юрагини қисувчи ортиқча машғулотдир.

Барча солиҳ амаллар риёдан (одамлар кўриши учун бўлишидан) холи ва суннатга мувофиқ бўлиши шарт. Ибодатни инсонлар кўрсин деб адо этган киши кичик ширк қилган бўлади ва бу амал ҳисобга ўтмайди. Инсонлар кўрсин деб намоз ўқиш, садақалар бериш риёdir. Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо) Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) ривоят қилган ҳадисда бундай дейилган: "Ким бир амални одамлар эшитсин деб қилса, Аллоҳ уни шарманда қиласди, ким риёкорлик кўрсатса, Аллоҳ уни жазолайди" (Имом Муслим ривояти).

مُذَبِّدِينَ بَيْنَ ذَلِكَ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ لَاءٌ وَلَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ لَاءٌ وَمَن يُضْلِلِ اللَّهُ مَنْ يَهْدِي

فَلَمَنْ يَحْمَدُ لَهُ سَيِّلًا



143. Улар аросатда қолишиган: на у тарафга ва на бу тарафга қўшила олишади. Аллоҳ кимни адаштирган бўлса, унга асло йўл топиб беролмайсизлар.

Абу Ахвас Абдуллоҳ ибн Масъуднинг (розийаллоҳу анҳу) ушбу оят шарҳида келтирган қуйидаги мисолини ҳикоя қиласди: "Мўмин, мунофиқ ва кофирнинг мисоли бир водийга келиб қолган уч кишига ўхшайди. Улардан бири ҳаракат қилиб-интилиб водийдан ўтиб олди. Яна бири урина-урина водийнинг ўртасига келиб тўхтаб қолди.

Водийнинг чеккасида қолган бошқаси: "Аҳволингга қара, қаерга кетяпсан, ҳалокаттами?" деб ўртадагига нидо қиласпти. Водийдан ўтиб олган киши эса унга: "Нажотта кел, нажотта кел!" деб ўзи томон чорляпти. Ўртадаги эса дам унга, дам бунга қараб довдирайди, иккиланади. Шу аснода катта сел келиб, уни фарқ қилди! Водийдан ўтган киши мўминдир. Фарқ бўлган киши мунофиқдир. Водийнинг лабида қолган кипи эса, кофирдир" (Абдусаттор аш-Шайх. "Абдуллоҳ ибн Масъуд", Тошкент, 2003 йил).

يَأَيُّهَا الَّذِينَ أَمْنُوا لَا تَنْهَاوُ الْكَفَرِينَ أَوْ لِيَأَءِمَّ مِنْ دُونِ

الْمُؤْمِنِينَ أَتُرِيدُونَ أَنْ يَجْعَلُوا اللَّهَ عَلَيْكُمْ سُلْطَانًا مُّبِينًا

144. Эй имон келтирганлар, мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутманглар! Аллоҳ ҳузурида ўз зарарингизга аниқ ҳужжат бўлишини истайсизларми?

Баъзи мўмин-мусулмонлар борки, улар имонли кишиларни эмас, эътиқодсиз, кофир кимсаларни дўст тутиб олишади, улар билан ҳамкорлик қилишади, чуқур иқтисодий ва маънавий муносабатлар ўрнатишади. Ҳар бир нарсани кўриб-билиб турувчи Зот буларнинг баридан хабардор бўлгани учун мўминларнинг бу қилмишлари охиратда ўз зарарларига, азобга қолишлирига ҳужжат бўлади. Шунинг учун Аллоҳ таоло буюряптики: эй мўминлар, қуфр эгалари билан асло дўстлашманглар. Агар шундай қилсанглар, сизларнинг ҳам мунофиқлардан ҳеч қандай фарқингиз қолмайди ва қиёматда Аллоҳ уларга ваъда қилган жазога сизлар ҳам гирифтор бўласизлар.

إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي الدَّرْكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ وَلَنْ يَحْدَدْ

لَهُمْ نَصِيرًا

145. Мунофиқлар албатта дўзахнинг энг тубидадирлар ва уларга ҳеч қачон ёрдамчи тополмайсиз.

Қиёматда дўзахнинг энг тубан жойи мунофиқларга ажратилади. Ҳеч ким уларнинг азобдан қутулишида ёрдам бера олмайди. Фақат гуноҳларига тавба қилиб, қилмишларини тузаттан, нопок амалларини тарк этиб, динларини холис ушлаганларгина мўминлар қаторидан жой олишади. Мўминларга насиб бўлган илоҳий қарам ва иноятга улар ҳам сазовор бўлишади. Аллоҳ таоло яхши амалларнигина қабул қиласди, бандаларнинг нима қилаётганини яхши билади. Аллоҳ таоло буюрганларини тасдиқлаган ва мамнуният билан қабул қилган бандаларга Парвардигор адолатли ва раҳмлидир.

إِلَّا الَّذِي تَابُوا وَأَصْلَحُوا وَأَعْتَصَمُوا بِاللَّهِ وَأَخْلَصُوا دِينَهُمْ
لِلَّهِ فَأُولَئِكَ مَعَ الْمُؤْمِنِينَ وَسَوْفَ يُؤْتَ إِلَهُمُ الْمُؤْمِنِينَ

١٤٦

أَجْرًا عَظِيمًا

146. Фақат тавба қилиб, ўзини тузатган ва Аллоҳга боғланиб, динларини холис Аллоҳ учун ушлаганлар мўминлар билан бирга бўлишади. Аллоҳ албатта мўминларга улкан мукофотлар беради.

Инсонларни бошқа барча мавжудотдан азизу мукаррам қилиб яратган, бандаларига ниҳоятда меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ таоло уларга бу хатоларни тузатиш, гуноҳлардан фориғ бўлишнинг йўлини ҳам белгилаб берган. Бунинг бирдан-бир чораси гуноҳ-хатолардан афсусланиш ва надомат чекиш, уларга чин дилдан тавба қилишдир. Ҳатто инсоният отаси Одам алайҳиссалом ҳам хатога йўл қўйгач,

тавба-тазарру орқали Аллоҳ таолонинг жазосидан қутулган. Бобомиз Одам алайҳиссалом тавбага муҳтоҷ бўлган эканлар, қай бир банда мен тавбадан холиман, деб айта олади? Шу боис тавбага юзланиш, гуноҳларга истиғфор айтиш инсон наслига фарз қилингандан азалий ҳукмдир.

Кишининг гуноҳлардан қайтиши, ёмон ишларини ташлаб, яхшиликлар қилишга ўтиши тавбадир. Тавба холис Аллоҳ таоло учун бўлади. Шубҳалардан холи бўлсагина, банда амаларида гуноҳлардан очиқ ва яширин асар қолмасагина унинг тавбаси чин, холис тавба (Қуръонда зикр этилган "тавбай носухо") бўлади. Пайғамбар алайҳиссалом: "Гуноҳларидан холис тавба қилган киши ҳеч бир гуноҳ қилмаган киши кабидир", деганлар. Уламолар оят ва ҳадисларда зикр этилган тавбадан мурод шудир, дейишган. Гуноҳлар қотирган қалбни тавбагина юмшатади. Тавба қалб шифоси, унга роҳат бағишловчи улкан неъматдир. Мўмин киши гуноҳларини кичик санамай, дарров тавбага шошилиши, гуноҳларидан фориғ бўлишни, Парвардигори ваъда қилган жаннат мукофотини қўлга киритишини ўйлаши лозим. Тавба жаннат ва дўзах ўртасига қўйилган бир тўсиқ кабидир. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласи: "Эй имон келтирганлар! Аллоҳга чин тавба қилинглар, шояд Раббингиз сизларнинг гуноҳларингизни ўчириб, остидан анҳорлар оқиб турадиган (жаннатдаги) боеларга киритса!" (Таҳрим, 8).

Гуноҳдан сўнг дарҳол тавба қилиш вожибдир. Чунки гуноҳларни ҳис қилмаслик, ўнгланишни ўйламаслик, фақат ёмонликка берилиш шайтоний феъллардан саналади, ёмонликдан тезда яхшиликка қайтиш эса инсоний заруратдир. Тавбани кечикириш мумкин эмаслигини англаган киши дарҳол яхши амалга ўтади, ўзини ёмон ишлардан тия бошлайди. Ҳатто Пайғамбардай (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гуноҳ-хатолари Аллоҳ таоло томонидан кечирилган маъсум, юксак ахлоқ соҳиби бўлган зот ҳам ҳар куни бир неча бор тавба қилганлар ва умматни ҳам

шунга чақирғанлар: "Эй инсонлар, Аллоҳга тавба қилинглар ва Ундан доимо гуноҳларингни кечиришини сўранглар! Мен Аллоҳга ҳар куни юз марта тавба қиласман", деганлар (Имом Муслим ривояти).

مَا يَفْعَلُ اللَّهُ بِعْدَ إِيمَانِكُمْ إِنْ شَكَرْتُمْ وَأَمْنَتُمْ وَكَانَ اللَّهُ



شَاكِرًا عَلِيهِما

147. Агар шукр қилсанглар ва имонга келсанглар, Аллоҳ сизларни азоблармиди?! Аллоҳ шукрни қадрловчи ва билувчиидир.

Буюк Яратувчи бандасига имон, илм, ибодат, ихлос, ҳидоят, яхши хулқ каби беҳисоб неъматларни бериб қўйган. Аллоҳ таоло ва Унинг Пайғамбариға имон келтирған, У Зот ато эттан неъматларга шукр эттан баңдалар чин мўминлардир. Аллоҳ азза ва жалла бундай баңдаларини ҳаргиз жазоламайди. Шукр эса бу неъматларни Аллоҳнинг Ўзи яхши кўрадиган ва рози бўладиган жойларга ишлатишдир. Баъзилар эса жаҳолат ва ғафлатда бўлганидан неъмат шукрини айтишдан узоқда, бунинг ҳикматини билишдан маҳрум. Аллоҳ таоло шукрни қадрлайди, кимнинг қанча ва қандай шукр қилишини билиб туради. Ривоят этилишича, бир кеча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўп нафл намози ўқидилар, ҳатто муборак оёқлари шишиб кетди. Шунда ҳазрати Оиша: "Ахир Аллоҳ таоло сизнинг олдингию охирги гуноҳларингизни кечирмаганми?" дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Шукр этувчи банда бўлмайинми?" дедилар (Имом Муслим ривояти). Аммо неъматга шукр этилмаса, у албатта заволга учрайди. Фузайл (розийаллоҳу анҳу) айтган: "Сизларга неъматлар учун ҳамиша шукр айтмоғингиз вожибdir. Қавмдан кетган бир неъматнинг яна қайтиб келиши жуда мушкул".

ОЛТИНЧИ ЖУЗ

لَا يُحِبُّ اللَّهُ الْجَهَرُ بِالسُّوَءِ مِنَ الْقَوْلِ إِلَّا مَنْ ظُلِمَ
 وَكَانَ اللَّهُ سَمِيعًا عَلَيْهَا



148. Аллоҳ мазлумнидан бошқа бирор ёмон сўзнинг ошкор айтилишини яхши кўрмайди ва Аллоҳ эшитувчи, билувчиидир.

Бу ояти каримадан маълум бўладики, бир инсондаги диний ё дунёвий айбни бошқаларга ошкор қилиш дуруст эмас. Лекин мазлум киши золим устидан шикоят қилса бўлади. Аслида мазлумнинг ҳам ўзига зулм қилганни кечириб юбориши ҳурматга сазовордир, Мужоҳид айтади: "Бир қавмга меҳмон келди. Улар меҳмоннинг ҳурматини жойига қўймай, ёмон муносабатда бўлишди. Меҳмон уларга бундан шикоят қилди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни индирди ва шикоят қилишга рухсат бўлди".

إِنْ تُبَدُّوا خَيْرًا أَوْ تُخْفُوهُ أَوْ تَعْفُوا عَنْ سُوءٍ فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ عَفْوًا



149. Яхшиликни ошкор ва яширин қилсанглар ҳам ёки ёмонликни кечирсанглар ҳам Аллоҳ албатта қодир бўлатуриб кечирувчиидир.

Ўзгаларга яхшилик қилиш мўминнинг энг афзал хислатидир, Аллоҳ розилигини топишининг осон йўлидир. Яхшилик Аллоҳнинг бандага раҳматидир. Яхшилик қилганларни Аллоҳ таолонинг ўзи мукофотлайди. Унинг ваъдасига кўра яхшилик қилувчи мўминлар жаннат неъматларидаирлар. Аллоҳ таоло айтади: "Тақволи зотларга: "Раббингиз (Ўз Пайғамбарига) нимани нозил қилди?" дейилганига улар: "Яхшиликни", дейишади. Бу дунёда яхшилик қилганлар учун чиройли мукофот бўлур" (Наҳл, 30). Яхшилик ошкор ёки пинҳона қилинса ҳам барибир уни Аллоҳ кўриб туради. Бирордан ёмонлик кўрилганда буни кечириб юбориш ҳам яхшилик саналади.

Яхшилик қилишга ҳамиша шошилиш керак, чунки Пайғамбар алайҳиссаломнинг: "Кимга яхшилик қилиш эшиги очилса, фойдаланиб қолсин, зоро, унинг қачон ёпилишини билмайди"; "Ҳар бир яхшилик садақадир, дўстингга очиқ юз билан муомала қилишинг яхшиликдир, унинг челагига ўз челагингдан сув қутиб беришинг ҳам яхшилиқдандир", "деган насиҳатлари бор.

إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَيُرِيدُونَ أَنْ يُفَرِّقُوا
 بَيْنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَيَقُولُونَ نُؤمِنُ بِعَضٍ وَنَكْفُرُ بِعَضٍ
 150. وَيُرِيدُونَ أَنْ يَتَخَذُوا بَيْنَ ذَلِكَ سِيِّلًا

150. Ҳақиқатан Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига куфр келтирувчилар Аллоҳ ва Унинг пайғамбарлари орасини ажратишни ва: "Баъзиларига ишониб, баъзиларига ишонмаймиз" деб ора йўлни тутишни исташади.

Пайғамбарларнинг баъзисини тан олиб, бошқаларини тан олмаган кимсаларни Аллоҳ таоло қаттиқ итобга (қийин-

қистовга) олади. Улар Аллоҳга ҳам, Унинг пайғамбарлари-га ҳам ишонмагани учун ана шундай ора йўл тутмоқчи бўлишади. Имон шартларидан бири Аллоҳ таолонинг ҳамма пайғамбарларига истисносиз ишонишдир. Пайғамбарлар-нинг барчаси ўз қавмларини фақат Аллоҳ таолога ибодат қилишга, Унинг улуҳиятига, рубубиятига, исм ва сифатла-рига ширк келтирмасликка чақиришган. Куръонда зикри келган барча пайғамбарларга сўзсиз ишониш Аҳли суннат вал жамоа ақидасининг муҳим қисмидир. Чунки Аллоҳ таоло: "Айнан ўшалар Аллоҳ ҳидоятига мушарраф бўлган зотлардир. Бас, уларнинг йўлига иқтидо қилинг!" (Анъом, 90) деб буорган.

أُولَئِكَ هُمُ الْكَفِرُونَ حَقًا وَأَعْتَدْنَا لِلْكَفِرِينَ عَذَابًا مُهِينًا

151. Ана шулар ҳақиқий кофирлардир ва кофирларга хорловчи азоб тайёrlаб қўйганмиз.

Пайғамбарлардан бирини инкор қилиш ҳаммаларини инкор қилганга тенглаштирилади. Яҳудийлар Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни тан олмай кофир бўлишиди. Аллоҳ таоло ушбу ояти карима воситасида уларни ҳақиқий кофирлар, деб эълон этди, Ислом билан куфр ўртасида янги йўл чиқарувчилар, деб қарор қилди. Бундайларга Аллоҳ таоло томонидан қиёматда хорловчи, аламли азоблар тайёrlаб қўйилган.

وَالَّذِينَ ءامَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُلِهِ، وَلَمْ يُفْرِقوْا بَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ أُولَئِكَ

152. سَوْفَ يُؤْتِيهِمْ أَجُورَهُمْ وَكَانَ اللَّهُ عَفُورًا رَّحِيمًا

152. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига ишонса, улардан бирортасини ажратмаса, мукофотини албатта беради ва Аллоҳ кечирувчи, раҳмлидир.

Мўминликнинг асосий шарти Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига имон келтириш, улар келтирган илохий ваҳийларни дастуриламал қилиб олиб, ҳаётга татбиқ этишдир. Чин мўминлар Аллоҳнинг барча пайғамбарларига уларни ажратмай, бирдай ишонишади. Аллоҳ таоло бундай мўминларнинг дунё ва охиратдаги савоб-мукофотларини тўлиқ қилиб беради. Агар улар билиб-билмай хато-гуноҳларга йўл қўйишса, Аллоҳ Ўз фазли-мағфирати билан уларни кечиради. Чунки У имон келтирганларга ўта меҳрибон ва раҳмли Зотдир.

يَسْأَلُكُمْ أَهُلُ الْكِتَابَ أَنْ تُنْزِلَ عَلَيْهِمْ كِتَابًا مِّنَ السَّمَاءِ فَقَدْ
 سَأَلُوا مُوسَى أَكُبَرُ مِنْ ذَلِكَ فَقَالُوا أَرِنَا اللَّهَ جَهَرًا فَأَخَذَهُمْ
 الصَّاعِقَةُ بِظُلْمٍ لِّهُمْ ثُمَّ أَخَذُوا الْعِجْلَ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمْ أَبْيَنْتُ
 فَعَفَوْنَا عَنْ ذَلِكَ وَإِنَّا مُوسَى سُلْطَانًا مُّبِينًا



153. (Эй Мұхаммад), Аҳли китоблар осмондан китоб тушириб беришингизни сўрашади. Мусодан бундан каттарогини сўрашган ва: "Бизга Аллоҳни очиқ кўрсат", дейишган. Шунда зулмлари туфайли уларни чақмоқ урди. Аниқ далиллар келганидан кейин ҳам улар бузоқни илоҳ қилиб олишди. Шунда ҳам кечирдик ва Мусога аниқ ҳужжат бердик.

Эй Мұхаммад алайҳиссалом, яҳудийлар сиздан шу каби беҳуда нарсаларни сўрашса, ҳайрон бўлманг. Чунки улар ўз пайғамбарларидан бундан ҳам ножоиз нарсани талаб қилишган, яъни Аллоҳни ўз кўзлари билан кўрмоқчи бўлишган. Мана шу шаккокликлари учун бирдан чақмоқ тушиб, ҳаммаларини ҳалок қилди. Мусо алайҳиссаломнинг

дуолари сабабидан яна тирилдилар. Бу мўъжизани кўриб туриб ҳам улар энди бир кимса томонидан ясалган бузоққа сажда қилишди. Охири етмиш минг одам қатл қилинди, бу Мусо алайҳиссаломнинг ғалабалари эди.

Бу оят яҳудийлар ҳақида нозил қилинган. Улар Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: "Агар пайғамбар бўлсанг, худди Мусо келтирганидек бизга осмондан яхши бир китоб келтир-чи!" дейишганида ушбу оят нозил бўлган.

وَرَفَعْنَا فَوْقَهُمُ الْطُّورَ بِسِيقْهِ وَقُلْنَا لَهُمْ أَدْخُلُوا الْبَابَ سُجَّدًا وَقُلْنَا لَهُمْ

لَا تَعْدُوا فِي الْأَسْبَتِ وَأَخْذُنَا مِنْهُمْ مَيْشَقًا عَلَيْظَا

154

154. Ваъдаларига мувофиқ устларига Турни кўтардик ва уларга: "Дарвозадан сажда қилиб киринглар" ҳамда "Шанба хусусида ҳаддан ошманглар", дедик ва улардан қатъий аҳднома олдик.

Саркашлиқда, итоатсизлиқда, исёнда ном чиқарган яҳудийлар Парвардигорларига берган ваъдалариға доимо хилоф иш қилишди, Унинг амрларини бажаришдан бош тортишди. Аллоҳ таоло уларнинг ваъдасига кўра тепаларига Тур тоғини кўтариб қўйди, аммо улар берган ваъдаларини дарров унутиб, ширкка кетишиди. Байтул-Мақдисга шаҳар дарвозасидан сажда қилган ҳолда, "афв эт" деб киришни буюрган эди, шунда ҳам ҳаддан ошиб, бу сўзни бошқасига алмаштиришди. Аллоҳ таоло яҳудийларга шанба куни балиқ овлашни ман этган эди, балиқлар шу куни дарёда ҳар қачонгидан кўп кўринар эди. Яҳудийлар бунда ҳам ҳийлагага ўтишди: дарё яқинига бир ҳовуз ковлашди, шанба куни дарёдаги кўп балиқлар шу ҳовузга кириб қолар, улар ҳовузни тўсиб олиб, эртасига ундаги балиқларни тутиб олишар эди. Аллоҳ таоло ана шу фириблари учун уларни маймун суратига киритиб қўйди.

فِيمَا نَقْضُهُمْ مِّيقَهُمْ وَكُفُرُهُمْ بِيَائِتِ اللَّهِ وَقَنِيلُهُمُ الْأَنْبِيَاءَ بِغَيْرِ حَقٍّ
 وَقَوْلِهِمْ قُلُوبُنَا غُلْفٌ بَلْ طَبَعَ اللَّهُ عَلَيْهَا بِكُفُرِهِمْ فَلَا يُؤْمِنُونَ

الْأَلْفَلِيَّا

155. Аҳдномани бузганлари, Аллоҳнинг оятларини инкор қилганлари, пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганлари, "дилларимиз ёпиқ" деганлари сабабли уларни жазоладик. Йўқ, Аллоҳ уларнинг дилларини муҳрлаб қўйган, шунинг учун айримларигина имон келтиришади.

Яҳудийлар, худди олдинги пайғамбарларни ноҳақ қатл қилганлариdek, Исони ҳам қатл этганимиз, деб даъво қилишади. Уларнинг бу даъвоси ҳақ ва ҳақиқатга хилоф, ботил даъводир. Аллоҳ таоло Ўз бандаси ва пайғамбари Исони яҳудийлар ўлдирмоқчи бўлишганида осмонга қутарди ва уларнинг зулмидан қутқарди. Исо алайҳиссалом изидан келганлар у кишини тутиб бермокчи бўлган Шамъун Юдо исмли кишини Исо деб ўйлаб, уни хочга осдилар.

Ушбу оятларда Аллоҳ таоло яҳудийларнинг лаънатланишини ва уларга бериладиган қаттиқ азобларнинг сабабларини баён қилмоқда. Сабаблар эса қуйидагича: 1) яҳудийлар Аллоҳга: "Сенинг амрингга амал қиласиз, қайтарганингдан қайтамиз", деб берган мустаҳкам аҳдларини бузишди. Бу ваъдани улар Мусо пайғамбар даврида беришган эди; 2) улар Аллоҳнинг оятлари ва пайғамбарларига берган мӯъжизаларига куфр келтиришди; 3) яҳудийлар куфр келтириш билан кифояланиб қолмай, бунинг устига Закариё, Яҳё ва бошқа пайғамбарларни ноҳақ ўлдиришди. Буни уларнинг пайғамбарликлари очик далиллар билан собит бўлганидан кейин қилишди;

4) яхудийлар "дилларимиз ёпик", дейишиди, яъни, "қалбларимизни тўсиқ ва парда босган, унга эслатма ёки даъват етмайди", дейишиди. Аслида эса улар кофириликда бардавом бўлгандари учун Аллоҳ уларнинг қалбларига муҳр босган эди, улардан имонга келадигандари жуда оздир; 5) яхудийлар ҳар нарсага қодир Аллоҳнинг қудратига куфр келтиришди: Исони отасиз яратганида унинг онасига катта бўхтон қилишди, уни зинокор дейишиди. Ҳолбуки, туғиш вақтида Марямнинг бўхтон, зинодан пок эканини исботловчи мўъжизалар аён бўлган эди; 6) яхудийлар: "Биз Исо ибн Марямни, Аллоҳнинг расулини қатл қилдик", дейишиди. Бу гап ҳам ҳақиқатта ва воқеликка хилоф эди. Улар Масихни ўлдирмаган ҳам, осмаган ҳам эдилар. Уларга шундай туюлган эди.

Бунинг тафсилотини имом Табароний Ваҳб ибн Мунаббаҳдан шундай ривоят қиласидар: "Исо ўзининг ўн етти ҳаворийи билан турганида яхудийлар унинг ёнига келишди ва уларни ўраб олишди. Аллоҳ таоло ҳаворийларни Исо суратига киритди. Яхудийлар: "Бизни сеҳрлаб қўйдингиз", дейишиди. Аслида ҳеч қандай сеҳр йўқ эди. Бу иш Аллоҳнинг қудрати ва иродаси билан бўлган эди. Яхудийлар: "Исони ажратиб чиқармасангиз, ҳаммангизни ўлдирамиз", дейишиди. Ҳаворийлардан бири шерикларига: "Бугун ким ўз жони звазига жаннатни сотиб олади?", деди. Улардан бир киши: "Мен", деди ва яхудийлар қаршисига чиқиб: "Мен Исотан", деди. Аллоҳ таоло уни Исо сувратига киритди. Яхудийлар уни тутиб ўлдиришди ва осишли. Шунинг учун ҳам улар Исони ўлдиридик, деб гумон қилишди. Аслида эса Аллоҳ Исони осмонга кўтарган эди" (Ибн Касир тафсири, 1-жуз, 548-саҳифа).



وَيَكْفِرُهُمْ وَقُولُهُمْ عَلَى مَرِيمَ بُهْتَنَأَعَظِيمًا

156. Ва куфрлари ҳамда Марямга улкан бўхтон қилганлари учун;

Марямнинг Исо алайҳиссаломни тутиши чофида Аллоҳ таоло яҳудийларга бир неча мӯъжизаларни кўрсатиб қўйса ҳам, улар бокира ва покиза Марямга қуруқ тухмат қилишди, уни зинода айблашди. Аллоҳ таолонинг яратиш қудратини тан олмай, Исони эрсиз туғдинг, дея улкан бўхтон қилишди. Уларнинг ана шу қиммишлари учун ҳам Аллоҳ азза ва жалла жазолади.

وَقَوْلُهُمْ إِنَّا قَتَلْنَا الْمَسِيحَ عِيسَى ابْنَ مَرِيمَ رَسُولَ اللَّهِ وَمَا قَاتَلُوهُ وَمَا

صَلَبُوهُ وَلَكِنْ شُيְهَ هُمْ وَإِنَّ الَّذِينَ أَخْتَلَفُوا فِيهِ لَفِي شَكٍ مِّنْهُ مَا لَهُمْ

107

107

يَهُ مِنْ عِلْمٍ إِلَّا أَبْنَاءُ الظَّلَمِ وَمَا قَاتَلُوهُ يَقِينًا

يَهُ مِنْ عِلْمٍ إِلَّا أَبْنَاءُ الظَّلَمِ وَمَا قَاتَلُوهُ يَقِينًا

157. "Биз Аллоҳнинг пайғамбари Исо Масих ибн Марямни ўлдирдик", дейишгани учун жазоладик. Ваҳоланки, уни ўлдиришмаган ҳам, осишмаган ҳам, уларга шундай туюлди. Талашиб-тортишганлар унинг тўғрисида шубҳада қолишган. Бу ҳақда маълумотлари йўқ, фақат гумонга суюнишади. Уни ўлдирмаганлари аниқ!

Ибн Касир ушбу оятнинг тафсирида шундай деганлар: "Аллоҳ таоло Исо ибн Марямни яҳудийларга очиқ-оидин мӯъжизалар ва насиҳатлар билан юборди. Бироқ улар Аллоҳ таоло у зотга ато этган пайғамбарликка, ғаройиб мӯъжизаларга, у зотнинг Аллоҳнинг изни билан кўр ва моховларни даволашига, ўликларни тирилтиришига ҳасад қилдилар. Бир куни у киши лойдан қуш ясад, унга жон киритди. Одамлар бир парча лойнинг тирик қушга айланиб, Улуғ ва Қодир Аллоҳнинг изни билан осмонга учганини кўрдилар. Бироқ барибир улар Исо ибн Марямни ёлғончига чиқардилар, қаршилик қилдилар, қўлларидан келган-

ча у зотта зарар етказишига ҳаракат қилдилар. Охир-оқибат Исо алайҳиссалом шаҳарларда улар билан бирга яшамай қўйди ва онаси билан сафарга отланди.

Бироқ одамларга бу камлик қилди, улар Исо алайҳиссаломга тухмат уюштириб, ўша пайтдаги Дамашқ ҳукмдори, сайёralарга сигинувчи бутпараст юонон подшоҳга арз қилдилар. Яҳудийлар бор гапни ҳукмдорга Қуддуси шарифда бир киши пайдо бўлиб, одамлар орасида фитна қўзғаяпти, уларни залолатга бошлияпти, ўз халқини ҳукуматга қарши гиж-гижлаяпти, деб етказдилар. Ҳукмдор ғоятда ғазабланниб, ўзининг Қуддусдаги волийига хат юборди. Ўша кишини тугиб, хочга михлашни, бошига тикандан чамбарак кийдиришни буюрди. Қуддус волиии хатни олиб, дарҳол бир гурӯҳ яҳудийлар билан Исо алайҳиссалом кирган уйга етиб борди. Исо алайҳиссалом ўзларининг ҳаворийлари билан ўтирган эдилар. Улар ўн икки ёки ўн уч киши эди.

Айтишларича, ўша куни жума бўлиб, кун ботарга яқин, шанбага ўтар кеча эди. Душман уйни ўраб олди, шунда Исо алайҳиссалом уларнинг эшикни бузиб киришлари муқаррарлигини сезиб, ўз ҳаворийларига шундай дедилар: "Ким менга ўхшашни ва жаннатда менинг ҳамроҳим бўлишни истайди?". Бир ўспирин йигит дарҳол ўрнидан турди, бироқ Исо алайҳиссалом унинг ҳали жуда ёшлигини айтиб, рад қилдилар. У зот юқоридаги саволларини иккинчи ва учинчи марта такрорласалар ҳам, ҳар сафар ўша йигитча ўрнидан тураверди. Шундай Исо алайҳиссалом "Сен ўша бўласан!" дедилар ва Аллоҳ таоло йигитчанинг қиёфасини Исо алайҳиссаломнинг қиёфаларига ўхшатиб қўйди. Улар эгизаклардек бир хил бўлиб қолдилар. Сўнгра уйнинг томидан тешик очилди ва Исо алайҳиссаломни мудроқ босди. У зот шу аҳволларида осмонга кўтарилидилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани нозил қилган: "Эй Исо, албатта Мен сени ердан бус-бутун (яъни, ҳеч қандай зарар етказмасдан) оловчи ва Ўз ҳузуримга кўтарувчиман" (Оли Имрон, 55). Исо

алайҳиссалом кўтарилигач, ҳаворийлар уйдан чиқдилар. Яҳудийлар бояги йигитчани кўриб, уни Исо алайҳиссалом деб ўйлаб, ҳибсга олдилар ва шу тунда хочга михлаб, бошига тикандан чамбарак кийдириб қўйдилар. Яҳудийлар ҳаммага бу ҳақда гапириб, мақтаниб юришди. Бир гурӯҳ насронийлар жоҳиълликлари ва калтафаҳмликлари туфайли бунга ишондилар. Ўша қуни ўша уйда Исо Масиҳ билан бирга бўлганлар ва у зотнинг осмонга кўтарилишларига гувоҳ бўлганларгина қолишли".



بَلْ رَفَعَهُ اللَّهُ إِلَيْهِ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا

158. Балки Аллоҳ уни ҳузурига кўтарган, Аллоҳ буюк ва ҳикматлидир.

Аҳли китобларнинг аксарияти ҳозиргача Исо алайҳиссаломни яҳудийлар хочга михлаб ўлдириган, деган эътиқодда юришади. Ваҳоланки, пайғамбарини Аллоҳ таоло омонда сақлаб, Ўз ҳузурига кўтарган эди. Қиёмат яқинлашганида Дажжол Ер юзини фитна-фасодга тўлдириб турган бир пайтда Исо алайҳиссалом осмондан тушади ва Дажжолни ўлдиради. Исо алайҳиссалом осмондан тушганидан сўнг Ислом шариати билан ҳукм қилади. Унут бўлган ҳукмларни қайта тиклайди. Ер юзида Аллоҳ таоло хоҳлаган муддат яшаб, вафот этади. Мусулмонлар у кишига жаноза ўқиб, дафн этишади. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) шундай ҳадислари бор: "Аллоҳ таолога қасамки, яқинда орангизга Исо ибн Марям одил ҳукм билан тушади. Хочни синдиради, тўнғизларни ўлдиради, жизяни бекор қилади. Мол-дунё кўпаяди, ҳатто ҳеч ким садақа олмай қўяди. Бир марта сажда қилиш дунё ва ундаги бор нарсалардан яхшироқ бўлиб қолади" (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

وَإِنْ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ إِلَّا لَيُؤْمِنَّ بِهِ قَبْلَ مَوْتِهِ، وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكُونُنُ

109 عَلَيْهِمْ شَهِيدًا

159. улимидан олдин унга имон келтирмаидиган оирор Аҳли китоб қолмайди. У эса қиёмат куни уларга қарши гувоҳ бўлади.

Аллоҳ таоло Ўз китоби Қуръони каримда башариятга Исо алайҳиссаломнинг охир замонда тушишини ва Аҳли китобларнинг унга имон келтириши хабарини берган. "Аҳли китоблардан", яъни яҳудий ва насронийлардан Исо алайҳиссалом осмондан тушганида ҳаётда бўлганлари ичida "унга имон келтирмагани бўлмайди" (яъни Исога "ўлимидан аввал", яъни Исо алайҳиссалом ўлимидан олдин имон келтирадилар). Албатта улар Исо алайҳиссаломга у Аллоҳнинг бандаси ва юборган пайғамбари, Марямга илқо қилган калимаси, Ундан бўлган рух, деб имон келтирадилар. Шу орқали ҳақиқат зоҳир бўлиб, ботил йўқ бўлади. Дунёдаги миллатларнинг барчаси бир миллатга, яъни Ислом миллатига айланади. Ҳа, ушбу оят ана шунга далолат қилади.

Имом Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган юқоридаги (158-оят шарҳида келган) ҳадисни муҳаддислар қўйидагича шарҳлашган: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Нафсим қўлида бўлган Зот билан қасамки, Ибн Марям сизларнинг ичингизга одил ҳақам бўлиб тушади. Хочни синдиради (яъни христианликни бекор қилади) ва чўчқани ўлдиради (яъни Ислом ҳукми ила унинг гўштини ҳаром қилади ва уни ўлдиришни мубоҳ қилади) ва жизяни бекор қилади (яъни яҳудий ва насронийлардан жизяни қабул қилмайди). Улардан фақат Исломни қабул қилади, чунки Ислом диёнатининг ҳақиқати дунёдаги барча халқларга зоҳир

бўлади. Бу эса, ўз навбатида маданиятнинг ўсиши, башарият ҳаётида тўғри илмнинг ривожланиши, ботилга йўл қолмайдиган даражада ҳақнинг зохир бўлиши билан юзага келади) ва мол-дунё тўлиб-тошади (яъни кўпайганидан тошиб кетганга ўхшайди. Одамларнинг унга рафбати озаяди. Ундан юз ўгирадилар) ҳатто бир сажда қилиш дунё ва ундаги ҳамма нарсадан яхши бўлади" (бу одамларнинг камоли ҳушёрликлари ва Аллоҳнинг тоат-ибодатига мойилликлари кучайганидан содир бўлади). "Сўнгра Абу Ҳурайра: "Агар истасангиз, "Аҳли китобларнинг унга ўлимидан олдин имон келтирмайдигани бўлмайди" деган оятни ўқинглар", деди. Оятнинг охирида Аллоҳ таоло: "Ва қиёмат кунида улар ҳақида гувоҳлик беради", дейди. Яъни, яхудийларга қарши: "мени ёлғончи, дейишди, менга озор беришди" деб, насронийларга қарши: "мени Аллоҳнинг ўғли" дейишди, мен ва онам ҳақида ноҳақ эътиқод қилишди", деб гувоҳлик беради.

فِيظَمِ مِنَ الَّذِينَ هَادُوا حَرَمَنَا عَلَيْهِمْ طَبِيعَتِ أَحِلَّتْ لَهُمْ وَبَصَدَّهُمْ



عن سَيِّدِ اللَّهِ كَثِيرًا

160. Яхудийларнинг золимликлари ҳамда кўпларни Аллоҳ йўлидан қайтаргандари учун аввал уларга ҳалол бўлган нарсаларни ҳаром қилдик.

Яхудийлар бутун тарихлари давомида адолатсизлик ва зулмга боришли, ваҳий келтирган пайғамбарларни хорлашди, ўзларига Аллоҳ ҳалол қилган нарсаларни ҳаром қилиб олишли. Улар мана шу саркашликлари ва осийликлари туфайли ҳақ йўлдан ҳам тойиб кетишли ва бошқаларни ҳам Аллоҳнинг ҳақ йўлидан қайташига ўтиб кетишли.

وَأَخْذُهُمْ أَرِبَّاً وَقَدْ نُهُوا عَنْهُ وَأَكْلُهُمْ أَمْوَالَ النَّاسِ بِالْبَطِلِ وَأَعْتَدْنَا

﴿١٦١﴾ لِلْكَفَّارِينَ مِنْهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا

161. Ман этилган фоизни олганлари ва одамлар молини ноҳақ еганлари учун уларнинг кофирларига аламли азоб тайёрлаб қўйдик.

Аллоҳ судхўрликни, яъни фоиз ейишни ман қилгани ҳолда улар одамларга пул беришса, устига фоиз билан қайтаришни талаб этиб, рибохўрлик қилишади. Улар ўзгаларнинг мол-мulkини ноҳақ ўзлаштиришади. Аллоҳ таоло уларнинг бу қилмишлари учун аламли азоблар тайёрлаб қўйган. Улар дунё ҳаётида ҳам Аллоҳнинг жазосидан қочиб қутула олишмайди. Судхўр кимса ўлган вақтидан то қиёмат кунигача қонли дарёда сузиб, тошбўрон билан "сийланади". Бу азоб барзахда, қабрда бўлади. Бундан ташқари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам судхўрни (фоиз еювчини), олдирувчини, (буни ёзган) котибини ва гувоҳ бўлувчининг барчасини (гуноҳда) баробардир, деганлар (Ином Муслим ривояти). Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Қайси қавм орасида зино ва судхўрлик авж олса, улар ўзларига Аллоҳнинг азобини ҳалоллаб олган бўлишади", деганлар (Абу Яъло ривояти).

لَكِنَ الرَّسُحُونَ فِي الْعِلْمِ مِنْهُمْ وَالْمُؤْمِنُونَ يُؤْمِنُونَ بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْكَ وَمَا
أُنْزِلَ مِنْ قَبْلِكَ وَالْمُقِيمِينَ الصَّلَاةَ وَالْمُؤْمِنُونَ الرَّكُونَةَ وَالْمُؤْمِنُونَ

﴿١٦٢﴾ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ أُولَئِكَ سَنُوتُهُمْ أَجْرًا عَظِيمًا


162. Лекин уларнинг чуқур билимлари, сизга (эй Мұҳаммад) ва сиздан олдин туширилганларга имон келтирадиган мўминлари, намозга қоимлари, закот берувчилари, Аллоҳга ва охират кунига ишонувчиларига албатта улкан мукофотларни берамиз.

Аммо, эй суюкли Пайғамбарим, чуқур билимга ва соғ эътиқодга эга бўлган яҳудийлар орасида сиздан олдин нозил қилинган китоб ва саҳифаларга имон келтиришган мўминлари, намозларни ихлос билан адо этувчилари, закотларини берувчилари, Аллоҳга ва охират кунига ишонгандарни ҳам бор. Аллоҳ уларга ҳам охират дунёсида улкан мукофотларини, жаннат боғларини тайёрлаб қўйган.

إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَى نُوحٍ وَالْنَّبِيِّنَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَوْحَيْنَا

إِلَى إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ

وَعِيسَى وَأَيُّوبَ وَيُونُسَ وَهَرُونَ وَسُلَيْمَانَ وَءَاتَيْنَا



163. Нуҳ ва ундан кейинги пайғамбарларга юборганимиз каби сизга ҳам ваҳий юбордик. Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва авлодларига, Исо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймонга ҳам ваҳий юбордик, Довудга эса Забурни бердик.

Яъни, эй Пайғамбарим, Нуҳ ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳийларимизни юборганимиз, уларни қавмларини Ҳақ йўлга даъват этишга буюрганимиз. Нуҳдан кейин ўтган бошқа кўплаб пайғамбарларга ҳам ваҳийларимизни юбориб, инсонларни ҳидоят йўлига

бошлашни, имон ва куфр, яхши ва ёмонни ажратиб беришни амр этдик. Худди улар каби сизга ҳам ваҳийни (Қуръони каримни) нозил этдик. У билан одамларни ҳидоятга бошланг, солиҳ амаллар қилиб, Менинг розилигимни топишга чорланг, қиёматдаги азоб ва қийноқлардан қўрқитинг.

Ояти каримада яна "Довудга Забурни бердик" дея марҳамат қилинмоқда. Забур Farb манбаларида "Псалтир" ҳам дейилади. "Забур"нинг луғавий маъноси "мактуб, ёзилган, ақл, ман этиш"дир, иброний тилида эса "санолар" дегани. Аллоҳ таолонинг пайғамбар Довуд алайҳиссаломга қирқ ёшида нозил қилган илоҳий китоби шу ном билан аталади. Милоддан олдинги 1050—900 йиллари китоб ҳолига келтирилган. Забур тўрт илоҳий китобнинг бири бўлиб, унда мавъизалар, ибратлар, кўнгилни юмшатадиган ва зикр қилинадиган 73 та псалом (сано) бўлган. Довуд алайҳиссалом Забурни ширали, ёқимли овозда муножот тарзида тиловат қилганларида қушлар ҳам учмай тўхтаб қолар экан. Ҳозирда Забур аҳли қолмаган. Мўмин-мусулмонлар Аллоҳ таоло Забур номли китобни Довуд алайҳиссаломга юборганига жазм билан имон келтиришлари лозим.

وَرَسُلًا قَدْ فَصَّحَتْهُمْ عَلَيْكَ مِنْ قَبْلٍ وَرُسُلًا لَمْ نَقْصُصْهُمْ

۱۶۴

عَلَيْكَ وَكَلَمَ اللَّهُ مُوسَى تَكْلِيمًا

164. Ва қиссалари аввал сизга айтиб берилган, айтиб берилмаган пайғамбарларни юбордик ва Аллоҳ Мусо билан роз айтишиди.

Аллоҳ таоло инсонларни яратиш баробарида уларни тавҳидга, имонга, ахлоққа чорлаш учун пайғамбарларини ҳам юборган. Инсоният тарихида Одам наслига бир юз йигирма тўрт минг пайғамбар юборилгани ривоят

қилинади, шулардан йигирма беш нафарининг зикри Қуръони каримда келган. Аллоҳнинг китобида Аллоҳ пайғамбарларини кўп ўринда зикр қилиниши бежизга эмас. Аллоҳ таоло пайғамбарлари қиссасини инсонларга тушунтириш орқали булардан ибрат олиш, итоатсиз қавмларнинг бошига тушган кулфатлардан огоҳ бўлиш, пайғамбарларига сўзсиз бўйсуниш ва эргашиш, бу билан Ўзининг розилигини топишга чақиради. Қуръони каримда бундай марҳамат этилади: “Ўша пайғамбарларнинг баъзиларидан баъзиларини афзал этдик. Улар ичига (*Мусо каби*) Аллоҳ розайтишгани (*гаплашгани*) ва (*Мұхаммад каби*) даражасини (*бошқа пайғамбарлардан*) юқори қилгани ҳам бор. Исо ибн Марямга мўъжизалар бердик ва уни Рухул-қудс билан қувватлагик. Агар Аллоҳ хоҳлаганида эди, пайғамбарлардан кейин, уларга ҳужжат келгач, (*одамлар ўзаро*) урушишмаган бўлур эди. Аммо улар ихтилоф қилишди. Улар орасига имон келтирганлари ҳам, куфрга кетганлари ҳам бор. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, урушишмаган бўлур эди. Лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган ишни қилур” (Бақара, 253).

رُسُلًا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ بَعْدَهُ

၁၆၅

الرُّسُلُ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا

165. Пайғамбарлардан кейин одамларда Аллоҳга нисбатан ҳужжат қолмаслиги учун хушхабар берувчи ва қўрқитувчи пайғамбарларни юбордик. Аллоҳ буюк ва ҳикматлидир.

Яъни, Аллоҳ таолонинг инсониятта юборган пайғамбарлари одамларга уларнинг ўзлигини танитишади, яхшилик билан ёмонлик, ҳалол билан ҳаромнинг чегарасини аниқдаб беришади, уларнинг ҳар бир ҳаракати ва қилмиши Аллоҳнинг назаридан четда турмаслигини, яхшиликка мукофот,

ёмонликка жазо муқаррар эканини англатишиди. Аллоҳ та-оло охиратда бирор баңдасини сабабсиз ва беайб жазоламайди, Ўзининг мавжудлиги ва ягоналигини билдиримай туриб: "Мени нега танимадинг, Менга нега итоат ва ибодат қилмадинг?" дея қаҳр қилмайди. Бу ҳақда Қуръони каримда ушбу оят бор: "То пайғамбар юбормагунимизча (бирор кимсани) азобловчи бўлмагисик" (Исро, 15).


لَكِنَّ اللَّهُ يَشْهُدُ بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ أَنْزَلَهُ بِعِلْمِهِ وَاللَّهُ أَكْبَرُ
۲۰
 يَشْهِدُونَ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ شَهِيدًا

166. Лекин Аллоҳ сизга нозил қилган нарсага Ўзи гувоҳлик беради, уни илми билан нозил қилган, фаришталар ҳам гувоҳдир, лекин гувоҳликка Аллоҳ етарлидир.

Бу ўринда Сайиди олам Мұхаммад алайхиссаломнинг пайғамбарларлари Нуҳ алайхиссалом ва ундан кейинги пайғамбарларнинг рисолатларига ўхшатилиши шу нарсага ишора қиласиди, агар Макка мушриклари Расули акрамга туширилган ваҳийларни инкор қилишда давом этишаверса, аввалги пайғамбарларнинг умматлари бошига келган турли азоб-балолар уларга ҳам тушади. Қуръони карим ҳақлигига Парвардигор ва фаришталар гувоҳдир. Агар шунда ҳам кофирлар инкор қилишса, бу уларнинг бадбахтилари нишонасиdir.

Калбий айтади: "Макка аҳлининг бошлиқлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламга келиб: "Сен ҳақингда яхудлардан сўрадик, улар сени танимасликларини айтишди. Сени Аллоҳ бизга пайғамбар қилиб юборганига гувоҳ бўлувчи бирор кишини бошлаб кел-чи!" дейишди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди".

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَصَدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ قَدْ ضَلَّوْا ضَلَالًا



167. Кофирлар ва Аллоҳ йўлидан тўсувчилар қаттиқ адашишади.

Кофирлар Аллоҳ ва Унинг пайғамбарлариға ишонмайдиган, Аллоҳнинг ваҳийларини инкор қиласидиган, шунингдек, Аллоҳ таолонинг динидан ва Унинг йўлидан қайтармоқчи бўладиган, икки дунё саодатидан маҳрум, адашган ва баҳтсиз кимсалардир. "Кофири" сўзининг луғатда "куфр келтирувчи, кўмувчи" маънолари бор. Истилоҳий маънода эса энг олий ҳақиқатни – Аллоҳнинг борлигини ва амрларини инкор қилувчи динсиз кимса "кофири" дейилади. Яъни, у куфр йўлини тутиб, ҳеч яшириб бўлмайдиган ҳақиқатни кўмадиган, яширадиган кимсадир. Кофирилик – энг қаттиқ ва улкан гуноҳ. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда кофирлар қаттиқ қораланганд, уларга қиёматда дўзах азоблари, чираб бўлмас қийноқлар, Аллоҳнинг ғазаб-иқоби бўлиши ҳақида қайта-қайта огоҳлантирилган. Мўмин киши катта-кичик гуноҳи учун уларни ҳалол санамаса, кофири бўлиб қолмаганидек, кофири ҳар қанча эзгу, хайрли ишларни қилса ҳам то имонга келмагунича унга фойдаси бўлмайди. Ахли қиблани эса, кофириликда айблаш мумкин эмас.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَظَلَمُوا مَمْ يَكُنْ اللَّهُ لِيَغْفِرَ لَهُمْ وَلَا لِيَهْدِيهِمْ



168. Ҳақиқатан кофир ва золимлик қилганларни Аллоҳ асло кечирмайди ва тўғри йўлга солмайди.

Куфр йўлини тутган кимсалар ва бошқаларга жабру зулм ўтказадиганлар Аллоҳнинг ғазабига ва жазосига мубтало бўлишлари ҳақ. Бундайларни Аллоҳ асло кечирмайди ҳам, тўғри йўлга, ҳидоятга бошламайди ҳам. Шаръий ҳукмларни инкор этувчи кимса "кофир", унинг қилмишлари эса "куфр", "кофирилик" дейилади. Аллоҳнинг борлигини ва бирлигини, Муҳаммад алайҳиссалом етказган хабарларни инкор, рад этганлар кофир саналади. Бундан ташқари, Аллоҳни инкор этмаса-да, имон келтириш зарур бўлган хабар ва фарзларни рад қиласа, шаръий муқаддасотлар ҳурматини топтаса, шаръий ҳукмларни масхара қиласа ҳам кофир бўлади.

Куфр бир неча хил бўлади: 1. Инкор куфри – дилида ҳам, тилида ҳам ўз кофирилигини иқрор этувчилар куфри, булар ҳақиқий кофирилардир. Бундайларни Аллоҳнинг тавҳидини (ягоналигини) инкор қилганлар, дейишади. Қўрқитсанг ҳам, қўрқитмасанг ҳам уларнинг имон келтирмасликлари Қуръони каримда баён қилинган. 2. И nodий куфр – Аллоҳнинг ҳақлигини, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақиқий пайғамбарликларини билатуриб, қайсарлик ва арзимас сабаб кўрсатиб имон келтирмайдиганлар куфри, бунга малъун шайтоннинг ва Абу Толибнинг куфри мисол бўлади. 3. Ҳукмий куфр – яъни ҳақиқий бўлмаган, балки шариатта хилоф баъзи ишларни қилган ёки билиб-бilmай куфр сўзларни гапириб қўйган кимсанинг қилмишини куфрга ҳукм этиш. Масалан, бир киши мусулмончиликнинг ҳамма кўрсатмалирини бажараётган бўлса-да аммо Қуръонни тепса, шариатни масхара қиласа, намозни фарз эмас, деса кофирга ҳукм қилинади. 4. Ниғоқ куфри – куфр эгасининг қалбida имони йўқ бўлса-да, тилида имонни даъво қилади.

Аммо бировни кофир деб ҳукм чиқариш ҳуқуқи ҳамма-

га ҳам берилмаган. Бу түғрида ҳукм ва фатволар чиқариш шу мақомга лойиқ бўлган эътиборли алломалар, муфтий ва қозилар ҳаққидир. Ҳар бир имонли инсон тил оғатларидан сақланиш учун махсус китоблардан куфр сўз ё ибораларни билиб олиши зарурдир. Дилида ҳам, тилида ҳам ўзининг коғирлигини иқрор этадиган одамлар ҳақиқий коғирлардир. Имом Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳукмларича, ахли қибладан бўлган ҳеч бир кишини куфрда айблаб бўлмайди. Аллоҳ таоло: "Коғир бўлган ва оятларимизни ёлғонга чиқарган (куфр келтирган)лар – айнан ўшалар дўзах аҳлидирлар. Улар ўша ерда абадий қолувчидирлар", деб Қуръони каримда баён қилган (Бақара, 39). Куфрнинг ёмонлиги Қуръони каримда уч юздан ортиқ оятда ва кўплаб ҳадиси шарифларда зикр қилинган.

Бирорни коғир деб ҳукм чиқарилса ва ўзи шундай бўлса, ортидан ўта хатарли оқибатлар келиб чиқади. Булар: у билан хотини ўртасидаги никоҳ бузилади; болалари унинг қарамоғидан чиқади; жамият аъзолигидан маҳрум бўлади; уни маҳкамага бериб, "муртад" деган ҳукм чиқарилади; у ўлса, ювилмайди, кафанланмайди, жанозаси ўқилмайди, мусулмонлар қабристонига кўмилмайди ва меросдан маҳрум бўлади; ўша ҳолида ўлса, дўзахий бўлади. Бордию одам адашиб шундай ҳолатга тушиб қолса, унга яхши насиҳат этиб, тавба қилиши ва никоҳини янгидан ўқитиб олиши тавсия этилади. Шунингдек, ақидадаги бидъат ҳам куфрга олиб бориши мумкин.

Куфр икки хил маънода ишлатилади: биринчиси – имоннинг зидди. Мисол учун, Аллоҳга имон келтирмади ва бутсанамларга куфр келтирди. Иккинчиси – шукрнинг зидди. Мисол учун, "фалончи куфрони неъмат қилди". Яъни, ўзига берилган неъматга шукр келтирмади. Имоннинг зидди бўлган куфр жаҳаннамга олиб борувчи гуноҳдир. Шукрнинг зидди бўлган куфрни Ибн Ҳажар катта гуноҳлардан санаган. Имоннинг зидди бўлган куфрга мубтало бўлгандар бу дунёда аҳли китоб, сохта динга эргашувчи, динсиз,

муртад ва бошқалардан бўлиши мумкин. Имоннинг зидди бўлган куфр асосий ҳисобланади ва унинг таърифларидан бири қўйидагича: "Куфр Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган нарсани ёки Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган нарсадан динда билиш зарур бўлганларидан баъзисини қасдан инкор қилишдир. Мана шу Аҳди суннат вал жамоа бардавом бўлган ҳақдир. Ундан бошқаси ботилдир".

 إِلَّا طَرِيقَ جَهَنَّمَ خَلِدِينَ فِيهَا أَبَدًا وَكَانَ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا

169. Фақат абадий қолинадиган дўзахга йўллайди, бу Аллоҳга осондир.

Кофирнинг жойи дўзахдадир. Кофирлар у ерда абадий қолиб, мангу қийноқ-азобларга мубтало бўлишади. Улар дунё ҳаётида Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига итоат қилишмаган эди, охиратда эса бунинг асло иложи йўқ. Чунки буюк Парвардигор уларнинг куфри ва ширкини бўйнига қўйиб, уларни дўзах билан "мукофотлайди". Бу Аллоҳ учун ҳеч қандай машаққат туғдирмайди. Қуръони каримда бундай зикр этилган: "Кофири кимсалар гуруҳ-гуруҳ қилиниб, жаҳаннамга ҳайдалади. Улар (жаҳаннамга) келганларида, унинг дарвозалари очилади ва унинг қўриқчилари кофирларга: "Сизларга ўзларингиздан бўлган пайғамбарлар Роббингиз оятларини сизларга тиловат қилиб, сизларни мана шу кунингиздаги мулоқотдан огоҳлантириш учун келишмаганмиди?" деганларида, улар: "Ха, аммо кофирлар бўйича (Аллоҳнинг) азоб лафзи ҳақ бўлиб чиқди", дейдилар. (Шунда уларга) айтилади: "Жаҳаннам дарвозаларидан кирингиз! Сизлар ўша жойда мангу қолурсиз!" Бас, кибрли кимсаларнинг жойлари нақадар ёмон!" (Зумар, 71– 72).

۲۷

يَأَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمُ الرَّسُولُ بِالْحَقِّ مِنْ رَّبِّكُمْ فَإِيمَنُوا
خَيْرًا لَّكُمْ وَإِن تَكْفُرُوا إِنَّ اللَّهَ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَكَانَ اللَّهُ



170. Эй инсонлар, Пайғамбар Парвардигорингиздан Ҳақни олиб келди, унга ишонинглар, ўзингизга яхши бўлади. Агар инкор қилсанглар, осмонлару Ердаги нарсалар албатта Аллоҳникидир. Аллоҳ билувчи, ҳикматлидир.

Яъни, эй инсонлар, охирзамон пайғамбари, барча пайғамбарларнинг хотималовчиси Мұҳаммад алайҳиссалом сизларга Парвардигорингиз ҳузуридан Ҳақни, яъни Қуръони каримни, Ислом динини олиб келдилар. У зотга ишонсанглар, даъватларига "лаббай" деб жавоб берсанглар, у зот келтирган ваҳийларга имон келтириб, уларни ҳаётларингда дастур қилиб олсанглар, ўзларингга фақат яхшилик бўлади. Қиёмат куни барча инсонлар қўркув ва даҳшат ичра нима қилишни билмай турганида сизлар Аллоҳнинг жаннат билан мукофотлашини хотиржам ва ташвишсиз кутиб турган бўласизлар. Агар буларни инкор қилсанглар, осмонлару Ердаги ҳамма нарсаларнинг эгаси бўлган Парвардигорингиз жазосидан ҳеч қаёққа қочиб қутула олмайсиз. Осмонга учмоқчи бўлсангиз, унинг эгаси Аллоҳдир. Ер қаърига кириб кетмоқчи бўлсангиз, унинг эгаси ҳам Аллоҳдир. Демак, Унинг жазосидан қочиб қутулишнинг мутлақо имкони, иложи йўқ бўлгач, яхшиси Унинг амр-фармонларига итоат этиб қўяқолинг. Аллоҳ таоло қилган яхши ишларингизни ҳам, гуноҳ ва хатоларингизни ҳам яхши билиб туради ва фақат Ўзи биладиган ҳикматига кўра барча инсонлар ўртасида адолатли ҳукм чиқаради.

يَأَهْلَ الْكِتَابَ لَا تَغْلُبُوا فِي دِينِكُمْ وَلَا تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ
 إِلَّا الْحَقُّ إِنَّمَا الْمَسِيحُ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ رَسُولُ اللَّهِ وَكَلِمَتُهُ
 أَلْقَنَهَا إِلَيْ مَرْيَمَ وَرُوحٌ مِّنْهُ فَأَمْنَوْا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَلَا تَقُولُوا
 ثَلَاثَةٌ أَنْتُهُو أَخْرِيًّا لَّكُمْ إِنَّمَا اللَّهُ إِلَهٌ وَاحِدٌ سُبْحَانَهُ أَنْ
 يَكُونَ لَهُ وَلَدٌ لَّهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ
١٧١
 وَكَفَىٰ بِاللَّهِ وَكِيلًا

171. Эй Аҳли китоблар, динингизда ҳаддан ошманглар, Аллоҳ ҳақида ҳақдан бошқасини айтманглар. Масих Исо ибни Марям албатта Аллоҳнинг пайғамбари, Унинг Марямга туширган калимаси ва У томондан бир руҳдир. Аллоҳга, Унинг пайғамбарларига имон келтиринглар, уни "учта" деманглар. Тийилсанглар, ўзларингизга яхши бўлади. Албатта, Аллоҳ ягона илоҳдир, фарзандли бўлишдан покдир. Осмонлару Ердаги нарсалар Уникидир. Ҳомийликка Аллоҳнинг йўзи кифоядир.

Маълумки, Бани Одам, шу жумладан, Исо Масих ҳам бирон зарар ёки манфаат етказишса, бу фақат Аллоҳнинг изни ва имкон бериши орқали бўлади, холос. Демак, Масих ҳам ҳеч нарсага қодир эмас. Бу эса Исо Масих тангри бўла олмаслигига қатъий далилдир. Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири ҳар нарсага қодирликдир. Осмонлару Ердаги бирор нарса Унинг қудратидан чиқа олмайди. Исо Масихни тангри қилиб олиб, унга ибодат қилишларингиз-

ни ва айтаётган ботил сўзларингизни Аллоҳ эшитади ва билади. Аллоҳдан қўрқмайсизларми?

Китобийларнинг бир фирмаси Исо алайҳиссаломни "Худонинг ўғли" деб эътиқод қиласди ва ҳазрати Исони, унинг онаси Марямни Худога шерик қилиб, учта худо бор, деган бузук ақидани даъво қиласди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси уларнинг динларида ҳаддан ошишлари ва ширкка муккадан кетишлари оқибатидир. Аллоҳ фарзандли бўлишдан пок ягона илоҳдир. Аллоҳ таоло адашганларни бу ақидадан қайтариб тавҳидга – ягона Аллоҳга ишонишга чақиради.

Насронийлар Исонинг мартабасини кўтаришда ҳаддан ошиб, муболага қилиб "У Аллоҳнинг ўғлидир", дейишганида, Аллоҳ таоло уларга илоҳий хитоб қилиб: "Эй аҳли китоблар, динларингизда ҳаддан ошманг", яъни ғулувга кетманг, "Аллоҳ тўғрисида ҳақдан бошқани айтманг", яъни унинг шериги бор, боласи бор, деган гаплардан покланинг, "Исо Маряннинг ўғлидан бошқа кимса эмас", яъни у Аллоҳнинг ўғли эмас. У "Аллоҳнинг пайғамбари ва илқо қилган калимасидир". Мазкур калима Аллоҳ таолонинг Исога хитоб қилиб "Бўл!" деганидир, шунда у отасиз инсон бўлиб туғилди. "У томондан бир руҳдир", яъни Исо яратилишда ва пайдо бўлишда бир руҳ эди, уни Жаброил Маряннинг ёқасидан пуфлаган ва у ҳомиладор бўлган. Бу Аллоҳнинг қудратини изҳор қилиш учун қилинди. "Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига имон келтиринглар", Унга ширк келтирманглар. Аллоҳнинг пайғамбарлари ичида Исо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар ҳам бор. "Ва уни "учта" деманглар", яъни Исо ва Марянни Аллоҳга шерик қилиб, Аллоҳни учта деманглар. Бундай асоссиз гаплардан тийилсанглар, ўзингизга яхши бўлади. "Албатта, Аллоҳ ягона илоҳдир", яъни унинг шериги ёки ўхшаши-тенги йўқ; "У фарзандли бўлишдан покдир", "Осмонлару Ердаги нарсалар Уницидир", яъни осмонлару ерда нима бўлса, жумладан, Исо ва Марям ҳам унинг мулки ва маҳлуқидир; "Ҳомийликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир", яъни осмонлару Ердаги нарса-

ларни муҳофаза ва тадбир қилишда Аллоҳнинг ўзи кифоя қиласи, унинг кўмак берадиган болага ёки ёрдам берадиган шерикка ҳожати йўқдир". Оятнинг мазмуни ҳақида фикр юритган одам унинг ақл ва мантиққа мувоғик эканини англаб етади. Бу эса ўз навбатида ушбу ҳақиқатни тортишувсиз қабул этишни ва унга шубҳасиз имон келтиришни тақозо этади.

Ушбу ояти каримада тавҳид шиори ҳам баён этилмоқда: "Албатта, Аллоҳ ягона илоҳдир". "Ла илаҳа иллаллоҳ" Ислом динининг энг биринчи асоси, тавҳид шиоридир. Бу сўз билан инсонлар Аллоҳ таолонинг ягоналигини, У ҳамма нарсанинг танҳо яратувчиси эканини, У бутун коинот ва жамиятдаги ҳамма нарсани кузатиб-бошқариб туришини, фақат Унинг Ўзигагина сифинилиши, шукр ва ибодат қилиниши, амр-фармонларига итоатда бўлиниши лозимлигини англайдилар. Тавҳид маъносини англаш шунчалар мұхимки, "Ла илаҳа иллаллоҳ" калимасини мусулмонлар намозларида ўн марталаб қайтаришади, зикр ва дуоларида қайта-қайта эслашади. Янги турилган чақалоқ қулоғига аzon ва иқомат шаклида етказишади. Мусулмон кишининг умри тугаб, бу дунёни тарк этаётганида ҳам унинг дўстлари ва қариндошлари "Ла илаҳа иллаллоҳ" калимасини айтиб сўнгги йўлга кузатишади. Шу тариқа мусулмон киши шу калима билан дунёга келиб, шу калима билан дунёдан кетади. Бунинг оралиғидаги вазифаси эса умр бўйи ушбу калимани кўнгилга жойлаб, унга муносиб яшащдан иборат бўлиши керак.

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Имон етмиш неча ҳам қисмдир. Унинг энг афзали "Ла илаҳа иллаллоҳ" калимаси, энг қўйиси азият берадиган нарсани йўлдан олиб ташлашдир ва ҳаё имондандир", деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти, "Мишкатул-масобих"). Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: "Зикрлар-

нинг афзали "Ла илаха иллаллоҳ" дир. (Имом Термизий ва Ибн Можа ривояти). Муоз ибн Жабалдан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади: "Мен эшакда Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ортларида минганиш олган эдим. У киши билан орамизда фақат эгарнинг орқа қисми бор эди. Расулумлоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Эй Муоз, Аллоҳнинг бандалардаги ҳаққини ва бандаларнинг Аллоҳдаги ҳаққини биласанми?" дедилар. Мен: "Аллоҳ ва Расули билувчиидир", дедим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Аллоҳнинг бандалардаги ҳаққи, уларнинг Аллоҳга бандалик қилишлари, Унга бирор нарсани шерик қилмасликларицидир. Бандаларнинг Аллоҳдаги ҳаққи эса, Ўзига бирор нарсани шерик қилмаган кишини азобламаслигидир", дедилар. Мен: "Эй Расулуллоҳ, одамларга буни айтаверайми?" дедим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Уларга айтма, бунга суюниб қолишади", дедилар" (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

لَنْ يَسْتَنِكِفَ الْمَسِيحُ أَنْ يَكُونَ عَبْدًا لِّلَّهِ وَلَا أَنْ يَكُونَ كَفِيلًا
الْمُقْرَبُونَ وَمَنْ يَسْتَنِكِفَ عَنْ عِبَادَتِهِ، وَيَسْتَكِفُ فَسِيحُ شَرْهُمْ

إِلَيْهِ جَمِيعًا


172. Масих ҳам, яқин фаришталар ҳам Аллоҳга бандалиқдан асло ор қилишмайди. Ким Унга бандалиқдан ор қилиб, кибрга борса, уларнинг барини Ўз ҳузурига тўплайди.

Яъни, Исо алайҳиссалом ҳам, Аллоҳга муқарраб (яқин) фаришталар ҳам Аллоҳга бандалиқдан ор қилишмайди. Исо алайҳиссалом буни бир неча бор такрорлаган ҳам. Парвардигорига бандалиқдан ор қилиб, кибрга борувчи

кимсаларни Аллоҳ таоло охиратда албатта Ўз ҳузурига туплаб, аламли азоблари билан "мукофотлайди".

Калбий айтади: "Нажрон элчилари Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузурларига келганда: "Эй Мұҳаммад, сен бизнинг соҳибимизни айблаяпсан", дейишди. У зот: "Соҳибингиз ким?" дедилар. Улар: "Исо", дейишди. "У ҳақда нима дебман?" дедилар. Улар: "Уни Аллоҳнинг бандаси ва расули, деб айтяпсан", дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга: "Исо учун Аллоҳга банда бўлиш ор эмасдир", дедилар. Улар: "Йўқ, (ордир)", дейишганида ушбу оят нозил бўлди".

فَمَا أَلَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَيُوَفَّقُهُمْ أَجُورُهُمْ
وَيَزِيدُهُمْ مِنْ فَضْلِهِ وَمَا أَلَّذِينَ أَسْتَكْفَفُوا وَأَسْتَكْبَرُوا
فَيَعِذِّبُهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا وَلَا يَجِدُونَ لَهُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلِيًّا وَلَا



173. Ўшанда имон келтириб, солих амаллар қилганларнинг мукофотини тўлиқ беради, Ўз фазлидан зиёда ҳам қиласи. Аммо ор қилиб, кибрга кетганларни аламли азоб билан жазолайди. Улар ўзларига Аллоҳдан бошқа дўст ҳам, мададкор ҳам топа олишмайди.

Аллоҳ таоло чин мўминларнинг фазилатларини зикр қилиб, улар Аллоҳга ва Унинг Пайғамбари Мұҳаммад алайҳиссалом келтирган ваҳийларга имон келтирувчи, намозларини тўқис, барча арконларига риоя этиб адо этувчи, уларга Ўзи ризқ қилиб берган нарсалардан садақа-эҳсон қилувчи саодатманд кишилар экани хабарини бе-

ради. Бундай имонли ва солиҳ амал қилувчиларнинг мукофоти нақд: Аллоҳ таоло охиратда уларнинг ажр-савобларини тўлиғича беради, ҳатто бир неча марта кўпайтириб ҳам беради. Аммо ор қилиб, кибр ва куфри туфайли имон келтирмайдиган кимсаларга эса аламли азобларини тайёрлаб қўйган. Бундайлар қиёматда ўзларини оғир қийноқлар ва чидаб бўлмас азоблардан қутқариб қоладиган бирор дўст ёки мададкор ахтариб ҳар томонга зир югуришади, аммо уларга ҳеч бир жон ёрдамга келмайди, бунга қодир ҳам эмас. Аллоҳ таоло бандаларини бундай огоҳлантиради: "Парвардигоридан ғойибона қўрқадиган зотлар учун эса, (охиратда) мағфират ва катта мукофот бордир" (Мулк, 12); "Парвардигорларига коғир бўлган кимсалар учун жаҳаннам азоби бордир. Нақадар ёмон оқибат бу!" (Мулк, 6).

يَأَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ بُرْهَنٌ مِّنْ رَبِّكُمْ وَأَنَزَلْنَا إِلَيْكُمْ
نُورًا مُّبِينًا



174. Эй инсонлар, сизларга Парвардигорингиздан аниқ ҳужжат келди ва сизларга равshan нурни ҳам туширдик.

Мусулмонларга келган "аниқ ҳужжат" Пайғамбар алайҳиссалом ва у зотга берилган мўъжизалар, "равshan нур" эса Қуръони каримдир. "Китоб", "ҳужжат" деганда, энг аввало Қуръони карим тушунилади, чунки Исломнинг биринчи асл манбай Қуръондир. Қуръони мажид Ислом динининг тамал китоби, мусулмонларнинг дастуриламали, Аллоҳ таолонинг бутун амр ва наҳийиларини жамлаган Китоби Мубийнdir. Исломдаги барча шаръий ҳукмларга жавоб топиш учун энг аввал Китобга мурожаат қилинади, кейин бошқа манбаларга ўтилади. Шунинг учун уни тафсир қилиш, маъноларини араб тилидан бошқа тилларга ўти-

риш жорий этилган. Бирок маъно таржималари Қуръон эмас, улардан ҳукм чиқариш ҳаром ва оғир гуноҳдир. Исломда Қуръони каримни яхши тушунадиган ва ҳукмлари билан тушунтира оладиган чуқур билимли олимларга суюнилади. Уни маҳкам тутиб, ундаги Аллоҳнинг ҳукмлрига амал қилувчиларни Аллоҳ, фазли-марҳамати билан сийлайди ва улар албатта тўғри йўлдадирлар.

فَإِنَّمَا الَّذِينَ ءَامَنُوا بِاللَّهِ وَأَعْتَصَمُوا بِهِ فَسَيُدْخَلُوهُمْ فِي رَحْمَةِ رَبِّهِمْ

وَمِنْهُمْ وَفَضْلٌ وَيَهْدِهِمْ إِلَيْهِ صِرَاطًا مُّسْتَقِيمًا

175. Аллоҳга имон келтирган ва Унга маҳкам боғланганларни Ўзининг фазли ва марҳаматига сазовор қилади ҳамда тўғри йўлга йўллайди.

Аллоҳ таолога имон келтириш, яъни Унинг танҳоягоналигига, ҳеч қандай тенги ёки шериги йўқлигига, ҳамма нарсани яратганига, дунё ва охиратнинг ёлғиз эгаси эканига ишониш мўмин-мусулмонликнинг энг биринчи шартидир. Киши ҳамма нарсани ёлғиз Аллоҳ таоло яратганини, Ундан ўзгага сифиниб бўлмаслигини, У комил сифатлар билан сифатланганини, айб-нуқсондан поклигини қалби билан тасдиқлаб, тили билан иқрор бўлсагина Аллоҳ таолога имон келтирган бўлади.

Аллоҳ таоло зоти ва сифатларида ягонадир, қадимдир (мавжудлигининг аввали йўқ), доимдир (мавжудлигининг ниҳояси йўқ), тириқдир, билувчиидир, қодирдир, ихтиёрлидир (истаганини қилади), сўзлагувчиидир, эшитувчиидир, кўрувчиидир. Аллоҳ таоло жисм ҳам, жавҳар (яъни модда) ҳам, араз (ранг, ҳид каби) ҳам эмас. Унинг сурати ва шакли йўқ. Аллоҳ таоло бирор томонда ва маконда эмас. Аллоҳ таолонинг борлиги замон билан белгиланмайди. Аллоҳ таоло исмлари, зотий ва феълий сифатлари билан ҳамиша

бўлган ва бўлади. Аллоҳ таолонинг бирорта исми ва сифати янги пайдо бўлмаган. Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатларида ўхشاши йўқ, акси йўқ, тенги йўқ. Аллоҳ таоло ҳеч бир нарсага муҳтож эмас. Аллоҳ таоло охиратда мўминларга кўринади. Ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг хоҳиши, ҳукми ва тақдирни билан бўлади. Аллоҳ таоло барча нарсани билади, ҳамма нарсага қодирдир.

يَسْتَقْنُونَكَ قُلِ اللَّهُ يُفْتِنُكُمْ فِي الْكَلَالَةِ إِنْ أَمْرُهُ فَأَهْلَكَ لَيْسَ لَهُ
 وَلَدٌ وَلَهُ أَخْتٌ فَلَهَا نِصْفٌ مَا تَرَكَ وَهُوَ يَرِثُهَا إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهَا
 وَلَدٌ فَإِنْ كَانَتَا أُشْتَرِينَ فَلَهُمَا الْثُلُثَانِ مِمَّا تَرَكَ وَإِنْ كَانُوا إِخْوَةً
 رِجَالًا وَنِسَاءً فَلِلَّهِ كُلُّ حَظٍ أَلْأَنْثِيَنْ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ أَنْ
تَضِلُّوا وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ
۱۷۶

176. (Эй Муҳаммад), сиздан фатво сўрашса, айтингки: "Аллоҳ сизларга калоланинг ҳукмини баён қиласи: агар бир киши ўлсаю ўзи фарзандсиз, фақат синглиси бўлса, унга марҳум қолдирганининг ярми берилади. Агар сингилнинг фарзанди бўлмаса, ака меросининг ҳаммасини олади. Агар сингил иккита бўлса, ака қолдирганининг учдан иккиси тегади. Агар меросхўрлар ака-сингил бўлишса, бир эркакка икки аёл ҳиссаси берилади". Аллоҳ адаш масликларингиз учун баён қиляпти, Аллоҳ ҳамма нарсани билувчиидир.

Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу) айтади: "Касал бўлиб қолганимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

олдимга кирдилар. Еттита синглим бор эди. У киши юзимга пуфлаган эдилар, ўзимга келдим ва: "Эй Расулуллоҳ, сингилларимга молнинг учдан икки қисмини васият қилсам бўладими?" дедим. У киши мени ўтиришга буюриб: "Йўқ", дедилар. "Ярмисини-чи?" деб сўраганимда мени яна ўтиришга буюриб чиқиб кетдилар. Кейин олдимга қайтиб кириб: "Эй Жобир, мен сени касаллик билан ўласан, деб ўйламайман. Аллоҳ оят нозил қилиб, сингилларинг учун учдан икки қисми эканини баён этди", дедилар". Жобир розийаллоҳу анҳу ушбу оят ўзи ҳақида нозил бўлган деб юрарди.

"Калола" сўзи ҳақида уламоларимиз анчагина баҳс юритишган. Тилимизда "калола" сўзини айнан ифода этадиган алоҳида ибора йўқ. Шунингдек, араб тилида ҳам бу сўзнинг бошқа маънодоши (синоними) йўқ. Одамлар ҳазрати Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳудан калола ҳақида сўрашганида: "У ҳақда ўз фикримни айтаман, тўғри бўлса – Аллоҳдан, хато бўлса – мендан ва шайтондан, яъни Аллоҳнинг ва Унинг Расулининг бунга алоқаси йўқ. Калола – зурриёт ва аждодлардан бошқа меросхўрлардир", дедилар. Вафот этганида орқасидан бола-чақаси, невара-чеваралири ҳам, ота-она, бобо-момолари ҳам бўлмай, фақат акука, опа-синглиси меросхўр бўлиб қолган одам калоладир. Ушбу ояти каримада калоланинг хукми, унинг ортидан қоладиганлар оладиган мерос улуши баён этиб берилмоқда.

Алҳамдуллаҳ, Оли Имрон ва Нисо суралари маънолари таржимаси ва тафсири ниҳоясига етди, келгуси жилдда Mouga ва Анъом суралари маънолари таржимаси ва тафсири тақдим этилади, иншааллоҳ!



ҚУРЬОНИ КАРИМ ҲАҚИДА (сўнгги сўз ўрнига)

Ўқувчиларимиз Қуръони каримнинг ушбу тафсири билан танишган чорларида Аллоҳ Қаломи ҳақида кўпроқ маълумотта эга бўлишни исташлари табиий. Шуни назарда тутиб, Қуръони карим ҳақидаги айрим маълумотларни эътиборингизга ҳавола этишни маъқул топдик.

Мустақиллик йилларида мамлакатда Ислом дини равнақи йўлида кенг имкониятлар очилди. Эътиқод эркинлиги мамлакатимизнинг Асосий қонунида кафолатлаб қўйилди. Барча исломий қадриятлар – масжид ва мадрасаларнинг бинолари, нодир тарихий манбалар, осори-атиқалар мусулмонларга қайтариб берилиди. Уларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари, диний таълим олишлари, диний адабиётлар ва оммавий ахборот воситаларидан баҳраманд бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Мұхтарам Юртбошимиз ҳаққоний таъкидлаганларидай, "Диний-маърифий қадриятларимизни ўрганиш, асраш ва ҳимоя қилиш, шу асосда ёш авлодимиз қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш бўйича олиб бораётган амалий ишларимиз жамоатчиликка яхши маълум... Бутунги кунда бизнинг тарихий мерос масаласига катта масъулият билан қараб, олиб бораётган ишларимизнинг амалий тасдигини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин".

Бошқа катта маърифий-диний ишлар қатори исломий адабиётлар нашр этиш ҳам анча кучайди. Совет пайтида диний адабиёт деярли нашр этилмагани ҳолда Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошидаги "Мовароунаҳр" нашриётида йилига 35—40 номда, умумий ҳажми 280—350 босма тобоқ бўлган минглаб нусхада дарсликлар ва диний адабиётлар нашр этилмоқда. Араб тилидаги Қуръони каримнинг турли йилларда машҳур хаттоллар томонидан кўчирилган ўнлаб нусхалари авайлаб сақланмоқда.

Қуръоннинг ўзида ва ҳадиси шарифларда Қуръони каримга бир қанча сифатлар билан таъриф берилган. Аллоҳ таоло айтади: "Ушбу Китоб (Қуръон) шубҳадан холи ва тақвадорларга ҳидоятдир" (Бақара, 2); "У сизга Китобни нозил қилган Зотдир" (Оли-Имрон, 7);

"Эй мўминлар, Аллоҳга, Пайғамбарига, унга нозил қилган Китобга... имон келтирингиз" (Нисо, 156); "Ахир уларга тиловат қилинаётган Китобни Биз сизга нозил қилганимиз уларга етарли эмасми?" (Анкабут, 51); "Оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма олишлари учун Биз сизга нозил қилган муборак Китобдир" (Сод, 29).

Зайд ибн Арқамдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳнинг китоби осмондан ерга тортилган бир арқондир", деганлар (Имом Термизий, Муслим ривояти). Абу Умома Бохилийдан (р.а.) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Қуръон ўқинглар, чунки у қиёмат куни ўқиганларга шафоатчи бўлади", деганлар (Имом Муслим ривояти).

Усмон ибн Аффондан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Сизларнинг яхшила-рингиз Қуръондан таълим олиб, бошқаларга ҳам ўргатганингиз-дир", деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розийаллоҳу анҳо) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Қуръонни маҳорат билан, яъни лафзларини ўз ўрнидан чиқариб тиловат қилювчи киши улуғ, итоаткор мирзалар, яъни фаришталар билан бирга бўлади. Энди ким Қуръонни тутилиб-тутилиб, машаққат билан ўқиса ҳам унга икки ажр бўлади", деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ким Аллоҳнинг Китобидан бир ҳарф ўқиса, (номай аъмолига) битта яхшилик ёзилади. Ҳар бир яхшилигингиз ўн баробар мислича қилиб берилади. Мен "Алиф, лам, мим"ни бир ҳарф демайман. Балки "алиф" бир ҳарф, "лам" бир ҳарф ва "мим" бир ҳарфдир", дедилар" (Имом Термизий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Қуръондан бирор нарса ёдламаган киши хароба уйга ўхшайди", деганлар (Имом Термизий ривояти).

Абу Мусо Ашъарийдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Қуръонни ёд олгандан кейин тез-тез ўқиб, такрорлаб туринглар. Муҳаммаднинг жони измида бўлган Зотга қасамки, Қуръон эгасининг хотирасидан

арқони ечилган туядан ҳам тезроқ қочади", деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Аллоҳ таоло ҳеч бир овозни Набий Қуръонни жарангдор овозда, оҳанг билан ўқиганларини эшитганчалик эшитмаган", деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Лубоба Башир ибн Абдулмунзирдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ким Қуръон ўқиганида овозини чиройли қилмаса, биздан эмас", дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Қуръони карим биз, мусулмонлар учун муқаддас Китоб – илоҳий дастуриламал бўлиши билан бирга, ўхшаши йўқ, тенгсиз бир илоҳий мўъжиза, илоҳий Калом ҳамдир. Ушбу Китобга ёлғиз мусулмонларгина эмас, бошқа дин вакиллари ҳам унга ўзгача ҳурмат ва эътибор билан қарашади. Китобнинг гоҳо зоҳирда сода кўринган оятлари ва калималари остидаги ўта теран маънозамзумуни, бир оятнинг ўзида тириклик дунёси охират билан, Ер ҳаёти осмонлар билан ёнма-ён келиши, шунингдек, Қуръон тили, мазмунини англай билмаган, ҳатто уни илоҳий Китоб деб эътиқод қилмаган одам ҳам ўта таъсирли оятларини эшитган пайтида беихтиёр бир роҳат ва ором билан қулоқ тутиб қолиши, бутун вужуди билан тинглаши булатнинг оддий инсон сўзи эмас, балки Аллоҳ таолонинг Каломи эканига очиқ-равшан далолатdir.

"Улумул Қуръон" уламолари Қуръони каримга бундай таъриф беришган: "Қуръон Аллоҳ таолонинг Муҳаммад алайҳиссаломга ваҳий орқали нозил қилган, тавотур ила нақд қилинган, қироати ибодат саналувчи ва ожиз қолдирувчи Каломидир".

Араб тилидаги "Қуръон" сўзи луғатда "қироат қилиш, жамлаш, ўз ичига олиш, ўқиш" маъноларини билдиради. Истилоҳда Аллоҳ таолонинг каломи, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга фаришта Жаброил алайҳиссалом орқали нозил қилинган амр-фармонларни ўзида жам қилган муқаддас Китобини англатади. Унинг қироати ибодат ҳисобланади.

Қуръони карим ўн йил Маккада, ўн уч йил Мадинада нозил бўлган. Шунинг учун унинг айрим суралари маккий, баъзилари маданий, дейилади. Унинг шунча йил мобайнида бўлак-бўлак қилиб туширилиши сабабини муфассирлар шундай шарҳлашади: Қуръони каримнинг алоҳида сурә ёки оятлар тарзида туширили-

шининг тўртта сабаби бор: биринчиси, Пайғамбаримиз диллари-ни секин-аста қувватлаб бориш ва у зотга оғир масъулиятни дарҳол юклаб юбормаслик учун; иккинчиси, Ислом шариати қонун-ларини секин-аста, даражама-даражада ҳаётта татбиқ этиш учун; учинчиси, Пайғамбар алайҳиссаломга ва саҳобаи киромларга Қуръони карим оятларини ёдда саклаб қолиш осон ва мұяссар бўлиши учун; тўртинчиси, Қуръони карим нузули ижтимоий воқеалар билан ҳамқадам бўлиши учун.

Қуръони карим 114 сурадан иборат. "Сура" сўзи луғатда "тизма, қатор, қўрғон, шараф" маъноларини билдиради. Истилоҳда эса Қуръон оятларининг бошланиш ва тугаши белгиланган мустақил тизмасидир. Бу фақат Қуръонга хос тушунчадир. Сураларнинг энг каттаси Бақара (286 оят), энг кичиги Вал-аср ва Ихлос суралари бўлиб, улар уч оятдан иборат.

"Оят" сўзи луғатда "белги, ишора, мўъжиза, далил" маъноларини билдиради, Қуръони каримнинг тутал маъно англатувчи жумласи "оят" дейилади. Қуръони каримнинг илк оятлари бўлмиш "Алақ" сурасининг дастлабки беш ояти Пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссалом қирқ ёшга етганларида (милодий 609 йили) 24-Рамазонда Маккадаги Хиро тогидаги форда ибодат қилаёттганларида нозил бўлган. Қуръони каримда Замахшарийга кўра жами 6666 та, бошқа манбаларга биноан 6662 та оят бор". Қуръоннинг биринчи нозил бўлган ояти Алак сурасининг беш ояти, охиргиси эса Бақара сурасининг 281-оятидир. Баъзи оятлар эса фақат якка ҳарфлардан иборат (масалан, "алиф лам мим", "я син").

Қуръони карим илоҳий китоб бўлгани учун у балоғат ва фасоҳатнинг энг юқори услубида туширилган эди. Бу эса унинг маънолари сирига етиш учун шарҳ ва тафсирга муҳтоҷ эди. Қуръони каримнинг илк муфассири Пайғамбаримиз Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари бўлганлар. Шундан буён қанча-қанча муфассирлар, олимлар, таржимонлар, мутафаккирлар ва сўз усталари унинг маъноларини мусулмонларга етказиш устида иш олиб боришида ва боришмоқда.

Қуръони карим ўзига хос нодир услуби, лафзларининг гўзаллиги, фикрларининг теран ва ўткирлиги билан энг фасоҳатли арабларни ҳам ҳайратда қолдирди. Араб қабилаларининг чиройли гапиришда шуҳрат қозонган раислари Қуръон оятлари фасоҳати олдида ўзларининг ожизликларини сезишида, араб тилидаги маҳорати ва сўз устаси бўлишига қарамай, бирор оят каби сўз айтишга қодир

бўлишмади. Қуръони каримда бундай дейилган: "Агар ростгўй бўлишса, Қуръонга ўхшаган сўздан бирорта келтиришсин-чи!"

Қуръони карим Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир неча ваҳий котиблари томонидан ёзиб борилган, у зот оятларни тартиби билан жой-жойига қўйдирғанлар. Қуръони карим Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам кўз олдиларида тартибланган, қорилар томонидан ёд олинган, ҳар куни намозларда ўқилиб, муҳофаза этилган. Мусулмонлар кундалик ҳаётларида Қуръон ҳукмларига амал қилиш билан бирга уни мунтазам ўқиб туришга ва ҳаётларига татбиқ этишга буюрилғанлар.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг хабарига кўра, у дунё осмонига муборак Рамазон ойининг Қадр кечасида бир дафъада туширилган. Қуръони карим, юқорида айтилганидай, Аллоҳ таоло томонидан пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссаломга "Руҳул амин", "Руҳул-қудс" номларига мушарраф бўлган фаришта Жаброил алайҳиссалом воситасида йигирма уч йил мобайнида ваҳий тарзида туширилган. "Ваҳий" лугатда "хабар, илҳом, мужда" маъноларини англатади. Истилоҳда Аллоҳ таолонинг Ўз пайғамбарларига, хусусан, охирги Расули Мұҳаммад алайҳиссаломга Жаброил алайҳиссалом воситасида ёки бошқа йўллар билан юборадиган диний кўрсатмалари, амр-фармонлари, хабарлари "ваҳий" дейилади. Пайғамбаримиз қирқ ёшга тўлганларида Рамазон ойида илк ваҳий туша бошлаган ва бу йигирма уч йил давом этган. Ваҳийлар солиҳ туш, илоҳий илҳом, фаришта орқали, юзма-юз роз айтишиш, мушоҳадаи жамол каби йўллар билан юборилган. Ваҳийлар Макка ва Мадинада нозил бўлгани учун Қуръон суралари маккий ва маданийга бўлинган.

Жаброил алайҳиссалом Қуръони карим оятларини Аллоҳ таолодан қандай эшитган бўлсалар, шундайича – бирор жойини, бирор ҳарфини ўзгартирмай, бирор калима қўшмай ёки қисқартирмай Пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссаломга омонат етказганлар. Ҳар бир оятнинг ёки бир қанча оятлар жумласининг, ёхуд бутун бир суранинг нозил бўлиши бирор тарихий воқеа ёки шахсга боғлиқдир

Қуръони карим Аллоҳ таоло томонидан арабий тилда, араб адабий тилининг намунаси, барча араб қабилалари лаҳжаларининг онаси ҳисобланган энг фасоҳатли ва чиройли Қурайш лаҳжасида нозил қилинган. Бухорий ва Муслимларнинг ривоят қилишича, Қуръони карим етти ҳарф (услуб)да содир бўлган. Лекин мусулмонлар

ўртасида ихтилоф ва тафриқалар бўлмаслиги учун битта Қурайш лаҳжасида қироат қилишга буюрилган. Пайғамбар алайҳиссалом даврларида саҳобийлардан (ҳаммалари ансорлар) Убай ибн Каъб, Али ибн Абу Толиб, Муовия ибн Абу Суфён, Зайд ибн Собитлар Қуръонни тўла ёзиб олиб, ёдлашган. Бошқа бир ривоятда бу рўйхатга Абу Дардо ҳам киритилган.

Исломнинг илк даврларида ёзиш урф бўлмагани ва ёзиш анжомлари етарли бўлмагани учун уни асосан ёдлаб қолишга ҳаракат қилинарди. Расулуллоҳ даврларида Қуръони каримни тўлиқ ёд олган саҳобалар сони ўттиз киши эди. Саҳобалар орасида ўқиши-ёзиши биладиганлари ҳам бўлган. Мадинага кўчиб келинганидан кейин саводхон саҳобийлар сони орта борди. Туширилаёттан оятлар сони ҳам ортиб бораётгани учун уни бирор нарсага ёзиб бориш эҳтиёжи туғилди. Тўрт чаҳорёр, шунингдек, саҳобийлардан Убай ибн Каъб, Муоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит ва Абу Зайдлар Қуръони карим оятларини мунтазам ёзиб боришар эди. Расулуллоҳнинг умуман қирқ тўрт нафар ваҳий битиб берувчи котиблари бўлган. Шундан энг машҳур ўн тўрт нафари навбати билан котиблик қилишган.

Ваҳий нозил бўлганида Пайғамбар алайҳиссалом дарҳол уларга имло қиласар эдилар, агар ҳозир бўлишмаса, одам юбортириб чақириб олиб келардилар. Котиб ёзиб бўлганидан кейин ўқитиб эшитардилар. Демак, Қуръони каримнинг ҳар бир ояти Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларида ёзиларди, шу ернинг ўзида Сарвари олам қайси оят қайси оядан сўнг қўйилишига ишорат қилиб, оят ва сураларнинг тартибини ҳам белгилаб берар эдилар. Одатда котиблар оятлар ва сураларни хурмо дараҳти баргидан маҳсус ишлов берилган варақаларга, япалоқ тошларга, тахтачаларга, ҳайвон терисига, курак суякларига ва ёзса бўладиган бошқа ясси нарсаларга ёзишарди.

Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан сўнг, милодий 642 йили (ҳижратнинг 12-йили) Ислом учун бўлган жангларда кўплаб мураттаб қориларнинг шаҳид бўлишлари туфайли Қуръон оятларини тўплаб, бир ерга жам қилиш эҳтиёжи туғилди. Бу иш Абу Бакр Сиддиқ (розийаллоҳу анҳу) халифаликлари даврида йигирма уч ёшли ваҳий котиби Зайд ибн Собит томонидан амалга оширилди. Зайд ибн Собит Қуръонни ёд олган кишилардан хурмо япроқлари, терилар, япалоқ тошлар, курак суякларга битилган ёзувларни бирма-бир йифиб, Аллоҳнинг каломини бир жойга жам қилди.

Қуръони карим уч марта – Расууллоҳ алайҳиссалом замонлариди, Абу Бакр Сиддиқ ва ҳазрати Усмон розийаллоҳу анхұм даврларида жам қилинди. Биринчи ҳолатда оятлар суралардаги ўз ўрнига қўйиб, тартиби билан ёзилди, Пайғамбар алайҳиссалом янги тушган оят қайси сурадан эканини, қаерда туриши лозимлигини котибларга кўрсатиб турганлар. Иккинчи ҳолатда оят ва суралар тартибга солиниб, саҳифаларда жамъ қилинди, бу "Суҳуф" (саҳифалар) деб ном олди. Кишилар қўлидаги Қуръон ёзилган парчалар Расууллоҳ ҳузурларида ёзилганига икки гувоҳ келтирилгандагина текшириб қабул қилинди ва бир неча йилда жамланди. Учинчисида эса вақт ўтиши билан Ислом давлати чегаралари кенгайиб, кўп ҳалқлар мусулмонликни қабул қилди ва Қуръонни ўқишида турли келишмовчиликлар чиқа бошлади. Шунда давлат раҳбари Ҳазрати Усмон буйрги билан Абу Бакр давридаги саҳифалардан кийик терисига олтита нусха кўчирилди. Бу саҳифалар ягона қироат асосида Мусҳаф қилиниб, китоб ҳолида Макка, Шом, Куфа, Басра шаҳарларига юборилди, бир нусха пойттахт Мадинада қолди, Ином (бош) нусхани Ҳазрати Усмон ўзларига олдилар. Ана шу табаррук Мусҳафнинг бир нусхаси ҳозир Тошкентда сақланмоқда. Ягона Қуръони карим нусхасини тузишида Ҳазрати Усмоннинг хизматлари катта бўлган.

Расууллоҳ (сомаллоҳу алайҳи ва саллам) асрларидан сўнг Ислом тарихида биринчи бўлиб Қуръони каримга янгилик бўлмиш зъроб (ҳаракат) аломатларини олимлардан Убайдуллоҳ ибн Зайд ва Ҳажжож ибн Сақафийлар қўйишган. Кейинчалик Қуръони карим ҳарфлари ости ва устига ҳаракатлар қўйган киши араб тили наҳв қоидалари асосчиларидан Абул Асвад ад-Дуалий бўлди.

Қуръони карим маъноларини арабчадан бошқа тилларга таржима қилиш ва ўзга ҳалқларни ҳам Аллоҳ таоло сўзининг мазмунидан баҳраманд қилиш Ислом шариати буюрган ишлардан саналади. Ўтмишда айрим кишилар Қуръони каримни бошқа тилларга таржима қилиш мумкин эмас, деган даъвода бўлишса-да, кейинчалик Китоб мазмунини барча миллатларнинг мусулмонларига етказища унинг таржималарига эҳтиёж туғилди. Қуръони карим маънолари илк марта IX– X асрларда юонон ва сурёний тилларига таржима қилинди. Кейинчалик Китоб фаранг ва инглиз тилларига ҳам ўгирилди. Ҳозирги пайтда Қуръон маънолари жаҳондаги барча асосий тилларга ағдарилган.

Россияда Қуръони каримни тадқиқ қилиш ишлари дастлабига Оврупа олимларининг таржималарини ўгириш билан бошланди,

ўша пайтдаги барча русча таржималар фаранг тилидан амалга оширилди. Қуръони карим маъноларини илк марта 1716 йили Пётр Постников русчага таржима қилди. "Ал-Коран о Магомете или закон турецкий" деб номланган бу таржима Санкт-Петербургда 1716, 1790 йиллари икки марта нашр этилди. Қуръони карим маъноларининг М. Верёвкин қилган иккинчи таржимаси ҳам "Книга ал-Коран арабянина Магомеда" номи билан 1790 йили икки жилдли қилиб Санкт-Петербургда чоп этилди. Кейинчалик уни А. Калников инглизчадан, атоқли рус шоири Александр Пушкин ва олим К. Николай французчадан, Д. Богуславский бевосита арабчадан таржима қилишди.

XIX—XX асрларда Қуръони карим маъноларини рус тилига ўтириш бўйича ишлар янада кучайиб кетди. Қозон шарқ тиллари университети ректори, аслида миссионер бўлган рус шарқшуноси Г. Саблуков (1804—1880) Қуръони карим маъноларини таржима қилиб, 1877—1879 йиллари "Коран" номи остида икки жилдли қилиб бостириди. Унинг 1907 йилги нашрида ҳар саҳифада арабча матн, қаршисида русча матн берилган. .

Советлар даврида Қуръони карим ҳақида жиддий изланишлар олиб боргандарнинг энг эътиборлиси академик И. Ю. Крачковский (1883—1951) бўлди. Унинг арабчадан ўтирган ва ўлимидан сўнг 1963 йили чоп этилган "Коран. Перевод и комментария" китоби 1983 ва 1990 йиллари қайта нашр этилди. Булардан ташқари, Қуръони каримнинг Валерия-Имон Порохова қилган назмий таржимаси, М. Османов, Э. Кулиев ва бошқаларнинг таржималари ҳам бор.

Юртимизда ўша пайтларда Қуръони карим маъноларининг татарча таржималари кенг тарқалган. Қуръонни илк бор татар тилига таниқли дин ислоҳотчиси Абдуносир Қурсавий (1776—1812) таржима қилган, буларнинг бир неча вариантлари ҳозирда Қозон кутубхоналарида сақланмоқда. Кейинроқ Китобнинг нисбатан тўла таржимасини татар тарихчиси ва уламоси Ҳусайн Амирхонов (1814—1893) амалга оширди. 1910—1911 йилларда Қозонда татар уламоси ва шоири Муҳаммад Содик Имонқулининг (1870—1932) икки жилдли "Тасхилил-баён фит-тафсирул-Қуръан" (Қуръон тафсирини осонлаштириб тушунтириш) китоби нашр этилди. Йигирманчи аср бошларида шайхулислом Ҳамидийнинг "Ал-итқон фиттаржиматул-Қуръан" (Қозон, 1907 йил), Нўъмонийнинг икки жилдли "Қоръэн тафсире" китоблари ҳам нашр этилди, "Ал-Итқон"

Қозондан ташқари Қатар, Япония ва Туркияда ҳам чоп этилган.

Қуръони карим маъноларининг илк туркий (эски ўзбек тилидаги) таржимаси 1956 йилда Саудия Арабистонидаги ватандошимиз Олтихон тўра томонидан, замонавий ўзбек тилидаги биринчи таржимаси 1991 йили (ҳижрий 1412) ўзбек уламоси Алоуддин Мансур томонидан амалга оширилди. Бу таржима Ўзбекистон маънавий-маърифий ҳаётида катта воқеа бўлди. Аввал "Шарқ юлдузи" журналининг 1992—1993 йилги сонларида, кейинроқ "Чўлпон" ва Fafur Fулом нашриётларида миллионлаб нусхада чиқди. Кейинчалик шайх Мұҳаммад Содик Мұҳаммад Юсуфнинг "Ҳилол" тафсири ва алоҳида маънолар таржимаси, шайх Абдулазиз Мансурнинг "Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири" ҳам нашр этилди. Булардан ташқари, домла Мавлавий Ҳиндистоний, Маҳбубий-Марғилоний, Шамсиддин Бобохонов, Исматулла Абдуллаев ва бошқаларнинг бу соҳадаги уринишлари маҳсулни ҳам ўқувчиларга етиб борди.

Матбаахоналар пайдо бўлиши билан Қуръони карим 1640 йили биринчи бор Венецияда чоп этилди ва тўла босилиб бўлмай, каниса фармони билан йигиб олинди. Иккинчи марта Қуръон 1694 йили Гамбургда босмадан чиқди, 1698 йили Падў шаҳрида яна бир бор нашр этилди. Лекин бу нусхалар Ислом оламида тарқалмаган.

1787 йилда Петербургда мавлавий Усмон И smoil деган шахс томонидан мусулмон оламининг ҳаракати билан илк бор Қуръони карим чоп этилган. Бу воқеа ижобий баҳоланиб, шундан кейин Қозон, Эрон, Истанбул, Ҳиндистон, Лейпциг ва бошқа жойларда Қуръони карим чоп этилди. Аммо бу нусхалар хатолардан холи бўлмагани, расмий хатда ҳар хил ёзилиб қолгани учун мусулмонлар уларни қабул қилишмади.

Қуръони каримнинг ҳамма талабларга жавоб берадиган, Мусҳафи Усмон хатига мувофиқ ва мусулмонларга мақбул босмаси 1923 йили Қоҳира (Миср)да амалга оширилди. Бу нашр Миср подшоҳи Малик Фуод фармони билан "Жомиъул-Азҳар" дорил-фунуни уламолари томонидан бажарилди. Бу босмада Қуръони каримнинг аломати ва белгилари машҳур қироат устозларидан Ҳафснинг ривояти бўйича, Осим қироати асосида қўйилган. Бутун дунёдаги уламолар томонидан билиттифоқ энг мукаммал нусха, деб эътироф этилган бу нашрдан ҳозиргача Қуръони каримни кўпайтиришда фойдаланиб келинмоқда.

Тафсир (шарҳдаш, тушунтириш) илми Мұхаммад алайхиссалом ҳәётлик пайтларидаёқ пайдо бўлган, Расууллоҳнинг ўзлари Қуръони каримнинг энг биринчи муфассири эдилар. Саҳобийлардан Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит розийаллоҳу анҳум ажмаъинлар Қуръони каримни тўла ёд билибина қолмай, оятларнинг маъносини тўғри ва асрорлари билан тушунардилар. Айниқса, Абдуллоҳ ибн Аббосни Расууллоҳ "Қуръоннинг таржимони" деб атардилар.

Тобеъинлар замонида чиққан машхур муфассирлар Мужоҳид ибн Жабр ал-Маккий, Саъид ибн Жубайр, Ато ибн Рабоҳ ва бошқалар оғзаки ҳолда Қуръонни тафсир қилишган. Биринчи мустақил тафсир ёзган олим 149 ҳижрий санада вафот этган Абдул Малик ибн Журайдий эди. Мусулмон оламида Ибн Жарир Табарий, Амр ибн Касир, Жалолиддин Маҳаллий ва Жалолиддин Суютий, Собуний, Абу Ҳайён Андалусий, Иброҳим Қаттон, Мұхаммад Ҳурсоний ан-Найсабурий, Мұхаммад Тоҳир Ошур ва бошқа муфассирлар биттан тафсирлар ном чиқарган.

Муфассирлар Қуръони карим оятларини шарҳлашда асосан учта йўл тутишган:

1. Биринчиси "Тафсир бил-мансур" бўлиб, оятларнинг маъносини айтишда албатта Пайғамбаримиздан ёки саҳобалардан қилинган ривоят билан тавсифлаш керак. Яъни, ҳар бир оятнинг маъносини шарҳлашда ҳадис ривоят қиласандек ровийлар занжирини тўлиқ зикр қилиш ва мазкур оят ҳақида Расууллоҳ нима деган бўлсалар, ўша ҳадисни келтириш керак.

2. Иккинчиси "Ат-тафсиру бир раъй" деган йўл бўлиб, бунда муфассир ўз раъи ва ижтиҳоди билан тафсир қиласди. Бу ишга қўл урган олим ўз билими асосида, ислом тарихини яхши билгани ҳолда, Қуръони карим оятларининг нозил бўлиш сабабларидан огоҳ бўлиб, араб тилига бой, қоидаларига моҳир бўлган ҳолда тафсирга қўл уради.

3. Қуръони карим оятларини тафсир қилишининг учинчи йўли "Тафсирул ишора" бўлиб, бунда оятларнинг яширинган маънолари шарҳданади. Бу йўл тасаввуф йўлидаги муфассирларга хос бўлиб, ҳар кимга ҳам мұяссар бўлавермайди.

Мовароуннаҳрдан ҳам кўплаб машҳур муфассирлар етишиб чиққан. Ўша пайтларда Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Косон, Шош, Марв, Нисо, Урганч каби шаҳарларда илм-маърифат кенг

тарқалган бўлиб, айниқса, тафсир ва ҳадис илмида шуҳратли олимлар кўп эди. Бутун-бутун ўлкалардан бир, нари борса икки муфас-сир етишиб чиққани ҳолда Мовароуннахрнинг ҳар бир шаҳрида бир неча атоқди муфассир ёки муҳаддис ижод қиласан эди.

Мафкуравий душманларнинг маккорлиги ва хуружи кучайган ҳозирги давримизда Қуръони каримни ўқиш-ўрганиш, унга суюниш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва зарур бўлиб қолди. Чунки узоқ йиллик совет ҳукмронлиги даврида диний асосларидан узилган, Қуръон ва суннатдан узоқлашган, эътиқоди сусайган кишиларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун курашда душман барча усул ва имкониятларни ишга солмоқда. "Ғанимларимиз ўта маккор услугубларни қўллаётган, улкан маблағлар эвазига ахборот хуружини кучайтираётган даврда ҳалқимиз, айниқса, ёшларда миллий ва диний қадриятлар билан йўғрилган маърифатни камол топтириш уларни мустаҳкам эътиқодли, ватанпарвар кишилар қилиб тарбиялаш долзарб вазифага айланди".

Хуллас, дунёда давлатлар, ҳазоралар ва маданиятларнинг глобалашув жараёни кескин паллага кирган ҳозирги шароитларда ҳалқимиз ҳар қачонгидан огоҳ ва ҳушёр бўлиши, дўст ким, душман ким — яхши ажрата олиши, эътиқодини, имонини ҳамиша мустахкамлаб бориши, бу йўлда хориждан туриб хуруж қилаётган сохта мафкуралар ва асоссиз оқимларнинг сафсалаларига эмас, динимиз асоси бўлмиш Қуръони карим ва Суннати набавийя каби асл манбаларга суюниши керак бўлади. Демак, Қуръони каримнинг янги-янги қирраларини ўрганиш, уни янгидан кашф этиш ҳам давом этаверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

1. Қуръони карим (араб тилида), Мадина, ҳижрий 1406 йил.
2. Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий. "Тафсирун-Насафий", Байрут, "Дорул-китабил-арабий", 1982 йил.
3. Абул Фидо ибн Касир. "Тафсири Ибни Касир", 1–4 жилдлар, Байрут матбааси, 1969 йил.
4. Абул Фидо ибн Касир. "Фазоилул-Қуръан", Байрут, "Дорул-Андалус" матбааси.
5. Жалолиддин Суютий. "Ад-Дуррул мансур фи тафсирил маъсур".
6. Носириддин Абул Хойр Байзовий. "Анварут-танзил".
7. Жалолиддин Маҳаллий, Жалолиддин Суютий. "Тафсири Жалолайн", Истанбул, "Дорул-даъва".
8. Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Жарир ат-Табарий. "Жомиъул баён фи тафсирил-Қуръан".
9. Ибн Жарир ат-Табарий. "Тарихи Табарий", икки жилдли.
10. Абу Лайс Самарқандий. "Тафсиру Баҳрул-улум".
11. Мұхаммад Ҳусайн аз-Заҳабий. "Ат-тафсир вал-муфассирун", Қоқира нашри, 1961 йил.
12. Мұхаммад Али Собуний. "Раваиъул баян тафсиру аятил-аҳқам минал Қуръан", Байрут нашри.
13. Абу Мұхаммад Бағавий. "Маъалимут-танзил".
14. Алоуддин ал-Хозин. "Лубобут-таъвил фи маъонит-танзил".
15. Доктор Ваҳба аз-Зуҳайлий. "Тафсирул Мунир", Байрут, 1998.
16. Қуръони карим, маънолари таржимаси ва шарҳлар (муаллифи: Сайид Маҳмуд ат-Тарозий – Олтинхон тўра), Тошкент, "Фан", 2002 йил (иккинчи нашри).
17. Ибн Ҳишом. "Ас-сийра ан-Набавийя", икки жилдли, Тошкент, 2011.
18. Али ибн Аҳмад Найсобурий. "Асбабун-нузул", Тошкент, 2009.

19. Раҳматуллоҳ қори Обидов. "Қуръон, тафсир ва муғассирлар", Тошкент, "Мовароуннахр", 2003 йил.
20. Раҳматуллоҳ қори Обидов. "Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир", икки жилдли, Тошкент, 2005.
21. Шайх Муҳаммад Саййид Тантовий. "Қуръони карим қиссалари", икки жилдли, Тошкент, 2005– 2007.
22. Абу Ҳомид ал-Фаззолий. "Иҳёу улумид-дин", тўрт жилдли, Дамашқ.
23. Валерия-Имон Порохова-ар-Рушд. "Коран. Перевод смыслов", Москва, "Бук Чембер", 1991 г.
24. "Значение и смысл Корана". т. 1-4, Москва, "Сауримо", 2002 г.
25. Шайх Исмоил Маҳдум. "Тошкентдаги Усмон Мусҳафи тарихи", Тошкент, "Мовароуннахр", 1995 йил.
26. Шамсаддин Сомий. "Қомусул-аълом", Истанбул, 1978.
27. "Ислом дини" (мусанинифлар: Муҳаммадшариф Жуман, Аҳмад Муҳаммад), Тошкент, 2006.
28. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси". 12 жилд, Тошкент, 2006.
29. "Ислом" энциклопедияси. Тошкент, 2004.
30. "Энциклопедик лугат". 1– 2 жилдлар, Тошкент, 1988– 1990.
31. "Ислам". Энциклопедический словарь, Москва, 1991.
32. "Хрестоматия по Исламу". Москва, 1994.
33. А. Али-Заде. "Хроника мусульманских государств", Москва, 2004.
34. Ҳорун Яҳё. "Қуръон мўъжизалари", таржимонлар Ёқуб Умар, Асқар Шокир.
35. Морис Букай. "Таврот, Инжил, Қуръон ва ҳозирги илм" (рус тилида), Москва, 2001.
36. Доктор Абу Халил Шавқий. "Атласул-Қуръан", Дамашқ, 2001.
37. Усмон Нурий Тўпбош. "Маснавий боғчасидан бир кўза сув".
38. Ҳолуқ Нурбоқий. "Қуръони каримнинг илмий мўъжизалари", Тошкент, 2002.
39. Интернетнинг Islam.Ru, IslamNews сайтлари.

МУНДАРИЖА

МУАЛЛИФ СҮЗБОШИСИ	3
УЧИНЧИ ЖУЗ	7
ОЛИ ИМРОН СУРАСИ	7
ТҮРТИНЧИ ЖУЗ	85
НИСО СУРАСИ	176
БЕШИНЧИ ЖУЗ	199
ОЛТИНЧИ ЖУЗ	307
ҚҰРЬОНІ КАРИМ ҲАҚИДА (сүнгги сўз ўрнида)	338
ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР	349

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНАЛАРИ ИДОРАСИ

ТАФСИРИ ИРФОН

Қуръони карим маъноларининг
таржима ва тафсири

**3–4–5–6-ЖУЗЛАР
ОЛИ ИМРОН, НИСО СУРАЛАРИ**

*Таржима ва тафсир муаллифи:
Муфтий УСМОНХОН АЛИМОВ*

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2013 йил

Нашр учун масъул: Эркин Малик
Муҳаррир: Мирзо Кенжабек
Мусаввир: Аббосхон Турсунов
Техник муҳаррир: Раъно Бобохонова
Мусахҳиха: Шарофат Хуррамова
Саҳифаловчи: Закариё Турсунов

Нашриёт лицензияси: AI № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 06.03.2013 йил. Босишга рухсат этилди 10.06.2013 йил.
Бичими 70x100 1/16. Офсет босма. «Times» гарнитураси.
Шартли босма табори 29,0 Нашриёт-ҳисоб табори 26,7.
Адади 10000. Буюртма № 2901. Баҳоси келишилган нархда.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**